

У. Қўзиёв

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ
ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА
ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚЎЗИЕВ УМИДЖОН ЯНДАШАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА
ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ**

Монография

НАМАНГАН-2016

Кўзнев Умиджон Яндашалевич. Ўзбек тили изохли лугатларида ўзлашма сўзлар таҳлили – Наманган, 2016.- 168 б.

Масъул муҳаррир:

Искандарова Ш.,
филология фанлари доктори,
ФарДУ профессори

Такризчилар:

Ҳакимов М.,
филология фанлари доктори,
ФарДУ профессори
Улуков Н.,
филология фанлари доктори,
НамДУ профессори

Мазкур монографияда ўзбек лугатшунослиги тарихи, ўзлашма сўзлар, уларнинг лексикографик тадқиқи ўрганилган бўлиб, изохли лугатларда сўзларни семантик тавсифлаш арабий ва форсий ўзлашмалар мисолида ўрганилган, ўзбек тилининг икки жилдли (1981) ва беш жилдли (2006-2008) изохли лугатларида ўзлашмаларга берилган изохлар ўзаро таккосланиб, уларда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар борасида атрофлича фикр юритилган.

Монография олий ўқув юртлари филология факультети талабалари ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Мазкур монография Наманган давлат университети Илмий кенгашининг _____ йил _____ (№ -сонли баённома) йиғилиши қарори билан чоп этишга тавсия этилган.



КИРИШ

Ҳар қандай тил ички имкониятлар ва ташқи факторлар таъсирида ўсиб, ривожланиб боради. Бунинг натижасида тилда ўзгармаслик ва ўзгарувчанлик антиномияси амал қилади. Тилнинг лексик таркиби ўзлашма сўзлар ҳисобига бойиб боради.

Бир тилдан иккинчи тилга сўзлар бевосита ва билвосита олинishi мумкин. Билвосита ўзлашма сўзларнинг семантик тузилишида анчагина ўзгариш рўй беради. Асос тил билан олувчи тилдаги бундай ўзлашма сўзларнинг семантик структурасини қиёслаш уларнинг семик таркибидаги ўзгаришларни ва ўзгариш сабабларини илмий асосда ёритишга қулай асос яратади.

Шу билан биргаликда муайян ижтимоий-сиёсий шароит туфайли айрим ўзлашма сўзларнинг изоҳига субъектив ёндашув ҳам кузатилади. Айниқса, бу икки жилдли изоҳли луғатда диний сўзлар изоҳида намоён бўлди. Беш жилдли изоҳли луғатда эса уларнинг талқини тамоман ўзгарди.

Юқорида баён қилинган фикрлар икки ва беш жилдли изоҳли луғатларда ўзлашма сўзларнинг талқини мисолида янги луғатнинг бугунги лексикографик ютуқлардан қанчалик баракали фойдаланганлигини ёритиш нақадар долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Ўзбек тилшунослигида ўзлашма сўзлар борасида бир қанча ишлар қилинган. Ўзлашма сўзлар масаласи М. Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида ҳам кўзгатишган бўлиб, уларда туркий тилга ўзлашаётган сўзлар, уларни қўллаш борасидаги қарашлари акс этган. Аллома аждодларимиз инсон ўз миллий тилига ҳурмат билан қараб, уни ривожлантириш пайида бўлиш, тилнинг софлигига эътибор бериш, тил луғат бойлигини ички имкониятлар асосида кенгайтириш кераклигини таъкидлайдилар. XX аср бошларига келиб, жадидлар бу масалага яна қайтдилар. 1918 йил ташкил этилган «Чигатой гурунги» тилга сўз ўзлаштириш масаласига алоҳида эътибор берган.

Ўзбек тилига чет тилидан сўз ўзлашиши XX асрнинг ўрталаридан кенг тус олди. Ҳозирги ўзбек тилидаги ўзлашма сўзларни ўзида тўла акс эттирадиган манба 60 минг сўзни ўз ичига олган икки жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»дир. Бу луғат катта меҳнат эвазига дунёга келган ва лексемалар маъноларини ёритишда кўплаб иллюстратив материалларга

асосланган, пухта лексикографик тамойилга таянган луғат бўлиш билан бирга, совет воқелиги ва совет тил сиёсатини ўзида акс эттирган луғат ҳамдир. Шунинг учун унда акс этган сўзликнинг 40 фоизга яқини рус тилидан кириб келган лексемалардир. Ана шуни эътиборга олган ҳолда, истиклол қўлга киритилиши биланок, ЎзРФА Тил ва адабиёт институти илмий жамоаси кўп жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни яратишга киришдилар.

Ўзбек тилида сўз ўзлашиши юзасидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган¹. Уларнинг айримларида сўз ўзлаштириш ҳозирги ўзбек тилининг умумий масалалари билан олиб борилган бўлса, бошқаларида бевосита сўз ўзлаштириш масаласининг ўзи ёритилган.

Шўролар даврида ўзбек луғатчилиги билан боғлиқ қатор тадқиқотларда ўзлашма сўзлар изоҳига эътибор қаратилган. Бирок бу асарларнинг айримлари яратилган пайтда ҳали ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғати ҳам майдонга келмаган эди. Шунинг учун уларда ўзлашма сўзларнинг лексикографик талқинига амалий эҳтиёж йўқ эди. Ўзбек тилшунослиги тарихида иккита изоҳли луғатнинг яратилиши уларни лексикографик нуқтан назардан қиёслаш эҳтиёжини туғдирди.

Ушбу монографияда тадқиқотчи ўзлашма сўзларнинг ўзбек тили лексикасидаги мақоми, уларнинг лексик-семантик гуруҳлари, ўзлашма сўзлар семантикасидаги ўзгаришлар, икки жилдли ва беш жилдли луғатларда лексемалар изоҳидаги фарқли жиҳатлар ва уларнинг сабаблари очиб беришга интилган.

¹ Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит. - Изв. Узб. Филиала АН СССР, 1940, № 2; Решетов В.В. Лексический состав современной узбекской прессы. - В кн. Проблемы языка 1. - Ташкент, 1934; Боровский А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. - Ташкент 1940; Абдуллаев Ф.А. К некоторым вопросам лексики узбекского языка. - Труды ИЯЛ АН УССР, 1. - Ташкент, 1949; Хамдамов Ж. Из истории русского языка в обогащение лексики узбекского языка (вторая половина XIX века). АКД. - Ташкент, 1963; Юсупов К. Узбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. - Тошкент, 1974; Гулямова Ш. Русские лексические заимствования в узбекском языке. - Ташкент. Фан, 1985; Кодирова Ш.С. Семантико-стилистический анализ заимствований в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001 гг. (на материале газет и устной речи). Дис. канд. филол. наук. - Ташкент, 2001. - 167 с.; Антонова О. П. Семантика узбекских заимствований русскоязычных художественных произведениях писателей Узбекистана. Дис. канд. филол. наук. - Т. 1998. - 243 с. ва бошқ.

ЎЗБЕК ЛУҒАТЧИЛИГИ ТАРИХИ

I.1. ЎЗБЕК ЛУҒАТШУНОСЛИГИ: ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.

Давр ўтиб бораркан, жамият ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда тилнинг луғат таркибида турли жараёнлар содир бўлади. Сўз ва сўзшакллар пайдо бўлади, фаоллашади ва аста-секин қўлланишдан чикиб кетади. Уларни саралаб олиш ва адабий тилда муқим ўрнига эга бўлишида луғатлар ва луғатшуносликнинг ҳам ўрни бекиёсдир.

“Аждодларимиз тафаккури ва дахоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, дехқончилик ва бошқа соҳаларга оид кимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бундай катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”.¹

XIX асрнинг 60-йилларида Э. Литтре француз тилининг катта луғатини чоп эттирганда, машҳур адиб Э. Золя луғатни “француз цивилизацияси тарихига қўшилган хисса” деб баҳолаган эди². Дарҳақиқат, луғатлар миллатнинг илмий ва тафаккурий тараққиётини кўрсатиб берувчи бир воситадир. Зеро, луғатлар миллат тўплаган билимларни жамлаш, тартибга солиш, маълум халқни ўрганиш ва умумий баҳо бериш каби қўшимча функцияларга ҳам эга.

Амалий лексикография (луғатчилик) ҳам луғат тузиш баробарида бир қатор ижтимоий муқим вазифаларни бажаради: ўз ва ўзга тилларни ўрганиш; она тилини тавсифлаш ва меъёрлаш (изоҳли, имло ва бошқа турдаги луғатлар ёрдамида); тиллараро алоқа-муносабатни таъминлаш (икки ва кўп тилли луғатлар, сўзлашгичлар); муайян тил лексикасини илмий ўрганиш (этимологик, тарихий луғатлар) кабилар³. Тилшуносликнинг бошқа бўлимлари ривожда ҳам лексикография ва лексикографик тадқиқотларнинг хиссаси катта бўлган. Сўзларни изоҳлаш

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. Т. Маънавият, 2008. 30-31-б.

² Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. - Москва, 1989. С.8

³ Малвалиев А. Ўзбек лексикографияси тарихидан (қўлетма луғатлар). Ўзбек тили ва адабиёти, 2008. 2-сон. - 38-бет

жараёнида морфология, синтаксис, сўз ясалиши, лексикология каби сохалар ютуқларидан самарали фойдаланиш баробарида лексикография уларга бир қанча натижаларни берди. Ўзбек луғатшунослиги манбаларга бойлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ҳам луғатшунослик борасидаги тадқиқотлар ҳам талайгина¹.

Ўзбек луғатшунослигининг юзага келиши ва тараққиёти қарийб ўзбек тилшунослиги билан бир даврдан бошланади. Чунончи, ўзбек (туркий) тили бўйича илк илмий манбалардан бири М. Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ҳам қимматли луғатлардан саналади. Бу асар ўзбек лексикографиясининг тараққиётига тамал тошини қўйди, кейинги даврларда ҳам бу соҳада катта ютуқларга эришилди ва эришиб келинмоқда.

Илмий адабиётларда ўзбек луғатчилиги тараққиёти бир қанча босқичларга бўлинади:

1. XI-XIII аср луғатчилиги.
2. XV асрдан 1862 йилгача бўлган давр луғатчилиги.
3. 1878 йилдан 1917 йилгача бўлган давр луғатчилиги.
4. 1926 йилдан кейинги давр луғатчилиги.²

Шунингдек, кейинги даврлардаги соҳада эришилган ютуқлар, миқдор ва сифат ўзгаришларига асосланиб, истиқлол даври луғатчилиги босқичини ҳам ажратишимиз мумкин.

Ўзбек луғатчилигида луғатларнинг асосий қисмини таржима луғатлар ташкил қилади. Таржима луғатларида бир тилнинг (таржима қилинаётган тилнинг) луғавий бирлигига бошқа тилнинг маъно жиҳатдан тўғри келадиган эквиваленти берилади, ўзга тилнинг луғавий бирлиги таржима этилади. тавсифланади³. Дарҳақиқат, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, айниқса, глобаллашув ва интеграллашув жараёнлари таржима луғатларнинг доимий яратилиши ва янгилашиб боришини такозо қилади. Таржима луғатлар турли хил луғавий бирликларни камраб олиши мумкин. Шу туфайли ҳам уларда терминлар, иборалар, мақоллар сўзликка тортилиши, тиллар миқдори кўпайиши (Исҳоқхон тўра Ибротда еттита

¹ Хусанов Н. Лексикографическая характеристика словаря Шейха Сулеймана Бухари «Луғати чигатойи ва турки усмони»: Автореф. дисс. канд. филол. наук. Т. 1982; Д. Махаммадалиев Х. М. "Гисс-ул луғат" ва ундаги туркий катлам. Филол. фан. номз. дисс. автореф. - Т., 1988; Ибрагимова А. Исследование «Келурнаме» Мухаммеда Якуба Чинги. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Т., 1976; Хамидов З. Луғатшунослик тарихи ва кўлема луғатлар - Т. Адолат, 2004.

² Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент: Фан, 1981 - 294-297-бетлар.

³ Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили I-қисм. - Т.: Ўқитувчи, 1980. Б. 448, 151-б.

тилгача), луғатларда сўзликнинг тартибланиши фаркига кўра бошқа турдаги луғатларга яқинлашиши мумкин. Худди шу ҳолат таржима луғатлар турларини ва микёсини кенгайтиради. Турли хил сўзлашгич, справочниклар ҳам шу типдаги луғатлар сирасига киради.

Айрим луғатлар грамматик очеркларга эга бўлиб, луғатлар аслида туркий тилга умумий изох берувчи асарларнинг катта ҳажмли қисми ҳисобланади (масалан, “Муқаддимат ул-адаб” “Луғати чигатойи ва турки усмоний”, “Санглох” каби).

Луғатчилигимизнинг илк даврида арабча ва туркийча сўзлар чоғиштириши ва луғатларнинг асосан қомусий характерга эгаллиги муҳим аҳамиятга эга. Маҳмуд Кошғарий ўз луғатининг амалий аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, туркийлар Осиёнинг катта қисмида ҳукмронлик қилиши, араб халифалигининг сезиларли қисми туркийлар қўли остида эканлигини ҳисобга олиб соғлом ақл туркий тилни ўрганишни такозо қилишини айтиб ўтади¹.

XVI-XIX асрда яратилган луғатларда, биринчидан, Навоий асарлари тилининг етакчилиги яққол сезилиб туради. Муаллифлар бунда икки хил йўлдан борганлар: 1) Навоий асарлари асосида, унинг ижодини тушуниш мақсадида луғат тузиш; 2) ўзбек (чигатой) тилини ўрганиш мақсадида луғат тузиш ва иллюстратив мисол сифатида Навоий шеърларидан иктибос олиш. Иккинчи қизиқарли жиҳат - ўзбекча (чигатойча) таржима луғатларининг кўпчилиги бошқа миллат вакиллари томонидан тузилганлигидир. Буни икки уч хил сабаб билан изохлаш мумкин: 1) Навоий даҳоси ва ижодига бўлган қизиқиш; 2) сиёсий мақсадлар, ўзаро дипломатик алоқаларда туркий тил заруриятини ҳисобга олиш; 3) аслида туркий бўлган шахсларнинг ўз бобо тилларини саклаб қолишга бўлган интилиши: “Луғати туркий” XVIII аср охирида Ҳиндистонда бобурий ҳукмдор Аврангзеб топшириги билан Фазлуллаҳон барлос томонидан тузилган бўлиб, бобурийларнинг ўз она тилларини саклашга уриниши, авлодларга она тилини етказишга интилиши сифатида баҳолаш мумкин. Учинчидан, луғатчиликнинг илк давридан фарқли равишда, туркий тил ва форсий тиллар чоғиштирилиши етакчилик қилади.

XX аср луғатчилигига назар ташласак, таржима луғатлар асосан рус тилига йўналганлиг гувоҳи бўламиз. Мустақиллик даврига келиб эса

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 1 том. Тошкент, 1960. - 43-45-бетлар

инглиз, немис, турк ва бошқа тиллар кўшилиб, бу доира янада кенгайди. Шўро даврида луғатчилигимиз ўз тенденция ва тамойилларига эга бўлди. Мафкуранинг таъсири кузатилса-да, бир канча соҳаларда кўзга кўринарли ютуқларга эришилди. Уларда йўл кўйилган камчиликлар эса бугунги кун нуктаи назаридан қайта баҳоланмоқда, илмийлик, холислик тамойиллари билан ёндашиб, айримлари бошқатдан нашр этилишга эҳтиёж сезмоқда¹.

Шунингдек, XXI аср талабларидан келиб чиқиб, умуман лексикографияда on-line луғатлар, луғат дастурлар яратиш кенг кулоч ёймоқда. Ўзбек луғатшунослиги жамиятнинг шу каби эҳтиёжларини кондириш мақсадида турли фан соҳалари, айникса, компьютер технологиялари йўналиши билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

¹ Қаранг: Умаров Ҳ. Муस्ताқиллик ва муаммо: ўзбек тили // *Til va adabiyot ta'limi*, №11,2011. 14-17-б. Шу муаллиф. Туркий сўзларнинг арунга тушиш сабаби // *Til va adabiyot ta'limi*, №2,2012. 86-88-б.

1.2. XI-XIII АСР ЛУҒАТЧИЛИГИ

Юртимиз Марказий Осиёдаги илм-фан, маданият ўчоқларидан бири ҳисобланса-да, бизгача асосан араб халифалиги даврида яратилган илмий асарларгина етиб келган. Ўзбек луғатчилигининг биринчи даврида асосан туркий ва арабий тил таржима луғатлари яратилган.

Улар орасида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Абулқосим Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» ва муаллифи номаълум «Ат-туҳфат уз-закия...» луғатлари алоҳида мавқега эга.

Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асари билан лексикография соҳаси ривожига катта ҳисса қўшди. Луғатни тузишда муаллиф алфавит тартибига риоя қилган, 8 бўлимнинг ҳар бирини отлар (исмлар) ва феълларга бўлиб чиққан, истеъмолдан чикиб кетаётган сўзларни киритмаган¹. Сўзларнинг кўп маънолилиги, шаклдошлиги, маънодошлиги масалаларига катта эътибор берган, ҳар бир сўзга морфологик тавсиф бериб чиққан. Муаллиф ёзади: “Мен бу китобни махсус алифбо (ажам ҳарфлари) тартибиди хикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган парчалар билан безадим, - деб ёзади Маҳмуд Кошғарий, - каттик жойларини юмшатдим, кийин ва коронги жойларини ёритдим. Сўзларни ўз жойига қўйиш, керакли сўзларни осонлик билан топиш учун бу иш устида бир неча йиллар машаққат тортдим. Ниҳоят, керакли сўзларни ўз жойида кўзлайдиган, кийинчиликсиз топа оладиган бир ҳолга келтирдим. Китобни саккиз асосий бўлимга чекладим:

1. Ҳамзалик (алиф билан бошланадиган сўзлар) бўлими.
2. Солим (таркибидан алиф, вов, ёй бўлмаган сўзлар) бўлими.
3. Музаф (бир ҳарфи икки марта такрорланган сўзлар) бўлими.
4. Мисол (бошида ёй бўлган сўзлар) бўлими.
5. Уч ҳарфли сўзлар бўлими.
6. Тўрт ҳарфли сўзлар бўлими.
7. Ғунналлар бўлими.
8. Икки ундош катор келган сўзлар бўлими.

Ҳар бир бўлимни отлар (исмлар) ва феъллар тарзида икки қисмга ажратиб бердим. Отларни олдин, феълларни эса отдан кейин ўз сирасига

¹ Муталлибов С. Маҳмуд Кошғарий Сўзбоши Девону луғотит турк. - Тошкент, 1963. - 28-бет

караб, бобларга ажратиб, ўз ўрнида олдинма-кетин кўрсатдим. Тушунилиши осон бўлиши учун асарда арабча истилохлар қўлладим”¹. Муаллиф сўзларнинг шевалардаги мукобилларини, уларнинг қўлланиш доирасини кўрсатади, шевага хос сўзларнинг қиёсий коидаларини яратади². Маҳмуд Кошғарий ўзлашма сўзлар муаммосига ҳам эътиборини қаратади ва тилнинг софлигини сақлаш тарафдори эканлигини намойиш қилади. Маҳмуд Кошғарий туркий тил бирликлари ва ходисаларини таърифлаш ва аташни уч турли йўл билан амалга оширган. Биринчи йўл арабий терминга туркий маъно беришдан иборат. Бу йўл моҳият жиҳатдан бир хил бўлиб, ҳажман ва шаклан бир-биридан фарқ қиладиган ходисаларга нисбатан ишлатилади. Бу ҳолда олим терминнинг луғавий маъносига асосланади. Масалан, араб фонетикада “ишба:ъ” терминси ҳаракатнинг ўз жинсдошидан бўлган харф даражасида, фатҳанинг алиф, дамманинг ва:в, касранинг йа: даражасида талаффуз қилиниши тушунилади. Маҳмуд Кошғарий бу терминни туркий унлиларнинг тилорка талаффузига нисбатан ишлатади³. Иккинчи йўл мавжуд арабий терминга сифат орттиришдан иборат. Масалан, “Девон”да араб тилида мавжуд бўлмаган товушларга нисбатан “сала:ба” (каттиклик), “рикка” (юшшоклик), “байна махражайн” деган терминлар ишлатилган. Учинчи йўл мазкур икки йўлдан фойдаланиб бўлмайдиган ҳолга янги терминларни яратишдан иборат. Масалан, “ка:фий” ва “ка:фий” шундай терминлардан. Туркий тилларда сингармонизм (товуш уйғунлиги) билан боғлиқ калинлик ва ингичкалик бор. Маҳмуд Кошғарий калин ўзак ва қўшимчаларни “кафий” деб, ингичкаларини “ка:фий” деб атайти... Кошғарийнинг мазкур терминларидан Маҳдийхон ҳам ўзининг “Санглох” асарида фойдаланади⁴.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Мукаддимат ул-адаб” асари беш қисмдан иборат: от, феъл, боғловчилар, от ўзгаришлари, феъл ўзгаришлари. Асарнинг исмлар, феъллар қисми луғат тарзида тузилган ва қолган қисмларга нисбатан ҳажман катта бўлган. Асар гарчи араб тилида ёзилган бўлса-да, ўзбек лексикографиясининг ривожланишида катта мактаб

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 1 том -Тошкент, 1960. - 44-45-бетлар

² Болтабоев Х. Ўзбек филологиясининг ибтидоси. Тил ва адабиёт таълими. 2009. 9-сон - 72-бет.

³ Рустамова Салима Алибековна. Маҳмуд Кошғарий луғатининг лексикографик ҳусусиятлари. Фил. фан. номз. Т. 1998. УДК 809327 - 3 P-92. -92-93-бетлар.

⁴ Рустамова Салима Алибековна. Маҳмуд Кошғарий луғатининг лексикографик ҳусусиятлари. Фил. фан. номз. Т. 1998. УДК 809327 - 3 P-92. -93-бет.

вазифасини ўтади¹. Олимнинг “Ал фоиқ фи ғариб ил-хадис” луғати ва “Асос ул-балоға” асарлари ҳам айнан луғатшунослик масалаларига бағишланган бўлиб, сўзларнинг маъноси, кўчма маънолилик, тушунилиши кийин бўлган сўзларни ўрганиш асосий мақсад қилиб олинган².

“Муқаддимат ул-адаб” араб, форс, турк ва мўғул тилларида бўлган. У “Луғати Хоразмшоҳий” деб ҳам аталади. Ўзбек тили лексикасининг XI-XII асрлардаги ҳолатини ўрганишда “Муқаддимат ул-адаб” луғатининг аҳамияти каттадир³. Бу ҳақда Садриддин Айний 1921 йили “Меҳнатқашлар товуши” газетасига ёзган мақоласида “Бу китоб ўзбек тили учун бутун дунёнинг хазинаси билан баробардир” – деган эди⁴ (С. Айний бухоро мактублари 1921). Асар Й. Г. Ветштейн (1843-1850), Н.Н. Поппе (1938), Зайанчковский, В.В. Бартольд, Ф. Абдуллаев, М. Ҳакимжонов каби олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, немис олими Й. Г. Ветштейн (Ватзастайн) асарнинг киёсий матнини тузиб, 1850 йилда Лейпцигда нашр эттиради⁵. Ф.Й.Абдуллаевнинг “Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб”асари ва унинг тили ҳақида” мақоласи⁶да луғатнинг умумий характеристикаси билан бирга, туркий қисмдаги сўзлар бўйича чуқур кузатишлар ҳам киритилган. Унда “Тафсир”, “Қисаси Рабғузий” каби манбалардан олинган мисоллар муқояса қилиниб, киёсий-тарихий характеристика берилган⁷.

Мазкур илмий асарларни кўзда тутган ҳолда, XI-XIII аср луғатларининг умумий хусусиятларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Мазкур луғатларда араб луғатшунослиги ютуқларидан унумли фойдаланилган.

2. Уларда ўзбек луғатшунослиги, шунингдек, фонетика, лексикология ва грамматикаси бўйича дастлабки илмий қарашлар берилган.

¹ Бу ҳақда қараңг Уватов У Маҳмуд аз-Замахшарий - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси институти, 1995. Исломов З. Муқаддимат-ул-адаб. - Т.: Ислом университети, 2002. Шу муаллиф. Муқаддимат-ул-адаб - Хоразмлик буюк аллома - Т.1998. Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарий асарларининг тошбосма нусхалари хусусида // Til va adabiyot ta'limi, №6,2010 56-64-б.

² Яна қараңг Қориев Ў Халислар учун луғат // Шарқ манъали, 1996 №1-2

³ Қараңг Рустамов А Маҳмуд Замахшарий - Тошкент, 1971. Аширбеков С Фитрат Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” асари ҳақида//ЎТА, №6, 1996 26-28-бетлар

⁴ Қараңг Ҳакимжонов М Ю Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимату-л-адаб” асаридagi арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили //Исмлр” ДД Тошкент 1994 207 бет 2-бет

⁵ Қараңг Уватов У Маҳмуд аз-Замахшарий - Тошкент, 1995 64-бет

⁶ Абдуллаев Ф. Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” асари ва унинг тили ҳақида//ЎТА №4,1978, 94-б

⁷ Ҳакимжонов М Ю Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимату-л-адаб” асаридagi арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили //Исмлр”/НД. Тошкент, 1994 207 бет 5-бет.

3. Мазкур луғатлар қомусий характерга эга: тилшунослик, тарих, фольклор, топонимика, география, астрономия каби соҳаларга оид қимматли маълумотлар ҳам беради.

4. Қиёсий-тарихий метод илк бор қўлланди. Кўпгина туркий тиллар бир-бири билан солиштириб чиқилган.

5. Луғат тузиш тамойиллари, аънаналари шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

6. Мазкур луғатлар туркий тиллар тарихий грамматикасини яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

7. Луғатлар илмий асар сифатида кириш қисмга ҳамда сўзлик тартибида ўзига хос аънаналарга эгалиги билан ажралиб туради.

8. Айримларида мавзуй-идеографик луғатлар яратиш бўйича илк қадамлар қўйилган. Жумладан, «Муқаддимат ул-адаб» да отлар мавзуй гуруҳларга бўлинган ҳолда берилган.

9. Ушбу луғатларнинг амалий аҳамияти ҳам катта. Биринчидан уларнинг лексикографик томондан ўрганилиши араб лексикографияси традицияларини тўларок ёритишга имкон берса, иккинчидан, «Муқаддимат ул адаб»нинг тематик усул бўйича тузилганлиги шу турдаги замонавий луғатларни тузиш учун яхши тажриба бўлади¹.

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний «Сайдана» асарида 4500 дан ортиқ арабча, юнонча, сурийча, форсча, хоразмийча, сўғдча, туркча ва бошқа тиллардан ўсимлик, хайвон, дориворлар номларини тўплайди ва изоҳлайди. Муаллиф асарда доривор моддалар номини араб алифбоси тартибида жойлаштиради. Бир ҳарф билан бошланувчи бир неча сўз бўлса, улар шу ҳарф бобида ички алфавит асосида берилади. Мазкур луғат ҳам изоҳли, ҳам таржима, ҳам этимологик, ҳам диалектологик луғат сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир².

Юқоридагилардан озикланган ҳолда, XIII-XIV асрлардан ўзбек луғатшунослиги мустақил ривожлана бошлади. Туркий тилга кизикишнинг натижаси ўларок, «Таржумони турки ва ажами ва мўғули ва форси» (XIII-XIV), Абу Хайённинг «Китоби ал-идрак ли-л-исан ал-атрак» (XIV) луғатлари ҳам яратилди.

¹ Ҳакимжонов М. Ю. Маҳмуд Замашарийнинг «Муқаддимату-л-адаб» асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таслиди «Исмлар» Фил. фан ном. илм. дар. ... диссерт. Тошкент, 1994. 8.833 ф.кд. Дисс. 2516. 207 бет - 2-бет.

² Расулов Р. Умумий тилшунослик - Тошкент, 2005 - 34-бет.

1.3. НАВОИЙ АСАРЛАРИ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ЛУҒАТЛАР

Луғатшунослигимизнинг 2-даврига оид луғатларни кўздан кечиран эканмиз, уларнинг бирмунча мукамаллашгани ва мазмун-мавзу доираси кенгайганлигини кўрамиз. Мазкур ҳолат луғатлар муаллифларининг етук илм соҳиблар эканлиги ва ўзбек луғатшунослиги мустақил, тараққий этаётган соҳа сифатида юзага келиб улгурганини англатади. XV аср ўзбек тили луғатчилигининг тўлиқ маълумотлари, ундаги сўзлар изоҳи, матнлар шарҳи, этимологик кузатишларни Алишер Навоий асарлар мисолида кўрамиз. Хусусан, унинг “Муҳокамат ул - луғатайн” асарида туркий сўзлар шарҳи, уларнинг ўзак ва қўшимчалари таҳлили, шунингдек, омонимик ва синонимик қаторлар илмий тавсифи берилган¹. Мазкур кузатишлар луғат тузишда ва сўзларнинг мукамал изоҳланишида муҳим аҳамиятга эга.

Алишер Навоий ўзига хос араб тили луғатини ҳам яратган. Луғат «Сабъату абхур» (“Етти денгиз”) деб номланиб, номи Навоий етти манбадан фойдаланганлигига ишора қилади: Биринчи манба - Куръони карим, иккинчи манба - ҳадиси шариф, учинчи манба - араб адабиёти, ва бошқалари унғача яратилган араб тили луғатларидир. Навоий бу луғатни яратишда Фирузабодий (1326-1414)нинг “Комус ул-муҳит” луғатидан кенг фойдаланган. Навоийнинг бу луғати 28 бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб 28 та фаслга бўлинган. Мазкур луғатдаги сўзлар охирги ҳарфларига қараб жойлаштирилган. Аввал охирги битта ҳарфига қараб, кейинги фаслда охирги иккита ҳарфига қараб сўзлар жойлаштирилган. А. Навоийнинг бу луғатида 60 мингдан ортиқ арабча сўз жамланган бўлиб, муаллиф ўзидан кейинги ижод қилувчи шоирларга қофия топиш осон бўлиши учун тузган. А. Навоий бу луғатни ниҳоясига етказа олмаган, луғат қоралама шаклида қолган. Асар нашр этилиб, етарлича ўрганилмаган². XVII асрда туркиялик луғатшунос олим Манниний 20 йиллик умрини ана шу луғатни тартибга солишга бағишлаб, окка кўчириб китоб шаклига келтирган. Унға бу ишида Туркиядаги Куня шаҳри ҳокими ҳомийлик қилган. Узоқ йиллик ҳаракатдан кейин луғатнинг олти нусхаси яратилган. У ҳозир Аё София, Тўп Копи кутубхоналарида сақланади. Ўзбекистонда ҳам луғатнинг икки нусхаси

¹ Ҳамидов З. Убайдуллаев А. Луғатлар тарихидан ўтказилган адабиёт таълими. 2004, 6-сон. - 71-бет

² http://www.navoi.uz.uz/content/about/about_alisher_navoi

мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор. Луғатда 60 мингдан ортик арабча сўз жамланган¹.

3. М. Бобурнинг “Бобурнома” асарида нутқ маданияти, топонимик кузатишлар билан бир қаторда, луғатшуносликка оид жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Биринчидан, тизимли бўлмаса-да, бир қанча сўзларнинг этимологияси борасида кимматли фикрлар билдиради. Жумладан, *Олачахон*, *Ламгон*, *бўтака* кабилар изоҳида муаллифнинг тилшунос сифатидаги қобилияти кўзга ташланади. Иккинчидан, Бобур Ҳиндистон воқеалари ҳақида фикр юритар экан, Ҳиндистоннинг ўсимлик, ҳайвонот олами, табиати ва одатларини батафсил изоҳлайди. Айрим ўринларда номланиши борасида бошқа тилларга қиёслаш ҳолатлари кузатилади.

Бобур номларни қуйидагича мавзуй гуруҳларга бўлади: ҳайвон номлари, парранда номлари, сув ва сув ёқаларида юрадиган қушлар номлари, сув ҳайвонлари номлари, наботот номлари, гул номлари, фасл номлари, кун номлари каби. Шунингдек, 1993 йилда проф. Э.Умаров томОнидан АҚШнинг Индиана университетидан келтирилган қўлёзмалар фотонусхалари ичида “Мубаййн” асари қўлёзма нусхаси ҳам мавжуд бўлиб, асар охирида луғат ҳам берилган². Ушбу луғат Бобурга тегишлими ёки кейинчалик яратилганми, бу ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Х. Вамбери, В.В. Вельяминов-Зернов, А.К. Боровков каби Оврўпо олимлари илк бор ўзбек тилшунослигининг узвий қисми бўлган «Бадойи ал-луғат», «Санглох», «Луғати атроқия», «Хулосайи Аббосий», «Мунтахаб ал-луғат», «Абушка» каби манбаларга илм аҳли диққатини тортдилар. Улар XX аср 60-йилларидан бошлаб луғатшунослик нуқтаи назаридан изчил ўрганила бошланди³.

XV-XIX асрларда яратилган луғатларнинг аксар қисми Навоий ва атоқли шоирлар асарларига асосланган. Ҳусайн Бойқаронинг топшириги билан 1500 йилда Толи Ҳиравий томонидан тузилган “Бадойи ул-луғат” асари Навоий асарлари асосидаги илк луғат ҳисобланади.

¹ http://www.tdsh.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=205&Itemid=128

² Мирзаев Г., Хайитметов А. Олимининг ноёб тухфалари // ЎТА, 1993, №5 - 72-74-б.

³ Фаттахов Х. Муҳаммад Ризо Хансар и его «Мунтахаб ал-луғат»: АҚД - Т., 1974; Кадыров Т.Ш. Филологические исследования словаря «Хулоса-и Аббоси» Мирзы Мухаммада Хойи. АҚД - Т., 1988; Умаров Э.А. Грамматика старобузбекского языка «Мобани ал-луғат» Мирзы Мехдиана. АҚД - Т., 1967; Мухитдинов К. «Санглох» Мирзы Мухаммада Мехдиана. АҚД - Т., 1971; Умаров Э.А. «Бадойи ул-луғат» и «Санглох» как лексикографические памятники и источники изучения старобузбекского языка XV-XVIII вв. АҚД - Т., 1989; Хасанов Б.Р. Принципы составления... - Т., 1989; Фозилов Э.Н. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. - Т., 1969 ва бошқ.

XVI асрда усмонли турк тилида яратилган “Абушқа” луғатида 2000 та сўз бўлиб, муаллиф асосий луғавий бирликларни ажратиб олмай, ҳар хил грамматик шакллардаги сўзларни алфавит тартибида бериб боради. Алфавит тартиби фақат бошланғич икки товушга тегишли холос. Ҳарфиға кўра бирлаштирилган сўзлар “боб”ларга ажратилади. “Боб”лар эса биринчи бўғиндаги ундошга қандай унли кўшилиб келишига кўра уч қисмга бўлинган: 1) боб ал-мафтуҳат (биринчи бўғин а, ғ билан тугаган сўзлар): *тамшымақ, тала, майруқ, мах*; 2) боб ал-максурат (биринчи бўғин и, ы, э билан тугаган сўзлар): *сыгнақ, киз, бэл, бийа*; 3) боб ал-мазмумат (биринчи бўғин о, о:ў билан тугаган сўзлар): *чупчуқ, жонг, толга, қуванмадим*¹. Сўзларнинг луғатда бундай жойлаштирилиши “Луғати атроқия”да ҳам учрайди.

Асарнинг қимматли томони шундаки, чигатойча-туркча деб аталган бу луғатда умумга тушунарли бўлмаган сўзларнинг кўчма маънолари ва маъно оттенкалари изоҳланади. Шунинг учун у баъзи сўзлар семантикасини ўрганишда ишончли материал бера олади².

Назар Али Саййиднинг “Навоий асарлари луғати” яқинда топилган бўлиб, луғат Навоий, Лутфий, Мир Ҳайдар асарларида учровчи туркийча сўзларнинг форс-тожикчага таржимаси кўринишида. Мукаддимада ўзбек тилида сўз ясалиши, шунингдек, луғатнинг аввалида шаклдошлик ва кўп маънолилиқ ходисаларининг ўзбек тилидаги ўрни борасида қимматли фикрлар билдирилган, мисоллар келтирилган. Луғат идеологик луғат характерига эга бўлиб, иккинчи фаслда кариндошлик терминлари изоҳланган: оға – биродари бузруг, ини – биродари кўчак, эгачи – хохари бузруг, сингил – хохари кўчак, ётлиғ – духтар, бўта – фарзанд. Ундан сўнг тана аъзолари келтирилган: энгак – занухдон, кўксук – сийна, манглай – пешона, тиз – зону, эрн – лаб, тиш – дандон³.

XVII асрда ёзилган Мухаммад Яъқуб Чингийнинг «Келурнома» асари ҳам таржима луғат (ўзбекча-тожикча) характерига эга. Асар 15 бобдан иборат бўлиб, бир неча фаслларга бўлинган. Дастлабки ўн тўрт бобда 400 дан ортиқ феълнинг турли хил шакллар парадигмаси алфавит тартиби билан берилади. Натижада уя луғатнинг намунаси вужудга

¹ Хасанов Б. Принципи отбора и расположения слов в рукописных словарях к произведениям Навоий. Адабий мерос. 3(49), 1989 - 35-бет

² Гурзунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи – Тошкент, Ўқитувчи, 1982. – 110-бет.

³ Умаров Э. Янги аниқланган Навоий луғати – Ўзбек тили ва адабиети, 2009, 1-сон. – 94-бет.

келади¹. Энг сўнги 15-боб эса мавзуй (идеографик) луғат бўлиб, сўзлар 9 мавзуй гуруҳга ажратиб берилади. Ҳар бир фаслида маълум мавзуга оид жами 1300 та сўз берилган: “Осмон”, “Ер”, “Қушлар”, “От ва эгарланадиган ҳайвонлар”, “Одам жисми аъзолари” каби. Инсон организмга оид фаслида сўзлар қуйидаги тартибда берилади: *баш – сар, мия – мағиз, сач – мўй, қаш – абрў, манглай – пешана, кўз – чаши, қулақ – гўш* каби². Муаллиф луғатни тузишда Ҳиндистоннинг туркий тилли аҳолисининг жонли тилидан кенг фойдаланган³.

Мирза Мехдихон “Санглох” номи билан машҳур бўлган луғатини XVIII асрнинг ўрталарида (1760 йилда) яратди. Эски ўзбек тилидаги 8000 сўзни ўз ичига олган бу улкан асар икки қисмдан иборат: 1. Грамматик қисм; 2. Луғат.

Асарнинг грамматика қисми “Мабони ул-луғат” деб аталади. Мирза Мехдихоннинг бу грамматик очерки эски ўзбек тилининг ўтмишда яратилган энг мукамал тасвири ҳисобланади. Очеркда дастлаб туркий тилларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилади.

Грамматик очерк олти мабнодан (бўлимдан) иборат. Ҳар қайси мабно эски ўзбек тили грамматик тузилишининг бирор томонини ёритади.

Мирза Мехдихон асарининг луғат қисми “Санглох” деб номланган. Форсча санг сўзи “тош” деган маънони ифодалайди. Санглох (тошли ер) мажозий ифода бўлиб, форслар учун тушунилиши кийин бўлган туркий (эски ўзбек тилига оид) сўзлар тошлок, тошли ерга ўхшатишган. “Санглох”да Алишер Навоийнинг йигирмадан ортиқ асарларидан, шунингдек, Лутфий, Бобур, Ҳусайн Мирзон, Али Усмон, Саъиддин Сафойи Румий каби адибларнинг асарларидан мисоллар ҳам келтирилган⁴. Луғат йигирма тўрт бобдан иборат. Баъзи бобларда атиги тўрт бешта сўз берилган бўлса, баъзи бобларда мингдан ортиқ (хатто икки минггача) сўз берилган. Луғатда, сўзлар билан бир қаторда, кўплаб тургун бирикмалар, фразеологик ибора ва составли терминлар ҳам изоҳланган. Грамматик очерк қисмида грамматик шакллар параллел равишда турк (усмонли турк) ва озарбайжон тилларидаги шаклларга киёслаб борилади, талаффузи ҳам келтирилади. Бунда Фузулийнинг асарларига кўп мурожаат қилинади.

¹ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 105 бет.

² Гурезнов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 111-бет.

³ Муҳаммад Якуб Чинги. Келур-наме. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 11

⁴ Навоий асарлари тилининг изоҳли дугати (Э. Фозилов раҳбарлигида) 4 томлик. 1 том. – Тошкент: Фан, 1983. – 13-бет.

Бундан ташқари “Санглох”да қиёслаш мақсадида бир қанча тил ва диалектлар келтирилади: “ахли Туран ва Хоразм”, “баъзи аҳалии Турон”, “атроки Турон”, “Ўзбеки, ёйи Турон ва Хоразм”, “Ўзбакия”, “Самарқандича” кабилар¹. А.А. Самойлович асарнинг илмий қийматини тўғри баҳолаган ҳолда шундай деган эди: “Мирза Мехдихоннинг турколог сифатидаги қиммати шундан иборатки, у чигатой адабий тилини ўрганиш жараёнида адабий ёдгорликлар билан бирга, бир томондан, анатолія, озарбайжон туркларининг, иккинчи томондан, Ўрта Осиё жонли диалектларини қиёслашга тортди”². Шу жиҳатлари билан у нафақат эски ўзбек-форс тиллари луғатларининг энг яхши аъёналарини ўрганди, шу билан бирга уни ижодий равишда ривожлантирди³.

Мирза Мехдихоннинг асари эски ўзбек тили грамматикаси ва лексикаси бўйича ноёб манба сифатида бир қанча илмий тадқиқотларнинг объекти бўлди⁴.

Хоразмда яшаб ижод этган шоир ва филолог Муҳаммад Ризо Хоксор “Мунтахаб-ал-луғат” (“Сайланма луғат”) асарини 1798-1799 йилларда яратди. Асар изохли луғатлар сирасига қиради. Унда эски ўзбек адабий тилида ишлатилган арабча, форсча ва айрим эскирган ўзбекча сўзларнинг маънолари эски ўзбек тилида (баъзан форс-тожик тилида) тавсифланади, сўнг иллюстратив мисол сифатида Навоий, Жомий ёки Фузулий байтларидан келтирилади⁵.

Асарнинг кириш қисмида муаллифнинг луғатшуносликка доир илмий кузатишлари берилган. Хоксор ўша даврда мавжуд бўлган луғат ва филологик тараққиётлар тўғрисида маълумот берар экан, бу асарларда йўл қўйилган камчиликларни, айрим сўзларнинг уларда нотўғри изохланганини кўрсатиб ўтади. Луғат икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда эски ўзбек адабий тилида ишлатилган арабча сўзлар, иккинчи қисмда эса форсча-тожикча ва эскирган ўзбекча сўзлар изохланади.


¹ Хасанов Б. Сравнительный аспект в словарях к произведениям Навои // Адабий мерос. 2(52). 1990 - 26-бет

² Самойлович А.А. Персидский турколог XVIII в. Мехдихан // Известия общества исследования и изучения Азербайджана - Баку. 1927. № 5. - С.8.

³ Умаров Э. Типы толкования в староузбекских словарях // Адабий мерос. 2(52). 1990 - 39-бет

⁴ Умаров Э.А. Грамматика староузбекского языка «Мабаниул-луғат» Мирзы Мухамедхана // Автореф. канд. дисс. - Ташкент, 1967. Мухиддинова К. «Санглох» Мирзы Мухаммеда Мехдихона // Автореф. канд. дисс. - Ташкент, 1971

⁵ Акмалова М. Лексикографические труды в собрании института востоковедения // Восточный вестник. 3(57). 1991 - 62-бет



”Мунтахаб-ал-луғат”да ҳаммаси бўлиб 2400 сўз берилган¹. Хоксор луғатининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, унда сўзларнинг бош (асосий) маъноси билан бир каторда, кўчма (хосила) маъноларига ҳам изоҳ берилади. Луғатда сўзлар араб алифбоси бўйича 28 бобга тақсимланади. Бобларда сўзлар араб луғатшунослиги аъёнларига риоя қилиб, охири говушга (харфга) қараб гуруҳланади.

Сулаймон Бухорий – XIX асрда яшаган машҳур ўзбек олимларидан бири бўлиб, “Луғати чигатойи ва турки усмоний” асари муаллиф ҳисобланади. У 1860 йил Венгриянинг Сакден шаҳрида бўлиб ўтган туркологлар анжуманида қатнашиб, венгер ҳамкасабалари илтимоси ва чигатой тилининг имкониятларини кўрсатиш мақсадида мазкур луғатни тузишга киришади. Асар икки жилдли бўлиб 2-жилди топилмаган. Биринчи жилд муқаддимадаги маълумотга қўра иккинчи жилд 92 ўзбек уруғининг шеваларини ўрганишга бағишланган². Асар уч қисмдан иборат. Биринчи қисм - муқаддима усмонли турк тилида бўлиб, у ”Манзумаи чигатой” деб номланган. Бу қисмда муаллиф асарнинг ёзилиш сабаби, ўзининг таржимаи ҳоли ва луғатнинг тузилишига оид маълумотларни шеърӣ тарзда келтиради. Асарнинг иккинчи қисми грамматик очерк бўлиб, “Қавоид” деб номланган. Унда муаллиф тил қурилишига оид тушунчалар билан бир каторда, чигатой тилининг ўзига хос фонетик, морфологик хусусиятларини кўрсатиб ўтади, унинг бошқа туркий тилларга қиёсини келтиради.

”Луғати чигатойи ва турки усмоний”нинг учинчи қисмини луғат бўлиб, луғат араб харфларига мос равишда 28 бобга ажратилган. Унда эски ўзбек тилида ишлатилган 7000 (баъзи манбаларда 8000³) га яқин сўз ва тургун бирикма усмонли турк тили воситасида изоҳланади. Сўз маъноларининг изоҳларига зарур ўринларда Аҳмад Яссавий, Алншер Навоий, Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Огахий, Комил, Мунис, Завкий, Нодира каби ўзбек шоирлари, Махтумқули, Насимий Туркмон, Насимий қабилар шеърлари, халқ оғзаки ижоди намуналаридан олинган мисолларни келтиради. Луғат сўнгида 100 дан ортиқ такрор, жуфт ва айрим таклидий сўзлар берилиб, уларнинг ишлатилишига бадиий адабиётдан парчалар

¹ Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (Э. Фозилов раҳбарлигида) 4 томлик. 1 том. - Тошкент: Фан, 1983. - 15-бет.

² Ҳусанов Н. Бир ноёб луғат ва унинг муаллифи. - Фан ва турмуш, 1982, № 3 - 25-бет.

³ Қарағ: Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати (Э. Фозилов раҳбарлигида) 4 томлик. 1 том. - Тошкент: Фан, 1983. - 14-бет.

келтирилган. Луғатда Навоий асарларидан 350 сўзга изох берилиб, тасдиқловчи цитаталар келтирилган¹.

“Луғати чигатоийи ва турки усмоний” мукаммал асар бўлганлигидан, кейинчалик яратилган бир канча луғатлар учун манба вазифаси ўтади. Академик В. Радловнинг туркий тиллар ва лахжалар бўйича тузган машхур луғати, Э.Н. Нажипнинг “XIV асрдаги туркий тилларнинг тарихий-киёсий луғати” ҳамда “Навоий асарлари луғати” шулар жумласидандир². Мазкур луғат ўз даври учун, аввало, анъанавий Шарқ луғатчилиги билан замонавий Европа луғатчилигининг туташув нуқтасида яратилган ўзига хос луғат сифатида, иккинчидан, ўзбек тили ва адабиётини ҳамда фольклорини Туркия ва Европада тарғиб қилувчи, ўзидан кейин тузилган луғатларга материал берувчи манба сифатида баҳоланмоғи керак³.

Фатҳали Кожарнинг “Луғати атрокия” асари XIX асрда (1862) яратилган бўлса-да, бир канча хусусиятлари билан “Абушка”га яқин туради. Луғатда саккиз мингдан ортиқ сўз форс тилида изоҳланган⁴. Асар Навоий асарларини ўрганишга бўлган кизиқиш туфайли юзага келади. Муаллиф бошқа луғатшунослар каби Навоий асарлари асосида луғат тузиш эмас, муайян луғат асосида Навоий асарларидан иқтибослар олиш йўлидан борган. Мутахассислар фикрича, Фатҳали Кожарийнинг қўлида Муҳаммад Хойи томонидан Аббос мирза исмли шахс учун қискартирилган, тахрир қилинган “Санглох” варианты – “Хулосайи Аббосий” бўлган бўлиши мумкин⁵. Луғатда сўзларнинг тартибланиши “Абушқа”даги каби ҳолатда. Бошлангич харфига кўра ажратилган луғат қисмлари “китоб” деб юритилган ва асар 24 “китоб”дан иборат. Бунда “Абушқа”дан (21 боб) фаркли равишда туркий тил учун ўзлашма бўлган, ط , و , غ , харфлари билан бошлангич сўзлар киритилган. Шунингдек, “китоб” бошлангич унлисига кўра “Абушқа”даги каби алоҳида уч гуруҳга бўлинмаган. Фатҳали Кожарий сўзларни тартиблашда ўзак-негиз тамойилини назарда тутиб, сўзликларни фақат бошлангич икки харфига кўра алифбо тартибида жойлаштирган. Лекин, маълумки, туркий тилда

¹ Навоий асарлари тилининг изохли луғати (Э. Фозилов раҳбарлигида) 4 томлик. 1 том - Тошкент: Фан, 1983 - 14-бет.

² Хусанов Н. Бир ноёб дустар ва унинг муаллифи - Фан ва турмуш, 1982, № 3 - 24-25-бетлар.

³ Мадвалиев А. Ўзбек лексикографияси тарихидан - Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 3-сон. - 34-бет.

⁴ Навоий асарлари тилининг изохли луғати (Э. Фозилов раҳбарлигида) 4 томлик. 1 том - Тошкент: Фан, 1983 - 14-бет.

⁵ Қаранг: Хасанов Б. Принципи отбора и расположения слов в рукописных словарях к произведениям Навоий// Адабий мерос. 3(49). 1989. - 33-бет.

Ўзак фақат икки харфдан иборат бўлавермайди. Шу туфайли ҳам “Лугати атрокия” да сўзлар тартиби бузилган, уларни ўзак-ноғизига қараб топши баъзан қийин бўлган. Мазкур вазиятда муаллифнинг эски ўзбек тилининг морфологик қонуниятларини яхши билмаганлиги кўзга ташланган. Дарвоқе, “Лугати атрокия” грамматик қонун-қоидаларни ўрганимай туриб ҳам Навонини ўрганиш истагида бўлганларга мўъжалланган эди. У шунингдек Алишер Навоий асарларида учрайдиган мўъулча сўзлар учун лугат тузишни ҳаво ниҳоят қилган эди¹.

Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган лугатлардан яна бири — “Хамса бо ҳафти лугат” асаридир. Лугат қотиби ва муаллифи номаълум бўлиб, 1881 йил давқида ёзиб битирилган. Лугат мақоласи бош сўз, изох, сўнг илҳавратив мисол сифатида Навоий асарларидан иқтибослар келтирилган. Лугат Алишер Навоий “Хамса” асарининг 1845-46 йилларда Қўқонда ёзиб чиқилган қўлёзмаларининг хошияларига ёзилган бўлиб, саккиз мингтаъақиб сўзга изох берилган². Лугат муаллифи лугавий бирликлар таълиқи ва изохлашга ўқувчининг “Хамса” матнини тўғри ва мукамал тушунишига эътибор берган. Шу туфайли ҳам айрим кўп маъноли сўзларни воҳсаи фақат дoston матнлари воситасида амалга оширилган. Мўълазаниро сўзи қуйидагича изохланган: 1) *ариқ* (Сабъайи сайёр, 98); 2) *аҳад* (Садди Искандарий, 62, 125); 3) *ёш* (Лайли ва Мажнун, 42); 4) *нагма* (Садди Искандарий, 6, 21, 55, 101, 112; Сабъайи сайёр, 17); 5) *тори нагма* (Сабъайи сайёр, 92); 6) *устанг* (Садди Искандарий, 62). Сўзларни бу тартибда жойлаштириш бошқа лугатларда ҳам, хусусан, Махмуд Кошгарийнинг “Девону луготит турк”, Махмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” ва муаллифи номаълум бўлган “Китоб ат-тухфат аз-закия фи лугатит-туркия” қабиларда ҳам учрайди³. Лугатда Алишер Навоий газалларидан байтлар келтирилиши сўз маъноси, унинг семантик табиатини ёрқин очиб берилишига сабаб бўлган. Бундай ҳолларда, айниқса, кўп маъноли сўзнинг маъносини очишда контекстнинг ўрни муҳим. Ж. Вандриес айтганидек, “контекстан бошқа ҳеч нарса сўзга маънонинг турфалигига ҳилоф равишда “алоҳида маъно” бера олмайди.

¹ Хасанов Б. Рукописные словари к произведениям Навои. Лугат-и атрокийя. - Адабий мерос. 1 (55), 1991. - 32-бет.

² Шорахмедова Н. Словари “Хамса ба ҳалли лугат” // Адабий мерос. 2(44), 1988. - 32-бет.

³ Навоий асарлари тилининг икxоли лугати (Э. Фотилов раҳбарлигида) 4 томлик. 1 том - Тошкент: Фан, 1983. - 14-бет.

⁴ Шорахмедова Н. Толкование полисемантических слов в словаре “Хамса ба ҳалли лугат” // Адабий мерос. 1(55), 1991. - 32-бет.

контекстан бошқа ҳеч нарса сўзни ўткинчи маънолардан холи қилиб, “актуал” маъно бера олмайди”¹. Мазкур луғат ҳазрат Навоий тилининг нақадар бойлигини, ва ҳақиқатда, бу зотнинг адабий тил асосчиси бўлишга лойиқ эканлигини исботлайди.

Ражаб ибни Муҳиб Али Шомлу томонидан тузилган ўзбекча-туркча луғат ҳам “абушқа” сўзи билан бошланган, Навоий асарларидаги мингта яқин сўз туркчасига изоҳланган, мисол сифатида Навоий асарларидан байт ва парчалар келтирилган. Луғатда сўзлар алифбо (арабча-форсча алифбо) тартибда 24 қисмга бўлиб берилган. Луғат лўндалиги, ўзига хос лексикографик услубга эгалиги билан ажралиб туради².

Яна бир қўлёзма - “Луғати туркий” XVIII аср охирида Ҳиндистоннинг Бангола шаҳрида бобурий ҳукмдор Аврангзеб топшириғи билан Фазлуллаҳон барлос томонидан тузилган бўлиб, форсча-арабча луғатлар сирасига қиради. Эски ўзбек тили лексикаси ва грамматикасининг айрим масалалари ёритилган ушбу луғатда Навоий асарларида учрайдиган юзлаб сўзларга изоҳ берилган, асар 1825 йилда Калькуттада нашр этилган³. Сўзлик сифатида асосан феъллар берилган, феъллар ўн уч харфга, исмлар ўн саккиз харфга бўлинган. Луғат форсийзабон ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, бобурийларнинг ўз она тилларини саклашга уриниши, авлодларга она тилини етказиш, ўзбек тилининг фонетикаси, лексикаси, грамматикасини ўргатишга йўналтирилган⁴. Асарнинг ягона нусхаси Лондондаги Британия музейида сақланмоқда.

Бундан ташқари, Навоий асарлари учун тузилган луғатлар сафида “Луғати Амир Навоий”, “Дар баёни луғати Навоий”, “Ҳалли луғати чигатойи Ҳамсайи Навоий”, “Ҳалли луғати Ҳамсайи Навоий” кабиларни ҳам санаб ўтишимиз мумкин.

Мутахассислар Техрон университети кутубхонасида “Навоий луғати”(6830 рақамли), “Наводир уш-шабоб” асари асосида тузилган туркийча-форсийча луғат (7021 рақамли) қўлёзмаси сақланаётганлиги

¹ Вандриес Ж. Явак - М. 1937. - С.171

² Қаран. Янги контекстан Навоий асарлари луғати. ЎТ. №4,1991, 76-78-бетлар

³ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IX жилдлик. - I. 1983-1985. I жилд. 14-б

⁴ Убайдуллаев А. Ҳиндистонда яратилган туркий луғат. Til va adabiyot ta'limi. № 3 2010. 72-77-б.

хақида хабар берадилар¹. Уларни ўрганиш луғатшунослигининг келгусидаги вазифаларидандир.

Алишер Навоий асарлари асосида тузилган луғатларнинг умумий хусусиятларини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Бу филологик асарларнинг луғатлардангина иборат бўлиши, биринчидан, луғатчилик аъналарининг давом эттирилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, шу даврга келиб таржима ишларига эҳтиёж туғилганлиги билан боғлиқдир. Мазкур луғатлар асосан туркий-форсий, шунингдек, туркий тиллараро таржима луғатлар бўлиб, Алишер Навоий асарлари, шунингдек, туркий тилда ижод қилган Бобур, Убайдуллахон асарлари асосида тузилган. Бу ҳолат ўзбек луғатшунослигининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Ҳатто ранг-баранг луғатларга бой бўлган араб ва форс лексикографияси тарихида ҳам маълум адиб ёки бир неча адиблар асарлари асосида тузилган луғатлар мавжуд эмас². Луғатларнинг тузилишига асосий сабаб эса Алишер Навоий асарларини ўрганишга бўлган кизиқиш бўлган.

2. Луғатлар тузишда харфлар сирасида тартиблаш амалга оширилган, ички тартибга амал қилинган, ҳатто ёзилмайдиган унлилар ҳам ҳисобга олинган. Луғат мақолалари жойлаштирилиши изчил ва пухта шаклга келтирилган. Бу жиҳатдан Б. Ҳасанов Навоий асарлари асосида тузилган луғатларни икки гуруҳга бўлади: 1) “Абушка”, “Луғати атрокия” - сўзликлари оддий, примитив тартибда берилган луғатлар; 2) “Бадойиъ ал-луғат”, “Санглох” – Шарқ луғатшунослигининг энг яхши аъналарига суянган луғатлар, унда сўзлар уя тамойили асосида жойлаштирилган³. Мақолаларда отлар бош келишида, феъллар ноаниқ (-мақ) шаклида берилган (“Бадойиъ ал-луғат”да -мақ) Араб ёзувида ёзилган сўзларни тўғри ўқиш учун фонетик, орфоэпик, имловий ва грамматик изоҳлар келтирилган. Шу туфайли ҳам фонетик ўзгариш, орфоэпик қоида, грамматика тамойилларини ифодаловчи терминлар кенг қўлланган.

3. Бу давр луғатчилигида сўзларни уяларга бирлаштириш асосида луғат тузиш аънаси вужудга келди. Сўзларни изоҳлашда уларнинг ўз

¹ Қаранг Ганиева С. Техрон китобхоналаридаги Навоий асарларининг қўлезмалари // ЎТА. №4.1991. 73-76-бетлар.

² Ҳасанов Б.Р. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои. АДЛ - Т. 1989. С.4

³ Қаранг Ҳасанов Б. Принципы отбора и расположения слов в рукописных словарях к произведениям Навои. Слабий мерос. 3(49). 1989. - 35.39-бетлар

маънолари (маънойи ҳақиқий, маънойи аслий) ва кўчма маънолари (маънойи мажозий) ҳам эътиборга олинган.

4. Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган деярли барча луғатларда (Абушка ва бошқ. ташқари) эски ўзбек тилидаги сўзларнинг талаффуз жихатдан “Ирокдаги Рум туркийлари” – турк ва озарбайжон тилларига киёсланиши кузатилади¹. Жумладан, А.К. Боровков Толи Ҳиравийнинг “Бадойиъ ул-луғат” асарида шундай киёсий таҳлилни текшириб чиқади². Луғатда сўзларнинг маъносини изоҳлашда сўзлашув тилидаги кўринишлари ҳам келтирилади. Фатхали Кожарийнинг киёсий таҳлилидан шу маълум бўладики, луғат таркибдаги сўзларнинг ўндан бир қисми чигатой тили ва Эрон туркийларида бир хил. Бошқа сўзларда фонетик ва лексик жихатдан фарқлар кузатилади³.

Юкоридагилардан яна шу маълум бўладики, луғатлар мазкур даврда тилшуносликнинг бошқа соҳалари ривожланиши учун ҳам макон вазифасини ўтаган. Уларда илмий кузатишлар самараси, танқидий қарашлар, грамматик очерклар берилган. Луғатлар орасида Толи Имонийнинг «Бадоеъ ул-луғат» ва Мирза Меҳдихоннинг «Санглох» луғатлари илмий мукамаллиги билан ажралиб туради. Муҳаммад Ёқуб Чангийнинг «Келурнома» луғати ҳам ўзбек тилшунослигида илк мавзуий-идеографик ва уяли луғат сифатида маълум.

Алишер Навоий даҳосига ва ижодига бўлган қизиқиш туфайли шоир асарларига бағишланган луғатлар тузиш хозирги кунда ҳам давом этмокда⁴.

¹ Хасанов Б. Сравнительный аспект в словарях к произведениям Навои // Адабий мерос. 2(52). 1990 – 24-бет

² Боровков А.К. “Бадойиъ ул-луғат” – М., 1961 – С.16.

³ Хасанов Б. Сравнительный аспект в словарях к произведениям Навои // Адабий мерос. 2(52). 1990 – 227-бет

⁴ Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. Т., 1972; Фозилов Э. ва бошқ. Алишер Навоий асарлари тилининг июҳли луғати. Т., 1983-1985; Фозилов Э. Алишер Навоий асарлари луғати. 1-жилд. Т., 2013; Юсуф Б. Навоий тили луғати. 2016.

1.4. ШҶРО ДАВРИ ӰЗБЕК ЛУГАТШУНОСЛИГИ

Ӱзбек луѓатчилигининг учинчи даври 1878-1917 йилларни Ӱз ичи олади. Чор Россиясининг юртимизга сиёсий кизиқиши натижаси Ӱлар русча-Ӱзбекча, Ӱзбекча русча луѓатлар кўпрок яратилди. А. Старчевский, Ш. Ишаев, В.И. Наливкин, М. Наливкина, С.А. Лапин, Н. Смоленский, М. Преображенский, З.А. Алексеев, Т. Кияс-Беков, А. Ефимов каби тадќикотчилар бу сохада баракали иш юритган бўлиб, баъзи луѓатларда сўзлар таржимаси билангина чегараланмай, сўзлашув намуналари элементар грамматик кондалар ҳам кўрсатиб Ӱтилган.

XIX асрнинг 2-ярмида ярмида Салоћиддин Тошкандий томонидан яратилган “Луѓоти салос” асари Ӱтган асрнинг Ӱрталарида аниқланган¹ бўлса-да, истиклол йилларига келиб жиддий Ӱрганилмоќда. Асар уч тил – арабий, форсий ва туркий тилнинг таржима луѓатидир. Луѓат 6 боб ҳамда 35 фаслдан иборат, насрий ва назмий мукаддимага эга. Луѓатнинг ажралиб турадиган жихати унинг шеърий шаклда эканлигидир. Бундан маълум педагогик мақсад кўзланган бўлиб, мактаб Ӱқувчилари сўзларни тез ва осон ёдлаб олишига қаратилган. Шу туфайли ҳам тадќикотчи С. Гафурова луѓатни илк Ӱқув луѓатларидан бири деб ҳисоблайди². Луѓатнинг яна бир қимматли томони шундаки, луѓат сўзликлари тартибида мавзуй гурухлаш тамойилига амал қилинганлиги сабабли, у идеографик луѓат ҳам саналади. Ӱар бир боб бир неча фаслларга бўлиниб, фасллар маълум мавзуй гурухни Ӱз ичига олган³.

XX аср бошларида яшаб ижод қилган маърифатпарвар шоир, публицист, илѓор маорифчи Исҳоқхон Ибрат Ӱзининг назмий ва илмий асарларида, маколаларида замондошларига Шарқ тиллари билан бир қаторда Ӱарб тилларини, айниқса рус тилини Ӱрганишни тарѓиб қилибгина қолмай, Ӱзининг амалий фаолияти билан ҳам жуда катта ёрдам берди. Исҳоқхон Ибрат ибораси билан айтганда “биринчи эхтиёжи тушган рус

¹ Ахмедов А. Муродов С. Уч тиллик луѓат : Ӱзбек тили ва адабиёти. 1968. 1-сон - 11-12-бетлар. Шарипов Ж. Из истории перевода в Узбекистане (дореволюционный период). АДУ. - Ташкент. 1968 - С.67-68

² Гафурова С. Салоћиддин Тошкандий ва унинг “Луѓоти салос” асари // Ӱзбек тили ва адабиёти. 2009. 2-сон - 86-бет

³ Бу ҳақда яна қаранг Гафурова С. Мавлонова С. “Луѓоти салос” асарида синоним сўзларнинг қўлланиши : Ӱзбек филологиясининг долзарб муаммолари (Илмий-амалий хотира анжумани материаллари) - Фаргона. 2010. - 162-165-бетлар.

калима ва ёзувлари” ни ўрганиш зарур деб билди¹. XX аср бошларида Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати маҳаллий аҳоли ўртасида рус тилига бўлган эҳтиёжни орттирди. Янги “усули жадид” мактабларида рус тилини ўқитиш ман қилинган эди. Аммо рус тилини ўрганишни мактаблар дастурига киритишга илғор маорифчилар ҳамиша интилиб келдилар. Бу ҳол ўтган асрнинг 90-йилларида, айниқса, XX аср бошларида янада кучайди.

Исҳоқхон Иброт олти тилдаги: арабча, форсча, хиндча, туркча, сартча (ўзбекча) ва рус сўзларини ўз ичига олган “Луғати ситта алсина” (“Олти тилли луғат”) номли луғат китобини яратди. Мазкур луғат 1150 ўзбекча сўзни жамлаган бўлиб, 53 бетдан иборат. Асар икки қисмдан ташкил топган. Биринчи қисм алифбо тартибида тузилиб, ҳар қайси ҳарфга алоҳида кичик-кичик бобчалар ажратилган. Бу қисмда феълларнинг ноаниқ ва келаси замон шакллари аввал форсча, кейин арабча, туркча, ўзбекча, хиндча ва русча таржималари берилади. Асарнинг иккинчи қисми 37 бобчадан иборат бўлиб, феълларнинг бошқа шакллари, отлар, кишилиқ олмошлари, кун, ой номлари, ҳайвонлар ва паррандалар, озик-овқат ва бошқа нарса-буюмларнинг номларини ўз ичига олади. Луғатнинг муҳим аҳамияти шундаки, шу ерли аҳоли учун тушунарли бўлган араб ёзувида яратилган². Исҳоқхон тўра мазкур асарни яратар экан, биринчи навбатда рус тилига кизиқувчиларни кўзда тутган. Бу ҳол китобнинг биринчи саҳифасиданок кўзга ташланади. Таржимада асосан сўзга мос муқобил топишга ҳаракат қилинади, сўз маъноларини тўла шархлаш назарда тутилмайди. Муаллиф русча ёзув системасини билмайдиганларга ҳам қулай бўлсин учун русча сўзларни араб ёзувидаги транскрипция билан беради. Маълумки, рус ва Европа сўзларини араб ёзувида ифодалаш анча мураккаб бўлса-да, лекин Исҳоқхон Иброт бу мураккаб ишни муваффақиятли ҳал қилди³. “Луғати ситта алсина” нафақат таржима луғат, шунингдек, идеографик луғат сифатида ҳам эътиборга сазовор. Шунингдек, у асосан фаол истеъмолда бўлган сўзларни камраб олгани

¹ Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти (маърузалар матни). Тўқинчи М.Р. Бердимуродова - Термиз, 2002 - 68-бет.

² Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти - Тошкент: Маънавият, 2004 - 180-бет.

³ Исҳоқхон Тўра Иброт Таълиман асарлар - Тошкент: Маънавият, 2005 - 10-бет.

боис уни лексик минимум ҳамда частотали лугатлар тузиш йўлидаги дастлабки тажриба деб баҳолаш мумкин¹.

Ўзбек лугатчилигининг 4-даври 1926 йилдан бошланиши эътироф этилиб, 1926 йил Е.Д. Поливановнинг «Русча-Ўзбекча лугат»ининг нашр этилиши ўзбек лугатчилиги тарихида янги даврни бошлаб берганлиги таъкидланади.² Бироқ шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу асрнинг 20-йилларида фаолият кўрсатган жадидлар ва маърифатпарварлар ўзбек тилининг қўллаб сохалари, шу жумладан, лексикография соҳасида ҳам бир қанча ишларни амалга оширган эдилар. Исроҳон тўра Ибротнинг «Лугати ситта алсина» (1901) лугати жадид мактабларида шарқ тиллари ва рус тилини ўрганиш бўйича узок йиллар давомида асосий қўлланма бўлиб келган бўлса, Ашурали Зохирийнинг икки жилдли «Русча-ўзбекча мукаммала лугат»и, А.Қодирий ва С.Раҳимий ҳаммуаллифлигидаги «Русча-ўзбекча тўла сўзлик»и (1934) фикримизнинг ёркин далилидир.

Шунга карамай, ўзбек лугатчилиги тарихи ва ютуқларининг салмоқли қисми ХХ аср ва шўро даври билан боғлиқ. Рус фани билан боғлиқлик, янгича турмуш тарзи, ижтимоий сиёсат, техниканинг кириб келиши, янгича тузумнинг қарор топиши лугатшуносликда ҳам ўз аксини топди. К.К. Юдахиннинг «Узбекско-русский краткий словарь» номи лугати ўзбек адабий тилига асосланган сўзликка эга биринчи ўзбекча-русча лугат бўлди.

Шўро даврида лугатчилик қуйидаги йўналишларда ривожлана бошлади:

1. Энциклопедик лугатлар.
2. Таржима лугатлар. Бу турдаги лугатларда асосан ўзбек тили рус тили ҳамда бошқа собик СССР таркибига кирувчи тиллар муносабати ақс этган.
3. Фан-техниканинг маълум соҳасига оид сўзлар қатламини ақс эттирувчи лугатлар. Жумладан, пахтачилик, техника, атеистик таълимот, фан тармоқларига оид лугатлар.
4. Ўзбек тилидаги сўзларнинг лисоний хусусиятларидан келиб чиқиб тузилган лугатлар: Имло лугати (А. Алавий, 1927), орфоэпик лугат (М.. Содикова, Ў. Усмонова, 1977; Э. Бегматов, 1984), терс лугат (Р.

¹ Раҳимов А. Жадидларнинг ўзбек тилшунослиги ривожланиши ўрни. Ўзбек тили ва адабиёти. 2013. 6-сон 89-б

² Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент: Фан, 1981. 297-б

Кўнгулов, А. Тихонов, 1968), антонимлар луғати (1980), синонимлар луғати (1974), омонимлар луғати (1984), морфем луғат (А. Фуломов, 1977), фразеологик луғатлар (Ш. Раҳматуллаев, 1978), терминологик луғатлар, диалектологик луғат (Э. Фозилов, 1971), частотали луғат (1972) кабилар.

5. Мавзуий луғатлар (А. Тихонов ва б., 1977).

6. Изоҳли луғатлар (1981).

7. Сўзлашгичлар.

8. Аралаш (шартли равишда) луғатлар. Бундай луғатлар бирданига бир неча вазифани бажариши мумкин. Жумладан, “Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат” (М. Умархўжаев, Н. Назаров, 1994)¹.

Бу давр ўзбек луғатшунослиги кенг тармокланиши, йирик ҳажмдаги лексикографик тадқиқотлар амалга оширилганлиги, улар кейинги давр – мустақиллик даври луғатчилиги учун илмий асос ва кенг материаллар базаси бўлиб хизмат қилганлиги билан аҳамитга молик.

¹ Бу ҳақда яна қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5 жилдлик 1-жилд. I. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 5-9-бетлар.

1.5. МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ЛУГАТЧИЛИГИ: АНЪАНА ВА НОВАТОРЛИК

Мустақиллик даврида ҳам ўзбек лугатчилиги тилшуносликнинг етакчи, ривожланган соҳаларидан бири бўлиб қолмоқда. Унинг ривожланишида асрий лексикографик тажрибалар, тилшуносликнинг ривожланиши, етук лугатшунос мутахассисларнинг етишиб чиқиши, илм-фан ва техниканинг ривожланиши, интеграция жараёнларининг ўрни яққол сезилиб туради. Шу билан бирга бугунги кунда ахборотнинг аҳамияти ортиб борар экан, кундалик турмушимизда, фаннинг хатто энг кичик тармоқларига оид лугатлар пайдо бўлмоқда. Лугатчиликдаги ўзгаришлар лугатларни сифат жиҳатдан янгилаш, тармок лугатлари микдорининг ортиши, янги лугат турларини яратишга қўл уриш шаклида амалга ошмоқда. Ўзбек лугатчилигининг тараққий этишида Ш. Раҳматуллаев, А.Ҳожиёв, Э.Бегматов, Э.Умаров, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Д.Худойберганова, Б. Ҳасанов, З. Дўсимов, Х. Эгамов, Б. Ўринбоев, Т. Мирзаев каби олим-мутахассисларнинг хизматлари катта.

Мустақиллик даври лугатчилигида ривожланаётган тармоқлар қуйидагилар:

1. **Таржима лугатлар.** Мустақил Ўзбекистоннинг кенг жаҳонга юз тутаётган вақтда икки тилли ва бир неча тилли лугатларнинг юзага келиши жамият эҳтиёжи самарасидир. Инглизча-ўзбекча, немисча-ўзбекча, французча-ўзбекча, форсча-ўзбекча, арабча-ўзбекча, туркча-ўзбекча ёки ўзбек тилидан бошқа тилларга таржима лугатлар билан бир қаторда инглизча-русча-ўзбекча каби бир неча тилларни қамраб олувчи лугатлар ҳам тузилмоқда. Икки тилли ёки бир неча тилли сўзлашгичларни ҳам шулар жумласига қўшишимиз мумкин. Мустақиллик даврида таржима лугатлар соҳасида яна бир катта ишга қўл урилди. Жумладан, 2 жилддан иборат “Русча-ўзбекча лугат” нашр этилди.

2. **Энциклопедик лугатлар.** Бундай лугатлар сўзларнинг ўзини эмас, балки улар орқал билдириладиган предмет ва тушунчаларни изоҳлайди, тушунтиради¹. Қомусий лугатларнинг микдорида ҳам кескин ўзгаришлар бўлди. Чунончи, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, “Тарих энциклопедияси”, “Хотин-қизлар энциклопедияси”, “Болалар

¹ Мадвалиев А. Лугат ва лугат турлари хусусида. Ўзбек тили ва адабиети. 2008. 1-сон. - 61-бет.

энциклопедияси”, “Менинг биринчи энциклопедиям: Ўсимликлар дунёси”, “Саломатлик. Энциклопедия” кабилар шулар жумласидандир.

3. **Изоҳли лугатлар.** Мустақиллик даврида амалга оширилган улкан ишлар сирасида янги тузилган беш жилдли изоҳли лугатни алоҳида ҳодиса сифатида келтиришимиз мумкин (Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006-2008 йил/ А.Мадвалиев таҳрири остида). Мазкур лугатни тузишда ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти ходимлари - Ўзбекистон ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор А.Ҳожиев, филология фанлари доктори, профессор Э.Бегматов, филология фанлари доктори, профессор Э.Умаров, филология фанлари номзодлари А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Д.Худойберганова сингари етакчи олимларнинг хизмати бекиёс. Бу изоҳли лугат ўзбек лугатчилиги тарихида илк маротаба катта ҳажмда яратилган лугат бўлиб, 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмасини ўз ичига олади. Беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” олдинги икки жилдли лугатдан катор афзалликлари билан фарқ қилади.

Ҳозирги кунда яратилаётган “Фалсафа. Қисқача изоҳли лугат”, “Иқтисодиёт атамалари изоҳли лугати”, “Алпомиш” дostonининг изоҳли лугати” кабилар изоҳли лугат сифатида номланган бўлса-да, фикримизча, махсуслиги, терминологик ва энциклопедик хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Бошқа турдаги лугатлар эса тилнинг барча умумий ва хусусий томонларини тобора камраб бормокда. Шунингдек, истиклол даврида лугатшуносларимиз томонидан “Ўзбек тилининг этимологик лугати” (Ш. Раҳматуллаев, 2000; 2003) тузилиши катта воқеа бўлди.

Бирок ҳозирда лугатчилик борасида ҳал қилинмаган масалалар жуда кўп. Жумладан, Д.Калонова “компьютерга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг кун сайин ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, ўзбек тилшунослиги зиммасида компьютерга хосланган лугатчиликни яратишдек долзарб вазифа”ни юқлаётганлигини кайд этади¹. Бунинг учун сўзликни белгилаб олиш, лисоний бирликлар микдорини ва тарқалиш даражасини ҳисоблаш, лисоний бирликларни моделлаштириш, автоматик таржима дастурларини тузиш вазифалари қўйилади. Дарҳақиқат, техника ва технология жадаллашиб бораётган замонамизда лугатчиликнинг янги йўналиши

¹ Калонова Д. Ўзбек тилида компьютер лугатчилиги // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012. 3-сон. 95-б

яратилиши кун талабидир. Сунъий интеллектни яратиш, автоматик таржимани амалга оширишда тиллардаги фарк туфайли келиб чикадиган муаммоларни хал қилиш тилшунослар ва математикларнинг биргаликдаги ҳаракатини такозо қилади. XXI аср “Ахборот асри” да яшаётган эканмиз, ҳар бир соҳада унга мослашув кузатилади. Яқинда Nokia корпорацияси ўз мижозлари учун янги телефон аппарати марказини сотувга чиқарди. Унга Mobile Dictionary дастури ҳам киритилган. Бу матнни нутққа айлантириш технологияси базасида сўзларни овозли талаффуз қилувчи 38 тилдаги луғат¹ демакдир. Шу нуқтаи назардан, ўзбек тилида бир қатор электрон луғатларнинг яратилаётгани (“Физикадан беш тилли компьютер луғати”, 2001; Инглизча-ўзбекча компьютер атамалари луғати, 2009 каби) истиклол даври луғатчилигининг яна бир хусусияти бўлиб, луғатчилигимизнинг янги уфқларини очиб бериши эҳтимолдан холи эмас.

Яна бир масала – идеографик луғатлар яратиш муаммосидир. Маълумки, Луғатларда сўзларнинг тартибланиши икки тамойил асосида амалга ошади: алифбо тартиби ва идеографик тартиб тамойили. Шу билан бирга сўз ясалиши бўйича тартиб ва аралаш тартиб ҳам учрайди.

Г. Лейбниц (1646-1716) сўзларнинг луғатга жойлаштириш тартибини ҳақида шундай деган эди: “фуқаролар ишлатиши” учун алифбо тартибида жойлаштириш қулайроқ. “фалсафий ақл-идрок” (эгалари) учун уларни “маъносига кўра” жойлаштирган маъқул². Бу ҳолатда Лейбницнинг фикрлари ўринли. У луғатшуносликдаги икки тамойил тўқнашувини кўрсатиб беради: қулайлик тамойили (алифбо тартиби) ва сўзларни уларнинг семантик алоқаларига кўра жойлаштиришга асосланган тамойил. Идеографик луғатларда сўзликлар одатдагидек алифбо тартибида эмас, маъносига кўра тартибланади. Агар алифбо тартибидаги луғат сўзнинг ўзи ҳақида маълумот беришга хизмат қилса, идеографик луғатлар маънони изохлашда ишлатилади. Шунингдек, синонимлар ва антонимлар луғати каби турлар ҳам идеографик луғатларга яқин туради³.

Ф. де Соссюр тилда лисоний бирликнинг ўрни ҳақида шундай ёзган эди: “Тил система бўлиб, унинг барча қисмлари тўлиқ шакланган бўлади... Система таркибида унинг нафақат маъноси, шунингдек, тизимдаги аҳамияти ҳам эътиборга олинади. Сўзнинг аҳамияти (маънога

¹ <http://www.nokia.uz.uz/about/pressrel/1518.htm>

² Лейбниц Г. Новые опыты о человеческом разуме - М., Л., 1936. - С.238-250.

³ <http://ru.wikipedia.org/wiki>

эгаллиги) у оркали ифодаланган объектга муносабати билан эмас, бошқа сўзларга муносабати, мазкур тилдаги мазмун доираси билан ҳам аникланади. Муносабат системада иштирок этишнинг муҳим шартидир”¹. Бирок тил доимо ўзгаришда бўлган ҳодиса бўлгани туфайли бирликларнинг жонли, “ҳаракат”даги ҳолати уларни бирор системага туширишни кийинлаштиради. Луғатларни тилнинг лексик катламини муайян тизимга солишга бўлган уриниш сифатида баҳолайдиган бўлсак, луғатшунослик тил бирликларини “котирилган, музлатилган” ҳолатда ўрганишга мажбур бўлади.

Идеографик луғатларни тузиш ғояси муайян мазмун доирасидаги сўзлар жамғармасини этиборимизга ҳавола этган ҳолда ифодаланган сўзни тушунишга йўналтирадиган, натижада тилни осон эгаллашга ёрдам берадиган китобга эга бўлиш истаги билан юзага келган. Синонимлар ва антонимлар луғати каби турлар ҳам идеографик луғатларга яқин туради². Ҳозирга қадар идеографик луғатлар соф ҳолда учрамайди. Кўпинча, сўзлар аралашган ҳолда – ҳам маъносига, ҳам алифбо тартибига кўра жойлаштирилган бўлади. Аралаш тартиб мавзуй луғатларда ҳам кузатилади. Уларда сўзлар мавзусига кўра гуруҳланади, гуруҳ ичидаги сўзлар эса алифбо тартибида бўлади. Сўзларни ҳам алифбо, ҳам маъновий жиҳатдан тартиблаш ҳозирги кунга қадар муаммо бўлиб келяпти.

Сўз маъносининг доимий ўзгаришда эканлиги, унинг семантик структурасини аниқ чегаралаб бўлмаслиги луғатшунослар ишини кийинлаштиради. Шу туфайли ҳам муаммонинг ечими тилга ва тил бирлигига янгича ёндашув билангина ҳал қилиниши мумкин. Маълумки, идеографик луғат тузиш тамойиллари муаллифи Г.Шухардт ономасиологияга оид тадқиқотларида маълум мавзуй гуруҳлар асосида луғат тузиш алфавит тартибидан бирмунча фойдалироқ эканлигини айтган эди³. Унинг издошлари бўлмиш Ф.Дорнзайф, Р.Халлиг, В.Вартбурглар идеографик луғатлар тузишнинг назарий асосларини яратдилар. Немис олимлари К. Халлиг ва В. Вартбурглар идеографик луғат тузишда турли фанларда қабул қилинган таснифлар бўйича эмас, ўша даврнинг “ўртача одамлар”ни онгида мавжуд “нарсалар ва ғоялар”нинг ва ҳаётий тасаввурларнинг умумий таснифи бўйича иш олиб бориш кераклигини

¹ Ф. де Соссюр. Курс общей лингвистики, стр. 114–115. http://www.rflinonik.ru/ideog_book1.htm#11

² <http://ru.wikipedia.org/wiki/>

³ Шухардт Г. Избранные статьи по языковедению. Москва, 1950.

таъкидлайдилар¹. Улар луғатни қисмларга бўлиш сўзларнинг мавзунини гуруҳлари “ўртача ақлий дунёқарашга эга инсон” ҳолатида амалга ошириш лозим, чунки бундай инсонлар шу тил эгаларининг катта қисмини ташкил этадилар, деган фикрга келадилар. “Мазмуний майдон” тушунчасини илҳам бора қўллаган Г.Ипсен ҳам Ҳинд-европа гуруҳига кирувчи тилларда “металл” мазмуний майдони тузилиши муайян муштаракликка эгаллигини кўрсатиб берган эди.

Шу ўринда *лисоний шахс (языковая личность), оламнинг лисоний манзараси, концепт* тушунчаларига рўпара келамиз.

Сўзларнинг ички тузилиши, бир томондан, халқнинг маданияти, дунёқараш билан боғлиқ. Бу миллий-маданий хусусиятлар қуйидагилар билан боғлиқ:

1. Халқнинг тарихий хотираси.
2. Маданий реалиялар.
3. Ономастик реалиялар.
4. Миллий менталитет.
5. Тил эгаларига хос бўлган ички кадриятлар.
6. Анъаналар.
7. Ўхшаш жиҳатлар².

Сўзларнинг семантик структурасида юқоридаги маданий белгилар акс этар экан, энди идеографик луғат яратиш бўйича тадқиқотлар когнитив тилшунослик, психолингвистика ҳамда лингвокультурология каби йўналишлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак бўлади.

Айтиб ўтганимиздек, луғат тузишда стандарт, кўпчилик томонидан тан олинган, меъёрий мисолларга эҳтиёж бор экан, лингвокультурологик таҳлилга тортилаётган халқона иборалар, мақол. маталлар, метафоралар идеографик луғатлар учун ҳам материал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, ривоятлар, урф-одатлар, ономастик бирликларни ҳам лексикографик тадқиқот доирасига тортиш масаласи пайдо бўлади.

Концепт тушунчаси лингвокультурологияда “менталлик хусусиятига ҳамда лисоний ифодага эга бўлган, этномаданий ўзига хослик билан ажралиб турувчи жамоа онги бирлиги”³ни ифодалайди. Бирор тилга оид

¹ Hallig K. und Wartburg W. Begriffssystem als Grundlage für Lexikographie. Versuch eines Ordnungsschemas. Berlin, 1952 - P.

² Свинова А.А. Лингвокультурная доминанта “дом – родина – чужбина” в русских и английских пословицах. Автореф. канд. филол. наук. – Ижевск, 2005

³ Худойберганаева Д. Лингвокультурологик терминларнинг кискача ишоли луғати – Т., 2015 25-бет

идеографик лугат тузишда концептлар тизимидан фойдаланиш, ёки аксинча, бирор мавзуй гуруҳдаги сўзларни концептлар остига бирлаштириш оркали ҳар икки соҳа умумий тадқиқ объектга эга бўлади.

Ҳар бир табиий тил оламнинг лисоний манзараси ҳисобланади¹. Шу туфайли тил шу миллатнинг ғоялар олами ҳамдир.

Ҳозирга қадар турли тилларга оид бир қанча идеографик лугатлар яратилган². Жумладан, В.И. Абаевнинг “Историко-этимологический словарь осетинского языка” (Москва, 1958-1987) лугати изоҳли, икки тилли, этимологик, киёсий-тарихий ва идеографик лугат тамойилларини жамлаган.

Ўзбек лугатчилигида идеографик лугатлар яратишга интилиш лугатшунослик каби анча олдиндан бошланган.

Махмуд Замахшарий (X аср)нинг «Муқаддимат ул-адаб» асарида мавзуй-идеографик лугат яратиш бўйича илк қадамлар қўйилган. Жумладан, отлар мавзуй гуруҳларга бўлинган ҳолда берилган. Назар Али Саййиднинг “Навойи асарлари лугати” ҳам идеологик лугат характериға эга бўлиб, иккинчи фаслда қариндошлик терминлари, ундан сўнг тана аъзолари келтирилган³. Муҳаммад Ёқуб Чангийнинг «Келурнома» лугати ҳам ўзбек тилшунослигида илк мавзуй-идеографик ва уя лугат сифатида маълум. Асарнинг дастлабки ўн тўрт бобида 400 дан ортиқ феълнинг турли хил шакллар парадигмаси алфавит тартиби билан берилади. Натижада уя лугатнинг намунаси вужудга келади⁴. Сўнги 15-боб эса мавзуй (идеографик) лугат бўлиб, сўзлар 9 мавзуй гуруҳга ажратиб берилади. Ҳар бир фаслида маълум мавзуга оид жами 1300 та сўз берилган: “Осмон”, “Ер”, “Қушлар”, “От ва эгарланадиган ҳайвонлар”, “Одам жисми аъзолари” каби⁵.

XIX асрнинг 2-ярмида ярмида Салоҳиддин Тошкандий томонидан яратилган “Луготи салос” асари⁶ таржима лугат бўлиб, лугат сўзликлари тартибда мавзуй гуруҳлаш тамойилиға амал қилинганлиги сабабли, у

¹ Худойберганаева Д. Лингвокультураологик терминларнинг қисқача изоҳли лугати. - Т., 2015. 33-бет

² Маълумот учун қаранг: Rey A. Les dictionnaires: forme et contenu // Cahiers de lexicologie - Paris, 1965. P.82-89.

³ Умаров Ҳ. Янги аниқланган Навоий лугати. - Ўзбек тили ва адабиети, 2009, 1-сон. - 94-бет

⁴ Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 105-бет

⁵ Турсунов У., Уришбоев Ё. Ўзбек адабий тили тарихи. - Тошкент: Ўқитувчи, 1982. - 111-бет

⁶ Маълумот учун қаранг: Аҳмедов А., Муродов С. Уч тиллик лугат. - Ўзбек тили ва адабиети, 1968, 1-сон. - 11-12-бетлар. Шарипов Ж. Ни историю перевода в Узбекистане (дореволюционный период). АЛД. Ташкент, 1968. - С. 67-68; Гафурова С. Салоҳиддин Тошкандий ва унинг “Луготи салос” асари. - Ўзбек тили ва адабиети, 2009, 2-сон. - 86-бет

идеографик луғат ҳам саналади. Ҳар бир боб бир неча фаслларга бўлини-
фасллар маълум мавзуй гуруҳни ўз ичига олган.

Исҳоқхон Ибротнинг “Луғати ситта ал-сина” (“Олти тилли луғат”
номли луғати (XX аср бошлари) икки қисмдан ташкил топган. Биринчи
қисм алифбо тартибда тузилиб, ҳар қайси ҳарфга алоҳида кичик-кичи
бобчалар ажратилган. Асарнинг иккинчи қисми 37 бобчадан иборат бўли-
фёълларнинг бошқа шакллари, отлар, кишилиқ олмошлари, кун, о-
номлари, ҳайвонлар ва паррандалар, озик-овқат ва бошқа нарса-
буюмларнинг номларини ўз ичига олади¹.

Ҳозирги кунга келиб, идеографик луғат яратишнинг назарий
масалаларини тадқиқ этишга бағишланган² бир қатор тадқиқотлар юзага
келмоқда. Идеографик луғатлар тузишда тилга антропоцентристик
ёндашув ютуқларидан фойдаланиш, ёки аксинча, луғатшунослик
ютуқларини лингвомаданият соҳасида қўллаб кўриш муносиб
силжишларга олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда яратилган ва яратилаётган луғатлар ҳақида
мунозаралар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ф.ф.д. Э.Умаров “адабий асарлар
лексикаси талаффуз ва имло жиҳатидан ўрганилиб, ҳозирги тил нуктаи
назаридан таҳлил қилиниши”, “Девону луғат-ит турк”дан бошлаб барча
мумтоз луғатларни янгитдан нашр қилиш” лозимлигини, бунда
товушларнинг фақат туркий тилларга хос бўлган жиҳатлари (чўзклик-
кискалик каби) ҳисобга олиниши кераклиги ҳақида ёзади³.

Шу каби муаммоларни ҳал қилиш замонавий ўзбек луғатшунослиги
олдига ўзига хос вазифалар қўймоқда.

¹ Қаранг: Миллий уйғониш даври ўзбек адабиети. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 180-бет; Иброт Исҳоқхон Луғати ситтаи ал-сина. Тошкент: Илмий типографияси, 1901. Иброт Исҳоқхон Тўра Таъланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 9-13-бетлар.

² Ҳамраева Е.Н. Ўзбек тилининг идеографик луғатини тузиш тамойиллари (ҳаракат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида) Фил. фан. ном. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Тошкент, 2009. Шу муаллиф Фёъллар мисолида идеографик луғат тузиш // Г. Ван ва технология, 2014. 120 б.

³ Қаранг: Умаров Э. Мустақиллик ва мумтоз ўзбек тили // Til va adabiyot ta'limi, №11, 2011. 14-17-б.; Шу муаллиф. Туркий сўзларнинг аруна тушиши сабаби // Til va adabiyot ta'limi, №2, 2012. 86-88-б.

II БОБ. ЎЗБЕК ТИЛИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ

II.1. ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ҲАКИДА.

Тилшуносликда тилга қандай ёндашишига қараб, икки йўналишни фарқлаш мумкин:

1. Лингвоцентриқ тилшунослик.
2. Антропоцентриқ тилшунослик.

Лингвоцентриқ тилшунослик тилни алоҳида феномен сифатида олиш, яъни тилни тил учун ўрганиш тамойилига асосланади. Анъанавий тилшунослик, структур тилшунослик кабилар лингвоцентриқ тилшунослик йўналишлари ҳисобланади.

Антропоцентриқ тилшунослик тилга мулоқот воситаси, инсоннинг ижтимоий функциялар бажаришида қурол сифатида ёндашади. Иккинчи томондан, “инсон ўз тили билан муносабатга киришган ҳолда “тил шахси” мақомига эга”¹ бўлиб, бу йўналишда инсон у ки бу ҳодисаларнинг таянч нуктаси сифатида унинг ўзи мазкур таҳлилга жалб этилади.² Шу сабаб, тил нафақат тилшунослар, шу билан бир қаторда бошқа соҳа вакиллариининг ҳам кизиқиш доирасига киради. Тилшуносликнинг психолингвистика, математик лингвистика, социолингвистика сингари тармоқлари шу эҳтиёж самараси ўларок вужудга келди.

Бу икки тамойил бир-бирини рад этмайди. Балки улар даврлар ўтиши билан илмий ёндашувда алмашилиб туради. Бирида қўлга киритилган ютуқлар, тўпланган билимлар иккинчисига йўл бошлайди.

Тилнинг луғат таркибидаги ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур жараёнларни ҳам лингвоцентриқ, ҳам антропоцентриқ тамойил нуктаи назаридан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Тил луғат таркибининг бойлишининг асосан уч усули мавжуд:

1. Морфологик усул.
2. Семантик усул.
3. Сўз ўзлаштириш³.

¹ Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. М: Наука, 2004. С. 261

² Широкова Е. Лингвистик тадқиқотларда антропоцентризм. ЎГА. 2013. №6. 105-бет.

³ Кодухов В.И. Введение в языковедение. М., 1987. С. 189.

Улар ички ва ташқи манбалар асосида юзага келади. Юқоридаг¹ усулларнинг деярли барчасида чет тилидан олинган сўзлар (мас., ас² сифатида) катнашиши мумкин.

Тил ижтимоий табиатга эга воқелик сифатида уч хил вазиф³ бажаради: 1. Коммуникатив вазифа – инсонлар ўртасида алоқа воситас⁴ бўлиб юзага чиқа олиш хусусияти. 2. Кумулятив вазифа – тилнинг ак⁵ эттириш, ахборотни саклаш ва жамлаш хоссаси. 3. Директив вазифа⁶ шахсни йўналтирувчи ва шакллантирувчи қурол сифатидаги аҳамияти⁷ Юқоридаги ҳар уч омил сўз ўзлаштиришдек муҳим лингвистик ва⁸ ижтимоий ходисага алоқадордир, шу сабаб сўз ўзлашуви лингвистика, социология, тарих, этнография, маданиятшунослик каби соҳаларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Сўз ўзлаштириш жамият билан узвий боғлиқ ходиса бўлиб, ўзлаштириш объекти бўлган тушунча ёки нарса жамият томонидан эҳтиёж бўлгандагина тилга киради. Сунъий равишда қабул қилинган кераксий сўзлар эса табиий равишда луғат таркибидан номеъёрий ходиса сифатида сиқиб чиқарилади.

Ўзбек тилшунослигида сўз ўзлашиши юзасидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган⁹. Уларнинг айримларида сўз ўзлаштириш ҳозирги ўзбек тилининг умумий масалалари билан олиб борилган бўлса, бошқаларида бевосита сўз ўзлаштириш масаласининг ўзи ёритилган. Жумладан, ўзбек тилидаги арабий ўзлашмалар ва сўз бирикмаларини ўрганиш ўтган асрнинг 40-йилларидан бошланган. Бу йўналишдаги дастлабки уриниш Ф. Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида ўз аксини топган бўлса¹⁰, кейинчалик бир қатор кўзга кўринган олимларнинг илмий ишларида ҳам

¹ Бу ҳақда қаранг: Мирзоева А.А., Султанова И.М. О методологических принципах общественной природы изучаемых языков // *Filologiya masalalari*. № 6. – Ozarbaycan, Baku, 2012. – 53-бет

² Боровков А.К. Изменения в области узбекской лексики и новый алфавит – Изв. Удб. Филиала АН СССР, 1940, № 2; Решетов В.В. Лексический состав современной узбекской прессы – В кн. Проблемы языка 1. – Ташкент, 1934; Боровский А.К. Узбекский литературный язык в период 1905-1917 гг. – Ташкент 1940; Абдуллаев Ф.А. К некоторым вопросам лексики узбекского языка – Труды ИЯЛ АН УзССР, 1. – Ташкент, 1949; Хамдамов Ж. Из истории русского языка в обогащение лексики узбекского языке (вторая половина XIX века) АКД – Ташкент, 1963; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири – Ташкент, 1974; Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке – Ташкент: Фан, 1985; Кодирова Н.И. Семантико-стилистический анализ заимствований в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001 гг. (на материале газет и устной речи) Дис. канд. филол. наук – Ташкент, 2001. – 167 с.; Антонова О. П. Семантика узбекских заимствований русскоязычных художественных произведениях писателей Узбекистана: Дис. ... канд. филол. наук. – Г, 1998. – 243 с. ва бошқ.

³ Абдуллаев Ф. Арабизми в узбекском языке. Дис. канд. филол. наук. – Т, 1945

шу соҳанинг айрим қисмлари ўрганиб чиқилган. Ўзбек тилидаги ўзлашма сўзларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ этиш Э. Бегматов¹, А.Р. Рустамов², Б. Бафоев³ сингари олимларнинг илмий изланишларида очиб берилган. Шунингдек, ўзбек тили лексикасининг тараққиёт йўллари, унинг этимологик таркиби, ўзбек тилидаги ўзлашма ва байналмилал сўзларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш А.К. Боровков, В.В. Решетов, М.М. Мирзаев⁴, Н. Фуломова, К. Юсупов⁵ сингари тилшуносларнинг илмий ишларида ёритиб берилган.

Илмий адабиётларда чет тил сўзлари ва ўзлашма сўзлар алоҳида ҳодисалар сифатида фаркланади. Умуман олганда, чет тиллардан кирган сўзлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Ўзлашма сўзлар ёки ўзлашмалар.
2. Қўлланма сўзлар ёки қўлланмалар⁶.

Қўлланма сўз ва иборалар эса вазифаси ва тил қурилишига кўра икки гуруҳга ажратилади: 1) экзотик лексика ёки экзотизмлар; 2) киритмалар, яъни чет тил киритмалари⁷.

Экзотик лексика (юн. *Exotikos* –ёт, келгинди) – ўзга тиллардан ўзлашган, нутққа алоҳида бир ўзига хослик бериш учун қўлланадиган сўз иборалар⁸ демакдир. Улар ифодалаган тушунчалар қабул қилувчи тил эгалари ижтимоий ҳаётида қузатилмайди, маънодошлари мавжуд бўлмайди. Экзотизмларнинг муҳим хусусияти ахборот ташишидир. Улар орқали бошқа миллатлар турмуши, маданияти, урф-одатлари, ижтимоий қарашлари, ҳудуд табиати, географик жойлашуви ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Масалан, *комикс* (қискача изоҳлар берилган ўзаро алоқадор суратлардан иборат, ҳикоя қилишга асосланган китобча⁹), *кшиатрия* (Ҳиндистонда уч кастадан бири), *бумеранг* (австралия қабилаларининг ов

¹ Бегматов Э.А. Собственный пласт лексикки современного литературного языка. - Дис. д-ра филол. наук. - Ташкент, 1988. Шў муаллиф. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. - Ғ, 1989.

² Рустамов А.Р. Фонетико-морфологические особенности языка А. Навои. Дис. д-ра филол. наук. - Ғ, 1966.

³ Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои. Лексико-семантические, статические и тематическая исследования. Дис. канд. филол. наук. - Т., 1989.

⁴ Мирзаев М. Тил қандай ривожланади. - Тошкент, 1972.

⁵ Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. - Ғ, 1974.

⁶ Ўзбек тили лексикологияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1981. - 85-бет.

⁷ Ўзбек тили лексикологияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1981. - 84-бет.

⁸ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли дугати. - Тошкент. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2002. - 132-бет.

⁹ Словарь иностранных слов. - М. Русский язык, 1979. - С. 244.

қуроли), *чахохбили* (грузин ейимлиги), *торнадо* (АҚШ да қуюнни аталиши).

Киритмалар деганда, бадий асарда сўзловчининг турғ хусусиятларини (миллат, маданий ҳолат каби) очиб бериш учун хизм қиладиган чет тилидаги сўз ва иборалар тушунилади:

“Иккала қўлини баланд кўтариб, нидо берди:

- *Жамол, эго агапо имана су!..*” (*Жамол, ойингни яхши кўраман*). (Н

Думбадзе, “Хелладос”)

Киритмалар қабул қилаётган тилда тушунарли бўлиши тала қилинмайди, асосан индивидуал нутққа хослиги билан ажралиб туради. Улар ўзи мансуб тил имлосида бўлиши ёки қабул қилувчи тил имлосиг мослаштирилган бўлиши мумкин.

Киритмалар асосан таржима адабиётларда учраб, социолингвисти жихатдан муҳим қийматга эга. Зеро, қахрамонлар нутқида чет тилидаги ибораларнинг учраши тил эгаларининг ўз тилларига, шу асосда миллатига муносабат масаласига ҳам ойдинлик киритади. Жумладан, Л. Н. Толстой Ф. М. Достоевский асарларида французча сўз ва ибораларнинг кўп учраши ўз даврида миллатда француз тилига иштиёқ баланд бўлганлигини киритмалар кўшиб гапириш маданият белгиси сифатида қабул қилинганини кўрсатади. Бу жихатдан киритмалар варваризмларга ҳам ўхшаб кетади:

Мен ҳам, мана шундай дейман Ademain mouller (Лев Толстой)

Ўзга тилдан қабул қилинган сўз¹ кенг маънода ўзлашма сў дейилади. Ўзлашма сўзлар лугат таркибининг ташки манба асосида бойиши ҳосиласи ҳисобланади.

Ўзлашмаларнинг асосий белгилари сифатида унинг индивидуал ва коллектив нутқда кенг, узлуксиз, узок давр қўлланиши, кераклиги, ўз катлам қонуниятларига бўйсунуши, тилнинг лексик-семантик тизимига сингишганлиги, амалий ёзувга мослашганлиги, табиий ва аниклиги, меъёр ҳисобланиши кўрсатилади. Ўзбек тилидаги кўпгина тожикча ва арабча ўзлашма сўзлар ўзбек халқи нутқида асрлар мобайнида қўлланиб келди. Бу ҳол бу сўзларнинг ўзбек тили лугавий меъёрларига сингиб кетишига асос бўлди.

¹ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати - Тошкент “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. - 138-бет.

Сўзнинг тилга тўла ўзлашганини аниқлаш мушкул иш бўлиб, бунда вақт ва жамият омиллари муҳим аҳамиятга эга.

Бир тилдан бошқа тилга сўзларнинг кириши ва сингиши шунчаки оддий, механик процесс эмас, балки мураккаб лингвистик ва социал-тарихий шарт-шароитлар билан боғлиқ қонуниятдир. Тилдан тилга сўз ўзлашиши учун аввало реал шароит лозим бўлади. Бундай шароит тиллар ҳамкорлиги, яъни тиллар контактидир¹. Бундан ташқари, «сўз ўзлаштириш бир халқ иккинчи халқдан нима ўрганганини кўрсатиб беради»². Демак, тиллар контакти халқларнинг маданий муносабатларида муҳим роль ўйнайди: алоқа жараёнидаги қийинчиликларни бартараф этишга интилиш сифатида намоён бўлади.

Сўз ўзлаштириш сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин: ўзлашма сўз янги тушунча, янги нарсани билдиради (асосий сабаб), ўз сўздан кўра қулайроқ бўлади: ўзлашма сўз терминологик характерга эга бўлиб, тушунчани бутун иборанинг ўрнига ифодалай олади; унинг қўлланиш доираси кенгайиб боради (демак, мулоқот учун қулай), ва ниҳоят, байналмилал сўз бўлиши мумкин (демак, тилнинг бойиши ва халқларнинг яқинлашуви учун қулай восита)³. Шунингдек, сўз ўзлаштириш экспрессив омиллар билан боғлиқ: ўзлашма сўз тушунчани бирмунча аниқ ифодалайди ёки керакли маъно оттенкаларини кўрсата олади⁴.

Ўзбек тили лугат таркиби таркиб топишида турли этник, маданий, сиёсий, диний ва савдо алоқаларининг ўрни муҳимдир. Ўзбекистон ҳудудида туркий халқлар билан бирга эроний уруғлар – сўғдлар, бактрийлар, хоразмийларнинг яшаганлиги, бу халқлар ўртасида мунтазам алоқалар бўлганлиги маълум. Натижада билингвизм – икки тиллилик юзага келган. Билингвизм ижтимоий ҳаёт билан бирга бадиий адабиётда ҳам ўз аксини топган. Ўзбек адабиётида зуллисонайлик – икки тилда шеър ёзиш юксак қадрият, анъана сифатида “Мухаббатнома” муаллифи Хоразмийдан то XX аср бошларига қадар давом этган. Икки тилда ижод этиладиган ширу шакар, уч тилда ёзиладиган ширу шахду шакар каби мумтоз шеърый жанрлар пайдо бўлди. Ўзбек тили тарихида икки тиллилик

¹ Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент: Ўзбекистон, 1981. 78-бет.

² Блумфилд Л. Язык. - Москва, 1968. - с. 503.

³ Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. - Ташкент: Фан, 1985. - с. 13.

⁴ Якубинский Л.П. Несколько замечаний о словарном заимствовании // Язык и литература, т. I, вып. I, II - Л., 1926.

Ўзбек-тожик, ўзбек-араб (VII-IX), ўзбек-рус билингвизми шакллари учрайди. Улардан ўзбек-тожик, ўзбек рус икки тиллиги оммавийлиги ҳозирда ҳам давом этаётганлиги билан ажралиб туради. Ўзбек-араб икки тиллиги ҳозирда давом этаётган бўлса-да, тилимиз луғат бойлиги сезиларли из қолдирган.

Сўз ўзлаштириш асосан икки шарт билан амалга ошади: оғзақ алоқалар воситасида ва бевосита ёзув таъсирида. Айрим мутахассислар оғзақи тарзда сўз ўтишини ўзлаштиришнинг куйи даражаси деб атайдилар “чунки бунда, асосан, унча мураккаб бўлмаган, кундалик турмушда ишлатиладиган сўзлар ўтади”¹. Қадимги даврларда оғзақи сўзлашув муҳим роль ўйнаган бўлса, даврлар ўтиши билан ёзув ва ёзма манбаларнинг аҳамияти юксалиб борган. Ёзувнинг тарқалиши, китоб нашр этилиши сўз ўзлаштиришнинг янгича шароитини яратади, бунинг учун халқларнинг реал алоқаси ва иккитиллиликнинг аҳамияти қолмайди². Жумладан тилимизга инглиз ва қисман араб тилларидан сўз ўзлашиши бевосита китоб, ёзув ва матбуот билан боғлиқ.

Босма манбалар орқали ўзлаштиришда икки ходисани фарқ қилиш керак:

1) иккинчи бир тилда ёзилган адабиётни ўзбек тилига таржима қилиш йўли билан ўзлаштирилади. Бунда кундалик матбуотнинг хиссаси катта бўлади.

2) Ўзбек бадиий адабиётининг ўзи орқали ўзлаштирилади. Булар ёзувчининг бошқа миллат тили ва адабиётини чуқур ўрганиши асосида воқе бўлади³.

Тилларнинг ўзаро таъсири масаласи лингвистларни кўпдан буён қизиқтириб келаётган масалалардан ҳисобланади. Кейинги йилларда бу соҳадаги изланишлар, асосан, турли системадаги тилларнинг ўзаро таъсири масаласига қаратилди⁴. Тилларнинг ўзаро таъсири ва сўз ўзлаштириш назариясидаги муҳим ўринлардан бири шуки, уларда “адаптация” ва “ассимиляция” тушунчаларининг чегараси аниқ кўрсатиб

¹ Иброҳимов А. Ўзлашмаларда имло масаласи / Ўзбек тили ва адабиёти, 1-сон, 2007. – 68-бет

² Кушнцова О. В. Лексикология русского языка. – Москва: Высшая школа, 1989. – С. 138.

³ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. Toshkent: Universitet, 2006. – 109-бет.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Раҳмонов Т. Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар. Фил. фан номз. диссертацияси. Т. 1994. Д. 2168д. – 11-б.

берилади. Бу тушунчалар ўз ўрнида сўз ўзлаштирилиши диахроник жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади¹.

Ўзлашма сўзларнинг ўзлашуви икки босқичдан иборат:

1. Шақлий босқич. Бу босқичда ўзлашма сўз ўзлаштирувчи тилнинг товуш, орфографик, морфологик ва сўз ясалиш қоидаларига мослашади.

2. Мазмуний босқич. Тилларнинг ўзаро таъсири ҳамиша ўзининг ижтимоий сабабларига эга бўлади². Бу сабаблар тилларнинг бойишига ёрдам беради.

Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган сўзларнинг салмоқли қисми Куръони карим ва илмий асарлар орқали ўтган бўлса-да, айрим ўринларда форс-тожик тилининг воситачилиги ҳам сезилади.

Инглиз тилидан кирган ўзлашмалар (бошқа Европа тилларига оид ўзлашмалар ҳам шу жумлага киради) бевосита глобаллашув ва интеграция жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, айрим ўринларда рус тили воситачилик вазифасини бажарган. Бундай сўзлар рус тилининг ўзи учун ҳам ўзлашма ҳисобланади.

Чет тилидаги сўзларнинг ўзлаштириш усуллари, асосан, икки хил деб кўрсатилади (айрим адабиётларда уч хил³):

1. Ўзича олиш.
2. Калькалаб олиш⁴.

Тилга ўзлашма сўз ўз холича қабул қилинганда, янгилик бўёғига эга бўлади. Шунингдек, лексиканинг нофаол, бир маъноли сўзлар қатламларига ҳам мансуб бўлади. Одатда чет сўзлар фонетик, график, лексик-семантик, грамматик ва меъёрий стилистик жиҳатдан ўзлашади⁵. Н.З. Гаджиевнинг таъкидлашича, одатда, туркий тиллардаги барча ўзлашмалар сўз яшаш ва сўз ўзгариш жиҳатидан туркий тилларнинг ички қонунларига бўйсунди⁶. Жумладан, араб тилидаги *з, т, д, ҳ* товушларининг вариантлари ўзбек тилида бир товуш ва харф шаклига келган. *ъ (ъайн)* товуши қиска тўхталлишга айланиб, унлини ундошдан ажратиб ўқишга ёки унлининг чўзиб ўқилишига хизмат қила бошлаган ва шаклан график белгига - тутук белгисига алмашган. Рус тилидаги *х, ц*

¹ Зограф I А Иранские и арабские элементы в урду - М., 1960

² Зограф I А Иранские и арабские элементы в урду - М., 1960 - 36-б

³ Қарам Ўзбек тили лексикологияси - Тошкент Ўзбекистон, 1981 - 86-бет

⁴ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili - Toshkent Universitet, 2006 - 110-бет

⁵ Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка - М. 1975 - С 60

⁶ Гаджиева Н.З. Туркские языки / Языки мира. Туркские языки - Бишкек, 1997 - С 33

товушлари, айрим товушларнинг юмшоқ ва каттик вариантлари фонетик-график мослашув асосида қабул қилинган.

Ўзлашма сўзнинг морфологик жиҳатдан мослашувига юнон тилида *-ос*, лотинча *-ум* қўшимчаларининг, хинд-европа тилларидаги артикллари (*the, a, an, la, le, die, das*)нинг туширилишини мисол сифатида келтириш мумкин. Артиклар аниклик-ноаниклик, жинс каби тушунчаларни билдириб, ўзбек тилида грамматик категория сифатида учрамайди.

Сўзларнинг семантик ўзлашиши ички лисоний омиллар билан боғлиқ. Ўзлашма сўз “бўш ўрин”га тушиши – асосий аташ бирлиги бўлиши ёки синонимлар орасига тушиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳақ олувчи тилдаги сўзлар билан семантик жиҳатдан мослашуви, парадигма ҳосил қилиши керак¹. Масалан, *марза* сўзи форс-тожик тилида – *чегарасарҳад*, *ўлка*, *эгам*² маъноларини билдириб, ўзбек тилига фақат охири маъноси билан ўзлашган. Арабча *марказ* сўзи *ўрталик*, *ўрта ер*, *ҳолат*, *мавқе*, *вазият* маъноларини ифодаласа, ўзбек тилида фақат *ўрталик*, *ўрт* ерни билдиради. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бундай сўзлар ўзбек тилига қабул қилинган, қўшимча ҳосила маъноларга ҳам эришиши мумкин. Семантик мослашувнинг сўнгги нуктасида ўзлашманин ўзга тилга мансублиги унутилади, ўзлаштирилган тилнинг лисоний бирлиги мақомини қўлга киритади ва сўз яшаш базасига ҳос бирлик сифатида сўз ўзлаштирилган тилни, унинг лугат таркибини янгидан-янги ясама лугавий birlikлар ҳисобига бойитишда иштирок этади, ҳуллас янги сўзлар ҳосил қилувчи лисоний манбага айланади³.

Сўз ўзлаштириш – бу унинг индивидуаллиги, келиб чиқиш “йўл”ини йўқотиш ва неологизм ҳолида қолдирмасликдир⁴. Бу албатта ҳар бир сўз янгилик бўёгини йўқотиб, фаол қатламга киради дегани эмас.

Чет тилидан сўз ўзлаштиришнинг яна бир усули калькалашдир. Бу усул “ўзга тилнинг лексик, фразеологик birlikларининг моделлари асосида ўз тил унсурларидан фойдаланиб, янги сўз ёки фразеологизм

¹ Кушнцова Э. В. Лексикология русского языка. – Москва: Высшая школа, 1989. – С. 149.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати 5 жилдди. II жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 544-бет.

³ Хасанова Д. Сўз ўзлаштиришнинг сўз ясашига муносабати ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, I сон. – 84-бет.

⁴ Кодухов В. П. Введение в языковедение. – М., 1987. – С. 189.

бирликлар хосил қилиш¹ни назарда тутлади. Калькалаш асосан икки хил бўлади: тўлик калькалаш ва ярим калькалаш².

Тўлик калькалашда хосил қилинаётган сўзнинг ҳар бир қисми калькаланади. *Автограф – дастхат, ядерное оружие – ядровий қурол, боевое готовность – жанговар тайёргарлик, тяжелое инфекционное болезнь – ўткир юқумли касаллик, железная дорога – темир йўл* кабилар.

Ярим калькалашда эса сўзлардан бирини алмаштиришга эҳтиёж бўлмайди, у умумистеъмомлга аввалроқ кирган бўлиши мумкин. Масалан, *инфинитив оборот – инфинитив ўрам, систем-структурная лингвистика – систем-структур тилшунослик* кабилар. Бу ҳолда таржима қилинмайдиган қисм биз юкорида кўрсатиб ўтган фонетк, морфологик, семантик ўзгаришларга учраши мумкин.

Калькалаш ўзбек тилида рус тили қолиплари асосида XIX асрдан вужудга келган. Октябрь тўнтаришигача нисбатан кам қўлланган³. Бунинг асосий сабаби бундай сўзларнинг ўрнини босувчи сўзлар бўлмаганидир. Бу усул терминлар хосил қилишда кенг қўлланади ва нутқ услублари билан бевосита алоқадор⁴. Ҳозирги кунда ҳам сўз ўзлаштириш ва калькалаш тил лугат таркиби бойишининг бойитишнинг асосий усули бўлиб келмоқда. А.А. Белецкий калька сўзлар борасида қуйидагиларни таъкидлайди: “калькаларнинг асосий қисми ҳам байналмилал сўзлардир, фақат уларга “миллий кўйлак кийдирилган”⁵. Баъзи олимлар калькалашни сўз ўзлаштириш соҳасидан ташқарида ўрганишни таклиф қиладилар. Чунончи, Л.П. Ефремов шундай ёзади: “Калькалаш сўз ўзлаштиришга қирмайди ..., у ўз қатлам ва ўзлашма қатлам ўртасидаги оралик ҳолатдир... Калька сўз ўзлаштириш эмас, балки мослашув, кўникув, сингдириш демакдир”⁶. Т.А. Бертагаева қуйидаги фикрларни кузатамиз: “Калька сўз ўзлаштириш эмас, мослашувдир. Мослашувнинг биринчи даражаси – калька, иккинчи даражаси – калькалашдан бирмунча четланиш. учинчи даража – чет ва туб элементларни тўлик қиёслашдир”⁷. Шундан келиб чиқиб сўз

¹ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. 47-бет

² Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. Toshkent Universiteti, 2006. 110-бет

³ Боровков А.К. Узбекский литературный язык в период 1865-1867 гг. – Ташкент, 1940.

⁴ Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. – Ташкент: Фан, 1985. С. 90

⁵ Белецкий А.А. Об интернационализмах. Ученые записки Киевского государственного университета, 1955. т. 16, вып. 2. – С. 69

⁶ Ефремов Л.П. Калькирование как одна из причин возникновения лексической омонимии. Изв. АН Казахстана. серия филологии и искусствоведения, вып. II, 1962. – С. 51

⁷ Бертагаев Т.А. Лексика современных монгольских литературных языков. – Москва, 1974. С. 334

Ўзлаштиришнинг қуйидаги таснифи ҳам илгари сурилмоқда: 1) фонет
Ўзлаштириш – сўзнинг ўзини қабул қилиш (В. Пизани); 2) семант
Ўзлаштириш – калька, этимологик калька, семантик калька (В.В. Иванов)
Бу муаммолар назарий соҳада махсус тадқиқотларни талаб қилади.

Муайян тилдаги ўзлашма лексемаларни таҳлил қилиш уч аспект
амалга оширилиши мумкин:

1. Социоллингвистик аспектда ўзлашиш шарт-шароитлари (манба
тил, ўзлашиш вақти, бошланғич маъноси) тавсифи бирмунча муҳим
саналади. Масалан, бактерия сўзи грек тилидан кирган бўлиб, бу тилда
“таёқча” маъносини ифодалаган. Буни изохли лугат ёки ўзлашма сўзлар
лугатига мурожаат қилиб аниқлаштириш мумкин.

2. Ўзлашма сўзларнинг байналмилал сўз ёки “хусусий” ўзлашма сўз
сифатидаги тавсифи.

3. Функционал аспект².

Ўзлашма сўз тилга турлича вазифаларни бажариш учун киритилиши
мумкин. У терминологик катламга ёки умумистеъмолдаги катламга
“тушиши” мумкин. Ўзлашманинг терминологик катламга кириши икки
хил ҳолатда рўй беради: 1) сўз тўғридан-тўғри термин сифатида кириб
қелади: *бессемер, карикатура, бюст* каби; 2) умумистеъмолдаги катламга
қабул қилиниб, кейинчалик маъносини махсуслаштириш орқали махсус
лексикага олинади: *ариза* (хуқуқ), *ишқор* (кимё), *макет* (полиграфия).

Ўзлашмаларнинг салмоқли қисмини байналмилал сўзлар
(интернационализмлар) ташкил этади. Улар асосан илмий терминология
билан боғлиқ. Байналмилал сўзларнинг муҳим белгиси сифатида унинг
ўзлашиш вақти, шарт-шароити эмас, балки учтадан кам бўлмаган тилда
учраши, қабул қилувчи тилда асли (келиб чиқиши) билан боғлиқ эмаслиги
маълум ҳудуд (ареал)га мансуб бўлмаслиги кўрсатилади³. Байналмилал
сўзларнинг қардош бўлмаган тиллараро воқе бўлиши уларни умумтуркий
сўзлардан фарқлайди. Чунки умумтуркий сўзларнинг бир неча қариндош
тилларда учраши генетик манбаи умумийлиги сабаблидир.

Бундан ташқари байналмилал сўзлар синхроник характерга эга, у
дунёдаги барча тилларнинг лугавий бойлиги ҳисобланади. Шунинини ҳам
айтиб ўтиш керакки, байналмилал сўзларнинг ўзбек тилига кенг кириб

¹ Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. - Ташкент: Фан, 1985. - С 89

² Кузнецова Э.В. Лексикология русского языка. - Москва: Высшая школа, 1989. - С 152.

³ Кузнецова Э.В. Лексикология русского языка. - Москва: Высшая школа, 1989. - С 145.

келиши XX асрнинг 30-йилларидан кучайди¹. Шўро даврида олиб борилган тил сиёсати натижасида рус тили барча республикалар тилига интернационализмлар номи остида сингиб борди, уларнинг қўлланиши услубий қоида сифатида назорат қилинди. Ҳаттоки, байналмилал сўзларнинг алоҳида гуруҳи – советизмларни фарқлаш ҳақида фикрлар ҳам пайдо бўлди².

Бир неча тилларда учраши ва аслида чет тилида кирганлиги нуқтаи назаридан туркий тиллардаги арабча сўзлар интернационал лексикага яқинлашади. Лекин уларнинг муайян ареал билан чегаралангани фарқланишга асос бўлади. Зеро қачонлардир бир таркибида бўлган ҳудудлар бир дин ва сиёсат, жумладан тил сиёсати таъсирида яшаган. Адабиётларда бундай сўзлар регионализмлар³ деб аталади. М.М. Маковский ҳам байналмилал сўзлар борасида ўз нуқтаи назарини баён қилар экан, *сезон, стаж, аудитория, металл, пьеса* каби сўзларга тўхталиб, уларни регионализмлар деб аташ маъқулроқ эканини ёзади⁴. Н.Г. Гулямова мазкур сўзларни бир қатор (қариндош ва қариндош бўлмаган) тиллар учун умумийлиги, семантикаси ва морфологик қурилиши жиҳатидан “одатий, анъанавий маънода” байналмилал сўзлар қаторига киритади⁵. О.Жуманиёзовнинг фикрича, ўзлашма сўзларни микдори, сўзлашувчи кишилар сони, қўлланиш соҳаси, тил ҳудуди, тилнинг дунё тилига айланган бўлиши, ривожланганлик хусусияти каби изохларда бирёкламалик бор. У шундай ёзади: “интернационализмлар ҳам, регионализмлар ҳам чет сўзлардир. Чунки улар, аввало, чет сўз сифатида бошқа бир тил лугат таркибидан иккинчи бир тилга қабул қилиниши керак. Шундан кейингина улар икки тил, икки халқ ёки икки миллат орасида қўлланиш мавқеига эга бўлишади. яъни байналмилаллик хусусиятини қасб этишади”⁶. У сўз байналмилал ҳисобланиши учун “икки ва ундан ортик тиллардаги имло, талаффуз ва маъносининг бир-бирига ўхшашлик даражаси”ни асосий мезон қилиб олишни таклиф қилади.

¹ Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке – Ташкент: Фан, 1985 – С.40

² Бельчиков Ю.А. Интернациональная терминология в русском языке – М., 1959 – С.73

³ Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент: Ўзбекистон, 1981 – 87-бет

⁴ Маковский М.М. Теория лексической аттракции – М., 1971 – С.168, 169, 173

⁵ Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке – Ташкент: Фан, 1985 – С.45

⁶ Жуманиёзов О. Байналмилал сўзлар масаласига оид. УГА. №2, 1991 – 67-бет

Байналмилаллик характериға эға бўлган кўпгина терминлар сунъийўл билан ҳосил қилинган¹. *Агрохимия, гелиофизика, социолингвистика* каби терминлар бевосита юнон тилидан олинмасдан, юнонча сўзларнинг иштироки билан тузилган.

Илм-фан, техниканинг жадал суръатлар билан тараккий топиши ҳаётимизға бозор иқтисодиётининг босқичма-босқич кириб келиши республикамизда жаҳон инфраструктурасилаги узлуксиз таълим тизими дипломатия, молия, банк, ва кредит, солиқ, аудиторлик, менежментлик мониторинг, маркетинг, машинасозлик, самолётсозлик каби соҳаларнинг янада такомиллаштирилиши натижасида мустақиллик йилларида ўзбек тили луғат системасининг ички ва ташқи имкониятларини тўла ишга солган ҳолда, тил тараккиёти коннуниятлари талабига мос равишда он тилимизнинг эркин ривожланиши учун янгича шарт-шароитлар юзага келди².

Тилимизға сўз ўзлашиши жуда қадимдан бошланган бўлиб, М Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарларида учрайди. Улар жумласида *черик, сарт, роӣ* каби санскритчи сўзлар, *шад, хатун (хотин), ажун (очун), кенд* каби сўғдийча сўзлар *бахши, куг (куй, мусиқа), қам (шомон), лохтаӣ (мато номи), тегш (шаҳзода), ӣабғу, ӣинжу, тархан, хақан, хан, туг (байроқ)* сингарий хитойча сўзлар кузатилади³. Алишер Навоӣ асарларида қўлланган 26000дан ортик сўзлар орасида 70 та сўзнинг асосини хиндча сўзлар ташкил қилган⁴.

Арабча сўзларнинг ўзбек тилиға ўзлашиши бевосита VIII асрда бошланиб, IX-X асрларда анча фаоллашган. Араб тилидан сўз ўзлаштирилишиға олиб келган омиллар ичида қуйидагилар муҳим роль ўйнаган: а) араблар истилоси; б) ислом динининг кенг тарқалиши; в) араб ёзувининг қўллана бошлаганлиги; г) мадрасаларда араб тилининг ўқитилиши; д) туркий-араб икки тилигининг (биллингвизмининг) тарқиб топганлиги; е) олиму фузалоларнинг араб тилида ижод қилганлиги ва

¹ Кузнецова ЭВ. Лексикология русского языка. - Москва. Высшая школа. 1989. - С. 145.

² Ҳожиев А. Мустақиллик шароитида ўзбек тили луғат тарқибининг ривожланиш асослари // Ўзбек тили ва адабиети журнали. 1994. №1-2. - 20-бет.

³ Далабаев Х. Древние заимствования в системе общественно-политической и социально-экономической терминологии узбекского языка XI-XIV вв. // Алабий мерос. 3(57). 1991. - 46-53-бетлар.

⁴ Бафоев Б. Навоӣ тилида хиндча сўзлар // ЎТА. №4. 1991. 38-бет.

блар¹. Араблар боскини даврида илм ўчоғи бўлган кўхна маъбадлар, кутубхоналар йўқ қилинди. Машҳур сайёх Истахрий XI асрда Мовароуннаҳрга келиб, Бухоро ҳали ҳам харобалар ичида ётганини ёзади. Шундан келиб чиксак, тарихий шароит ҳам олимларнинг Бағдодга томон оқишига сабаб бўлган. Бу ҳолат илмий терминологияга ҳам катта таъсир кўрсатган. Ҳозирги кунда ҳам *даража*, *нисбат*, *мусбат*, *манфий*, *каср*, *мулк*, *жиноят*, *маърифат*, *маориф*, *тафаккур*, *тасниф*, *таълимот*, *назария*, *амалиёт*, *фан*, *фалсафа* каби сўзлар тилимизнинг турли катламларида термин вазифасини бажармоқда.

Араб тилидан кирган сўзлар асосан от туркумига мансублиги, шунингдек, мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар эканлиги билан ажралиб туради. Ўзбек исмлари таркибида ҳам арабча, шунингдек, ислом дини билан боғлиқ бўлган яхудийча антропонимлар катта салмокка эга.

Ўзбек тилидаги арабий ўзлашмалар ва сўз бирикмаларини ўрганиш ўтган асрнинг 40 йилларидан бошланган. Бу йўналишдаги дастлабки уриниш Ф. Абдуллаевнинг номзодлик диссертациясида ўз аксини топган бўлса², кейинчалик бирр катор кўзга кўринган олимларнинг илмий ишларида ҳам шу соҳанинг айрим қисмлари ўрганиб чиқилган. Ўзбек тилидаги ўзлашма сўзларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ этиш Э. Бегматов³, А.Р. Рустамов⁴, Б. Бафоев⁵ сингари олимларнинг илмий изланишларида очиб берилган. Шунингдек, ўзбек тили лексикасининг тараккиёт йўллари, унинг этимологик таркиби, ўзбек тилидаги ўзлашма ва байналмилал сўзларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш А.К. Боровков, В.В. Решетов, М.М. Мирзаев⁶, Н. Фуломова, К. Юсупов⁷ сингари тилшуносларнинг илмий ишларида ёритиб берилган.

XX аср сўнггида тил сиёсати амалга оширилган вақтда кўпгина Европа тилларидан кирган ўзлашмалар арабча муқобилларига алмаштириб кўрилди. кўпгина қисми истеъмолда қолди.

¹ Jamolxonov H. Hozirogi o'zbek adabiy tili. - T.: Talqin, 2005. - 190-bet

² Абдуллаев Ф. Арабизми в узбекском языке. Дис. канд. филол. наук. - Т., 1945

³ Бегматов Э. А. Собственный пласт лексики современного литературного языка. - Дис. д-ра филол. наук. - Ташкент, 1988. Шу муаллиф Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик катламлари. - Т., 1989

⁴ Рустамов А.Р. Фонетико-морфологические особенности языка А. Навои. Дис. д-ра филол. наук. - Т., 1966

⁵ Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои. Лексико-семантические, статистические и тематическая исследования. Дис. канд. филол. наук. - Т., 1989

⁶ Мирзаев М. Тил қадимий ривожланиши. - Тошкент, 1972

⁷ Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. - Т., 1974

Лекин кейинчалик арабча ўзлашмаларнинг истъомолдан чи-
бориши кузатилди. Жумладан, Навоий асарларида учрайдиган *нуж*
нусрат, *қурбат*, *қутр* каби сўзлар ҳозирги тилимизда учрамайди.

Форс-тожикча ўзлашмалар масаласига тўхталганда, Ўзбекист-
худудида яшаган қадимги халқлар - сўғд, бактрия, хоразмий, парфи-
париканийларнинг тили эроний тиллар гуруҳига мансуб бўлганини эсл-
ўтиш жоиз. Қадимдан кўшничилик муносабатида яшаб келган халқл-
тилида сўз ўзлаштириш барча шароитларда - икки тиллилик, оғзаки ну-
босма манбалар воситасида амалга ошиб борган. Ўзбек ва форс (тожи-
тиллари орасидаги муносабатдошлик барқарор тил контакти даражаси-
етишган ва уни тил контактларининг проксимал кўриниши деб бемалс-
айтиш мумкин. Чунки, бу грамматик қурилиши ҳар хил бўлган икки тил-
жамоаси ўртасидаги боғланиш, яъни тил контактидир¹.

Форс-тожикча ўзлашмалар туркий тилнинг барча тематик гуруҳларн-
барча туркумларда учрайди. Айниқса, белги ифодаловчи сўзлар
шунингдек, мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар катта салмокка эг.
Форс-тожикча ўзлашмалар миқдор жihatдан арабча ўзлашмаларда
устунликка эга.

Демак, ўзлашма сўзлар манбасига қуйидаги қатламлардан иборат:

1. Байналмилал сўзлар (интернационализмлар).
2. Арабча сўзлар.
3. Форс-тожикча сўзлар.
4. Русча сўзлар.
5. Бошқа тиллардан кирган сўзлар.

Вазифасига кўра ўзлашма сўзларни икки типга бўлиш мумкин: 1. Ў-
катламда синонимлари бўлмаган ўзлашмалар. 2. Ўз катламда синоним
бўлган ўзлашма сўзлар. Иккинчи ҳолатда тўлик синонимлик ҳолати
кузатилиши мумкин: *тилшунослик* – *лингвистика*, *фазогир* – *астронавт*,
градуал – *погонали* каби.

Ўзлаштириш усулига кўра ўзлашма сўзлар лугавий ўзлашмалар ва
семантик ўзлашмаларга ажратилади:

1. Лугавий ўзлашмалар барча фонологик, морфологик ва семантик
хусусиятлари билан ўзлашган бўлади.

¹ Хасанова Д. Сўз ўзлаштиришнинг сўз ясалишига муносабати ҳақида / Ўзбек тили ва адабиети. 2008. 1-
сон. 84-бет.

2. Семантик ўзлашмалар калькалар деб ҳам аталиб, чет тилидаги сўз колипи асосида ўз қатлам материали билан ҳосил қилинган сўзлардир¹: *самоходный – ўзиюрар. урвнение – тенглама, ледокол – музёраб каби.* Улар ифодаловчи тушунчалар ўз қатламдаги сўзлар билан ифодаланadi.

Ўзлашма сўзлар эҳтиёж даражасига кўра икки турли бўлади: керакли ўзлашмалар, кераксиз ўзлашмалар.

Агар тилда ўзлашма ифодалайдиган тушунчани бера оладиган сўз бўлмаса, у ҳолда ўзлаштирилган сўзни керакли ўзлашма деб аташ мумкин. Айрим ҳолларда тилда ўзлашма сўз ифодалайдиган муқобил мавжуд бўлади, лекин сўз ўзлаштирилади. Бунда синонимик қатор вужудга келади. Албатта, синонимик қатордаги сўзлар бир-биридан семантик жиҳатдан фарқ қилиши мумкин, бироқ Европа тилларидан қирган ўзлашмалар асосан тўлиқ синонимликни вужудга келтиради.

Сўз ўзлаштириш ва унинг миллий тилга сингиши қуйидаги эҳтиёжлар натижасида амалга ошади:

1. Янги тушунчанинг айна шу жамият бағрида юзага келмагани.

2. Янги сўзга тилда семантик ва шаклан муқобил йўқлиги. Кўпинча янги тушунчани ифодалаш учун чет сўзга семантик жиҳатдан мувофиқ сўз бўлмаса, мураккаб бирликларни қўллашга тўғри келади. Нутқдаги тежамкорлик тамойили тушунчани бир сўз билан аташни такозо қилади.

3. Асимметрия ходисаси. Жумладан, ўзбек тилида ўқитувчи сўзи семантикасида фақат “жинси эркак” семаси унинг “жинси аёл” бўлган тушунчани ифодалашига йўл қўймайди. Натижада тилга *муаллима, мураббия*, шунингдек, *муаллим, мураббий* кириб келади.

4. Таклид, ибрат олиш ва бошқа психологик омиллар. Муайян атокли шахснинг жамоат олдидаги нутқи, албатта, унинг қўл остидаги ходимлар ёки суҳбатдошларга таъсир қилади. Ёки чет тилидаги адабиётлар билан ишлаётган мутахассис нутқида чет тилидаги сўз ва терминларни қўп қўллаш ҳолати кузатилади.

5. Терминология ёки жаргоннинг келиб чиқиш манбасига кўра бир хил бўлишига интилиш. Чунончи, *география – табиатишунослик. Географик ландшафт* – бирикмасида ўз қатламдаги сўзнинг вазифаси торайганлиги кўринади.

¹ Кузнецова Э.В. Лексикология русского языка. – Москва: Высшая школа, 1989. – С. 145.

6. Аталаётган нарсанинг мақомини кўтаришга интилиш натижасид – муайян даврларда чет тилидаги сўзларни қўллашга қизиқиш кучаяди зал – холл, намоёиш – презентация, бошқарувчи – менежер.

Сўз ўзлаштиришнинг жамият ва тил эгаси бўлган миллат учун икк жихати мавжуд:

1) тил ижтимоий ҳодиса экан, жамиятга хизмат қилар экан, униқ эҳтиёжларини тўла ва ўз вақтида кондириши керак. Давр, вазият тил в тилшуносликдан жамиятнинг чакиригига ҳозиржавоблик кўрсатишн талаб қилмоқда. Сўз ўзлаштириш янги сўз ясалиши ва янги сўзнинг жамият томонидан тан олиншидан кўра кам вақт талаб қиладиган, осон усул. Демак, у вақтдан ютишга ёрдам беради, янги сўз жамиятнинг диққатини тезда ўзига жалб қилади, қизиқиш уйғотиб (*у нима?*), онг в тилга сингиши енгил кечади. Тил эгаси бўлган миллатнинг интеграциялашуви осонлашади. Бундан ташқари ўзлашма терминлақ лаконик белгига эгалиги билан ажралиб туради.

2) сўз ўзлаштириш натижасида бугунги кунда ички имкониятлар асосида сўз ясалиши унумсиз усуллардан бўлиб қолмоқда. Бу ҳолатнинг давом этиши тилнинг “яшаш учун кураш инстинкти”ни борган сари ишдан чиқариши, чин маънодаги жонли тилнинг ривожланишини сустлаштириши мумкин.

Иккинчи қараш миллатчилик характеридаги пуризм тарафдорлари фикрларига мос келади.

Чет тилидан сўз ўзлаштириш тил эгалари, жамият, шу жумладан мутахассислар томонидан турлича баҳоланади. Қадимги туркий тошбитикларда турк хоконлиги парчаланиб кетишининг ички, сезилмас сабаблари, мафкуравий томонларига эътибор берилади ва бу ҳақда шундай сатрлар учрайди: *Табгач халқига бек бўладиган ўғил боласи билан қўл бўлди, сулув қизи билан чўри бўлди. Турк беклари туркча отини ташлаб, табгач бекларининг табгачча отини қабул қилиб, табгач хоқонига қарам бўлди.* (Кту, 7)². Демак, аждодларимиз фикрича, кераксиз сўзларни тилга қабул қилиш мафкуравий, маънавий қарамлик ва мутеликни билдиради.

Ўзлашмалар масаласига илк бора туркий тилшунос М. Кошгарий “Девону луготит турк” асарида тўхталади. У чет тилидан қабул қилинган

Сўнги икки банд манбаси <http://www.mylanguage.ru/Mods/Cours1/cm.asp?actid=104>
Манба: Абдурахмонов Г., Рустамов А. Қадимги туркий тил – Тошкент: Уқитувчи, 1982. – 103-бет.

сўзларга икки хил муносабатда бўлади. Турмушга доир турли хил нарса ва предметлар борки, улар ҳаётга сингиб кетган. Тилда уни номловчи сўз бўлмаса, шундай сўзни қўшни тилдан олиш мумкин. Бирок тилда мавжуд сўзлар ўрнида бошқа тил сўзини қўллашни зарарли деб ҳисоблайди¹. Жумладан, “Девону луғотит турк”да куйидаги сатрларни учратамиз: “*Ўғузлар форсилар билан аралашгач, баъзи сўзларни унутдилар ва уларнинг ўрнига форсича сўзларни қўллай бошладилар*”². Кошғарий туркча ва сўғдча гаплашувчилар ҳақида гапириб, уларнинг тилида “бузуклик бор” дейди³. Қ. Содиковнинг фикрича, бу ўринда икки тилли халкларнинг туркий тилни бузиб гапиришлари назарда тутилган⁴.

Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ҳам ўз тилида шеър ёзишни эп кўрмайдиган “зариф” йигитлар – шоирлар танкид қилинади. Сўнг туркий тил ҳамда форс тили киёси бошланади. Унда форс-тожик тилига туркий тилдан ўзлашган сўзлар, сўзларнинг мавзуий гуруҳлари, синонимлик, омонимлик, туркий тилнинг қофия имкониятлари ҳақида сўз кетади. Бу киёсдан мақсад – сўзнинг маъно бойлигидан унумли фойдаланиш керак эканлиги яққол кўриниб туради.

XVII асрда Абулғози Баҳодирхон “Шажараи тарокима” асарида тил софлиги ҳақида куйидагича фикр билдиради: “Барча билингим, биздин бурун туркий тарих айтканлар арабий луғатларни кўшиб турурлар ва форсийларни ҳам кўшиб турурлар ва туркийни ҳам сажъ қилиб турурлар, ўзларининг хунарларини ва устодликларини халқга маълум қилмоқ учун. Биз мунларнинг ҳеч қайсисини қилмадук, анинг учунким, бу китобни ўқиғувчи ва тинглағувчи албатта турк бўлгуси турур. Бас, туркларга туркона айтмак керак, то уларнинг барчаси фаҳм қилгайлар, бизнинг айтган сўзимизни билмасалар андин не ҳосил?..”⁵

XX аср бошида маърифатпарварлар тилнинг софлиги масаласига эътибор қаратдилар. Хусусан, Исхоқхон тўра Иброт араб тили дин тили бўлса-да, масжидларда ваъз ўқиганда адабий тилда эмас, халқ тилида ўқиш кераклиги масаласини кўтаради: “Олами исломни ҳар тарафидаги масжидларда халқ тили илан ваъз панд этмоқ жорийдир. Ёлғиз Туркистон ва Бухорога, билмайман, на сабадан жорий эмас. Онингчун халқни ахлоку

¹ Ғарсинов У., Ўришбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. Тошкент: Ўқитувчи, 1982. - 86-бет

² Кошғарий М. Девону луғотит турк. 1-жилд. Тошкент, 1960. - 406-бет

³ Кўрсатилган асар. 1-жилд. - 65-бет

⁴ Содиков Қ. Маҳмуд Қошғарий туркий диалектлар ҳақида. Адабий мерос, 4 (50) 1989. - 61-бет

⁵ Баҳодирхон Абулғозий Шажараи тарокима. - Тошкент: Ўзлепон, 1995. - 6-бет

одоби кундан кун бузилмоқда... Лоақал мазмунини авомга тушундирма керак. Ҳолбуки, халойиқга зарурроқ, керакдур”¹.

XX асрнинг 20-30 йилларда жадидлар ҳам нуткнинг софлиги масаласига ўз нуқтаи назарларини қаратиб ўтганлар.

Бу даврда ўзбек тилини арабча форсча сўзлардан тозалаш ҳаракати бошланди.

XX асрнинг 20-30 йилларида “Чигатой гурунги” тил, адабиёт соҳасидаги бир қанча ислохотларни амалга оширди. Абдурауф Фитрат бошчилигидаги бу маърифий ташкилот фаолиятидаги асосий йўналишлар ўзбек адабий тили адабиётини ривожлантириш ва ўзбек адабий тилини арабий ва форсий сўзлардан тозалаш бўлди.

Бу даврларгача Алишер Навоийнинг адабиёт оламидаги образлиги эътибори туфайли унинг асарига назиралар бағишлаш, тил услуби ва эргашиш натижасида классик ўзбек адабий тиливужудга келди... Бу адабий тил эса жонли ўзбек сўзлашув тилидан анча узилган, шунинг учун ҳам кенг халқ оммаси учун тушунарсиз эди. Бу тилни тушуниш учун маълум тайёргарликка эга бўлиш, мактабларда сабоқ олган бўлиши керак эди².

Абдурауф Фитратнинг бу борадаги ишлари салмоқлидир. Замондош танкидчилардан Абдурахмон Саъдий Фитрат ҳақида шундай ёзади: “(Фитрат) ҳозирги замон ўзбек шеърлятида араб ва форс сўзларига йўлнинг беркитди, ўзбек шеър тузилишининг ривожланиш йўлларини белгилай бориб, кўпгина ёш шоирларни ўзининг услуби ва тили билан эргаштира олди, атрофига ёш шоирларни тўплаб, уларга тил ва услуб ёгидан йўл кўрсатмақдадир”³. Фитрат тил масаласида туркий миллатлар озодлигини биров бошқа йўлга сирғалаётганини сезиб қолади. У “Ёпишмаган гажаклар” мақоласида тил соҳасидаги муаммоларнинг ҳал этилишида “Чигатой гурунги”нинг аҳамиятини кўрсатар экан, муаллимлар, зиёлилар учун очилган курсларда она тили фан сифатида ўқитилмаётган ёки она тили сифатида усмонли турк тили ўқитилаётганини ёзади. Ўша вақтда идеаллаштирилаётган “умумий турк тили” эса бошқа туркий тилларнинг мустақиллигини чеклар эди: “Бунларнинг адабий умумий турк тили

¹ Ибрat Исхоқxon гўра Миллатни ким ислох этар // Исхоқxon гўра Ибрat. Танланган асарлар - Тошкент: Маънавият, 2005 - 157-бет

² Нурмонов А. Ўзбек тиливужудига тарихи. - Тошкент: Ўзбекистон, 2002. - 120-бет

³ Саъдий А. Бехўдй ва унинг теграсига йирилган шоирлар // Туркистон, 1923 йил, 12-декабрь

деганлари арабча қатнашган усмонлича эди”¹. Гурунг аъзолари, шу қаторда Фитрат ўзбек тили лексикасидан олиб ташлаш керак деб ҳисоблаган чет тили сўзларини биз шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин: 1. Арабча сўзлар. 2. Форс-тожикча сўзлар. 3. Бошқа туркий тиллардан кирган сўзлар (Усмонли туркча, татарча каби). Уларнинг кўпчилиги халқ учун тушунарсизлиги, жонли тилда пассивлиги, шу туфайли эски ўзбек тилидаги асарлар қийинчилик билан ўқилиши, уларнинг ўрнига ўзбек тилининг ўзидан кераклича материалларни топиш мумкинлиги тилни тозалаш ғоясига асос бўлди. Асосий мақсад эса адабий тилни жонли сўзлашув тили – халқ тилига яқинлаштириш эди.

Шу интилишлар натижаси ўлароқ гурунг аъзоси Элбек 1923 йил “Туркистон” газетасининг 10 та сонидан 550 та туркий сўзни ўзининг ёт муқобиллари билан “Луғат ва атамалар” рўқни остида эълон қилиб борди. Элбекнинг бу луғатни тузишдан мақсади - асрлар давомида ўзлашиб қолган ёт сўзларни Чигатой гуруҳи аъзолари томонидан ёппасига туркийлаштириш ҳаракатлари натижасида юзага келган нуқсон ва чалқашликларга барҳам бериш, уларни мубоҳасалар ёрдамида илмий ҳал қилиш эди². Луғат сўзбошисидан у луғатни тузишдан мақсади тилимиздан барча “бегона” сўзларни “қувиб” чиқариш ва хақиқий ўзбекча терминлар яратиш эканлигини ёзади. *Тегра-тўғарак – доира, буюрма – ҳужумат, ёзоқ – мактаб, босқоқ – ноийб, жазвал – линейка, лисониёт – тилшунослик, савтиёт – фонетика, жарроҳ – хирург, мутахассис – печан каби сўзлар, тўртпучмоқ – мурабба, қўлтўқ – кўрфаз, олмош – замир, атама – истилоҳ, негиз – асос, шиллик – феъл* сингари терминлар афкор омма муҳокамасига ҳавола қилинди.

Маҳмудхўжа Бехбудий халқ жонли тили адабий тил билан турлича муносабатда бўлиши мумкинлигини уқтиради, арабча ва форсча сўзларни луғат таркибидан зўрама-зўраки чиқариш дуруст эмаслигини таъкидлайди. Улуғ маърифатчи тилларнинг бир-биридан ўринли луғат олишини табиий жараён деб қарайди. Энг бой тиллардан бўлган инглизчанинг ҳам “ўн минглар ила бегона луғатларни мажбуран олганлиги”ни далил қилиб кўрсатади³. Шу билан бирга Туркистонда “қадимдан бери уч тил (туркий,

¹ Фитрат А. Ёпишмаган гажаклар. Абдураўф Фитрат “Чин севги” тўплами. Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрияти, 1996. – 246-бет.

² Бобомуродова Ш. Элбекнинг луғатшунослик фаолияти // Тил ва адабиёт таълими. 2006. 6-сон. – 60-бет.

³ Бехбудий Маҳмудхўжа. Тил масаласи. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1999. – 189-бет.

араб ва форс-тожик) жорий” эканлигини, Туркистон эли “турк ва форс тилини таҳсилсиз билиши” катта бахт эканлигини ёзади¹. Шу билан бирга тилга ўзлашма сўзларнинг кўплаб қабул қилиниши ҳам усмонли турк тилидаги каби адабий тилни халқ тилидан ажратиб қўйиши мумкинлигини кўрсатади. Бехбудий “Тил масаласи” туркий тилларнинг араб ва форс-тожик тилидан сўз олиши нуктаи назаридан уч даражасини кўрсатади: 1. Усмонли турк, озарбайжон, крим-татар тиллари – араб, форс тилидан жуда кўп сўз олган, шу туфайли оддий халқ ўз адабий тилларида ёзилган асарларни тушунмайди. 2. Татар тили – арабча ва форсча сўзларнинг салмоғи юкоридаги тилларга нисбатан кам, аммо матбуот тилида чет тили сўзлари кўп учрайди. 3. Ўзбек тили (чиғатой лаҳжаси) – маданияти, адабиёти ва санъати инкирозга юз тутгани учун Навоий тамал тоши қўйган адабий тил бузилиб, турли шеваларга бўлиниб кетган. Бу шеваларнинг арабча ва форсча сўзларга таъсирчанлиги куйидаги тартибда камайиб боради: Бухоро, Самарканд шевалари – Кўкон ва унинг атрофидаги шаҳар шевалари – Тошкент, Сирдарё музофотларидаги шевалар. Бехбудий адабий тилнинг шаклланишига фақат ўзлашма сўзлар эмас, шевалар ҳам тўсик бўлаётганлигини таъкидлайди². У асос солган “Ойна” журналинини кузатиш яна шундай хулосаларга олиб келадики, журналнинг 1913 йилги сонларида тилдаги софликка интилиш кун тартибидagi асосий масалалардан бири бўлган бўлса, бошқа сонларида туркий ва форсий тилларни “мусулмоний” тил сифатида баҳолаб, иккитиллиликка табиий ҳол сифатида қаралган. Адабий тил сифатида эса мазкур тиллар оралигидаги “ўрта шева”ни қўллаш маъқул кўринган³.

Абдулла Авлоний “Ойна” журналининг 1913 йил I-сонидa эълон қилган “Икки тил эмас, тўрт тил лозим” мақоласида ёшларни кўп тил билишга, араб, форс, турк тили кабилар билан бирга Европа тилларини ўрганиш лозимлигини таъкидлайди.

Фаол ислохотчилардан бири Ашурали Зохирий вақтли матбуот тилида учрайдиган ўзбек тили учун ёт бўлган лексик бирликлар ва грамматик шаклларнинг қўлланилишини, айниқса, татар ва усмонли турк

¹ Бехбудий М. Икки эмас, тўрт тил лозим. Таълиқ асарлар. - Тошкент: Миллавиёт, 1999. - 151-бет

² Қаранг: Бехбудий М. Тил масаласи. Махмудхўжа Бехбудий. Таълиқ асарлар. - Тошкент: Миллавиёт, 1999. - 183-189-бетлар

³ Қаранг: Балдауф И. Махмудхўжа Бехбудий ва унинг “Ойна” журнали. XX аср ўзбек адабиётини таълиқчилар. Тошкент: Миллавиёт, 2001. - 35-46-бетлар.

тилига хос шаклларнинг истеъмол қилинишини қоралайди¹. Ашурали Зохирий ҳам турли сўз ва терминлар ҳосил қилишда ўзбек тилининг иложи борича ўз ички имкониятларидан фойдаланиш кераклигини таъкидлайди, ўзлашма характеридаги терминларнинг бир қанча ўзбекча муқобил вариантларни муҳокамага ташлайди, терминларни қўллашни назорат қиладиган қўмита тузишни илгари суради.

Демак, XX аср бошларида чет тиллардан сўз олиш масаласида жадидларнинг фикрлари турлича бўлган. “Чиғатой гурунги” аъзоларида “Бутун кучни халқ ичидан олайлик, кучок олиб халқ ичига борайлик” (Чўлпон) тамойили етакчилик қилган бўлса, Бехбудий, Авлоний қабилар мўътадиллик ва тилнинг ижтимоий қонунларига аралашмаслик йўлини тутдилар. Бу ҳаракатлар қандай баҳоланишидан катъий назар ўзбек тилининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Оқибатда ўзбек тили XX асрнинг 30-40 йилларига келиб, деярли замондош бўлган Фуркат, Муқимийлар ижод қилган тилдан фарқ қилувчи адабий тил сифатида майдонга чиқди.

Ўзбек тилининг асл туркий табиатини сақлаш йўлидаги бошқа барча уринишларга мустабид шўро ҳокимияти ўз вақтида шундай назарий ва амалий зарбалар берадики, буларнинг натижаси ўларок ўзбек ёзма адабий тили луғат таркибида совет – байналмилал сўзларнинг салмоғи йил сайин ортиб борганлигида намоён бўлади². Бу даврга келиб, ўзбек тилига интернационализмлар номи остида кўплаб русча сўзлар қабул қилина бошлади.

Ўз-ўзидан ўша даврдаёқ байналмилал ўзлашмаларга икки хил қараш юзага келди. Жумладан, 1929 йил тилшуносларнинг Республика съездида байналмилал сўзларни ўз сўзларга алмаштириш масаласи ўртага ташланди. Масалан, *иштирокиюн (партия), дорилфунун (университет), бадантарбия (физкультура, гимнастика), муҳандис (инженер)* каби.

Иккинчи томондан эса, А. Қаххорнинг адабий танқидчиликка оид мақолаларида (мас., “Гап арузда эмас”, 1946) арабча ва “эски” сўзларни қўллашдан қочиш ва ҳатто газалларда интернационализм ишлатилишининг ўрганилиши интернационализмлар қун тартибидаги

¹ Шурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 122-бет

² Рафиев А. 20-йиллар ўзбек тили лексикасидаги таркибий ўзгаришларнинг моҳияти ҳусусида. Ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). Тошкент, 2006. 50-бет

сиёсий масала бўлганини кўрсатади¹. А.К. Боровковнинг куйидаги фикрлари ҳам бунга далил бўла олади. У *инқилоб, жумҳурият, мавзу* каби сўзларга тўхталиб, шундай ёзади: “Бу каби луғавий элементлар аллақачон “архаизмлар” ҳисобланади... совет жамоатчилиги кадам-бакадам совет интернационализи тамойили учун курашмоқда”². Реал воқеликда ўз қатламга оид сўзларга салбий бўёқ бериш ҳолатлари ҳам кузатилади. Жумладан, савдогар³ (Мен сизга савдогарманми? - олибсотар), талмудчи (кўр-кўрона эътикод килувчи), миллатчи (миллатларни айирувчи) каби.

Айрим мутахассислар совет воқелигида русча-байналмиллат сўзларнинг ўзлашувига туртки бўлган экстралингвистик омил сифатида куйидагиларни кўрсатадилар:

“Биринчидан, большевиклар сиёсати ва советлар мафкурасининг ўзбек халқи онги ва дунёкарашига сингдирилиши туфайли бу тушунчаларни ифодаловчи сўзларнинг қўлланиши фаоллашди.

Иккинчидан, иктисодиёт ва техника соҳааридаги янгиликларнинг билвосита шўро ҳокимияти орқали кириб келиши ўзбек тилининг илмий терминологиясини шакллантирувчи асосий воситага айлантирилди.

Учинчидан, барча муҳим бўғинлардаги бошқарув рус тилини билувчи субъектлар томонидан амалга оширилди”⁴.

АҚШ туркологи А.Бодроглигети (асли венгер) “Chagatay or classical Uzbek” мақоласида ўзбек тилидаги арабча ва форсча ўзлашмалар ҳақида гапирар экан, улар ҳеч қачон пуристик оқимнинг қаршилигига учрамаганлигини ёзади⁵. Бизнингча, унинг фикрлари жадидлар тил ислохотидан ва Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ҳолатга мос тушадди. Шу нуқтаи назардан олим шўро воқелигида луғат таркибини деисламизация қилиш, ўзбек миллий тилини ривожланиш манбаларидан узиб қўйиш, мумтоз меросдан маҳрум қилиш каби нозик маданий сиёсат олиб борилганлигини таъкидлайди. Натижада ўзбекларнинг тил борасидаги ислохотлари мумтоз ва замонавий тил ўртасидаги тафовутни

¹ Қаранг: Қаҳҳор А. Ҳақ сўзнинг қучи. Асарлар 5-жид. – Тошкент: Гафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва санъат нашриети, 1989. – 75-бет.

² Боровков А.К. Изменение в лексике узбекского языка и новый алфавит - Изв. Узб. Филиала АН СССР. 1940, № 2, - С. 39, 41, 45.

³ Dr. Aziz B. Djuraev. The social lie as a central concept for research topic “Politics, power and speech” //Ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2006. – 42-бет.

⁴ Рафиев А. 20-йиллар ўзбек тили лексикасидаги таркибий ўзгаришларнинг моҳияти ҳусусида //Ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2006. – 52-бет.

⁵ Bodrogligen A. Chagatay or classical Uzbek. Turk dilleri arastirmalari. 3 (1993) 43-56. <http://urkdukkri.org>

камайтириш, миллий келиб чиқишларини исломий ва туркий манбаларга боғлашга қаратилаётганини айтиб ўтади¹. Турли сабабларга кўра зўрама-зўраки жонли тилга “тиқиштирилган” русча сўзлар фаол луғатдан тушиб бормокда. Ўзбек тили луғат таркиби эса Марказий Осиёнинг мумтоз туркий меросидан баҳра олмакда². А. Бодроғлигети А.К.Боровковнинг 1959 йилда чоп этилган “Ўзбекско-русский словарь” луғати ва ўзбек тилининг 1981 йилда чоп этилган икки жилдли изохли луғатини киёслар экан, ўзбек тилида араб ва форс тилидан ўзлашган сўзлар “чиғатой тили” қонуниятларига мослаштириб янада фаол ишлатилаётганини таъкидлайди. Ва “Ўзбекларнинг ўз (илмий) ишларида Чиғатой адабий тилини ўз миллий мерослари сифатида (таъкид бизники – У.Қ.) қабул қилишлари, уни ривожлантиришлари, манбаларни абадийлаштиришларини тўғри қабул қилишимиз керак. Чиғатой тили ўзбек халқига лисоний, маданий алоқадорлиги билан замонавий ўзбек тилининг классик босқичидир”³, - деб хулоса ясайди.

XX асрнинг 90-йилларида ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгач, бу масалаларни қайтадан кўриб чиқиш имкони тугилди. Бу вақтларда адабий тилнинг барча кўринишларида, жумладан илмий услубда ўзлашмаларнинг ниҳоятда кўпайиши ҳақида ва алалоқибат матбуотда уларни тушуниш қийинлашиб кетганлиги ҳақидаги фикрлар эълон қилина бошлади. Истиклолнинг дастлабки йилларидан шу қаби муаммоларни ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси қошида Атамалар қўмитаси ташкил этилди. Бу қўмита саъйи-ҳаракатлари билан кўплаб атамалар ва уларнинг муқобиллари жамоат кенгашига қўйилди, терминология соҳасида бирмунча барқарорлик юзага келди. Ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ бўлган сўзларни меъёрлаштириш соҳасида Э. Бегматов сингари олимларнинг хизматлари катта бўлди. 1991 йил 14 март куни Вазирлар Маҳкамасининг жумҳурият атамашунослик қўмитаси ва ЎзФА тилшунослик институти томонидан “Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили ҳақидаги қонуни ва ўзбек атамашунослиги муаммолари” мавзусидаги республика конференциясида терминлар ва ўзлашма сўзларни тартибга солиш бўйича бир қанча фикрлар

¹ Bodrogligeti A. Chagatay or classical Uzbek Turk dilleri arastirmalari 3 (1993) 43-56 P 49 <http://turk.dilleri.org>

² Bodrogligeti A. The Relevance of Classical Central Asian Turkic Literature to the Understanding of the Cultural Heritage of Central Asia. Beşinci Milletlerarası Türkoloji Kongresi İstanbul, 23-28 Eylül, 1985 Tebliğler II Türk Edebiyatı Cilt I İstanbul Edebiyat Fakültesi Basımevi, 1985, 7-44

³ Bodrogligeti A. Chagatay or classical Uzbek Turk dilleri arastirmalari 3 (1993) 43-56 P 56 <http://turk.dilleri.org>

ўртага ташланди ва умумий тавсиялар ишлаб чиқилиб, эълон қилинди. Унда терминларни яратиш ва тартибга солишда, аввало, она тилимид имкониятлари, шева материаллари асосий манба бўлиши уқтириб ўтилган. Таклиф қилинаётган янги терминлар то умумқўлланишга ўтиб, сингигунча муқобиллар кавс ичида бериб борилиши, фаннинг турли соҳалари вакиллари терминларни қўллашда тилшунослар билан ҳамкорликда иш олиб борилиши каби талаблар қўйилган¹.

Тилдан тилга сўз ўзлашиши тилнинг ижтимоий ва ўзига хос қонуниятларидан бири ҳисобланади. “Тилнинг (нутқнинг) софлиги учун курашни умуман ўзлаштиришларга қарши эмас, балки ўзга тил лексемасини нокерак ҳолда ишлатишга, ўзга тил ходисаларидан бефарқ фойдаланиш ҳолларига қарши олиб бориш керак”² бўлади.

Ўзлашма сўзлар лексикани социолингвистик тизим сифатида шакллантиришда беминнат материал вазифасини бажариб беради. Чет тилидан сўз ўзлаштириш барча ижтимоий ва тарихий омиллар (ўзлаштириш вақти ва шарт-шароити, ўзлашган сўзларнинг семантик хусусиятлари ва функциялари) таъсирида амалга ошади. Бунда тежамкорлик ва асимметрия ходисаларининг ҳам ўз ўрни бор.

Европада тилни “тозалаш” масаласи кун тартибига жуда эрта қўйилган. Жумладан, 1582 йил Флоренцияда Accademia crusca (Кепак академияси – *тилни ун каби элаклаб кепакдан тозалаш* маъносида) ташкил этилган бўлиб, унинг аъзолари олдига адабий тилни барча “кераксиз нарсалар”дан тозалашдек лингвистик вазифа қўйилган эди. Шу каби Европада барча жабҳаларда “тилни химоя қилиш” муаммоси келиб чиқди. Бу муаммони ҳал этишда луғатлар яратиш биринчи ўриндаги ечимга айланди³.

Ўзлашма сўзлар билан боғлиқ бундай вазият Россияда XIX аср бошларида вужудга келган эди. Шишковчилар ва карамзинчилар, аср ўрталарида славянофиллар ва гарбчилар чет тилидан сўз олиш масаласида кизгин баҳслашганлар. Француз революциясининг Россияга таъсиридан кўркан Академия президенти адмирал Шишков *республика, революция* каби “хавфли” сўзларга, ҳатто *галош, биллиард, фортеньяно* (таклиф қилинган муқобиллар – *мокроступ, шарокат, тихограм*) каби оддий

¹ Бу ҳақда қаради: ЎТА, №3, 1991. – 38-40-бетлар

² Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. - Toshkent: Universitet, 2006. – 111-бет.

³ Булагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. – Москва, 1989. – С 11

сўзларга “хужум” уюштиради. В.Г. Белинский ўзининг бир қанча мақолаларида («Взгляд на русскую литературу 1847 года») тилга бундай ёндашиш, халқни мажбурлаш нотўғри эканлигини айтиб ўтади, шу билан бирга сўз ўзлаштиришда хушёр бўлишни уқтиради: «Тенг кучли русча сўз турганда, чет тилдаги сўзни қўллаш соғлом ақл ва соғлом дидни ҳақорат қилиш демакдир»¹.

Керак-нокерак сўзларнинг тўдалаб олиниши рус тилида “француз-нижегород жаргони”, “американ-ростов сленги” каби зарарли ходисаларни юзага чиқарган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тилнинг ўз ички қонуниятлари мавжуд бўлиб, у лисоний ва нолисоний омиллар билан боғлиқ. Жумладан, тилда янги сўз ясалиши ва сўз ўзлаштириш муайян маънода зид ходисалар бўлишига карамай, улар бир-бирини инкор эта олмайдиган ва ёнма-ён ходисалардир. Мазкур ходисалар тил таракқиётининг маълум босқичларида фаоллашиб, алмашиб боради. Бизнингча, тилга чет тилидаги сўзларнинг кириб келишини бутунлай тўхтатиб қўйиш тил ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларига зид. Бу жараёнларни тилнинг яшашга бўлган интилиши сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Бироқ чет тилидаги сўзларнинг кўплаб кириб келиши ҳам бир қанча хавфли вазиятларга олиб келади. Бу жараён ҳозирги даврда кескин фаоллашганлиги билан ажралиб туради. Бу тилшунослардан ижтимоий ҳаётга яқинроқ иш тутишни, жамиятдаги ўзгаришларнинг тилга таъсирини тез ва оқилона белгилаб берадиган соҳа социолингвистикага эътибор беришни ҳам талаб қилади.

Тил масаласи мазкур ҳолатда мафкуравий, сиёсий муаммо ҳам бўлиб, миллат руҳияти, тақдир билан боғланиб, чатишиб кетади. Шундан келиб чиқсак, тилшунослар зиммасида оғир масъулият ҳам туради.

¹ Горбачевич К.С. Нормы современного русского литературного языка. Москва: Просвещение, 1989. С. 46.

II. 2. ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ АСЛИЯТ БИЛАН СЕМИК МУВОФИҚЛИГИ

Ўзлашма сўзлар доимо тил луғат таркибининг катта қисмини ташкил этиб келган. Улар тилнинг фаол ва нофаол қатламида, умумистеъмолдаги қатлам ва терминологик қатламда ўз ўринларини сездириб туради, яъни ўзлашма сўзлар тилимиз лексик сатҳининг ажралмас қисми бўлиб қолган. Ўзлашма сўзлар матнда хабарнинг тўла, аниқ ва қисқа ифодаланишида муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, термин сифатида илмий-оммабоп матнларнинг тушунилишида ўқувчиға маълум қийинчиликлар туғдиради. Катта суръатлар билан ривожланиб бораётган бугунги кунда ўзлашма сўзларнинг ўзбек тилига кўплаб қабул қилинаётганининг гувоҳи бўламиз. Шу туфайли ҳам ўзлашма сўзлар, уларнинг hozirги ўзбек тилидаги ўрни масаласи кўплаб луғатлар тузилишига асос бўлиб хизмат қилиб, тадқиқотлар объекти бўлиб келган.

Ўзлашма сўзларнинг бевосита шу тил, жамият бағрида вужудга келмаганлиги сўзнинг фаолият даврига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Кўпинча терминлик хусусиятига эга бўлган бир маъноли сўзлар давр ўтиши билан эскириб қолиши мумкин. Бу албатта ижтимоий, сиёсий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ. Масалан, *колхоз*, *партком*, *обком* сингари сўзлар совет воқелигини акс эттириб туради. Жамиятдаги туб ислохотлар натижасида нафақат сўзлар, шунингдек, улар ифодалаган тушунчалар ҳам бугун тўла эскирган.

Мустақиллик даврида ўзбек тили луғат таркибида қуйидаги лисоний ўзгаришлар юз берди: 1. Хорижий тиллардан бевосита ёки билвосита сўзлар олинди. 2. Тилнинг ички имконияти ҳамда тил эгалари эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзлашма таркибли янги сўзлар ясалди. 3. Сўз ёки ибора семантик структураси янги маънолар билан бойинди¹.

Давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар натижасида сўзларнинг янги маънолар касб этиши, сўзлар семантик қуримининг кенгайиши ҳақида тўхталар экан, Н.Маҳмудов бу жараёнда жамиятдаги янги соҳалар.

¹ Одилов Ё. Мустақиллик даври лексикасида маъно тараккиёти. Ўзбек тили ва адабиёти. 2016 2-сон 41-б.

айниқса, ахборот технологиялари соҳасининг ҳиссаси катта эканлигини ёзди¹.

Ҳозирги кунда сиёсий, иктисодий, маданий соҳаларда кириб келаётган аксарият сўзлар терминлар ҳисобланиб, фақат терминологик сатҳдагина қўлланади. Ўзлашма сўзларнинг бир қисми умумқўлланишга ўтишга ҳам улгурмоқда. Уларнинг аксарияти қўлланмалар ҳамдир: сникерс, орбит, роллтон каби.

Ўзлашма сўзларнинг қабул қилинишида шу нарса кўзга ташланадики, уларнинг асли маъноси эмас, бошқа тил жамиятларида қабул қилинган маъноси етакчи сема сифатида қабул қилинмоқда. Яъни уларнинг ўзлашувида бевосита тиллар эмас, жамиятларнинг ижтимоий-рухий алоқаси биринчи ўринга чиқмоқда. Сўзнинг ўзлашув жараёни, бунинг лугавий маънога таъсири бевосита тил билан, шунингдек, жамият билан боғлиқ бўлмоқда. Бунда миллатларнинг дунёқараши, урф-одатлари сўзларнинг айрим семаларининг, яъни сўзнинг тўлиқ ўзлашишида ўзига хос филтёр вазифасини бажаради. Демак, сўз ўзлашувини текширишда сўзларнинг асл – этимологик маъносига эътибор бериш, миллий руҳият масаласини ҳисобга олиш асосий масалалардан ҳисобланади.

Этимология (юн. Etymologia < etymon - ҳақиқат, logos – сўз, таълимот) – 1) тилшуносликнинг сўзнинг келиб чиқишини ўрганувчи бўлими; 2) сўзнинг келиб чиқишини аниқлашга, тушунтириб беришга қаратилган тадқиқот усуллари мажмуи, шунингдек, ана шу аниқлашдан келиб чиққан натижа; 3) сўзнинг келиб чиқиши, пайдо бўлиши².

Ўзлашма сўзларнинг этимологик таҳлил этилишидан асосий мақсад шуки, айрим ҳолларда замон ва маконнинг ўзгариши сўзни аслиятдан узоклаштириб юборади ва лисоний таҳлилларда сўзнинг таркиби, келиб чиқиши, лугавий маъно тараккиётини аниқлашда муаммо тугилади. Шу ўринда этимологик маълумотлар муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари этимологик маълумотлар соҳага алоқаси бўлмаган кишилар учун ҳам кизикарлидир. “Ўзбек тилининг этимологик лугати”³га кўз ташлар эканмиз, бу маълумотларнинг нақадар муҳим эканлигига гувоҳ бўламиз.

¹ Маҳмудов И. Ўзбек тили дугат бойлиги ривожда фаоллашган жараёнлар // Ўзбек тили ва адабиети. 2015, 5-сон, 13-бет.

² Лингвистический энциклопедический словарь – Москва, 1990 С 596

³ Раҳматуллаев Ўзбек тилининг этимологик лугати. Тошкент Университет, 2000 599 б

Этимологик маълумот – лугат мақоласининг таркибий қисми¹ ҳисобланади. Ўзбек тилининг изохли лугатларида этимологик маълумотларга турлича муносабат кузатилади. Ўзбек тилининг икки жилдли изохли лугатида сўз асли мансуб бўлган тил кўрсатилган, ёки рус тилининг бу сўз ўзлашувига асосий воситачиси бўлганлиги “уктирилган”. Бироқ ўз тилида қайси маънога эгаллиги, қандай маънода ишлатилганлиги кўрсатилмаган. Мазкур маълумотларнинг бериб борилиши янги беш жилдли изохли лугатнинг ютуқларидан бири ҳисобланади.

Изохли лугатларда сўз ҳақида этимологик маълумотларнинг бериб борилиши изланувчи учун бир канча қулайликлар туғдиради: бошқа манбаларни кўриб чиқишга ҳожат қолмайди, тўғридан тўғри изохли лугатнинг ўзи билан сўзларни семантик таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари, ўзбек тилига қизикқан ҳар бир инсон лугатдан фақат илмий эмас, тарихий маълумот ҳам олади.

Беш жилдли изохли лугатдаги этимологик маълумотлар ўзлашма сўзларнинг асл маъноси, уларда юз берган семантик силжишлар, шаклий ўзгаришларни таҳлил қилишга ёрдам беради.

Этимологик маълумотлар асосида ўзлашма сўзларнинг аслияти ва бугунги фаол маъноси ўртасидаги муносабатларни қуйидагича гуруҳлаб ўрганишимиз мумкин:

1. Сўзнинг асл – этимологик маъносидан метонимик усулда маъно кўчиши.

Метонимия тушунчалар ўртасидаги боғлиқлик асосида ном кўчиши бўлиб, нутқнинг тежамкорлик тамойили самараси ҳисобланади. Бунда одаида маъно торайиши кузатилади. Чунки янги ном яқиндаги тушунчанинг бир қисминигина ифода қилади холос. Буни айрим ўзлашма сўзлар мисолида кўриб чиқамиз.

Аза сўзи арабча бўлиб, аслида “*сабр-тоқат тилаш; таъзия билдириш*” маъносини билдиради. Бироқ ҳозирги ўзбек тилидаги мисолларга мурожаат қилганимизда бўлсак, сўзнинг кифоаси бирмунча ўзгарганига гувоҳ бўламиз: “*аёлларнинг маййит чиққан уйда йиғи билан ўтказадиган мотам маросими*”, “*маййит чиққан уйдаги мотам*”

¹ Мадвалиев А. Этимологик маълумот – лугат мақоласининг таркибий қисми // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (Республика илмий ва амалий аниқланиш материаллари). - Андижон, 2010. - 42-43-бетлар

*жараёни*¹. Аза сўзининг “фаолият” семасидан “жараён” семаси келиб чиққан ва ҳаракат-ҳолат номи маросим номи сифатида тушунилмоқда. Сўз этимологик маъносига назар ташласак, “ташвиш” семаси бўлса-да, “йиғи-сиги” семаси йўқлигига гувоҳ бўламыз. Бирок инсон психологиясида бу тушунчалар ёнма-ён юради. Шу нуқтаи назардан сўзнинг этимологик маъноси ва ҳосила маънолари ўртасидаги боғлиқлик сезилиб турибди.

Азон арабча азина (эшитмоқ, изн бермоқ, сигнал бермоқ) сўзидан келиб чиққан бўлиб, азон шаклининг ўзи “азон”, “намоз ўқишга чақириш” (Ан-На’им,15) маъносига эга. Диний тушунча сифатида “сўфининг масжидда жамоат бўлиб намоз ўқишга чақириги”ни билдиради. Азон бир кунда беш марта чакирилса-да, “эрталабки намозга чақириш” семаси “тонг ёришиш, гира-шира пайти, эрта тонг” (5,1,50) семасини келтириб чиқарган. Янги изоҳли луғатда тилимиздаги қўлогига азон айтмоқ ибораси ҳам келтирилган бўлиб, бунда азон сўзининг маъноси нисбатан кенгайганлиги, умуман, “дуо” семаси етакчилик қилиши маълум бўлади.

Айш арабча сўз бўлиб, “хаёт, турмуш; озик-овқат” маъноларини ифодалаган. Ўзбек тилида “хузур-ҳаловат, роҳат-фароғат: нашъу намо, нашъа”. “кайф-сафо, шират” (5,1,50) маъносида ишлатилиши психолингвистик методлар билан ўрганиладиган масала ҳисобланади. Тилимизда хаёт сўзи шунчаки “тириклик”дан ташқари, “яхши яшаш” семасини ҳам ифодалайди: *Шуям ҳаёт бўптими?* Шундан келиб чиксак, “хаёт”, у билан бевосита алоқадор бўлган “озик-овқат” маънолари таркибидаги “ижобий” семаси ўзбек тилида етакчи ўринга чиқади. Асл маъноси эса хиралашган.

Аюханнос араб тилида ундов сўз ва ундалма кўшилмаси ҳисобланиб, “эй одамлар” маъносини юклайди. Эски тилимизда худди шу вазифада қўлланган бўлса, ҳозирда сўзлашув ва бадий услубларда бу маънога боғлиқ бўлган кўчма “шовқин-сурон, ҳайқириқ; оод-фарёд” маъноларини ифодалайди. Сўздаги “ёлвориш”, “арз айтмоқ” семалари сакланиб қолган. Альамон ўзлашмасига ҳам шу тарзда изоҳ бериш мумкин.

2. Сўзнинг асл – этимологик маъносидан синекдоха усулида маъно кўчиши.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. 1 жилд. Тошкент “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. 47-бет (шундан кейин мазкур маъбадан олинган истиботлар саҳифаси қавс ичида кўрсатилди) 5, 1, 47 гаризда)

Айвон араб тилида асли “қаср; олди очик бино” маъносидаги сўз бўлиб, hozirги кунда “кўпинча уч томони берк, олди очик хона” (5,1,52) маъносини билдиради. Ҳаётга назар ташлайдиган бўлсак, турмуш даражаси юқори бўлган одамларда уйда яшаш эҳтиёжидан ташқари, дам олиш истаги ҳам бўлади. Тарихдан бойларнинг уй қуриши ва ёзда хаво алмашиб туриши учун айвон (hozirги кундаги маъносида ишлатяпмиз) қурдириши маълум ходиса. Дастлаб айвон деганда қасрнинг ўзи, кейинчалик унинг бир қисми бўлган бир қисми очик хона тушунилган. *Жаҳон айвонида* бирикмаси поэтик нутқда “оламда, дунёда, жаҳонда” маъносини ифодалайди. Бунда ҳам “қисм”, “бўлак”, “чекка” семалари етакчилик қилади. Ҳозирги кунда оддий одам ҳам уйини айвонли қилиб солиши биз учун меъёрий ҳолат ҳисобланса, тарихда айвон бадавлатлик рамзи бўлган кўринади.

Айём арабча *явмун* (кун) сўзининг кўплик шакли бўлиб, “*кунлар*” маъносини билдиради. Лекин hozirги ўзбек тилида сўз кўпроқ “*байрам кунли; байрам кунлари*” маъносида қўлланмоқда, шунингдек, “*баъзи сўзлар билан қўлланиб, шу сўзлар билдирган вақт, фасл ва ш.к. га оид он, кун, кунларни билдиради: айёми ажсуз*” (5,1,52). Барчасида “кун” семаси етакчи ўринда турган бўлса-да, айём сўзининг *байрам* маъноси “аталаётган нарсанинг макомини кўтаришга интилиш натижаси”¹ ўларок вужудга келган бўлиши мумкин.

3. Сўзнинг асл – этимологик маъносидан метафорик усулда маъно кўчиши.

Бисот арабча “*гилам*” маъносини билдириб, тилимизда асосан бойлик маъноси устунлик қилади: “*Шахснинг, кўпинча хотинларнинг ўзига тегишли бўлган, тўплаб қўйган моли, мол-дунёси*”, “*кишига, оила хўжалигига қарашли мол-дунё, бойлик*”, “*кимсада бор бўлган ҳар қандай нарса: маданӣ, маънавий бойлик*”, “*бирор хона ёки жойдаги мавжуд нарсалар*”, “*табиатнинг борлиги, бойликлари, эҳсон*” (5,1, 281) каби. Ўзбекларда ёстик (ёстиги қуримок – тирикчилик, оила, бир ёстикка бош кўймok - оила), тўн (тўнини йиртмok – бирор ишини орқага тортмok) иштон (иштони йўк тиззаси йиртикка қулибди) каби сўзлар айрим ҳолларда “бойлик” семасига эгаллиги билан ажралиб туради. Бисот араб тилидан ўзлашганини ҳисобга олсак, мазкур сўзда ҳам “бойлик” семаси

¹ <http://www.mylanguage.ru/Mods/CoursForm.asp?actid=104>

муҳим эканлиги кўзга ташланади. Дарҳақиқат, кўчманчи араблар маиший ҳаёти, савдо-сотик ва даромади туя ва бошқа ҳайвонлар жунидан тўқилган гиламлар билан боғлиқ бўлган.

Акс I арабча *“бирор нарсанинг силлиқ, тиниқ сатҳдаги тасвири; тескари, тўнқарилган”* маъноларини билдиради. Тилимизда акс этмоқ феълида сўзнинг “тасвир”, “кўриниш” семаси фаоллашган: *“1) силлиқ, ярқироқ сатҳда (тасвири) кўринмоқ; 2) қайтмоқ (мас., акс-садо ҳақида); 3) кўринмоқ, билинмоқ, намоён бўлмоқ (ички ҳис-туйғу, кайфият ва ш.к. ҳақида); 4) ўз ифодасини топмоқ”* (5,1,62)

“Тескари” семаси ойнада тасвирнинг тескари кўрсатиши билан боғлиқ бўлиб, *“қарама-қарши, тескари, зид”*, *“ўжар, қайсар”* маъноларининг юзага чиқишига сабаб бўлади.

4. Сўзларда маъно торайиши кузатилади.

Азал арабча сўз бўлиб, *“абдийлик”*, *“поёнсизлик”* (Ан-На’им, 18), *“бошланиш даври йўқлик, бошланиш вақти номасълум замон”* (5,1,48) маъносини билдиради ва *“бошлангич”* семаси воситасида абад сўзига зидлиги кўрсатилади. *Ҳалқимиз азалдан меҳмоноўст бўлиб келган* гапи мисолида олиб кўрсак, сўзлашув нуткида азалнинг маъноси торроқ тушунилади: *“пайдо бўлган вақт”*, *“тузилган вақт”* каби. *Азал наққоши (ёки наққоши азал)* бирикмаси *“тангрининг яратувчилик сифати”*ни ифодалаб, азалга *“нисбий”* семасини юклайди.

Айёр сўзи этимологиясида бизга маълум бўлган *“мугомбир”* дан ташкари, *“ялангоёқ”*, *“бекорчи”* (5,1,52) маънолари ҳам борлиги қизиқарли ҳолатдир. Бу маъноларни *“салбий”* семаси бирлаштириб турибди.

5. Сўзларнинг бир лексик сатҳдан иккинчи сатҳга ўтиши ҳам маъно торайишининг бир кўриниши ҳисобланади.

Азимут араб тилидан француз тилига *“йўллар, йўналишлар”* маъносига ўзлашган сўз сифатида кўрсатилади. Бирок сўз астрономия, геодезияга оид, шунингдек, ҳарбий соҳага оид байналмилал термин сифатида ўзбек тилига ҳам ўзлашган: *“кузатишмоқда бўлган осмон жисми ва қузатиш нуқтаси орқали ўтказилган вертикал текислик билан меридиан текислиги орасидаги бурчак”*; *“бирор нуқтага ҳамда шимол томонга қарата чизилган икки чизиқ оралиғидаги бурчак; харитадан ва компасдан фойдаланиб аниқланадиган энг қисқа йўналиш”* (5,1,49). Аслият ва ҳозирги кундаги маъноси ўртасида муайян боғлиқлик мавжуд. Чунки араблар (ёки шарқ халқлари) савдо, сафар юзасинан денгиз ва чўлларда

юришга мажбур бўлишган. Йўналишда адашмаслик учун ориентир (мўлжал) олиш мумкин бўлган нарса фақат самовий жисмлар бўлган. Шаркнинг юксак кашфиётларидан бири устурлоб (астролбия) самовий жисм ва маълум нуқта орасидаги бурчакни ўлчаш орқали олдин ўлчанган манзилга нисбатан қаерда турганлигини кўрсатган. Албатта, бунда бошқа ҳисоб-китоблар ҳам бўлган. Бундан келиб чиқадики, *азимутни аниқлаш — йўлни аниқлаш* асл маъносида ҳозирда ҳам қўлланади.

Аккорд I италянча сўз бўлиб аслида “*уйғунлик, ҳамоҳанглик*” маъносини билдириб, тилимизга фақат термин сифатида ўзлашган ва терминологик маънода қўлланади: “*музиқада турли баландликдаги уч ва ундан ортиқ товушларнинг қўшилиб, яхлит ҳолда янграши*”, “*чолғу асбоблари торларининг ўзаро ҳамоҳанглиги*” (5,1,62)

Валад арабча “*ўғил бола. ўғил; фарзанд*” маъноларини ифодаласа ҳам, ўзбек тилида сўзнинг ўзак маъноси “*туғилиш*” асосида “*туғилган*” маъносида ишлатилади. Бунда сўз ўйини бўлиб, фарзанд га тегишли бўлган “*ота-онаси маълум*” семаси валадга юклатилмайди. Худди шу сема бу сўзлар орасида зидланишга сабаб бўлади. Натижада салбий “*шариат йўли билан никоҳланмаган ота-онадан туғилган бола; ҳароми*” (5,1,437) маъносини ифодалаб, вульгаризмлар каторига қўшилади.

6. Айрим сўзларнинг келиб чиқиши тушунчанинг номланиш тарихи билан боглик маълумотларни билдиради.

Масалан, азот француз тили воситачилигида юнон тилидан келиб чиққан бўлиб, “*а — йўқ (инкор) + зоос — тирик*” қисмларидан ташкил топган, яъни “ўлик”. “Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб, рангсиз ва ҳидсиз кимёвий элемент” (5,1,51)ни ифодалайди. Азотнинг бундай номланишига бу модданинг ўлимтик ва чириндиларда юзага келиши сабаб бўлган. Албатта, ҳозирги кунда бу маънода тушунилмаса-да, ўқувчида кизиккиш уйғотади. Кимё фанига хос термин бўлмиш актиний, водород, алкоголь, алиф каби сўзлар семантик таркибида ҳам шундай ҳолатни кузатамиз

Сўзларнинг этимологик ва ҳосила маъноларини текшириш натижасида шундай хулосага келиш мумкинки, тилдан тилга сўз ўзлашиш жараёнида акцептор тил эгалари сўзни ўз дунёкараши. мафқурасига мослаб олади. Юкоридаги мисоллар нуқтаи назаридан қаралганда, бу мослаштириш тил қонуниятларидан ташқарида юз бермайди, балки сўзларнинг семантик таркибида фаоллик, етакчилик бўйича алмашиниш

юз беради. Албатта, бу ҳодисалар фақат тилга сўз ўзлаштириш жараёнидагина содир бўлади деган фикрдан йироқмиз. Мазкур ҳолат донор тилнинг ўзида ёки воситачи тилнинг семантик тизими билан боғлиқ равишда юз берган бўлиши мумкин. Биз учун асосий ҳолат тилимизда сўзларнинг қайси маънода қўлланаётганлиги, бошланғич маъносига муносабати масаласи ҳисобланади.

Абад сўзи арабча *'абада'* феълдан келиб чиқиб, маъноларида “қолмоқ” семаси етакчилик қилади. Ёввойилашмоқ – “орқада қолмоқ”, ‘аббада – абадийлаштирмоқ (келажакка қолдирмоқ), ‘абадун – абадийлик, интиҳосизлик. Шунингдек, сўз “умрбод”, “мангу”, “доимий” каби семаларга ҳам эга.

Ўзбек тилида ҳам абад “*сўнги йўқ келажак замон; мангулик*”, “*умрбод. ҳамшиша, доимо*”, “*абадий суратда, доимо*” (5,1, 25) маъноларида қўлланади ва маълум бўладиги, сўзнинг семантик тақибиди катта ўзгаришларга юз тутмаган.

Абдол сўзи арабча бўлиб эски тилимизда “*валийликнинг белгиси бир даражасига эришган гуруҳ: авлиёлар, худога яқинлар*” (5,1, 26) маъносида қўлланган. Унинг араб тилидаги келиб чиқиш ўзаги *бадала* (алмаштирмоқ, ўзгартирмоқ, янгиламоқ) бўлиб, абдол деганда “*яхши фазилатли одамлар*” тушунилади. “Уларнинг бундай аталишига сабаб олам ҳеч қачон уларсиз бўлмайди, агар улардан бирор киши вафот этса, Оллох уни бошқаси билан алмаштиради” (Ан-На’им, 50). Демак, тилимизда абдол сўзи асосан авлиё маъносига яқин ишлатилган. Шу туфайли ҳам сўзнинг икки жилдли лугатда “*худо.жў. диндор: девона, телба*”² тарзида изох берилиши сўзнинг аслиятидан узоклаш четлашиш бўлганлигини кўрсатади.

Аввал арабча “*бошланғич, ҳар нарсанинг бошланғичи*” ва “*биринчи*” маъноларига эга. Ўзбек тилида сўз кўпинча равиш, баъзан от. кўмакчи вазибаларида келади. Араб тилида ҳам асосан равиш (ўрин. пайт. ҳолат), шунингдек, от (олдинги қисм) ва сон туркумига хос сўз сифатида мансуб бўлади. Турли бирикма ва ифодаларда сўзнинг “*бошланғич*”, “*содда*”, “*асосий*”, “*зарурий*”, “*устулик*”, “*аниқлик*” (Ан-На’им, 38) семаларини ҳам намоён қилади. Ўзбек тилида баъзи мисолларни кўриб чиқамиз:

¹ Носиров О. Юсупов М. ва бошқ. Ан-На’им Арабча - ўзбекча лугат - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳаёқ мероси нашриёти, 2003. 959 б. 6-бет (Бундан кейин маъкур манадан олинган ҳаволалар саҳифаси кавс ичида кўрсатилади. Ан-На’им, 6 тарзида)

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати 2 жилдли 1 жилд - Москва: Рус тили, 1981 - 21-бет (Бундан кейин маъкур манадан олинган ҳаволалар саҳифаси кавс ичида кўрсатилади. 2.1, 21 тарзида).

Ишнинг аввали – бошланиш; аввал-охир – пайдо бўлиш; авваллари – бошлангич замон; аввал қариялар кирсин – бирламчилик, юқорилик; аввал ҳеч нарса сезилмади – вақт жиҳатдан бирламчилик; сендан аввал – вақт ва ўрин жиҳатдан бирламчилик.

Қиёсан олиб кўрилганда, аввал сўзида “биринчи” маъноси ва унга хос бўлган семалар етакчи ўринда ҳисобланади. Шу туфайли ҳам аввал сўзининг кўпгина семалари ўзбек тилидаги бир сўзи семаларига мос келади.

Авлиё сўзи ўзагида *валий*а феъли ётади. Араб тилида бу феъл ва унга ўзакдош бўлган сўзлар “*яқин бўлмоқ*”, “*қўшилмоқ*”, “*эргашмоқ*”, “*бошқармоқ*”, “*топширмоқ*”, “*жўнамоқ*”, “*ишонмоқ*”, “*иззат-ҳурмат кўрсатмоқ*”, “*топшириқ бермоқ*”, “*эътибор бермоқ*”, “*эгалламоқ*”, “*биринчи бўлмоқ*”: “*доимийлик*”, “*дўстлик*”, “*жаноб*”, “*ҳоким*”, “*қариллик*”, “*ҳомийлик*” (Ан-На’им, 935-936) каби маъноларни билдиради. Ўзбек тилида бу сўзга этимологик ўзакдош бўлган *валий*, *волий*, *вилоят*, *валоят*, *мавланий*, *авло*, *мутавалли*, *истило*, *Мавло*, *мавлоно* каби сўзларда юқоридаги семалар юзага чиқади. Бевосита авлиё шакли орқали араб тилида “*яқин*”, “*қариндош*”, “*туғишган*”; “*касоскор*”, “*васий*”, “*мулкдор*”, “*яхшилик қилувчи*” (Ан-На’им, 936) маънолари ифодаланади. Авлиё сўзи тилимизга бевосита дин таъсирида ўзлашганлиги сабабли ўзбек тилида сўзнинг “*эътиқодли*, *диндор кишилар*: *азиз*, *муқаддас*, *Оллоҳга яқин кишилар*: *руҳонийлар*”: “*каромат*, *башорат қила оладиган*, *мўъжизалар кўрсата оладиган одам*”, “*улуғ одам*”, “*дарвешнамо одам*” (5,1, 33) семалари етакчилик қилади.

Сўзнинг бундай семантик тузилишга эга бўлиши унинг қайси доирада ишлатилганлигига ҳам боғлиқ. Сўз ўзи бирга қўлланган сўзлардан маълум семаларни “қарзга” олади. Жумладан, авлиё (*валлий*) сўзи “*дўст*”, “*яқин*” маъносида диний социолектга киритилади. Натижада “*руҳоний*” семасини. Аллоҳ сўзи билан қўлланганда (*Валиюллоҳ* – Аллоҳнинг *дўсти*). “*улуғ*”, “*каромат.ўй*” семаларини ўзлаштиради. Бу жараёнлар араб тилининг ўзида юз берган бўлиши ва кейинчалик шу семалар билан тилимизга ўзлашган дейишимиз мумкин. Авлиёларнинг фақирона ҳаёти. кишиларнинг умумий қарашларига мос яшамаганликлари тилимизда сўзга “*девонасифат*” семасини юклаган ҳолда ишлатилишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Авлод арабча валада феълидан келиб чиккан бўлиб, *валададан* келиб чиккан бошқа сўзларда “туғилиш”, “туғиш”, “фарзанд” семалари етакчилик қилади. Авлод сўзи эса валаднинг кўплик шакли сифатида “ўғиллар”, “болалар”, “насл” маъносини билдиради. Ўзбек тилида сўз юқоридагиларга кўшимча равишда “*ота-бобо ва унинг насли; сулола; зот*”, “*замоннинг маълум қисмига мансуб одамлар; бўгин*” (5,1,32), шунингдек, кўчма “*туркум*” маъносини билдиради. Барчасида авлод сўзига хос бўлган “*гуруҳ*” семаси сақланган ҳолда метафорик кўчиш юз берган.

Авом сўзи ‘амма (Ан-На’им, 562) феълидан келиб чиккан бўлиб, бу феълдан ҳосил бўлган сўзларда “умумийлик”, “оммавийлик”, “давлатга оид”, “қариндошлик” семалари бўртиб туради. Ўзбек тилида шу доирадаги умум, умумий, омма, авом, оммавий, оми, амма, амома каби сўзлар кенг ишлатилади. Бирок сўзларда араб тилидагидан фарқли равишда “давлатга оид” эмас, “ижтимоийлик” семаси етакчи. Авом, оми каби сўзлар баъзан салбий бўёк билан ишлатилади. Авом – ўтмишда “оддий халқ”, “қора халқ”, “ўқимаган, тушунмаган, хат-саводсиз киши(лар)” (5,1,32) маъносида ишлатилган. Бу ҳолат араб тилида ҳам кузатилади экан. Мумтоз шеърятимизга назар ташласак, халқ, халойиқ, мардум, авом сўзлари салбий бўёкка эга бўлганлиги кўринади. Улар “*илоҳий ишқдан холи бўлган, тартибсиз оломон* маъносида тушунилиши кўпроқ кузатилади¹. Бунда “илмсиз, саводсиз” семасининг фаоллашуви кузатилади. *Умум, умумий, оммавий, амма* каби сўзларни эса “якинлик”, “биргалик”, “кўплик” семалари бирлаштириб туради. Демак, авом сўзининг семантик таркиби аслиятдан кўп ҳам узоқлашмаган. Бунинг сабаби, бизнингча, сўзнинг диний социолект доирасидагина қўлланганидир. Сўзга доимо бир нуктаи назардан қараш унинг маъносидаги ўзгаришларни тўсиб қўйиши аниқ.

Аврат араб тилида “*бўи жой, айб, камчилик*”, “*бўи (нозик, ҳимоясиз) жой*”, “*жинсий аъзолар*” маъносида ишлатилади. Ўзбек тилида асосан сўнги маъносида ишлатилади. Диний социолектда мазкур сўз “*тананинг, шариятга мувофиқ, бекитиб юрилиши талаб қилинадиган, уятли жойлари*” (5,1,33)ни ифодалайди. Диний мавзуга оид сўз сифатида икки жилдли лугатда яна ҳам аниқроқ килиб, “эркаклар учун – киндикдан

¹ Қаранг: Жаббор А. Машраб асарлари учун лугат ва изоҳлар. Фарғона: Фарғона, 2010. 246 б. – 9-бет

тиззагача, хотин-кзлар учун – билак бўғимидан бўйингача ва бўйинда товонгача” (2,1,24) изоҳи қўшилади.

Аврод арабча вирд сўзининг кўплик шакли бўлиб, араб тилида “манба”, “(ҳайвон) сугориладиган жой”, “туннинг ибодатга мўлжалланган қисми”, “Қуръони Каримнинг тунда ўқиладиган қисми қисқа ибодат”, “тилхат ёки солиқ тўлангани ҳақида ҳужжат” (Ан-На’им, 906) маъноларини ифодалайди. Ўзбек тилида “бомдод, тонг намозидан сўнг ўқиладиган дуо, оят; кўп такрорланадиган, ўқиб-юрिलाдиган оятлар, дуолар” (5.1.33)ни билдиради. Мазкур сўз икки жилдли луғатда берилмаган.

Адаб сўзи араб тилидаги ‘адуба феълидан келиб чиққан бўлиб, феъ ва унинг турли шаклларида “одобли бўлмоқ”, “зиёфат бермоқ”, “тарбияламоқ”, “жазоламоқ”, “ўрناق олмоқ”, “мезбон”, “адабиёт”, “виждон”, “ахлоқ” (Ан-На’им, 906) каби маънолар ифодаланади. Этибор берсак, уларнинг барчасида *ҳаётий билим* семаси етакчилик қилади. Турли нисбатларда “ҳаётий билим”ни олиш, бериш, кўрсатиш маънолари ифодаланади. Икки жилдли изоҳли луғатда “жамиятда, кишилар билан муомалада ўзини тута билиш; ахлоқ, тарбия ва унинг нормалари” (2,1,26) тарзида изоҳланган. Изоҳда сўзнинг “ижтимоий макбул”, “меъёр”, “ижобий” семалари бўртиб турибди. Янги луғатда эса “ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги яхши ахлоқ, тарбия, хушмуомалалик” (5,1,38) шаклида изоҳланади. Икки жилдли луғатдан асосий фаркли жиҳати “шахсий ҳаёт бирикмаси бўлиб, бу билан сўзнинг “виждоний” семасига ишора қилинади. Иллюстратив мисолларда ҳам мазкур семик муносабатлар акс этади:

Адаб бозорда сотилмас – “яхши хулқ”.

адабини бермоқ – “яхши хулқни бермоқ, ўргатиб қўймоқ”.

адабини емоқ – “ҳаётий қўниқма олмоқ”.

адаб сақламоқ – “ўзини ахлоқ, одоб доирасида тутмоқ”

Қиёслаганимизда, араб тилидаги *зиёфат бериш, мезбон* семалари ўзбек тилида кузатилмайди.

Сўзнинг хосиласи бўлмиш *адиб* этимологик жиҳатдан интеграл семани саклаган: *адиб* – 1) тарбияланган, тарбия кўрган, ахлокли, адабли; 2) маърифатли, ўқимишли; 3) ёзувчи, адабиётшунос, адабиётчи. (Ан-На’им, 14) Маълумот учун айтадиган бўлсак, адабиёт фанининг асосий максуди – эзуликни улуглаш, ёмонликка нафрат уйғотиш, шунингдек, адабиёт соҳасига одоб, гўзаллик ва хикмат тажассуми билан караш. аввало.

тушунчанинг аталиши билан бевосита боғлиқ. Ўзбек тилида адибнинг этимологик маъноларидан *ёзувчи* бевосита қўлланишда кузатилади: Адибнинг ижодий мероси 6 жилдли “Сайланма”га жамланган (Газетадан).

Адад сўзи *ъада* (санамок, ҳисобламок) феълидан келиб чиққан бўлиб, араб тилида адад *сон, рақам, номер*, шунингдек, *миқдор* (Ан-На’им, 525) маъносини ифодалайди. Ўзбек тилида ҳам мазкурлардан *миқдор* семаси сақланиб қолган. Турли бирикма ва ҳосила birlikларда сўзнинг полифункционаллиги маълум бўлади: *Кўшиқчиларнинг адади – “миқдор”, икки юз адад – “дона, -та”, ададсиз – “чек-чегара, поён”*.

Адоват арабча *ъада* (югурмок, ошмок, қолдирмок, душманлик қилмок) феълидан келиб чиққан бўлиб, ўзбек тилида “душманлик муносабати, шундай муносабатга хос хис-туйғу; кек, хусумат” (5,1,41) маъноларида қўлланади. Араб тилида ҳам бу шакл орқали юқоридаги каби ва “халдан зиёда зулм” маънолари ифодаланади. Адоват (хусумат)нинг югуриш сўзига семантик муносабати, бизнингча, араб миллатининг кундалик турмуши, урф-одатлари ва дунёкараши билан боғлиқ. Арабларда югуриб келиш душманларга хос белги сифатида қабул қилинган бўлиши мумкин. Масалан, туркийларда байроқли от; найзали киши душман лашкари маъносини ифодалайди: *Бу юртга яловли отни ким қўйди, найзали кишини ким киргизди? (Кул тигин битиктоши)* Шу нуқтаи назардан сўзнинг “югуриш” семаси миллий карашларимизга мос келмаган ва ўзбек тилига ўзлашмаган. *Ъада* феълининг яна бир ҳосиласи – *адув* араб тилида ҳам (Ан-На’им, 525), эски тилимизда ҳам “душман” (5,1,42) маъносида қўлланиб, ҳозирги кунда нофаол.

Адолат, адл сўзларининг келиб чиқиши *ъадала* феъли билан боғлиқ бўлиб, бу феъл турли нисбатларда “адолатли бўлмок”, “тўғриламок”, “текисламок”, “тенглашмок”, “чекинмок”, “ростланмок” маъноларини ифодалайди. Адл сўзи арабчада 1. *Адолат, ҳаққоният, одил судлов, холислик*. 2. *Халқ маслаҳатчиси; судья ёрдамчиси*. 3. *Пул тўлаб айбни ёки дуноҳни ювиш* (Ан-На’им, 526) маъноларида ишлатилади. Кўринадики, иккинчи гуруҳдаги маънолар 1-маънодан метонимик усул билан юзага келган. 3-маъно эса *ъадала* феълининг “тўғриламок”, “тенглаш(тир)мок” маъносининг метафорик ҳосиласи ҳисобланади. Ўзбек тилига сўзнинг юқоридаги маъноларидан фақат биринчиси қисман ўзлашган. Адолат, адл сўзлари асосан “фаолият” семасига асосланиб қўлланади: “одилсона ва холисона иш тутиш, ҳаққонийлик, ҳаққонийлик, одиллик” (2.1.27).

Ъадала феълидан келиб чиккан яна бир сўз адил бўлиб, араб тилида “баробар, ўхшаш”, “божа” (Ан-На’им, 526) маъносида қўлланади, яъни “тенглик” семаси доминантлик вазифасини ўтайди. Ўзбек тилида сўзнинг “горизонтал текис” семаси етакчилик қилади: 1. *Тўғри, эгилмаган* букилмаган, тикка. 2. *Бурилмаган, тўппа-тўғри*. Масалан: *Икки ёнида адил тераклар шовуллаган кенг асфальт йўл*. (Х. Фулом) (5,1,40) Демак, сўзнинг бу шакли ҳар икки тилда ҳар хил тушунча ифодаламоқда. Ҳар икки тилидаги адил ъадала феълининг семантик структурасига мос келади, бироқ уларнинг семантик тараккиёти ҳар хил йўлдан кетган.

Адо сўзи ‘аддаа (عَدَا) феълининг бир шакли бўлиб, бу феъл *орқати* “ҳақ тўламоқ, ҳисоб-китоб қилмоқ”, “амалга оширмоқ”, “баён қилмоқ билдирмоқ”, “бошлаб бормоқ” маънолари ифодаланади. Адо шакли эса “тўлов тўланадиган сумма”, “бажариш”, “амалга ошириш” (Ан-На’им, 15) маъносини ифодалайди. Шунингдек, турли ибора ва бирикмаларда “топишмоқ” (ваколатни), “салом бермоқ”, “қасам ичиш” каби семаларга ҳам эга.

Эътибор берилса, араб тилида адо ёки унинг асос феъли “қарз ҳисобланган бирор амал” ни ифодаловчи сўзлар (қарз, бирор буюрилган хизмат, қилиниши лозим бўлган одат) билан бирга қўлланиб, “бажариш”, “тўла тугатиш” интеграл семасига эга.

Ўзбек тилида “иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг охири, тамомини ижроси” (5,1,40) маъносини ифодалайди. Иллюстратив мисоллардан сўзнинг кўпгина этимологик семалари сакланиб қолганлиги кўринади (1), (3), (4):

- 1) *Иш адо бўлди* – “туғамоқ”, “тўла бажарилмоқ”;
- 2) *Кўйиб адо бўлди* – “чуқур руҳий тушқунлик”;
- 3) *Хизматни адо этмоқ* – “туғатмоқ”, “ўтамоқ”;
- 4) *Ҳаж фарзини адо этди* – “ўтамоқ”;
- 5) *Фарзандлик ҳаққини адо этди* – “бажармоқ”, “туғатмоқ”;
- 6) *Душманини адо қилди* – “чуқур руҳий ва жисмоний тушқунлик”;
- 7) *Ватан олоқидаги бурчини адо этмоқ* – “ўтамоқ”.

Юқоридагиларни солиштириб чиксак, ўзбек тилида сўзнинг “туғамоқ” семаси етакчи эканлигига ва асосан бирор фаолият-жараён билан боғлиқлигига гувоҳ бўламиз. (2), (6) мисоллар ўзбек тилининг ўзи учун хос бўлиб, адо сўзи аслий маъносидан нисбатан узоқлашгани билан характерлидир.

Ўзбек тилидаги аёл, оила сўзлари араб тилидаги **ъала** (علاء) феълидан келиб чиққан. Мазкур феъл “камбағал (ночор) бўлмақ”, “катта оилали”, “(оилани) бокмоқ, таъминламоқ” (Ан-На’им, 578) маъноларини ифодалайди.

Ъаланинг турли хосила шакллари “камбағал”, “бокинди”, “оила”, “оила аъзолари” каби семаларни ифодалайди. Оила шаклининг мазмун мундарижаси араб ва ўзбек тилларида бир хил. Ҳар икки тилда ҳам “хаётий таъминланиши керак бўлган инсонлар” интеграл семаси мавжуд. Аёл шакли араб тилида йўқ (бизнинг манбага кўра). Биз аёл сўзи учун иёл шаклини этимологик асос деб ҳисоблаймиз Чунки ўайн харфи тилимиз қонуниятларига мос келмайди. Шу туфайли ъ (айн)дан кейинги и товуши а тарзида ўқилади (киёс. Ўийд- хайит, ъиён - аён). Иёл шакли эса араб тилида “бола”, “фарзанд” маъноларини ифодалаш учун ишлатилади. Эски туркий тилда ҳам аёл сўзи “фарзанд” маъносида учрайди: “*Ўгул жувонмард. Анинг учунки. ота ўгулдин кечти, ўгул жондин кечти. Жон аёлдин азирроқ турур*”¹. Шу ўринда Шарк халқлари учун муштарак муҳим хусусиятлардан бири кўзга ташланади - оила бекасининг исмини, хаттоки уни атовчи сўзни яшириш. Масалан, ўзбек халқида андиша юзасидан “хотин” ўрнида *завжа, рафиқа, занфа, турмуш ўртоқ, келин, янга, болалар, уйдагилар* каби сўзларнинг ишлатилиши сир эмас. Ҳозирги ўзбек тилидаги аёлманд сўзида “аёл”нинг “бола”, “фарзанд” семалари тўла ўзлашган. Бирок тилимизда аёл сўзининг семантик киёфаси бошқача.

	Араб тилида (иёл)	Ўзбек тилида (аёл)	Интеграл сема
1.	“шахс”	“шахс”	+
2.	“оила аъзоси”	“оила аъзоси”	+
3.	“жинси номаълум”	“жинси – эркакка зид”	-
4.	“натижа”, “самара”	“иштирокчи”	-
5.	“ёш”, “навкирон”	“балогатга етган”, “етук”	-
6.	“таъминталаб”	“таъминталаб” (нисбатан)	+
7.	“ижтимоий имконияти чекланган”	“ижтимоий имконияти чекланган” (нисбатан)	+

¹ Рабўзий Носируддин Бурхонуддин Қисаси Рабўзий 1-китоб. - Тошкент Ёзувчи, 1990 240 б. - 80-бет.

Демак, ўзбек тилида аёл сўзининг hozirги кунда “умуман эркакка карама-қарши жинсдаги шахс; хотин”, “хотин-қизлар” (5,1,43) тушунчасини ифодалашига “шахс”, “оила аъзоси”, “таъминталаб”, “ижтимоий имконияти чекланган” интеграл семалари асос бўлиб хизмат қилган. Бунда маъно кўчишининг метонимия усули ва табу каби ходисалар кузатилади.

Аён сўзининг ўзагида ʼана (ان) феъли ётади. Ўзбек тилидаги айни, аъён, тайин каби сўзлар шу феълдан келиб чиққандир. Араб тилининг ўзида аён шакли йўқ (бизнинг манбага кўра). Юқорирокда кўриб чиққанимиздек, ʼиён сўзининг ўзгарган шакли бўлиши мумкин. Бу сўз араб тилида “ўз кўзи билан кўриш” маъносини билдириб, фақат бирикма таркибидагина “кўзга кўриниб турган”, “очиқ-ойдин” маъносини билдиради. Ўзбек тилида жўналиш келишигидаги сўз билан биргаликда келиб “маълум”, “аниқ-равшан” маъноларини ифодалайди. Араб тилида эса худди шу каби тушунчаларни ʼиёний (عياىى) (Ан-На’им, 578) сўзи ифодалайди. Демак, сўз ўзлашиш жараёнида икки ҳолатдан бири юз берган бўлиши мумкин: 1) ʼиён сўзи фонетик ўзгарган ҳолда ўзбек тилига ўтган ва ўзак феъли билан боғлиқ тушунча (очиқ-ойдин)ни ифодалаш учун этимологик семантикасидан бирмунча фаркли тушунчани акс эттирган; 2) ʼиёний сўзидаги –ий кўшимчаси тушириб қолдирилган, тилимизга қулай бўлган ʼиён шакли амалда қўлланиб кетган.

Ажаб сўзи арабча ʼажбиба феълидан келиб чиққан. Мазкур феъл “ажабланмок”, “ажаблантирмок”, “койил қолдирмок” сингари маъноларга эга. Феълнинг турли шакллари орқали “сигиниш”, “манмансираш”, “мўъжиза”, “хайратомуз” каби маънолар ифодаланади. Ажаб шаклининг ўзи “ажабланиш”, “хайрат” (Ан-На’им, 522) маъносини ифодалайди. Ўзбек тилида сўзнинг семантик мундарижаси ва вазифа доираси бирмунча кенгайган. Тилимизда, аввало, сўзнинг аслий семантик структураси сақланса-да, маъновий жихатдан “фаолият-жараён”, “ҳолат” семалари фаоллиги пасайган. Қуйидаги мисолларда эса сўзда “белги”, “субъектив кизиқиш” семалари фаоллашгани кўринади:

Ажаб савдолар - “ажабланарли”, “хайрон қоларли”;

Ажаб дунё - “ажабланарли”, “ғалати”, “тушунарсиз” (“салбий”);

Ажабким, сиз ҳам шу ердасиз - “ажабланарли”, “қизиқ” (“ижобий”);

Ажаб бўлди – “яхши”, “ҳамма ҳайрон қоладиган” (+ “ижобий”);

Ажаб қилди – “жуда яхши”, “маъқул” (+ “ижобий”);

Ажаб эмас, қайтиб келса – “шояд”, “эҳтимол” (+ “истак”, “орзу”, “ижобий”);

Во ажаб – “ажойиб”, “қизиқ”;

Ажаб, ога (шевада) – “тасдиқ”, “хўп” (+ “ижобий”).

Демак, ажаб тилимизда вазифа жихатдан белги билдирувчи, субъектив муносабат билдирувчи сўзлар доирасида ишлатилади. Унинг семантикасида бир канча ўзгаришлар юз берган.

Ажаб сўзига этимологик ўзакдош бўлган ажива (уъжуба > ажуба > ажива) сўзлашув тилимизда “масхара бўладиган”, “кўримсиз, хунук, бедаво” (5,1,44) маъносида ишлатилади. Тилимизда сўзнинг “салбий” семаси бўрттирилган.

Ажал арабча ‘ажила (الجل) феълидан келиб чиккан бўлиб, 1) вақт, давр ораси; 2) чегара, муддат; 3) (хаёт) охири, интихоси (Ан-На’им, 11) маъноларини ифодалайди. Шунингдек, “қарз”, “ўлим” семаларига ҳам эга. Буларнинг барчасида “белгиланган”, “тайин этилган” семалари умумийлиги билан ажралиб туради. Араб тилида ҳам сўзма-сўз таржима қилганда “ажали келди” ибораси мавжуд. Гарчи бу эвфемизм сифатида “белгиланган вақти келди” шаклига эга. “*Белгиланган вақт*” – ажал араб тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам бир маънони – “ўлим”ни билдиради.

Ўзбек тилида ажал сўзи, асосан, “ўлим” тушунчаси билан боғлиқ. Сўнгра “белгили” семаси ойдинлашади. Ажал сўзи семантик структурасидаги “белгили” семасига синоними – ўлим сўзи семантикасидаги “кутилмаган” дифференциал семаси каршиланади. Улар “вақт” интеграл семаси остида бирлашади. *Ажалидан беш кун бурун, ўз ажали билан ўлмоқ* каби бирикмаларда юкоридаги зиддият яққол кўзга ташланади.

Ажам сўзи ўзбек тилида “араб халки ва мамлакатларидан бошқаси (хусусан, форслар, эронликлар)”, “шошмаком куйларидан бирининг номи”ни билдиради (5,1,44). Бу сўз арабча ъажама (عجم) феълидан келиб чиккан бўлиб, мазкур феъл “*тишламоқ*”, “*синаб кўрмоқ*”, “*эътибор қилмоқ*”, “*кўриб қолмоқ*”, “*диакритик нуқталар қўймоқ*”, “*ноаниқ (тушунарсиз) бўлмоқ*”, “*чет элча талаффузи қабул қилмоқ, қийин тушуниладиган бўлмоқ*”, “*форсларга, чет элликларга араб бўлмаганларга ўхшаб кетмоқ*” (Ан-На’им. 523) каби маъноларга эга. Назаримизда, ъажам

сўзнинг *“ноаниқ (тушунарсиз) бўлмоқ”* маъносининг мустақиллашувидан келиб чиккан. Ажам сўзи араб тилидан ўзбек тилига семантик ўзгаришларсиз ўзлашган.

Аждод (бирлик шакли жаддун) сўзи арабчада *“ота”, “бобо”, “бува”, “ота-боболар”* маъносига эга бўлиб, *“яқин қариндош”, “қариндошлик тармоғи номаълум”* (ота ёки она томондан), *“эркак”* семаси мавжуд эмас. Ўзбек тилида сўзнинг *“яқин қариндош”* семаси сушлашган. Сабаб сифатида жадд(ун) шаклининг ўзлашмаганини кўрсатиш мумкин. Натижада сўз фақат кўплик маъносида бўлади, семантикаси торайиб, тилимизда *“умумий”, “илгари ўтган насл-насаб”* (5,1,44) маъносини ифодалай бошлаган.

Ажз арабча *“ожизлик”, “кучсизлик”, “дармонсизлик”, “меҳнатга лаёқатсизлик”* (Ан-На’им, 522) маъноларига эга бўлиб, ўзбек тилида ҳам айнан шу маънода ишлатилади (5,1,45). Араб тилида бу шаклнинг яна бир омоними *“етишмовчилик”, “камлик”, “камёблик”, “дефицит”* маъносини ифодалайди. Сўзларни *“камлик”* семаси бирлаштиради.

Ажина сўзи ўзагида жин сўзи ётади. Жин ва ажина сўзлари *“Шарқ мифологиясида ва диний тасаввурларга кўра: настқам жойларда киши кўзига одам тимсолида кўриниб, гўё уни бирор дард-иллатга чалинтириб (масалан оғзини қийшайтириб) кетадиган афсонавий махлуқ”* (5,2,90)ни ифодалайди. Ажина тушунчаси “Авесто”да, бошка халк ривоятларида ўз аксини топган. Зардуштийлик динида ажина ёки жинлар инсонга хос бўлган ёмон қусурлар, нуксонлардан озикланувчи махлуқларни билдиради. Бу тушунчалар сўз ўзлашган тил ва муҳит билан бевосита боғлиқ. Исломи дини билан кириб келган араб тилида жин, ажина сўзлари *“жинлар, руҳлар, шайтонлар, иблислар”* (Ан-На’им, 140)ни билдиради. Жин тушунчаси аввалдан бўлгани учун ўзбек тилига *“руҳ”, “шайтон”* семалари ўзлашмаган. Аксинча, турли бирикмаларда бошка семаларни ифодалайди:

Жин кўча - *“кўрқинчли”, “адаштирадиган”*;

Жин тегмоқ - *“айништириш”*;

Жин урсин - *“бало”, “касофат”*;

Жин урмайди - *“бало-қазо”, “ёмонлик”*;

Жини тутмоқ - *“ёмон феъл-атвор”*;

Жинига тегмоқ - *“ҳамият”*;

Жинидан баттар ёмон кўрмоқ - *“энг ёмон”*;

Жиним суймайди – “таъб”, “табиат”;

Жин чалмоқ – “ақлдан оздирувчи”;

Кўзига ажинадек кўринди – “кўрқинчли”, “ёқимсиз”;

Ажина шамол – “қуюнли” (қуюннинг ажиналарга боғликлиги хақидаги тасаввурларга асосланилган бўлиши мумкин);

Шунингдек, нуткимизда мурожаат бирлиги сифатида келиб, “*кичкина, жиккак*”, “*кўримсиз*” (инсонга нисбатан), “*бетисандлик*” семаларини ҳам ифодалайди: *Юзбошини нима қилдинг, ажина? – деди Нишонбек Муҳаррамга* (Б. Раҳмонов. Мардлар киссаси).

Ажр сўзининг этимологик маъноси “*мукофот*”, “*мукофотлаш*”, “*тўлов*”, “*ҳақ*” дир (Ан-На’им, 10). Араб тилида “*маош*”, “*иш хаки*” маъноси фаол. Сўз гарчи изохли луғатларда “*эваз*”, “*эвазига бўладиган нарса, тўлов*” (5,1,45) маъносида изохланса-да, ўзбек тилида бу сўз асосан диний социолект таркибида учрайди, “*савоб*”, “*яхшиликнинг илоҳий самараси*” тарзида маъно ифодалайди: *Она буларнинг ҳаммасига бардош берди. Энди бу бардошларнинг ажрини кўряпти.* (“Шарк юлдузи”) Араб тилининг ўзида кўпроқ “*иш хаки*”, “*тўлов*” маъносида ишлатилади. Демак, ажр сўзи араб тилидан диний тушунчани ифодаловчи сўз сифатида кириб келган ва шу семантик таркибни тилимизда hozirга қадар сақлаб келмоқда. Донор тилнинг ўзида эса сўз кўпгина семантик кўчишлар натижасида умумистеъмолдаги лексикага ўтган.

Ажур сўзи араб тилида “*қари*”, “*кекса*”; “*чол*”; “*кампир*”, “*кекса аёл*” (Ан-На’им, 523) маъноларини ифодалайди. Демак, сўздаги “*жинс*” семаси нейтрал бўлиб, вазиятга қараб ҳар икки тушунча (эркак ва аёл) билан бирга қўлланиб, “*қари*” семасини юклайди. Тилимизда бу сўз архаик сўзлар жумласига кириши билан ажралиб туради. Эски тилимизда сўз “*жинси аёл*” семасига эга бўлиб, “*қари хотин*”, “*кампир*” маъносида ишлатилади. Донор тилнинг ўзида бу тушунчани бевосита ажуратун сўзи ифодалаган.

Аза (عزى) “*алоқадор деб ҳисобламоқ*”; “*сабр-бардош билан ўтказмоқ*”, “*овутмоқ, таскин бермоқ*” (Ан-На’им, 539) маъносидаги феълдан ҳосил бўлган бўлиб, фаолият-жараёни билдиради. Ўзбек тилида ҳам “*жараён*” семаси сақланиб қолган: “*Аёлларнинг майиш чиққан уйда йиғи билан ўтказадиган мотам маросими*”, “*майиш чиққан уйдаги мотам жараёни*” (5,1,47). Туркий халқларда мотам маросими “*айтиб йиғлаш*” билан бевосита боғлиқ. Туркий халқлар фольклорида йиғи-

йўқлов, марсия каби жанрларнинг мавжудлиги ҳам шундан дара бермоқда. Гарчи аза сўзи этимологиясида “*сабр-тоқат тилаи*” семас мавжуд бўлса-да, ўзбек тилида етакчи ўринга “*йиги-сиги*” семас кўтарилади. *Аза тутмоқ; кимга тўй, кимга аза; шунга ҳам азами?* каби иллюстратив мисолларда ҳам “*йиги-сиги*”, “*салбий руҳий ҳолат*” семас якқол кўринади. *Аза очмоқ* бирикмасида эса сўзнинг “*маросим*” семас фаоллиги кузатилади.

Азамат арабча азума (عظم) феълидан хосил бўлган. Мазкур феъ турли нисбатларда “улуғ бўлмоқ”, “жиддий (хавфли) бўлмоқ” “хурматламоқ”, “муҳим деб ҳисобламоқ”, “фахрланмоқ”, “кучаймоқ” “кибрланмоқ” каби маъноларга эга. Феълнинг шаклларидан бири бўлган азамат “*улуғворлик*”, “*фазилат*”; “*ифтихор*”; “*азаматлилик*”; “*жаноб олийлари*” (Ан-На’им, 548) каби маъноларнинг ифодалайди. Бу маъноларни “*улуғ*”, “*мавҳум*” семалари бирлаштириб туради.

Ўзбек тилида мазкур сўздаги “*мавҳум*” семаси “*моддий*” семасига фаол “*улуғ*” семаси ҳам моддийликни ифодаловчи “*катта*” семасига ў ўрнини бўшатиб берган: *азамат чинорлар*. Бундан ташқари шакл кўринишдан ташқари, куч-қувват, жисмоний ҳолат нуктаи назаридан баҳо бериш вазифасига эга бўлган: *Азамат машиналар, азамат йиғит, обба азаматей*. Ўзбек тилида сўзнинг салбийлик семаси (жиддий бўлмоқ, кибрланмоқ сингари) кузатилмайди. Азамат ижобий бўёкдор сўз сифатида ажралиб туради: “кўриниш-тузилиши эътибори билан жуда катта хайбатли, улкан”, “катта куч-қувватга эга; қудратли”, “гайрат-шижоатли; баходир, ботир”, “жисмонан етук; забардаст” (5,1,48) маъноларини “*ижобий муносабат*”ни билдиради. Сўзнинг семантик таркибининг лугатларда тўлик берилиши нуктаи назаридан янги изоҳли лугатнинг бирмунча афзалликларга эгаллиги мазкур ўринда ҳам кузатилади. Зеро, икки жилдли лугатда “*ижобий муносабат*” семасини айнан ифодаловчи изоҳлар берилмаган (2,1,30).

Азума феълнинг яна бир хосиласи азим бўлиб, унинг семантикасида юз берган ўзгаришларни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

	Араб тилида	Ўзбек тилида	Семаси	Мисол
1	Улуғ, буюк, азим	+	“мавҳум”	<i>Гуноҳи азим</i> <i>балойи азим</i>

2	Биринчи даражали	-	"мавҳум"	
3	Улкан, жуда катта	+	"моддий" (кўриниш)	Азим тоғ, азим шаҳар
4	Таникли, машхур	-	"мавҳум"	
5	Мухим, жиддий	-	"мавҳум"	
6	Азамат, ажойиб, зўр	-	"мавҳум"	

Бундан куйидаги хулосага келиш мумкин:

- араб тилида мавҳум белгини ифодаловчи сўзлар, асосан, диний социолект таркибида "мавҳум" семасини саклаб қолади. Ва шу доирадаги сўзлар даврасидаги мазкур семасини намён этади;

- ўзбек тилига ўзлашиш жараёнида миллатнинг дунёкараши билан боғлиқ ҳолда "моддий" семаси фаоллашади ва умумистеъмолда моддий тушунчани ифодаловчи сўзлар билан бирга келади.

Азимат сўзи араб тилида "муҳим (катта) воқеа (иш)", "бало, фалокат, офат" (Ан-На'им, 548) маъноларига эга. Эски ўзбек тилида эса "интилиш", "жазм", "қасд" (5,1,49) маъноларида қўлланган. Бунда сўз ўз этимологик маъносидан анча узоклашган бўлиб, семантик боғланиши тугуни сифатида маъносини "муҳим ишга уринмок", "бирор ишни муҳим ҳисобламок" деб тушунса ҳам бўлади.

Азиз сўзи араб тилида куйидаги маъноларга эга: 1) кучли, қудратли; 2) нодир, камёб; азиз, кимматли; 3) азиз, кадрли; 4) огир. кийин. машаққатли; 5) подшоҳ (Миср азизи). (Ан-На'им, 537). Эътибор берсак, сўз маънолари турлича бўлса-да, уларни "юксак", "юқори" семалари бирлаштириб турибди. Уларни "мавҳум" (3) ва "моддий" (1,2,4,5), "ижобий" (1,2,3,5) ва "салбий" (4) дифференциал семалари фарқлаб турибди. Ўзбек тилида азиз сўзи куйидаги маъноларда қўлланади: 1) кам топиладиган, ноёб ва кадрли; тақчил; 2) ҳаёт учун энг зарурий ва кадрли, тенги йўқ; 3) эъзоз-эътиборга, иззат-хурматга лойиқ, ардокли, кадрли; 4) олий кадрга эга, табаррук; 5) кайд этилган белги-хусусиятларга эгаликни таъкидловчи муносабатни билдиради. (5,1,49). Қиёслаймиз: Ўзбек тилида сўз салбий бўёқда ишлатилмайди. "Юксак", "юқори" интеграл семалари сакланиб қолган.

Эр йигит элда азиз - "қадрли", "фойдали"

Сув бизла одам конидай азиз - "ҳаётний зарур"

Азиз таом - "барақали"

Азиз меҳмон – “хурмат-иззатга лойиқ”, “қадрли”

Жондан азиз – “қадрли”, “юксак мақомли”

Азизлар руҳи ёр бўлсин – “Худонинг назари тушган инсон”,
“табаррук”

Дунёни қизганма менадан, азизим – “қадрли”, “яқин”

Демак, азиз сўзи ўзбек тилида инсон ва нарсаларни ифодаловчи сўзлар билан қўлланиб, ижобий муносабатни, шунингдек, хурматни билдиради.

Азл сўзи араб тилида “узоклаштириш”, “ажратиб қўйиш”, “изоляция”; “(хизматдан) бўшатиш, четлатиш; бўшаш” (Ан-На’им, 538) маъносини ифодалаб, уларни “четлашмоқ” семаси бирлаштириб туради. Ўзбек тилида эскирган сўз сифатида азл қилмоқ (ёки этмоқ) феъли таркибида учрайди ва “бекор қилмоқ, четлатмоқ, бўшатмоқ (ишдан, мансабдан)” (5,1,49) маъносини ифодалайди: *Мени Тошкент беклигидан азл этмоқчи ва қўлларидан келса, ҳатто ўлдирмоқчи бўлдилар.* (А. Қодирий) Демак, кейинги даврларга келиб, тилимизда сўзнинг семантик таркиби ва фаоллигида ўсиш тўхтаган.

Форс-тожик тилидан ўзлашган **барваста** лексемаси этимологик жиҳатдан “боғланган, маҳкамланган; ёпилган, ривожланмай қолган” маъносини билдириб, икки жилдли изоҳли луғатда сўзнинг “гавдали, кенг яғринли” маъносини ифодалаши кўрсатилган (2,1,81). Агар этимологиясидан келиб чиқилса, лексемада “салбийлик” бўёғи мавжуд. Тилимизда эса “ижобий” бўёғи бўртиб туради. Бизнингча, бу халқимизнинг дунёқараши билан ҳам боғлиқ: кексалар чиройли нарсаларни кўз тегишидан асраш учун ҳатто у хақида гапирганда ҳам андишали бўлишган. Бу каби лексемалар табуга ҳам айланган. Жумладан, келишган, комати баркамол фарзандларини “суяги бузук” дейишган. **Барваста** лексемаси ҳам шу хусусияти – табу сифатида қўлланиши оқибатида асли ишора қилаётган тушунчасини саклаб қолган бўлиши мумкин. Натижада лексема “тик коматли, келишган, кўркем” (5,1,165) семаларига ҳам эгаллиги кўринади. Мазкур ҳолат **давангир** лексемасида ҳам кузатилади (қаранг: 5,1,536). Демак, янги луғат шу каби нозик маъно кирралари ёритиши билан ҳам қимматлидир.

Баттол араб тилида “беиш, бекорчи, ишсиз, ишдан маҳрум қилинган. ёмон. бемаъни (одам)” (Ан-На’им, 67) маъносини билдиради. Халқимизда дангасалик ёмон иллат сифатида баҳолангани *бекорчидан ҳуоо безор.*

бекор ўтиргунча бекор ишла каби мақолларда ҳам ўз аксини топган. Шунинг таъсири ўларок лексема ўзбек тилида “салбий” бўёғини олади, ёмон – разил синонимик қаторининг хиссий-таъсирий бўёқдор қатнашчиси хисобланади. **Баттол** икки жилдли луғатда “ўтакетган ёвуз, бераҳм, шафқатсиз, вахший”, “ўтакетган бадкирдор, бадкарда”, “ўтакетган ўжар, кайсар, терс” (2,1,85) тарзида изоҳланади.

Орамизда энг баттоли Қосим чўлоқ эди. (Ойбек) Ушбу гапда “кайсар”, “бадкирдор”, “бадкарда” семалари юзага чиқади.

Бугун дарвозада жуда баттол сарбоз турибди. (С. Кароматов) Мазкур иллюстратив исол воситасида лексеманинг “ўзиники тўғри деб туриб оладиган, тўғри йўл-йўриққа юрмайдиган” (5,1,177), шунингдек, “инсофсиз”, “одамийлиги йўк” семалари намоён бўлади.

Жаҳон ота: - *Бунақа баттол ёмғирни умримда камдан-кам кўрганман, -деди* (Р. Раҳмонов) гапида баттол лексемаси кўчма маъно - “хосиятсиз”, “шиддатли” (5,1,177) маъноларини ифодалайди. Бундан ташқари, салбий бўёққа эга бўлган “ўтакетган”, “учига чикқан” семалари ҳам ифодаланмоқда.

Иллюстратив мисоллардан маълум бўлдики, баттол лексемаси араб тилида хиссий-таъсирий бўёксиз бўлгани холда, ўзбек тилида салбий бўёқдор лексемага айланган. Лексеманинг семантик таркиби янги изоҳли луғатда тўлақонли очиб берилган.

Бафуржа форс-тожик тилидаги *ба фаржом* сўзидан олинган бўлиб, *фаржом* “охир”, “интиҳо”, “тугаллаш” маъносини билдиради. Демак, лексемада “вакт” семаси етакчи хисобланади. Тилимизда лексема асосан “хотиржамлик билан, шошмасдан, бамайлихотирлик билан” (2,1,85) маъносида қўлланади. Масалан: *Кейин бафуржа гаплашамиз.* Мисолда “вакт” семасини ифодалаш *кейин* равишига тушади ва **бафуржада** “тарзҳолат” семаси етачиликка чиқади. *Бугун дам олиш кун* бўлгани учун *Элмурод бафуржа турди.* (Шухрат) Мисолда лексеманинг “вакт” ва “тарз-ҳолат” семалари юзага чиқади: *кечроқ шошмасдан. – Юринг (фермани) кўрсатаман. - деб қистади Татьяна. Кампир бафуржа келишига ваъда берди.* (И. Раҳим) Гарчи “ҳолат” семаси бўлса-да, мисолда эса “вакт” семаси етакчилик қилмоқда, бунда “вакт” ва “ҳолат” семалари ўзаро боғлиқ: *бемалол бўлган вақт. кейинчалик.* Кўриниб турибдики, лексема “кейинчалик”, “кулай пайт” (5,1,177) семаларига ҳам эга.

Виждон лексемаси араб тилида 1) туйғу, сезги, сезиш, хиссиёт; 2) виждон, онглилик; 3) ички маънавий дунё; 4) калб, юрак; 5) интуиция (Ан-На'им, 897-898) маъноларига эга. Араб тилида виждондан ясалган бош лексемаларда “сезги”, “интуиция” семалари етакчилик қилади. Ўзбек тилида эса қуйидаги маъноларда қўлланади:

- *виждон билан иш қилмоқ* – “масъулият”, “ички жавобгарлик туйғуси”;

- *Бу одамгарчиликдан, виждондан эмас, бу – пасткашлик* (Г. Турсун) – “улуғворлик”, ҳиммат”;

- *Виждон йўл кўймади* – “калб”, “юрак”, “кучли руҳият”;

- *Виждонингиз борми?* – “инсоф”, “диёнат”;

- *виждон эркинлиги* – “дин”, “эътикод”;

- *Музаффаров – қишлоғимизнинг виждони* – “хурмат-эътиборли” “хакикатгўй”;

- *Ҳалоллик - виждон амридир* – “кучли руҳият”.

Юкоридагилардан “дин-эътикод”, “хурмат-эътиборли”, “хакикатгўй” семаларига мувофиқ изоҳлар ҳам икки лугатда кўрсатилмаган.

Фукаро арабча факир (فقير)нинг кўплик шакли бўлиб, “факир кашшок, камбағал”, “фокус кўрсатувчи киши”, “умурткаси синган киши” (Ан-На'им, 630) лугавий маъноларини билдиради. Ўзбек тилига дастлабки маъноси ўзлашган бўлиб, бош маъно вақтлар ўтиши билан йўқолган. Лексема икки жилдли лугатда “бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси”, “оддий қора халқ вакили; *акси хўжа*” (2,2,309) тарзида изоҳланган. *Келган маҳсулотнинг нархи эса оддий фуқаронинг ҳаётини чақади* (Газетадан) мисолида фукаро лексемаси “аҳоли”, “оддий халқ” маъноларига эга. Бундай маъно лугатда кўрсатилмаган. Икки жилдли изоҳли лугатда лексемага “бирор мамлакатнинг доимий (муайян юридик ҳуқуқларга эга бўлган) аҳолиси, граждандар”, “умуман, оддий халқ, омма”, “оддий, кашшок қора халқ вакиллари (*зид. хўжа*)” (5,4,369) тарзида изоҳ берилди.

Янги лугатда кўрсатилган учинчи маъно “салбий” семасига эга. Агар эътибор берилса, “умумий” семасига эга бўлган авом (омма билан ўзакдош), фукаро лексемалари дастлаб маълум услубларда “салбий” семаси билан ишлатилган ва ҳозирги кунга келиб, бу сема йўқолган.

Давлат лексемаси араб тилидан ўзлашган бўлиб, ўзак феъли (دل) “ўтмоқ”, “йўқ бўлмоқ, фаолиятини тугатмоқ”, “алмашиб турмоқ”, “давлатлаштирмоқ” (Ан-На'им, 276) ва х.к. маъноларига эга. Бундан

ташқари ушбу лексема маъносида “бахт” семаси ҳам мавжуд. Ўзбек тилида давлат лексемаси семантикасидаги ўзгаришлар туфайли шаклдош икки сўз вужудга келган. Давлат I “мамлакат” маъносида, давлат II “бойлик, молдунё мол-мулк” (2,1,203) маъносида ишлатилади. Давлат II лексемаси кўп маъноли сўз ҳисобланиб, контекстда турлича семалари билан иштирок этади:

1. Давлат тугар, билим тугамас – “бойлик”, “моддий”;
2. Давлати кўтаради – “бойлик”, “моддий имконият”;
3. Соғлигинг – давлатинг – “бойлик”, “маънавий”, “бахт”;
4. Отасининг давлатида топган обрўси – “кўмак”, “вақт”, “хомийлик”;
5. Давлат кўнса бир чивиннинг бошига, Семурғ кушлар салом берар қошига (“Муродхон”) – “омад”, “бахт”, “маънавий”;
6. Сояйи давлатларида юрибмиз. – “паноҳ”, “химоя”;
7. Давлатлари ёри берса – “ёрдам”, “кўмак”, “хомийлик”.

Юқоридаги мисоллар ёрдамида давлат II лексемасининг умумий учта семасини ажратиб олишимиз мумкин: “моддий”, “маънавий”, “фаолият”. Дастлабки икки сема бевосита “бойлик” семаси билан алоқадор. “Фаолият” семасининг фаоллашуви (“ёрдам”, “кўмак”, “химоя”, “хомийлик”) ҳосила маънонинг бош маънодан узоклашганини кўрсатади. (4) мисолда “вақт” семаси ҳам мавжуд, бироқ энг фаол эмас.

Икки жилдли луғатда лексеманинг асосан “моддий бойлик” ва “маънавий бойлик” семалари билан боғлиқ маънолари келтирилган бўлса, янги изохли луғатда “фаолият” семаси билан боғлиқ маъноси ва иллюстратив мисоллар келтирилган (5,1,537).

Ҳар икки изохли луғатда *арқони давлат*, *тахти давлат* каби изофалар ва уларнинг изоҳлари давлат I эмас, давлат II лексемаси изоҳида келтирилган. Ҳолбуки, бу изофаларда давлат бевосита “мамлакат” маъносига эга.

II. 3. ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДАГИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ТАСНИФИ

Олам икки тизимнинг муносабатидан ташкил топган. Инсон акли билан сезилган, макон, замон, бутун-қисм, сабаб-натижа қонуниятлари асосида ўрганиб бўладиган, муайян бирлаштириб турувчи марказга эга ходисалар тартиб мақомида бўлса, инсон тафаккурининг hozirги кундаги ютуқлари орқали изохлаб бўлмайдиган ходисалар тартибсизлик (хаос) қонуниятларига бўйсунди. Қизиғи шундаки, тартибсизлик ва тартиб айрим ҳолларда бир-бирига ўтиб туради. Масалан, инсон акли юмалок деб фараз қиладиган энг кичик заррачалар ҳам аслида бундай шаклда эмаслиги маълум. Ёки қутилмаган ҳолда юз бераётган табиат ходисалари аслида каттарок (масалан, галлактик) қонуниятлар асосида амалга ошаётган бўлиши мумкин. Демак, тартиб тушунчаси нисбий бўлиб, инсоният онги ва тафаккури қаричи билан ўлчанади.

Тартиб тушунчаси бевосита система билан боғлиқ. Бир-бирини тақозо этувчи икки ва ундан ортик унсурларнинг ўзаро шартланган муносабатидан ташкил топган бутунлик система деб аталади¹.

Системанинг ўзига хос белгилари сифатида ички бўлинувчанлик, узвларининг ўзаро алоқадорлиги, узвлар ва системанинг алоқадор бўлиши, поғонали тузилишда эканлиги, субстанционаллиги кўрсатилади.

Олам бир бутун системадир. Унинг системалилиги шундаки, у ўзаро шартланган, бир-бирини тақозо қилувчи элементлар муносабатидан ташкил топган яхлитликдир. Бу яхлитлик кичик бутунликларга бўлинувчанлик хусусиятига эгадир². Инсон табиат ва жамиятни ўрганиш жараёнида нарса, белги, ходисаларни умумлашган, шунингдек, ўхшаш ва фаркли белгиларини ажрата боради. Натижада билимлар йиғиндиси – фан юзага келади.

Бунда, албатта, нарсаларни умумлаштириб турувчи бирлик – сўзнинг аҳамияти буюк. К.С. Аксаков сўзнинг олам ва тил системасидаги ўрни ҳақида шундай деган эди: “Табиатда, чексизлик аро “сўз” деган нарса пайдо бўлди, инсоннинг мавжудлигини ва шу билан бирга инсоннинг

¹ Нурмонов А., Ўқдодов Б. Тилшунослик ва табиий фанлар – Тошкент “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001 159 б. 10-бет.

² Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент Фан, 1998 50 б. – 3-бет.

ердаги аҳамиятини ифодалайди. Ўзида ҳар хил нарсани акс эттирган табиат энди бир ном билан аталди. Дунёда уни ўзида жамлаган ва уни акс эттирадиган янги бир мўъжиза – сўз пайдо бўлди”¹. Албатта, предмет (наrsa, белги, ходиса)ларни бир тизимга солиниши учун уларга хос бўлган умумий хусусиятни аниқлаш керак бўлади. Ушбу умумийлик (инвариантлик) тушунчаларнинг номланишида ҳам мавжуддир. Оламни ўрганишдаги кейинги боскич умумий гуруҳга бирлашган бирликларни бошқа “майдарок” хусусиятларига кўра фарқлаш ва ўзаро зидланган гуруҳларга таснифлашдир. Бу жараён шу тартибда ҳар бир тармок, туркум, гуруҳлар ичида амалга оширилади ва олам ҳақида умумлашма билим ҳосил бўлади. Оламни ўрганиш, аввал амалий характерда кечиби, сўнг назарий йўналишга ўтади. Демак, сўзнинг, яъни тилнинг оламни билишдаги, шунингдек, фанларнинг пайдо бўлишидаги ўрни бекиёс. Шу нуктаи назардан Ҳегель тилни “назарий ақлнинг яратувчиси” деб атаган эди².

Тил ички тузилишини сатхларга ажратишнинг икки тамойили мавжуд:

1. Тил бирлигига кўра сатх ажратиш тамойили.
2. Интеграция тамойили.

Дастлабки тамойилга кўра лексик сатх бирлиги - лексема морфемадан кейинги боскичдаги бирлик ҳисобланади. Интеграция тамойили тарафдорлари лексемага морфемик бирлик сифатида қарайдилар ва лексик морфема деб атайдилар. У грамматик морфемага зидлантрилади. Лекин ҳар икки йўналиш вакиллари тилнинг алоҳида бирлиги, лисоний белги сифатида лексемани эътироф этадилар³. Интеграция тамойили тил бирликларининг ўзаро бир-бирини келтириб чиқаришини асос қилиб оладилар. Лексема олдинги сатх бирлиги – морфемаларнинг йиғиндисидан келиб чиқмаслиги айрим ишларда лексик сатхнинг алоҳида тил сатҳи сифатида ажратилмаслигига сабаб бўлади.

Тилнинг тушунчаларни номлаш (номинатив) вазифаси тушунчалар ўртасидаги фарқларни ҳам кўрсатиб туради, зеро ҳар бир тушунчани ифодалаш учун одатда алоҳида фонемалар йиғиндиси ажратилади. Шу

¹ Новиков Л.А. Семантика русского языка. – Москва: Высшая школа, 1982. – С. 68.

² Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшўнослик ва табиий фанлар – Тошкент “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2001. 159 б. 25-бет

³ Набиева Д. Лексема ва унинг тил системасидаги ўрни: Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари (Илмий-амалий хотира анжумани материаллари) – Фарғона, 2010. - 61-бет.

нуктада сўз моддийлашади – семантик учбурчак юзага келади: *фонемалар – предмет (ёки денотат, референт) – тушунча (маъно, сигнификат)*. Демак, тил бу ўринда маъно ва шакл ўртасида воситачилик қилади. Шаклдошлик вужудга келган тақдирда турли фонетик ва грамматик воситалар ёрдамида тушунчалар фаркланади. Буни мозаик расми йиғишда парчаларни бошқа-бошқа қилиб теришга ўхшатиш мумкин. Сўнг уларни турли мавзулар ёки лексик семантик гуруҳлар асосида таснифлаш мумкин. Тўғри, тилшуносликнинг ҳар бир бўлимида ўз таснифлаш қонуниятлари мавжуд (туркуми, ясалиши, услуби каби хусусиятларига кўра)¹. Бирок аксарининг моҳиятида сўзнинг лексик маъноси ётади.

Сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари икки ва ундан ортиқ сўзларнинг аташ маъноларига кўра бирлашувидир. Сўзларни мавзуй гуруҳлаш билан мазмуний майдон терминлари бошқа-бошқа тушунчаларни ифодалайди². Мавзуй лўғатлар тузиш факат методик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас. Мавзуй лўғатлар тузишда сўзларнинг ўзаро боғловчи алоқалари – яқинликларига эътибор қаратмай, сўзнинг ички лексик маъноларига эътибор қилиш зарур³. Мавзуй гуруҳлар мазмуний майдонга нисбатан торроқ тушунча ҳисобланади. Масалан, *ҳайвон номлари: ит, мушук, сизир, шер, тулки* ва бошқ. Лексик-семантик гуруҳда эса тушунча билан боғлиқ бўлган белгилар, ҳаракат ва ҳолатлар ҳам бирикади. Масалан, *“руҳий ҳолат”* мавзули майдонга *хурсанд, хафа, газаб, нафрат, қувонмоқ, зерикмоқ* каби сўзлар кириши мумкин. “Мазмуний майдон доирасига бир сўз туркумига хос бўлган сўзларнинг мазмуний гуруҳи ҳам, турли сўз туркумларининг бир-бири билан мазмуний муносабатда бўлган сўзлар гуруҳи ҳам, лексик-грамматик (мазмуний-функционал) майдонлар ҳам, трансформацион муносабатлар билан боғланган синтактик конструкцияларнинг парадигмалари, мазмуний-синтактик синтагмаларнинг маълум турлари ҳам киритилади. Улар орасида жиддий фарк бўлишига карамай, уларни у ёки бу мазмуний категорияларга асосланиши билан умумлаштириш мумкин”⁴.

¹ Бу ҳақда қаранг: Бегматов Ў. Ҳозирги ўзбек тилининг лексик қатламлари. Тошкент, 1985. 116-бет.

² Бу борада қаранг: Исқандарова Ш. Лексик-семантик система талқиқлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. 2-сон. – 43-45-бетлар.

³ Исқандарова Ш., Ганиева Ш. Лексик-семантик гуруҳ ва майдоннинг айрим хусусиятлари ҳақида Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари (Плзмий-амалий хотира анжумани материаллари). Фарғона, 2010. – 66-бет.

⁴ Исқандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент. Фан, 1998. – 27-бет.

Майдон назариясини Европа тилшунослигида И.Трир, Л. Вейсгербер, В. Порциг, Г. Ипсен, Л. Йоллес, Ф. Даризейф, В. Вартбург, рус тилшунослигида Г.С. Шчур, Ю.Н. Караулов, А.А. Уфимцева, В.В. Морковкин, С. Е. Никитина, ўзбек тилшунослигида Ш. Искандарова, М. Абдувалиев, Х. Ҳожиёва, А. Собиров каби олимлар атрофлича ишлаб чиқишган.

Лексик бирликларни семантик гуруҳларга бирлаштириш XIX асрда М.М. Покровский томонидан илгари сурилган бўлса, майдон тушунчасининг назарий талқини XX асрнинг 20 йилларида немис олимлари И. Трир, Г. Ипсен, В. Порцигларнинг тадқиқотларида пайдо бўлди. М.М. Покровский майдон деганда қуйидагиларни назарда тутди: а) мавзуй гуруҳ; б) синонимия; 3) морфологик алоқалар. Учинчи турда сўзларнинг бажарувчи, восита ва фаолият усуллари бўйича гуруҳланиши назарда тутилади¹. Й. Трир эса майдонни иккига таснифлашни таклиф қилади: лексик майдон ва тушунча майдони. У мазмуний майдон сифатида “тушунчалар майдони”, “тушунчалар доираси”ни назарда тутди². Унинг фикрича, лексик майдон тушунчалар майдонининг маълум кисминигина акс эттира олади.

В. Порциг тилшуносликка “элементар семантик майдон”³ тушунчасини киритди. Бунга кўра сўзлар маъносига кўра бир-бирини талаб қилиб келади. Масалан, *қўл – ушламоқ, кучук – ҳурмоқ* каби. Бу ҳолат фақат нутқ шароитидагина кузатилиши ҳам маълум. Г. Ипсен мазмуний ва грамматик жиҳатдан боғланган сўзлар гуруҳини, А. Йоллес антонимик жуфтликларни, Ф. Дорнзайф ва В. Вартбурглар тил луғат таркибининг ажратилиши мумкин бўлган семантик гуруҳларини мазмуний майдон сифатида талқин этадилар⁴.

Ўзбек тилшунослигида ҳам майдон назарияси билан боғлиқ бир қатор кўзга кўринарли ишлар амалга оширилган. жумладан, лексик сатҳ, морфемик сатҳлар яхши ўрганилган⁵.

¹ Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – Москва: Просвещение, 1975. 271 с. – С. 48.

² Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. Тошкент: Фан, 1998. 50 б. 14-бет

³ Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – Москва: Просвещение, 1975. 271 с. – С. 48.

⁴ Бу ҳақда қarang Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998. 50 б.

⁵ Қўчқортоёв И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент, 1977. Абдувалиев М. Тўсиқсизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, 4-сон, 62-66-бетлар; Сафарова Р.Г. Синонимия в узбекском языке (На материале зоонимов). АКД. – Гашкент, 1990; Мирзақуллов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари ДДА. – Тошкент,

Майдон назариясини ўзбек тилшунослигида атрофлича тадқиқ этган олимлардан бири Ш.М. Искандаровадир. У ўзининг “Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида ўрганиш (шахс микромайдони)” номли докторлик диссертациясида лексик сатхнинг системалар ситемаси эканлигини, унинг сон-саноксиз майдонлардан ташкил топишини кўрсатиб ўтган ва шахс микромайдони мисолида лексемаларнинг ҳаракатланиш доираларини очиб берган¹.

Мазмуний майдон тўғрисида билдирилган турли фикрларнинг умумий нуқталари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) тил лугат таркиби бирликларнинг тартибсиз (хаотик) йиғиндисидан иборат эмас, у сўзларнинг семантик умумийлиги асосида бирлашувчи бир канча мазмуний майдонларга бўлинади;

2) ҳар бир мазмуний майдон фақат шу тил учун хос бўлган алоҳида усул билан ўзи акс эттирган борликни таркибий қисмларга ажратади;

3) сўзнинг семантик мазмуни ўз-ўзидан келиб чиқувчи нарса ҳисобланмайди, у майдон ичидаги бошқа сўзлар (бирликлар) билан зидланишлар воситасида юзага келади².

Шу жиҳатдан лексик сатх ҳам тил системасида алоҳида ўринга эга сатх бўлиб, бошқа сатхлар билан боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади. Ҳар қандай тилнинг тараккиётида унинг энг ўзгарувчан, энг тез ҳаракатдаги қисми лексикасидир³. Шу туфайли ҳам у “очик система”⁴ ҳисобланади. Лексик система *мазмуний майдон* – ЛСГ лар – эма (ЛСГ унсурлари) тарзидаги ички бўлинувчанлик тартибига эга. Мазмуний майдон ва ЛСГларнинг юзага келишида ассоциациялар муҳим роль ўйнайди. Ассоциацияга синонимик, антонимик, гипо-гиперонимик, иерархик, холомеронимик (бутун-бўлак), градуонимик каби муносабатлар киради⁵.

1994; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида дугавий градуонимия НДА – Тошкент, 1996; Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998. 50 б.; Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004.

¹ Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида ўрганиш (шахс микромайдони) – Т., 1999.

² Апресян Ю.Д. Дистрибутивный анализ значений и структурные семантические поля. Лексикографический сборник. Вып. V. Москва, 1962. С. 53.

³ Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент: Фан, 1981. – 45-бет.

⁴ Собиров А. Лексикани система сифатида ўрганиш масаллари // Ўзбек тили ва адабиети. 2005. 1-сон. – 89-бет.

⁵ Бу ҳақда қarang. Хонимова Н. Ассоциатив муносабатлар ва индивидуаллик // Ўзбек тили ва адабиети. 2010. 2-сон. – 81-84-бетлар.

Булардан энг кўп кузатиладигани синонимик ва антонимик муносабатлар ҳисобланади.

Ш. Искандарованинг эътироф этишича, бир парадигмага мансуб бўлган аъзолар умумий (бирлаштирувчи) белгига эга бўлиш билан бирга, ҳар қайсиси бир-биридан фарк қиладиган хусусий белгиларга ҳам эга бўлади. Хусусий белгиларга эга бўлиш парадигма аъзоларининг ўзаро зидланишига ва алоҳида тил бирлиги сифатида тил системасида яшашига имкон беради¹.

ЛСГ бирликлари ўртасидаги зидланишлар асосида парадигмалар ҳосил бўлади. Ўхшашлик (парадигматик) муносабатларнинг моҳияти шундан иборатки, ўхшашлик каторларига (парадигмаларга) ўзаро ўхшашликка ва айрим фарқларга эга бўлган тил бирликлари бирлашади².

Парадигма унсурлари орасидаги муносабат оппозиция деб ҳам аталади. Тил бирликлари ўртасидаги оппозицияларни Н.С. Трубецкой “Фонология асослари” асарида фонологик бирликлар мисолида приватив, эквиолент, градуал муносабатларга ажратган эди³. Ю.Н. Караулов эса тил бирликлари ўртасида куйидаги оппозициялар мавжуд бўлишини ёзади: ноль оппозиция, приватив оппозиция (гипонимия деб ҳам аталади), эквиолент оппозиция, дизъюнктив оппозиция⁴. Ҳ. Нейматов ҳамда Р. Расуловлар тўрт хил зиддиятни фарқлайдилар: 1) тенг қийматли (эквиолент) зиддиятлар; 2) мутаносиб (пропорционал) зиддиятлар; 3) даражали (градуал) зиддиятлар; 4) нотўлик (приватив зиддиятлар)⁵.

Тенг қийматли зиддиятда таккосланаётган бирликларнинг асосий қисмлари ўхшаш, маъно оттенкалари (семалари) билан фарқланади.

Мутаносиб зиддият деганда бирликларнинг маълум зиддият белгисига кўра тўла зидланиши тушунилади.

Даражали зиддият уч ва ундан ортиқ бирликлардан иборат бўлиб, зидланиш белгисининг ифодаланиш даражасига кўра оппозицияга боришни ифодалайди.

¹ Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида ўрганиш (шахс микромайdonи). - Г., 1999. 9-бет.

² Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 15-бет.

³ Бу ҳақда қараг: Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфологияси. - Тошкент, 1990. 13-бет.

⁴ Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. - Москва, 1976. С.106-108.

⁵ Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 16-бет.

Нотўлик зиддиятлар икки тил бирлиги ўртасида кузатилиб, бирликлардан бирининг тўлик зидланишга бормаслигидан, маъноси умумийроқ эканлиги билан ажралиб туради.

Уларнинг фарқини куйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин:

		Зиддиятлар	
1.	БОЛА	Тенг қийматли зиддият	<i>Фарзанд</i>
2.		Мутаносиб зиддият	<i>Чол</i> (“ёш” белгиси)
3.		Даражали зиддият	<i>Чақалок, ўсмир, ўспирин</i> (“ёш” белгиси)
4.		Нотўлик зиддият	<i>Инсон</i> (умумийлик хусусиятига эга)

Парадигма маълум маънода нисбийдир. Чунки тил бевосита кузатишда берилмаган, нолисоний омиллар ҳам сўзларнинг синонимик каторлари тузилишига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, зидланиш кўпинча сўзнинг айрим хусусий маънолари билан боғлиқ. Демак, парадигмалар маълум даражада сўзловчи дунёкараши, нутк шароити билан боғлиқ бўлади, аклий тахлил орқали очилади.

Лексемаларни тахлили килишдаги асосий мезон уларни ўзаро ички муносабатлар асосида муайян каторларга, гуруҳларга, тур ва туркумларга – катта-кичик парадигмаларга (ўхшашлик каторларига) бирлаштиришдир¹. Бу гуруҳларни умумий сема бирлаштириб туради. Тил бирликларини ўхшаш ва фарқли бошқа бирликларга киёслаш орқали сўзнинг, сўзлар гуруҳининг табиатини очиш мумкин бўлади.

Мантик илмида таснифнинг икки кўриниши фаркланади:

1. Политомик тасниф.
2. Дихотомик тасниф².

Айрим ишларда таснифнинг куйидаги икки турдан ҳам фойдаланилади: полидихотомик тасниф, дихополитомик тасниф³.

Таснифнинг умумий тамойиллари куйидагилар:

1) таснифланган бўлақлар таснифланаётган бутунлик ҳажмига тенг бўлиши керак:

¹ Нейматов Х., Раулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 79-бет

² Гетманова А.Д. Логика. – Москва: Высшая школа, 1986. – С. 50.

³ Ўринова О. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик таҳлики. Фил. фанлари номз. илм. дар... дисс. Тошкент, 2007. УДК 809.437.5. – 37-бет.

- 2) тасниф бир асосда амалга оширилиши;
- 3) таснифланган гуруҳлар бир-бирини инкор қилиши;
- 4) тасниф узлуксиз бўлиши, яъни таснифда “сакраш” бўлмаслиги¹.

Тилнинг лексик қатлами бевосита кузатишда берилмаслиги ва тез ўзгарувчанлиги туфайли сўзларни таснифлаш идеал шаклда кечади. Шу туфайли ҳам сўзлар жамланмаси сифатида луғатлардан, аниқроғи, изоҳли луғатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки, тилдаги барча сўзлар изоҳли луғатларда ўз аксини топган бўлади.

Тасниф ҳар қандай билимнинг асосидир. У, “биринчидан, бир вақтнинг ўзида маълум фан тармоғининг таракқиёти натижаларига яқун ясаसा, иккинчи томондан, бу тармок ривожланишида янги босқич бошланаётганлигидан дарак беради”². Хусусан, ҳозирги ўзбек тилини, унинг луғавий бойлигини ўрганиш, луғат таркибида юз бераётган ўзгаришларни баҳолашда илк босқич вазифасини сўзларни таснифлаш бажариб беради.

Тилимиздаги ўзлашма сўзларни таснифлашдан мақсад жамиятнинг қайси соҳасида сўз ўзлаштириш фаол эканлигини аниқлаш, бунинг лисоний ва нолисоний омилларини ўрганиш, шунингдек, сўзларнинг маъно тузилишидаги силжишларни баҳолашдир. Тасниф жараёнида дедуктив, индуктив усуллардан фойдаланиш зарурлиги, ўрганиш манбаининг ўз серкирралиги асосида бир неча таснифларда иштирок эта олиши ва уларла турли-туман ўринларни эгаллай олиши, ўхшашлик ва фарқларга ажратишда мантикий изчилликка риоя қилиниши³ муҳим аҳамиятга эга.

Етакчи олимларимиз Ғарб олимлари ва буюк аждодларимиз томонидан кўлланган куйидаги фалсафий асослар ва тадқиқот методларидан ижодий фойдаланишни таклиф қиладилар. Улар:

1) объектга субстанционал (зотий) ёндашув. Бунда умумийлик-хусусийлик, моҳият-ходиса, имконият-воқелик диалектикасини ҳисобга олиш;

¹ Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қарши: Насаф, 2004. 45-бет.

² Мадраҳимов Н.С. Ўзбек тилида сўзнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. Филол. фан. номз. дисс. автореферати. Тошкент, 1994. 9-бет.

³ Бойко А.П. Логический анализ структуры классификации. Дисс. канд. философ. наук. – Москва, 1983. – С. 10.

2) объектнинг зиддиятли табиатини очиш. Ҳар қайси тадқиқот объекти ички зиддиятлардан иборатлигини, ана шу зиддиятлар объектнинг узлуксиз ривожланишининг асоси эканлигини кўрсатиш;

3) объектнинг системавий хусусиятларини ёритиш. Бунинг учун ҳар қайси объект муайян катта бутунликнинг узвий бир бўлаги эканлиги ва, айти пайтда, у муайян ички унсурларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган яхлитлик эканлигини намоён қилиш;

4) шакл ва мазмун диалектикасини эътиборга олиш. Уларнинг ўзаро муносабатини ёритиш;

5) тенг қимматли элементлар ўртасида ва турли қимматли бирликлар (бутун билан бўлак, тур билан жинс) ўртасидаги муносабатлар турларини ёритиш ва ҳоказолар¹.

Ўзлашма сўзларни таснифлашда қуйидагиларга амал қилинди:

1. Жамиятга сўзларнинг ўзлашиш соҳалари белгилаб олинди. Ижтимоий соҳага оид сўзлар, диний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар терминлар.

2. Юқоридаги туркумлар ўз ичида яна гуруҳ, гуруҳчаларга ажратилди.

3. Ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ олинмаларни таснифлашда уларнинг луғавий ва грамматик маънолари ҳисобга олинди. Сўзлар туркумларга бўлиниб, сўнг маъно гуруҳлари бўйича тасниф қилинди.

4. Терминларни таснифлашда уларнинг, албатта, истилоҳий маъноси ҳисобга олинди. Шу туфайли ҳам фан ва соҳа номларини таснифлашда фанларнинг тадқиқот жабҳалари маълум даражада фарқловчи белги вазифасини ўтади.

5. Айрим сўзларнинг ўзлашиш соҳасини белгилашда уларнинг семантик тузилишини ҳисобга олишга тўғри келди. Масалан, беҳи сўзи луғатда ботаникага оид термин сифатида берилган². Термин умумқатламдаги сўзнинг маъносини махсуслаштириш орқали ҳосил қилинган. Демак, умумқатламдаги маъноси бирламчидир. Таснифимизда сўз ижтимоий соҳага оид сўзларга киритилган. Бу ҳолат зоология табиатшунослик каби соҳаларга ҳам тааллуқли.

¹ Нурмонов А. Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. Тошкент: "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001 159 б. 27-28-бетлар.

² Қаранг Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриети, 2006 - 249-бет.

Таснифнинг ҳар бир босқичи рим рақамлари билан бериб борилади.

I. Ўзлашма сўзлар, аввало, “тушунча билан бевосита боғланиши” нуктаи назаридан икки гуруҳга бўлинади: А. Ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ сўзлар. В. Терминлар.

II. А. Ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ сўзларни “моддийлик” семасига кўра икки ажратамиз: АА. Моддий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар. АВ. Мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар.

II. В. Терминлар илмий тадқиқотимиз доирасига кирмаганлиги учун улар тасниф қилинмади, балки фан соҳаларига кўра гуруҳланди.

Дастлаб факат моддий тушунчаларни ифодаловчи сўзларни таснифлаб оламиз.

III. АА. Моддий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар “моддийлик белгиси”га кўра икки гуруҳга ажратилади: ААА. Предмет тушунчасини ифодаловчилар. ААВ. Белги тушунчасини ифодаловчилар.

IV. ААА. Предмет тушунчасини ифодаловчи сўзлар “табиий” зидловчи семасига кўра иккига бўлинди: АААА. Табиий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар. АААВ. Сунъий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар.

V. ААВ. Белги тушунчасини ифодаловчи сўзлар “алоқадорлик” хусусиятига кўра иккига бўлинади: ААВА. Предметнинг белгисини билдирувчи сўзлар. ААВВ. Ҳаракат-ҳолатнинг белгисини ифодаловчи сўзлар.

VI. Табиий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар “жонли” зидловчи белгисига кўра икки турга бўлинади: ААААА. Яралмишни ифодаловчи сўзлар. ААААВ. Нарсани ифодаловчи сўзлар.

VII. Сунъий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар “инсонга бевосита алоқаси” белгиси нуктаи назаридан икки гуруҳга ажратилди: АААВА. Инсонга бевосита алоқадор тушунчаларни ифодаловчи сўзлар. АААВВ. Инсонга билвосита алоқадор тушунчаларни ифодаловчи сўзлар.

VIII. ААВА. Предметнинг белгисини ифодаловчи сўзлар иккига ажратилди: ААВАА. Шахснинг белгисини ифодаловчи сўзлар. ААВАВ. Нарсанинг белгисини ифодаловчи сўзлар.

IX. ААВВ. Ҳаракат-ҳолатнинг белгисини ифодаловчи сўзлар “бевосита” белгисига кўра иккига ажратилди: ААВВА. Ҳаракат-ҳолатнинг бевосита белгисини ифодаловчи сўзлар. ААВВВ. Ҳаракат-ҳолатнинг билвосита белгисини ифодаловчи сўзлар.

Зилловчи белги		Моддий тушунчани ифодаловчи сўзлар							
Зилловчи белги		Предметни ифодаловчи сўзлар		Белгини ифодаловчи сўзлар					
Зилловчи белги		Табийийлик		Алоқдорлик					
Зилловчи белги		Табийий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар	Сунъий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар	Предметнинг белгисини билдирувчи сўзлар	Харакат-холатга белгисини ифодаловчи сўзлар				
Зилловчи белги		Жонли	Инсонга бевосита алоқаси	Харакат-холатга бевосита алоқдорлик					
Зилловчи белги		Яралмишни билдирувчи сўзлар	Нарсани билдирувчи сўзлар	Бевосита алоқдор тушунчаларни билдирувчи сўзлар	Билвосита алоқдор тушунчаларни билдирувчи сўзлар	Шахснинг белгисини билдирувчи сўзлар	Нарсанинг белгисини билдирувчи сўзлар	Бевосита белгисини билдирувчи сўзлар	Билвосита белгисини билдирувчи сўзлар

Шу нуктада ҳар бир гуруҳни алоҳида таснифлаб чиқамиз.

Яралмишни ифодаловчи сўзлар “инсонийлик” белгиси нуктаи назаридан иккига бўлинади: 1. Шахсни ифодаловчи сўзлар. 2. Жонзотларни ифодаловчи сўзлар.

Шахсни ифодаловчи сўзлар “микдор белгиси”га кўра икки гуруҳга бўлинди: якка шахсни ифодаловчи сўзлар ва шахслар гуруҳини ифодаловчи сўзлар.

Якка шахсни ифодаловчи сўзларни “табийийлик” белгисига кўра икки ажратамиз: Шахснинг ижтимоий ҳолатини ифодаловчи сўзлар, шахснинг биологик ҳолатини ифодаловчи сўзлар.

Якка шахсни ифодаловчи сўзлар.

Шахснинг ижтимоий ҳолатини ифодаловчи сўзлар “расмийлик” белгиси” нуктаи назаридан иккига бўлинади: 1. Касб-вазифага эгаликни билдирувчи сўзлар. 2. Ижтимоий ҳолатни билдирувчи сўзлар. Касб-вазифага эгаликни билдирувчи сўзлар “расмийлик” белгисига кўра иккига ажратилади: 1) касбга эгаликни билдирувчи сўзлар; 2) вазифага эгаликни билдирувчи сўзлар.

Касбга эгаликни билдирувчи сўзлар “соҳа” белгисига кўра иккига ажратилади: 1. Ҳунарга эгаликни билдирувчи сўзлар. 2. Фан-техника ва маданиятга боғлиқликни ифодаловчи сўзлар.

Вазифага эгаликни билдирувчи сўзлар ҳам иккига бўлинади: шахснинг лавозимини билдирувчи сўзлар ва шахснинг унвонини эгаликни билдирувчи сўзлар.

Ижтимоий ҳолатни ифодаловчи сўзлар икки гуруҳга бўлинади: 1) ижтимоий яқинликни билдирувчи сўзлар ва ижтимоий мансубликни билдирувчи сўзлар.

Ижтимоий яқинликни ифодаловчи сўзлар “яқинлик белгиси”га кўра иккига ажратилади: рухий-маънавий яқинликни билдирувчи сўзлар, ижтимоий ифасига кўра яқинликни билдирувчи сўзлар.

Ижтимоий мансубликни билдирувчи сўзларни иккига: 1) кизикиш объектига кўра номловчи сўзлар; 2) ижтимоий келиб чиқишига кўра номловчи сўзлар.

Шахснинг биологик ҳолатини ифодаловчи сўзлар “табиийлик белгиси”га кўра иккига ажратилди: 1) қариндошликликни билдирувчи сўзлар; 2) миллат ва элатга мансубликни билдирувчи сўзлар.

Қариндошликни билдирувчи сўзларни “ёш” нуктаи назаридан иккига бўлдиқ: ёши катта инсонларни ифодаловчи сўзлар ва ёши кичик инсонларни ифодаловчи сўзлар. Бу ҳар икки гуруҳни “жинс” белгисига кўра иккига ажратдиқ: аёл жинсини ифодаловчи сўзлар, эркак жинсини ифодаловчи сўзлар.

Жонзотларни билдирувчи сўзлар ўз навбатида иккига бўлинади: 1) ҳайвон номларини билдирувчи сўзлар; 2) махлуқлар номини билдирувчи сўзлар.

Шахслар гуруҳини ифодаловчи сўзлар.

Инсонлар гуруҳини ифодаловчи сўзлар “табиийлик” белгисига кўра иккига ажратилади: 1) шахсларнинг табиий гуруҳини ифодаловчи сўзлар; 2) шахсларнинг ижтимоий гуруҳини ифодаловчи сўзлар.

Шахсларнинг табиий гуруҳини ифодаловчи сўзлар иккига бўлинади: 1) қариндошлар гуруҳини ифодаловчи сўзлар; 2) миллат ва элатлар номини билдирувчи сўзлар. (Эсда тутиш керакки, миллат ва миллатга мансубликни битта сўзнинг ўзи ифодалаши мумкин. Масалан, *қозоқ*)

Шахсларнинг ижтимоий гуруҳини ифодаловчи сўзлар 1) кизикишига кўра гуруҳланишни билдирувчи сўзлар; 2) ижтимоий келиб чиқишига кўра гуруҳланишни билдирувчи сўзлар.

Нарсани билдирувчи сўзлар. Улар “микдор белгиси”га кўра икки гуруҳга бўлинди: яқка нарсани ифодаловчи сўзлар ва нарсалар гуруҳини ифодаловчи сўзлар.

Якка нарсани билдирувчи сўзларни “табийлик” белгисига кўра икки гуруҳга бўламиз: 1. Табий нарсаларни билдирувчи сўзлар. 2. Сунъий нарсаларни билдирувчи сўзлар.

Нарсалар гуруҳини билдирувчи сўзларни ҳам шу тарзда иккига бўламиз.

Табий нарсаларни билдирувчи сўзларни иккига бўламиз: 1. Инсон билан боғлиқ тушунчаларни билдирувчи сўзлар. 2. Табиат унсурларини билдирувчи сўзлар.

Инсон билан боғлиқ тушунчаларни билдирувчи сўзлар “бевосита боғлиқлик” белгисига кўра икки гуруҳга бўлинади: 1) тана аъзоларини билдирувчи сўзлар; 2) инсон фаолияти билан боғлиқ сўзлар.

Табиат унсурларини билдирувчи сўзлар			
Зидлаш белгиси			
Гуруҳлар	Табиат номлари	ходисалари	Ўсимлик, модд. номлари

Инсон фаолияти билан боғлиқ сўзлар		
Зидлаш белгиси		
Гуруҳлар	Ижтимоий фаолият билан боғлиқ сўзлар	Табиий фаолият билан боғлиқ сўзлар

Сунъий нарсаларни билдирувчи сўзлар		
Зидлаш белгиси		
Гуруҳлар	“максад”	Табиий фаолият учун яратилган сунъий нарсалар
		Ижтимоий фаолият учун яратилган сунъий нарсалар

Табиий фаолият учун яратилган сунъий нарсалар		
Зидлаш белгиси		
Гуруҳлар	“максад”	Ташки воситалари номлари
		Ички воситалари номлари

Ижтимоий фаолият учун яратилган сунъий нарсалар	
Зидлаш белгиси	

Гурухлар	Транспорт воситалари	Курилма, асбоблар
----------	----------------------	-------------------

Ташқи эҳтиёж воситалари номлари		
Зидлаш белгиси		
Гурухлар	Пардоз-андоз воситалари	Кийим-кечак номлари

Ички эҳтиёж воситалари номлари		
Зидлаш белгиси		
Гурухлар	Эҳтиёж туфайли истеъмол қилинадиган нарсалар номлари	Одат туфайли истеъмол қилинадиган нарсалар номлари

Эҳтиёж туфайли истеъмол қилинадиган нарсалар номлари		
Зидлаш белгиси		
Гурухлар	“истеъмол усули”	Ейимликлар ичимликлар

Одат туфайли истеъмол қилинадиган нарсалар номлари		
Зидлаш белгиси		
Гурухлар	Ичимликлар	чекимликлар

Транспорт воситалари		
Зидлаш белгиси		
Гурухлар	“умумийлик”	Шахсий Умумий транспорт воситалари

Таснифнинг дастлабки уч босқичи амалга оширилди. Таснифда чалкашлик туғилмаслиги учун АА синфдаги сўзларнинг ўзини алоҳида таснифлаб чиқамиз.

Номловчилар (ААА)ни қуйидаги гурухларга бўлиб олишимиз мумкин: 1. Предметни билдирувчи сўзлар. 2. Белгини билдирувчи сўзлар. Бу гурухлар “бевоситалик” семаси билан фаркланади. Предмет ва белги тушунчалар ўзаро сабаб-натига, бутун-бўлак муносабати билан боғланган. Улар бир-бирисиз мавжуд – моддий бўлмайдди, бизнингча, предмет

билвосита ходиса бўлиб, унинг реал, моддийлиги белгилар оркали хис қилинади.

Ишора килувчилар (ААВ) бошқа тушунчаларга ишора қилиб, тушунчани бевосита номламай, унинг шартли номи бўлиб келади. Уларни қўллаш эркинлигига кўра икки гуруҳга бўлинади

Предметни билдирувчи сўзлар (ААА1)

Ўзбек тилининг изоҳли луғатидаги ўзлашма сўзларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

I. Терминлар.

II. Ижтимоий ҳаёт боғлиқ сўзлар.

III. Диний тушунчани ифодаловчи сўзлар.

IV. Терминэлементлар.

Терминлар ўз ичида қуйидаги гуруҳларга бўлинди:

1. Ижтимоий фанларга оид терминлар.

2. Табиий фанларга оид терминлар.

3. Аниқ фанларга оид терминлар.

I. Терминлар:

A. Ижтимоий фанларга оид терминлар:

1. **Фан, соҳаларнинг номини билдирувчи терминлар**
агробиология, метеорология, агрономия каби.

2. **Тарих фанига оид терминлар:** *або, амирзода, аминон*
аристократия каби.

3. **Сиёсатшунослик, давлат бошқарувига оид терминлар**
авантюра, авантюра, авахта, автоном, авторитар, агент, агрелан каби.

4. **Тилшуносликка оид терминлар:** *аббревиатура, абзац, акцент*
каби.

5. **Ҳуқуқ соҳасига оид терминлар:** *трэд-юнионизм, ультиматум*
ценз, экстрадиция, юрисдикция, юриспруденция, ҳуқуқ каби

6. **Ҳарбий терминлар:** *авангард, аванпост, адмирал каби.*

7. **Библиография, ҳужжатчилик, полиграфия билан боғлиқ**
терминлар: *жузгир, журнал, зарварақ, инвентарь, инвентаризация*
кадастр каби.

8. **Маданият, санъатга оид терминлар:** *автопортрет, академик*
киноаппаратура, монолог, ретушь, роль, сеанс каби.

9. **Мусикашуносликка оид терминлар:** *аккорд, горн, фа, роя*
каби.

10. Архитектурага оид терминлар: *арка, база, балкон, барокко, багдоди, бельведер, панно, парчин, пештоқ, пойустун, сарров каби.*

11. Курилиш, бинокорликка оид терминлар: *бетон, болор, васса, ганч, гелиотрон, герма, гипс, гумбаз, плитус, цоколь, черепица каби.*

12. Спортга оид терминлар: *бокс, брасс, ватерполо, велодром, велоспорт, велотрек, волан, волейбол, гамбит каби.*

13. Жамиятшунослик билан боғлиқ терминлар: *агломерация, анкета, менталитет, миграция, ревнодент, реэмиграция каби.*

14. Фалсафа, мантикка оид терминлар: *агностик, дедуция, иллюминация, категория, макон, материализм каби.*

15. Адабиётшуносликка оид терминлар: *аллегория, аллитерация, альманах, ийҳом, интрига, сентиментал, символизм каби.*

16. Иктисодиёт, биржа, банк, молия, савдога оид терминлар: *ажютаж, заём, импорт, ликвид, маркетинг, реэспорт каби.*

17. Солиқ ва божхона тизимига оид терминлар: *бақия (тарихда), дебентура, молият.*

18. Саноат соҳасига оид терминлар: *артикул, ассортимент, брак, браковка, комбинат, конвейер, конвертер, металлургия, пемза каби.*

19. Педагогика ва таълим тизими оид терминлар: *академия, кафедра, репетитор, семинар, семинария, экстерн, экстернат каби*

20. Статистика билан боғлиқ терминлар: *ахборот*

21. Бухгалтерия билан боғлиқ терминлар: *дебитор, дебет, пассив, сальдо каби.*

22. Алоқа тизими ва транспорт билан боғлиқ сўзлар: *багаж, багажник, извош, каботаж, магистраль, маршрут, метро каби.*

23. Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сўзлар: *телемаркетинг.*

24. Криминалистика билан боғлиқ терминлар: *идентификация.*

25. Умумий овқатланиш тизими билан боғлиқ терминлар: *меню.*

26. Этнографияга оид сўзлар: *паранжи, парихон, тотем, чукбуррон, қъда, ҳассакаш, обдастагардон, полька, табу каби.*

27. Журналистика: *репортаж, ретрансляция, рубрика.*

Б. Табний фанларга оид терминлар:

1. Биологияга оид терминлар: *биотит, витамин, гелиминт, дурагай, жинс, импульс, космополит, лактация каби.*

2. Зоологияга оид терминлар: акула, динозавр, жирафа, морж, нутрия, ондатра, орангутанг, осётр, павиан, пингвин, питон каби.

3. Ботаникага оид терминлар: анчар, банан, хрен, цедра, цитрус, эвкалипт, эфемер каби.

4. Табиатшунослик билан боғлиқ терминлар: аномалия, дельта, забаржад (минералогия), зона, карта, меридиан, минтақа, каби.

5. Геологияга оид терминлар: бентонит, магма, магнезит, магнезия, метаморфизм, метаморфик, минерал, обсидиан каби.

6. Геодезияга оид терминлар: нивелир.

7. Кимё фанига оид терминлар:

1) кимёвий моддалар номини ва белгисини ифодаловчи терминлар (Менделеев жадвали бўйича): *актиний, алюминий* каби.

2) Кимёвий усул билан ҳосил қилинган ёки табиий моддалар, минераллар, материаллар номини билдирган терминлар: *алебастр, ализарин, углеводород, фиксаж, фосген, фосфат, фосфорит, фруктоза, фурфурол, эмульсия, эссенция, этан* каби.

3) кимёвий усуллар, методлар, назарияларни ифодаловчи терминлар: *атомистик, атомистика, катализ, реактор, реторта, синтез, фотолиз, хемосорбция*.

4) кимёвий асбоб-ускуналар номини ифодаловчи терминлар: *автоклав, бутирометр, гальваник, дозиметр, колба, конденсатор, лакмус, мартен, мензурка*.

5) кимёвий жараёнларни ифодаловчи терминлар: *абсорбция, азот, гидролиз, дистилляция, конденсация, концентрация, электролиз*.

6) кимёвий бирликлар номини билдирувчи терминлар: *атом, нитрат, нитрид, полимер, проба, реагент, реактив, каби*.

8. Физикага оид терминлар:

1) физик ходиса, жараённи ва ҳолатни билдирадиган сўзлар: *рентгеноскопия, рефракция, темп, температура, траектория, хронометраж, частота, эмиссия* каби.

2) физик бирликлар номини ифодаловчи сўзлар: *ампер, амплитуда, ватт, вольт, грамм, килотонна, микрон, ом, цельсий* каби.

3) ўлчов асбоблари, қурилмалар номини билдирувчи сўзлар: *хронометр, центрифуга, циклотрон, циферблат* каби.

4) физик тушунчалар номини ифодаловчи терминлар: *анод, катод, вази, вираж, диапозитив, диэлектрик, зарра* каби.

9. Астрономияга оид терминлар: *апогей, астероид, Шабоҳанг, эклиптика, Юпитер каби.*

10. Тиббиётга оид терминлар:

1) касаллик номини ифодаловчи терминлар.

2) инсон физиологияси ва анатомияси билан боғлиқ терминлар.

3) касаллик билан боғлиқ ҳолат-жараённи билдирувчи сўзлар: *кома, контузия, криз, мадда, медиатор каби.*

4) даволаш, профилактика усулларини билдирувчи терминлар.

5) тиббий дори-дармон ва моддалар номини билдирувчи терминлар.

6) тиббиётда ишлатиладиган буюм-анжомлар номини ифодаловчи терминлар:

11. Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ терминлар.

12. Географияга оид терминлар: *айсберг, акведук, Антарктида, Арктика, ареал, атлас, стратосфера, танги.*

13. Психологияга оид терминлар: *автогонизм, антипатия, симпатия, апатия, аффект, гипноз, симпатия, телепатия, тест.*

14. Гидрологияга оид терминлар: *батометр, гидротурбина, сепоя, скважина.*

15. Кончилик: *забой, карьер, концентрат, шурф.*

16. Геодезия: *планшет, теодолит.*

17. Метереология билан боғлиқ сўзлар: *синоптика, стратостат.*

18. Статистикага оид сўзлар: *нетто.*

19. Қурилш билан боғлиқ сўзлар: *толь, тоқ, тоқи.*

20. Денгиз соҳси: *траулер.*

21. Геология: *туф, эпицентр, эра, эрозия.*

22. Метереология: *циклон.*

23. саноат соҳаси: *шлак, шлакобетон, шлакоблок.*

В. Аниқ фанларга оид терминлар:

1. Математикага оид терминлар.

2. Геометрияга оид терминлар: *овал, октаэдр, октант.*

3. Ҳисоб-китоб (бухгалтерия)га оид терминлар: *аванс, актуарий, баланс, счёт.*

4. Техникага оид терминлар: *вентиляция, дизель, курант каби.*

5. Ахборот технологиялари билан боғлиқ терминлар: *алгоритм, дисковод, дисплей, код, мультимедиа, ноутбук, процессор, сайт, слайд.*

II. Ижтимоий ҳаёт боғлиқ сўзлар:

A. От сўз туркуми доирасида:

1. Вақт ва замон тушунчаси билан боғлиқ сўзлар: *абад, говгун, давр, замҳарир, мозий, рабиулохир, қадим, қиём, гуруб, ҳаёт, ҳамал, ҳафта, ҳижрия, ҳижрий, ҳут каби.*

Вақт ва замон тушунчаси билан боғлиқ сўзлар					
№	Форс-тожикча сўзлар	Арабча сўзлар	Европа тилларидан кирган сўзлар	Бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар	Жами
1	24 та	82	29 та		135 та

2. Нарсани ифодаловчи сўзлар:

1) *Нарса-буюмни билдирувчи сўзлар: аравак, арайиш, асос, базл каби.*

Нарса-буюмни билдирувчи сўзлар					
№	Форс-тожикча сўзлар	Арабча сўзлар	Европа тилларидан кирган сўзлар	Бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар	Жами
1	33	17	38	-	88

2) Рўзгор-хўжаликка оид нарса-буюмларини билдирувчи сўзлар:

- а. Уй жиҳозлари.
- б. Пардоз-андоз буюмлари.
- в. Идиш-товоклар.
- г. Уй қисмлари.
- д. Майда-чуйдалар: *ахлат, банка, бизоат, будильник, гаврағи, гардиш, гурут, гўпанги, давир, дазгил, дандана, даста, дистурхон, дорл каби.*

Д гуруҳдаги сўзлар миқдори					
№	Форс-тожикча сўзлар	Арабча сўзлар	Европа тилларидан кирган сўзлар	Бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар	Жами
1	95	21	71		187

3) курул-асбоб номини ифодаловчи сўзлар: *абажур, ангишвона, хаскаш, хокандоз, циркуль, чўт, чўтка, шоп, шпатель каби.*

4) табиий ва сунъий унсурлар (модда, маъданлар)ни ифодаловчи сўзлар: *алиф, афюн, ақиқ, бальзам, барш, биллур, биринж, шпаклёвка, шпат, қалай, қатрон, ҳақиқ каби.*

5) ўсимлик, уларнинг мевалари ва қисмлари номини билдирувчи сўзлар.

6) мато, газламалар номларини ифодаловчи сўзлар: *атлас, абришим, адрас, бархит, батист, бахмал, бельтинг, бобрик (р) каби.*

7) жонзотларни ифодаловчи сўзлар.

8) тана аъзолари ва уларнинг белгиларини билдирувчи сўзлар.

9) тана ҳолати билан боғлиқ сўзлар: *ашк, набз, сафро, тоб, шаҳват, қабзият, қабз, гурра, ҳайз, ҳомила.*

10) ейимлик, ичимлик, чекимликларни ифодаловчи сўзлар.

11) транспорт воситаларини билдирувчи сўзлар.

12) кийим-кечак, унинг қисмлари номлари.

13) овозни билдирувчи сўзлар.

14) аталган нарсани билдирувчи сўзлар: *армузон, инъом, ниёз, нисор, пеша, посылка, тухфа, ҳадя, фидо, назр, ҳадя.*

15) аклий-ижодий фаолият натижаларини билдирувчи сўзлар: *ашъор, бадшиёт, бахтнома, бодбезак (қуллолчиликда нақи), васила, дастур каби.*

16) нашрни билдирадиган сўзлар: *жадвал, инструкция, инструктаж, кроссворд, лойиҳа, лугат, маншур, монография, мужалла.*

17) жисмоний фаолият натижаларини билдирувчи сўзлар: *зарб, зарба, заҳмат, шикаст, шифо, лаззат, лат. маза, маҳсулот.*

18) нуткий фаолият (оғзаки ва ёзма) натижасини билдирувчи сўзлар: *арз, башорат, баҳона, васф, васият, бўҳтон, ваъда, дакки (ҳинд) каби.*

19) табиий ходиса-жараён, унсурларни ифодаловчи сўзлар: *абр, барқ, бод, шамол, шафақ, шторм, шуъла, ях, қамар, гарқоб, губор, ҳабо, ҳаво, ҳарорат, ҳилол.*

20) турли қурилма, мослама, асбоблар қисмларини билдирувчи сўзлар: *багаз, бинокль, буранда, қулф, ҳавоза.*

21) нарсаларнинг умумий, жамловчи номини билдирган сўзлар: *абёт, коллекция, колонка, комбинация, комплекс, фунун, чорабзал, экзотика, абзал.*

22) нарсаларнинг қисмларини билдирувчи сўзлар: *бурда, вариант, гулбанд, гулчин, деталь, бурда, карж, квота.*

23) белги, нишон, ишорани ифодаловчи сўзлар: *вимпел, аломат, далил, дог, санад, сертификат, сигнал, символ, сорт, стандарт, тавр, талон, тимсол, транспарант, факт, фалон, фасон, хат-маҳр, шаҳодат, шифр, шкала, элита, эталон, қиймат, қолип, қубба, ҳадаф, ҳикмат.*

24) кўринишни ифодаловчи сўзлар: *виқор, дабдаба, дийдор, жамаат каби.*

25) пул бирликлари номи.

26) ўлчов ва унинг бирликлари номини билдирувчи сўзлар: *газ, даҳсар, десятина, фоиз, центнер, чирпит (р), ҳажм.*

27) шаклни билдирувчи сўзлар: *гир, доира, макет, манекен.*

28) аклий, маънавий ва моддий бойликни билдирувчи сўзлар: *ажр, гонорар, гран-при, нақдина, облигация, нақд, ресурс, ризқ, ришва(т) каби.*

29) хасталик номини ифодаловчи сўзлар: *назла, нохуна.*

30) ўйин номини билдирувчи сўзлар: *нард, олимпиада.*

31) ҳидни билдирувчи сўзлар: *уффор, ҳид.*

32) эвазни билдирадига сўзлар: *бадал, жазо, эваз, ҳайфсан.*

3. Ўрин-жой ва иншоотларни билдирувчи сўзлар.

4. Фаолият-жараённи ифодаловчи сўзлар.

5. Маросим, йиғилишни билдирувчи сўзлар.

6. Ижтимоий, сиёсий тузилмаларни билдирувчи сўзлар.

7. Қизиқиш ва касбни ифодаловчи сўзлар: *бози, ланка (хит), чиллак, шаиқол, қарта, қимор.*

8. Тартибни билдирувчи сўзлар: *анъана, интизом, навбат, регламент каби.*

9. Муносабатни билдирувчи сўзлар: *нисбат, рабт, рўйхуш, рўйхотир, сабаб.*

10. Босқични билдирадиган сўзлар: *стадия, цивилизация, этаж, этап, якун.*

11. Йўқликни билдирувчи сўзлар: *фано, гайб.*

12. Таъм сезгисини билдирувчи сўзлар: *таъм.*

13. Шахсни ифодаловчи сўзлар:

1) Бирор касб, вазифа эгаси эканликни билдирувчи сўзлар: *абжодхон, абстракционист, адиб, адъюнкт каби.*

2) Шахснинг бирор ҳаракат-ҳолатга алоқадорлигини билдирувчи сўзлар: *абитуриент, арзгўй, асир, атеист, банги, банди, бандизиндон, батрак, бодапараст, бурлоқ, вакил, валад (салбий), вассал каби.*

3) Шахснинг бирор ижтимоий гуруҳ, оқимга алоқадорлигини билдирувчи сўзлар: *атеист, аъзо, банибашар, баниодам, башар, башарият, бобий, боён, козивачча, козизода.*

4) Қариндошлик, яқинликни билдирувчи сўзлар.

5) Даража, табақа, унвонни билдирувчи сўзлар.

6) Шахслар гуруҳини билдирувчи сўзлар: *ахоли, банда, буржуазия, гуруҳ, давра, диаспора, жамият, жамоа, жамоат, издихом каби.*

7) Шахснинг кизикишига кўра номини билдирувчи сўзлар: *донжуан, дузд, жувонбоз, каптарбоз, коллекционер, мешчан (р).*

8) Миллат, элат, қабила қабиларнинг номини билдирувчи сўзлар:

9) Махлуқларни билдирувчи сўзлар: *вампир, дев, зомби, инсон, мавжудот, махлук, махлукот, вампир.*

10) Инсоннинг ёш даражаси билдирувчи сўзлар: *гумона, хомила, гўдак, жувон, кампир, машойих, муҳиб, мўйсафид, навжувон, пир, сабий.*

11) Умуман одамни билдирувчи сўзлар: *одам, одамзод, хилкат, шахс.*

14. Мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар:

1) Усул, йўналиш, тамойилни билдирадиган сўзлар: *абрбанди, политехнизм, принцип, профилактика, стиль, схематизм, таълимот, фатализм, фашизм, федерализм, феодализм, фундаментализм, футуризм, хурофот, шовиннизм, эгонизм, эгоцентризм.*

2) Вазият, ҳолат ва даражани билдирувчи сўзлар: *авж, авсат, адам, романтика, роҳат, руҳият, руҳоният, рўё, савия, самимият, саодат, сафо, хол, фалокат.*

3) Фезъл-хусусиятни билдирувчи сўзлар: адаб, азм, атвор, ахлоқ, басират, важохат, виждон, *дид*, диёнат.

4) Афсонавий яралмиш, махлуқларни билдирувчи сўзлар: аждар, жин, ажина, анко, инс-жинс, Семурғ, Ҳумо.

5) ички рухий жараён, руҳият билан боғлиқ фаолиятни билдирувчи сўзлар: адл, адолат, адоват, азоб, алам, армон, афсус (фт), аҳвол, бандибаст, баҳр каби.

6) мавҳум нарсани билдирувчи сўзлар: асрор, сир, афсун, бало, барака, дил, *жоду*. жон, *касофат*, сир, синоат, сир-аъмол, стимул, тамаддун, тараккиёт, тафовут, тафрика, тилсим, тилсимот, хавф, хатар, хулё каби.

7) аклий фаолиятни ифодаловчи сўзлар: ақл, вазифа, *даҳо*. *донии* *каби*.

8) вақт оралиғини билдирувчи сўзлар: бако, абад, азал.

9) нарса-ходисаларнинг умумий номини билдирган сўзлар: боис, сабаб, асос, бок, хавф, буромад, даромад, важ, вако, воқеа, камомад, насиба, неъмат, нисбият, нон-намак, олам, парфюмерия, преференция (имтиёз).

10) мавкени билдирадиган сўзлар: бурд, обрў, мавке.

11) алоқа-муносабатни билдирувчи сўзлар: дахл.

12) жисмоний-рухий ҳолат-харакатни билдирувчи сўзлар: жабр. жафо, камол, камолот, лаёкат, мадор, мажол, иштаха, дармон.

Б. Сифат сўз туркуми ичида:

1. Шахснинг ҳолат белгисини ифодаловчи сўзлар:

1) вақтинчалик ҳолат белгиси: авбош, аъзам, аҳил, бадавлат, бадном, балокаш, баркамол, бахтиёр,

2) мунтазам ҳолат белгиси: авло, ажаб, азамат, азим, азиз, айёр, акбар, афиф, аъмо, баднафас, барҳаёт, барҳак, басир, бахил, бокий, воҳид.

2. Шахс ва нарсанинг бирор ҳолат, ҳаракат, ўринга алоқадорлигини ифодаловчи сўзлар: адлоий, адувв, аёлманд, ажамий, абориген, адабий, барлор, абадий, амалий, арабий, аскарый, афкор, каби.

3. Шахснинг кўриниш белгисини билдирувчи сўзлар: абгор, афгор, афтода, бадмаст, бараҳна, бадбуруш, баднамо, бадранг, бадчехра, шикаста, гўлабур, хурлико каби.

4. Шахснинг яқинлик, мансублик белгисини билдирувчи сўзлар: бегона, безот, диссидент, жаннати, мос, мувофик, муносиб, мустаҳик, мутаносиб, муштарақ, муқобил, муғойир, яқдил, яқтан, кадрдон,
5. Шахсга субъектив баҳони билдирувчи сўзлар: арзанда, аржуманд, арзандаи-кироманда, афзал, афзун, ашраф, бузрук, гавир,
6. Шахснинг феъл хусусиятини ифодаловчи сўзлар: аблаҳ, бадбин, бадахлок, бадгир каби.
7. Шахснинг аклий хусусиятини билдирувчи сўзлар: зариф, закий, зийрак, зол, зукко, ҳассос, ҳозик, ҳушёр.
8. Шахснинг жисмоний белгисини билдирадиган сўзлар: зўр, нимжон, ногирон, нозик, ноқобил, ожиз, чапдаст, шабқўр, қобил, қосир.
9. Шахснинг фаолият белгисини билдирадиган сўзлар: : калапатра, қар, қомиссион, қонспиратив, мерган (мўғ), меҳнатқаш, миришқор каби.
10. Шахснинг рухий ҳолати: қаришонхотир, хайрона, ҳур каби.
11. Шахснинг жинс белгисини билдирувчи сўзлар: муаннас,
12. Шахс ва нарсаларнинг ёш белгисини билдирувчи сўзлар: мурғак, навқирон, норасида, нораства,
13. Шахснинг ўрин белгиси: саҳройи, фаранги, хилватнишин, ҳоназод, ҳонақи, ҳонанишин, ҳонақоҳнишин, ҳориж, ҳорижий,
14. Жонзотларнинг хусусият белгисини ифодаловчи сўзлар: бедав, бодпой, ваҳший, доно, зарарқунанда, қушанда,
15. Нарсанинг ҳолат белгисини ифодаловчи сўзлар: абсолют, абстракт, адил, ақтуал, аниқ, арзон, асил, аъло, бад, бадбўй, яқна, қоим, қализ.
16. Нарсанинг кўриниш белгисини ифодаловчи сўзлар: бедоғ, аён, бежо, ғажакдор, гигант, зангбор, қаж, қажрафтор, қалта, қамбар, қичиқ, лаҳм, майда, монументал, обдор, паств, патила, равшан, реза, резавор, сурх, тунд, фатила, хира, шаффоф каби.
17. Нарсага эғалиқ белгисини кўрсатувчи сўзлар: ёлдор
18. Нарса, шахс, жонзот устида бирор ҳаракат амалга оширилганини билдирувчи сўзлар: ахта, дарз, зўрақи, мазлум, масхур, музайян, муқаррар, мунаққаш, пайванди, парқу, пўла, ҳабата.
19. Нарса, ҳолатга субъектив муносабатни билдирувчи сўзлар: бадхўр, бозоргир, ботил, жузъий, зархарид каби.
20. Ранг-тус тушунчаси билан боғлиқ сўзлар.

21. Нарсанинг хослик белгисини билдирувчи сўзлар: асабий, байналмилал, башарий, виждоний, воқеий, вульгар каби.

22. Нарсанинг бошка нарсага боғлиқлигини билдирувчи сўзлар: дандон, дахлдор, дуал каби.

23. Бирор соҳага хосликни билдирувчи сўзлар: ботаник, генетик, генеологик, географик, фалсафий, фантастик, хурофий, шаръий, ҳарбий каби.

24. Нарсанинг мўлжалланганлик белгисини билдирувчи сўзлар: бозори, визуал, декоратив, доривор, махсус, мемориал, муайян, наъки, ом, психотроп, хўраки.

25. Нарсанинг ўхшашлик белгисини билдирувчи сўзлар: аргувоний, ибратомуз, монанд, аргувоний, сиймин.

26. Нарса-ҳодиса ва шахснинг ўрин белгисини билдирувчи сўзлар: бағдоди(й), болонишин, бухори(й), глобал, дўзахи, жанубий, локал, марказий, маҳаллий, осмоний, позицион, сайёр, сояки, сояпарвар, стационар, шерозий, экзотика, экваториал, ғарбий.

27. Нарсанинг вақтга муносабат белгисини билдирувчи сўзлар: бокий, солкаш каби.

28. Ўрин-жойнинг ҳолат белгисини ифодаловчи сўзлар: бадастир, бадхаво, беканор каби.

29. Нарса ва шахснинг белгисини билдирадиган сўзлар: баланд, банд, баравар каби.

30. Ҳаракат-ҳолатнинг шахс ва нарсага хослигини ифодаловчи сўзлар: дарвешона.

31. Нарсанинг хид белгисини билдирувчи сўзлар: муаттар.

32. Маза-таъм белгиси: нордон, талх, хуштаъм, ширадор, ширин, шўр.

33. Микдорий белгини билдирувчи сўзлар: беалад, жуфт, кам, максимум, минимал, ним, нисф, танкис, танҳо, ток, ягона, якка, якто.

В. Сон сўз туркуми доирасида: миллион, миллиард, ноль, секстиллион, сифр.

Г. Олмош туркуми доирасида: баъзи.

Д. Равиш туркуми доирасида:

1. Ҳолат белгисини билдирувчи сўзлар: алокадрихол, алоха(л), тез, умуман, факирона, фикран, филхол, хафаомуз, хусусан, хуфиёна.

чмабарчас, чилтор, чор-ночор, чунон, шаръан, шахсан, яккаш, қалбан, қатъий, қатъиян, қаданг.

2. Пайт белгисини билдирувчи сўзлар: ахир, барвакт, баъд, баъзан, бевакт, боз, дамодам, дарҳол, даставвал, доим, зинҳор, илалабад, минбаъд, мудом, ҳамиша, ҳамон, хамоно, ҳануз, ҳаргиз.

3. Макон белгисини билдирувчи сўзлар: боло, рўпара, рўя, якин.

4. Микдор белгисини билдирувчи сўзлар: беадад, бебаркаш, беш (ф-т), бисёр, боякбор, зиёд, ифрот, роса, хиёл, хийла, хийли, якбор, қарийб.

5. Воситани билдирувчи сўзлар: билвосита.

6. Сабаб: ноилож.

Е. Феъл туркуми доирасида:

Ё. Ундов сўзлар доирасида:

1. Буйрук-хитобни билдирувчи сўзлар: айюханнос, бас, баҳай, гардкам, дод, ё, ёҳу(диний характер).

2. Сўрашиш ва хайрлашишни билдирувчи сўзлар: алайкум, алвидо, алло, алё, ассалом, ваалайкум, салом, саломалайкум, хайр, хўш.

3. Яхшилик тилаш ва сўрашни билдирувчи сўзлар: алайхиссалом, альъамон, баҳайр, илоё, раҳмат.

4. Қарғишни билдиради: алайхиллаъна.

5. Ҳайратланишни билдирувчи сўзлар: алҳазар, тавба, астағфирулло, вожабо, ажабо, офарин.

6. Хурсандликни билдирувчи сўзлар: алҳамдулилло(х), баракалла, салламно, шукур.

7. Қасамни билдирувчи сўзлар: баҳакки, биллох, валлох(и).

8. Хулосалашни билдирувчи сўзлар: вассалом,

9. Ачинишни билдирувчи сўзлар: вовайло, вовайлато, водарифо, воҳасрато, хайф.

10. Саволга жавобни билдирувчи сўзлар: лаббай.

Ж. Модал сўзлар доирасида:

1. Хулосалашни билдирувчи сўзлар: алалокибат, алқисса, алхосил, хулла.

2. Мисол келтиришни билдирадиган сўзлар: алалхусус, чунончи.

3. Ишончини билдирадиган сўзлар: албатта.

4. Ўхшатишни билдирувчи сўзлар: бақавли.

5. Тилакни билдирувчи сўзлар: илоҳо, омин.

6. Ишончсизликни билдирадиган сўзлар: шекил, шекилли, голибо.
7. Қувончни билдиради: хайрият.
8. Тасдикни билдиради: хўп.

3. Таклид сўзлар доирасида: чак.

И. Боғловчи вазифасидаги сўзлар: агар, аммо, лекин, башарти, бинобарин, бовужуд, ва, вахоланки, гарчанд, гарчи, гоҳ, гўё, ё, ёинки, ёки, зеро, зероки, лекин, мабодо, магар, модомики, токи, хоҳ, чунон, яъни, харчанд.

Й. Кўмакчи вазифасидаги сўзлар: асно, биноан, асосан, бо, назд, то, туфайли, эътиборан, кадар, ғайри.

К. Юклама вазифасидаги сўзлар: ахир, акалли, бале, наннки, нахотки, ахир, акалли, бале, факат, холос, чун, хатто, хеч.

Л. Вульгаризмлар: баччаталок, баччағар, гўрсўхта, гўсхўр, дард, жиннивачча, занталок, занғар, мочағар, хонасаллот, баччаталок, баччағар,

III. Диний тушунчани ифодаловчи сўзлар:

1. **Шахс тушунчаси билан боғлиқ сўзлар:** *аббат, абдол, абдолваш, қироатхон, қори, қурро, гозий, ҳаворий, халола, ҳожин каби.*

2. **Йўналиш, оким, таълимотни билдирувчи сўзлар:** *баптизм, браҳманизм, будда, буддизм, ваҳдат, ваҳдоният, даосизм, фикҳ, шиа.*

3. **Сигниш объектларини билдирувчи сўзлар:** *бут, санам, илоҳ, илоҳа, крест, Лот, Манот, маъбуда, санам.*

4. **Фаолият ва жараёни билдирувчи сўзлар:** *аврод, амримаъруф, аср, бидъат, бамдод, ваъз, вақф, жаноза, закот, намоз, гусл, ҳаж, ҳамд.*

5. **Махлуқот, яралмишни билдирувчи сўзлар:** *арвоҳ, Дажжа, дулдул, жин, Ўблис, малак, малонка, Мункарнакир, пари, паризод, руфаришта, шайтон, Яъжу-ж-маъжу-ж, гилмон, хур.*

6. **Нарса-буюмин билдирувчи сўзлар:** *алам, зулфиқор, зунноф, икона, исқот, кафан, кулоҳ, обизамзам, оссуарий (остадон), отандон, ридо, салиб, салла, сафойил, сур, тасбеҳ, тобут, хирқа, хоч, қурбон.*

7. **Жой, ларажани билдирувчи сўзлар:** *асфаласофилин, аъроф, бақо, биҳишт, бӯтхона, даёр, дорилбақо, қиёла, қиблагаҳ, қорихона, гайҳ, ҳарам.*

8. Диний категорияларни билдирувчи сўзлар: *ваҳий, вожиб, иймон, калима, макруҳ, тақдир, шариат, қисмат, ҳалол, ҳаром, гуноҳ, дуо, савоб, ракаат.*

9. Вактни билдирувчи сўзлар: *барот, идда, ийд, лайлатулқадр, мавлуд, маҳшар, милод, муҳаррам, охирзамон, пасха, рождество, шак, қиёмат, ҳайит.*

10. Диний манбалар номини билдирувчи сўзлар: *Библия, сунна, суннат, сура, ҳадис, веда, Забур, Инжил, Каломулло, Мусҳаф, саҳиҳ, Таврот, талмуд, Куръон, ҳадис, ҳафтияк.*

11. Куръон сураларини билдирувчи сўзлар: *Бақара, Валфажри, Ёсин, таборак, фотиҳа.*

12. Аллоҳнинг исм ва сифатларини билдирувчи сўзлар: *Жаббор, парвардигор, раб(б), раззоқ, раҳмон, саттор, субҳон, тангри (мўғ), худо, яздон, таоло, халлоқ, холиқ, худованд, Ҳақ.*

13. Диний иборалар: *бисмилло(х), иншоолло(х), навзамбилло, наузанбиллоҳ, омин, раббано, раббий.*

14. Диний шахс ва нарсаларнинг сифатларини ифодаловчи сўзлар: *лаин, малъун, мутаассиб, муқаддас, мукаррам, мустаҷоб, халилullo(х), ҳазрат.*

15. Мифологик тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: *обиҳаёт.*

16. Мурожаат ва ундовлар: *худоё, худовандо, ҳу.*

Терминэлементлар: *авиа-, авто-, агро-, анти-, антропо-, астро-, аэро-, баро-, би-, био-, вибро-, видео-, вице-, гекто-, гемо-, гео-, гидро-, гигро-, гипер-, гипо-, де-, дез-, ди-, диа-, зоо-, изо-, интер-, кило-, кино-, лейко-, лито-, макро-, микро-, моно-, мото-, мульти-, нарко-, невр-, невро-, нейро-, нео-, нитро-, орто-, орфо-, остео-, ото-, палео-, пан-, пара-, пато-, пери-, поли-, прото-, психо-, радио-, ре-, санти-, сейсмо-, сер-, стено-, стерео-, теле-, термо-, тетр-, тетра-, транс-, ультра-, умум-, ферро-, фило-, фил-, фито-, фоно-, фото-, хими-, хемо-, хромо-, хроно-, цито-, экс-, электро-, ғайри, ҳам.*

Айрим терминлар икки соҳага оид: Улар омоним сўз сифатига эга. агглютинация (биол., тилш), абберация (биол., физ.), аврат (биол., тиб. дин), агент (сиёсат, маъмурий бошқарув), агрегат (техника, минерология), адаптация (хук., биол.), адсорб (физ., кимё), аккорд (музыка, ҳуқуқ), ампула (санъат, спорт – лугатда кўрсатилмаган), аппарат (тех., физиол., давлат бошқаруви), арбитр (суд, спорт), ассимиляция (биол.,

маданиятшунослик, тилшунослик), атлас (геог., биол., ижтимоий ҳаёт), атрибут (флс., тилш.), базис (фалс., икт., геод., астр.), бод (тиб, бот, ижт.), бодомча (тиб, бот), боёк рус (ҳарб, тех), бокс (тиб, спорт, сартарош), бор (форс – марта, кимё – модда), бункер (тех, қурилиш, ҳарб), бурж (астр, ҳарб), вазн (физ, ад), вектор (мат, физ – бир хил тушунча), вентиль (тех, мус), версия (ад., ҳук.), гуттаперча (инг-малайя – тиб, тех), даҳа (ижт, тар, дин, маҳс.), девон (тарих, ад, ижт), депрессия (тиб, икт, геол, геог), диск (тех, спрт, ҳарб, ижт), дислокация (ҳарб, геол, тиб), диссимилияция (биол, тлш), диссоциация (ким, псих), дистанция (ҳарб, спрт, транс), дифференциал (мат, тех), доира (геом, мус), доминанта (биол, тлш), занг (ким, кишлок ҳўж), заряд (ҳарб, физ), заққум (бот, дин), характериға ҳам эға), изоморфизм (ким, физ), изотерма (геогр, физ), иммунитет (биол, тиб, ҳук), индукция (мнт, физ), кадр (кино, шахс – этимологияси ҳар хил), камертон (физ, мус), квадрант (мат, астр), коллектор (физ, тех), колонна (архит, ҳарб), кризис (икт, тиб), кульминация (астр, санъат, адаб), матрица (тех, полиг, мат), мембрана (физ, тех) ва ҳкз.

Сўзларни таснифлаш жараёнида айрим муаммолар ҳам кўзга ташланади. Жумладан,

А) хариш, хасмол каби сўзлар тиббиётга оид термин сифатида берилган. Бирок улар касалликнинг илмий номи эмас.

Б) Факат равиш ва боғловчи вазифасида келтирилган. Унинг юклам эканлиги ҳақида фикрлар бор.

В) луғатдаги *тар.* (тарихга оид, тарихий термин) шартли кискартмаси ҳақида ўйлаб кўриш керак. Чунки тилшуносликда термин ҳамда эскирган сўз тушунчалари фаркли ходисалардир.

III БОБ. ЎЗЛАШМА СОЦИОЛЕКТЛАР ИЗОҲИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

III.1. СОЦИОЛЕКТ ҲАҚИДА

Барча фанларнинг асосида инсон манфаати масаласи ётади. Шу тамайил фанларни янги уфқлар сари етаклайди, муаммоларни ҳал қилишда фанлараро муносабатни юзага келтиради, фанларнинг тараққиётига, янги йўналишларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Ҳозирги вақтда барча асосий фан йўналишлари билан бирга уларнинг ораллиғидаги йўналишлар ҳам юзага келган. Тилшуносликнинг математик лингвистика, психоллингвистика, статистик лингвистика каби тармоқлари шулар жумласидандир.

Тил ижтимоий ҳодиса. Шу туфайли унинг ривожланиши, тараққиёти бевосита жамият билан боғлиқдир. Рус филологи Р.А. Будаговнинг таъкидлашича, “тил ва жамият” масаласида тилнинг ижтимоий табиатида икки карама-қарши таъриф юзага келганига анча бўлган. Бу фикрлардан бири шуки, тил ўз борлигининг ташки шароитлари билан ижтимоий шартланган (мас., тил бутун давлат учун яғонами ёки мазкур давлатда турли тилларда гаплашиладими, тил кимга қанақа ўргатилади ва ҳкз.). Бошқа қарашларга қўра, тил нафақат шарт-шароитга, шунингдек, ўзининг моҳияти, табиати, тараққиёт даражасига ҳам боғлиқ бўлади¹.

Жамият, миллий давлатчилик, унинг тараққиётида алоқа воситаси бўлмиш тилнинг ўрни муҳимлиги зарурати ҳам социоллингвистика йўналишини вужудга келтирди.

Социоллингвистика (социологик лингвистика) терминига адабиётларда қуйидагича таъриф берилади: 1. Тиллар ва ижтимоий ҳаёт фактлари ўртасидаги сабабли муносабатларни ўрганувчи тилшунослик бўлими. 2. Тилнинг ижтимоий фарқланишини, шу жумладан унинг турли ижтимоий диалектларини ўрганувчи тилшунослик бўлими².

Социоллингвистика термини дастлаб 1952 йил америкалик тадқиқотчи Х. Карри томонидан ишлатилган бўлиб, тилни ижтимоий ҳодиса сифатида

¹ Будагов Р.А. Язык – реальность – язык – М. Наука, 1983 – С.253.

² Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов – Москва, 1969 – С.444.

тушунишга асосланган. Бироқ тилнинг ижтимоий шартланишини ўрганувчи фан сифатида у жуда қадимдан шаклланиб келган.

Замонавий социолингвистиканинг ривожланишига И.А.Бодуэн де Куртенэ, Е.Д.Поливанов, Л.П.Якубинский, В.М.Жирмунский, Б.А.Ларин, А.М.Селищев, В.В.Виноградов, Г.О.Винокур каби рус олимлари, француз олимлари Ф.Брюно, А.Мейе, П.Лафарг, М.Коэн, швейцариялик Ш.Балли и А.Сеше, белгиялик Ж.Вандриес, чехиялик Б.Гавранек, А.Матезиус кабиларнинг фикр ва ғоялари асос бўлиб хизмат қилди.

Социолингвистика АҚШда XX аср бошларидан ривожланиб келган. В. Лабов, Ж. Фишман, Ж.Сёрль, Г.Грайс, Ч.Фергюсон, В. Брайт каби олимлар бу соҳага ўз хиссаларини қўшганлар. Уларнинг ютуқлари дунёнинг бошқа тилшунослари учун қўлланма вазифасини ўтади. Жумладан, япон социолингвистикаси бевосита АҚШ тилшунослиги таъсири остида вужудга келди.

Япон социолингвистикаси ва унинг тил мавжудлиги (генго-сейкацу) деб номланган бош йўналиши хали Ғарбда социолингвистика соҳасида тадқиқотлар бошланмай туриб шаклланганлиги ва ривожланганлигини таъкидланади. Ҳатто sociolinguistics терминини ҳам, Сибата Такэсининг кўрсатишича, Японияда XX аср 70-йиллари бошида эшитганлар, бу вақтда эса тил мавжудлиги мактабининг асосий терминологияси шаклланиб улгурган эди¹.

Рус социолингвистикаси ривожланиши адабиётларда уч даврга бўлиб кўрсатилади. XX асрнинг 20-40 йиллари “совет тилшунослигида социологик тилшуносликнинг туғилиш” даври деб юритилади. Бу даврда А.М. Селищева, Н.М. Каринской, Е.Д. Поливанов, Б.А. Ларин, В.М.Жирмунский, В.В. Виноградов кабиларнинг тадқиқотлари рус социолингвистикасига асос бўлиб хизмат қилди. XX асрнинг 40-60-йилларида рус тилшунослигида асосий масалалардан бири диалектологик тадқиқотлар бўлди. Р.И. Аванесов, Л.И. Баранникова, В.И. Борковский, Н.П. Гринкова, А.П. Евгеньева, Р.Г. Мельниченко, В.И. Собинникова рус тили диалектларининг турли қирраларини ўрганар эканлар. уларнинг барчаси сўзловчиларнинг социологик тавсифига ҳам алоҳида эътибор берадилар. Социолингвистика тарихининг 2-даври ҳисобланмиш 50-60 йилларда, бир томондан, социолингвистик тадқиқотлар доираси кенгайган

¹ Социолингвистика: Вчера и сегодня (Сборник научных трудов) - Москва, 2004. - С.38

бўлса, иккинчи томондан, социолингвистиканинг ўрганиш объекти, тадқиқ методлари аниқ белгилаб олинди. 20-40 йилларда илм учун тўсик бўлган социологизм асоратларидан бирмунча озод бўлди. 70-80 йилларга келиб рус социолингвистикаси алоҳида соҳа сифатида Шўро қобиғида ва дунё тилшунослигида ном қозонди¹.

Ўзбек тилшунослигида социолингвистик тадқиқотлар тор доирада – қасб-хунар лексикаси доирасида олиб борилган². Кейинги йилларда айрим ишларда билвосита социолингвистик масалалар ёритилаётган бўлса³, бевосита социолингвистик муаммолар билан боғлиқ ишлар ҳам юзага келмоқда⁴.

Социолингвистиканинг тадқиқ доираси маълум даражада бахсли бўлган. Чунки у социология ва тилшунослик соҳалари манфаатлари доирасида ташкил топган. Шунга қарамай, социолингвистика тўла ҳолда тилшуносликнинг ҳисобланади ва айрим ҳолларда социологик методлардан ва ютуқлардан фойдаланади.

Рус тилшуноси В.А. Аврорин бу соҳанинг ягона ўрганиш объекти “тилнинг ишлатилиши ва тил вазиятининг этник жамоалар учун характерли хусусиятлари”⁵ деб ҳисоблайди.

Социолингвистиканинг тадқиқ объекти ҳақидаги кенг тушунча ифодаловчи таърифни В. Брайт (W. Bright)да қузатамиз. Олимнинг тавсифи бўйича бу соҳа тил ва жамият ўртасидаги алокани ўрганади, шу билан бирга тил ва жамиятга структура сифатида ёндашилади. Натижада,

¹ Каранг: Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – Москва: Просвещение, 1987. 160 с. – 6-7-бетлар.

² Каранг: Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг қасб-хунар лексикаси. I (қўлчилик, тандирчилик ва сувоқчиликка оид). – Тошкент: Фан, 1956; Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг қасб-хунар лексикаси II-III. – Тошкент: Фан, 1959; Далаханова Т. Лексика вышнвального искусства в узбекском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1963; Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1971; Далабоев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981; Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем тақлиби муаммолари. – Тошкент: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2004; Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика. – Ташкент, 1989 ва бошқ.

³ Каранг: Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Шу муаллиф Ўзимиз ва сўзимиз. – Тошкент, 1997; Шу муаллиф. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998; Шу муаллиф. Маърифат манзиллари. – Тошкент: Маънавият, 1999; Бегматов Э. Маматов А. Адабий норма назарияси. – Тошкент, 1997; Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси (Адабий норманинг шаклланиши ва янаш қонуниятлари). III қисм. – Тошкент, 1999; Бегматов Э., Жиянова Н. Пулк маданияти асослари (маърузалар матни). – Тошкент, 2006; Туреунулатов М. Лексика узбекской разговорной речи. – Ташкент: Фан, 1986. 68 с.

⁴ Каранг: Мўминов С. Ўзбек мулоқот ҳулқининг ижтимоий-қиссий хусусиятлари. Филол. фан. д. дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Расулов Қ.А. Ўзбек мулоқот ҳулқининг функционал ҳосиланиши. Филол. фан. номз. дисс. автореферати. Тошкент, 2008.

⁵ Аврорин В.А. О предмете социальной лингвистики. Всесоюзная научная конференция по теоретическим вопросам языковедения (тезисы докладов и сообщений пленарных заседаний) – М., 1974. С. 10.

мазкур соҳанинг предмети ижтимоий ва лисоний структуралар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг биргаликда ўзгаришини ўрганишдир¹.

Бирок ушбу таърифга О.С. Ахманова ҳамда А.Н. Марченколлар эътироз билдирадilar: “тил ва ижтимоий ҳаёт омилларининг сабабли алоқа-муносабатларининг ўрганадиган тилшунослик бўлими – социолингвистикадир”².

Замонавий социолингвистика асосчиларидан бири америкалик тадқиқотчи Уильям Лабов социолингвистикани “тилни ўз ижтимоий контекстида” ўрганадиган илм сифатида тавсифлайди³. Шундан келиб чиқсак, социолингвистика лингвистикадан фаркли равишда тилни идеал тарзда эмас, инсонлар ва жамият томонидан фойдаланилаётган моддий ходиса сифатида ўрганади.

Социолингвистика соҳасининг ўзига хос бир канча вазифалари, атамалар тизими мавжуд.

Социолингвистиканинг асосий тушунчалари қуйидагилардир: тил жамоаси, лисоний вазият, ижтимоий-коммуникатив тизим, тилнинг ижтимоийлашуви, мулоқот лаёқати, тил коди, билингвизм (иккитиллилик), диглоссия, тил сиёсати ва бошқ. Уларни ўрганиш социолингвистиканинг социология, социал психология, когнитив тилшунослик каби соҳалар билан ҳам алоқадорлигини таъминлайди.

Жамият лингвистик ҳаётига илмий-техника революцияси таъсирининг характери, темпи, кўлами, соҳалари ва хусусийликларини аниқлаш – социолингвистиканинг энг муҳим ва актуал вазифасидир⁴. Бир тилда гаплашувчи жамиятнинг ўзида тилнинг турли касбий, ҳудудий ва бошқа кўринишларга бўлиниши жамиятнинг умумий психологиясини ҳам белгилаб беради. Мазкур кўринишлар тилнинг яшаш шакллари ҳисобланади ва умумий ном билан тил вазияти деб аталади. Турли гуруҳга (оилага) мансуб тилларнинг бир жамиятда амал қилиши (экзоглоссия вазият) ва бир тилнинг турли кўринишларда амалга ошуви (эндоглоссия вазият) тил вазиятлари кўринишлари ҳисобланади.

Билингвизм масаласи социолингвистиканинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Турли миллатлар истикомат қиладиган мамлакатлардан

¹ Карпентер-Брайт В. Introduction: the Dimensions of Sociolinguistics - The Hague, 1966.

² Ахманова О.С., Марченко А.Н. Основные направления в социолингвистике. Иностранные языки в школе. М., 1971 №4. С.2

³ http://www.yusezmaiku.ru/articles/69_1006978_1006978a1.htm#1006978-1-102

⁴ Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. Тошкент: Фан, 2008. 160-бет

кўпчилик ва озчиликнинг миллий тиллари муносабатлари, уларнинг қўлланишини конун йўли билан химоя қилиниши масалаларини тартибга солиши ҳам социолингвистиканинг аҳамиятлилик даражасини кўрсатади. Бунда давлатнинг оқилона тил сиёсати муҳим аҳамиятга эга бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси истиклолга эришгач, демократик тамойилларга асосланган тил сиёсати юргиза бошлади. Бунинг ёрқин гувоҳи сифатида Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг тўққизта моддасининг Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган бошқа халқ вакиллари ва уларнинг тилларининг химоя қилинишига қаратилишига қаратилганлигидир¹.

Тил жамоаси деганда умумий ижтимоий, иктисодий, сиёсий ва маданий алоқаларга эга бўлган, кундалик ҳаётда бевосита ёки билвосита мулоқотда бўлувчи кишилар гуруҳи тушунилади. Уларнинг тили жамоадан келиб чиқиб бир ёки бир нечта бўлиши мумкин. Тил жамоасининг ўзаро мулоқот қилишлари учун керак бўладиган тил бирликлари ёки кўринишлари тил коди деб аталади. Тилшуносликда тилнинг қуйидаги кўринишлари тил коди деб қабул қилинган: тил, ҳудудий ва ижтимоий диалектлар, койне ва бошқ². Умумий тил коди таркибига кириб, ўзаро фаркланувчи мулоқот воситалари эса субкод дейилади. Социолингвистикада тил сохиби тушунчаси ҳам катта аҳамиятга эга. Сўзловчининг ҳаёт тажрибаси, маҳорати, касби, дунёқараши қабилар нутқининг турфа кўринишларини келтириб чиқаради. Зеро, аклий ва нутқий фаолият ўзаро сабаб-натига муносабатида бўлади.

Социолингвистиканинг асосий тушунчаларидан бири – социал диалект (социолект) атамаси ҳисобланади.

Инсон бевосита жамият бағрида яшар экан, албатта, унинг кундалик юмуши, кундалик мулоқотда бўлувчи инсонларнинг феъл-атвори, касбий эҳтиёжи маълум даражада унинг нутқига таъсир қилади. Шу туфайли ҳам жамиятнинг бошқа давраларида унинг нутқи айрим хусусиятлари билан бошқаларникидан ажралиб туради. Бу хусусиятлар сўзларнинг қўлланиши, синтактик қурилмалар тузилиши, ургу, шунингдек, нутққа муносабатида ҳам намоён бўлади. Мана шу белгилар йиғиндиси социолект деб аталади.

¹ Нурмонов А., Ўўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар – Тошкент: "Шарк" нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001 159 б. – 71-бет.

² http://student.km.ru/ref_show_frame.asp?id

Социолект (инг. sociolect – лот. societas - жамият ва диалект) – маълум ижтимоий гуруҳ нутки хусусиятларининг йиғиндисидир¹. Бу термин тилшуносликка тахминан XX аср ўрталарида кириб келган. Социолект миллий тилнинг муайян ижтимоий гуруҳ (касбий, табакавий, ёш каби) томонидан ишлатиладиган қисми демакдир. Социолектга мисол сифатида аскарлар, жинойтчилар, талабалар жаргонларини келтиришимиз мумкин. «Социолект» термини тилнинг турлича ва ўзаро мувофик бўлмаган кўринишларини билдиради. Уларнинг умумий белгиси эса кишиларнинг махсус, чегараланган гуруҳлари мулоқоти учун хизмат қилишидир. Социолектлар мулоқотнинг бутун бир тизимини ифодаламайди. Социолектларнинг луғавий ва грамматик асоси айни миллий тилнинг хусусиятларидан фарқ қилмайди².

Социолектни яхшироқ тушуниш учун унга “кўшни” бўлган ҳудудий диалект – шевалар билан солиштириш мақсадга мувофик деб ўйлаймиз. Шевага хос сўзлар миллий тилнинг бир қисми, у маълум ҳудуддаги инсонлар мулоқотида ишлатилади, у миллий тилнинг умумий қонун-қоидаларига бўйсунди, бироқ шу қоида доирасида меъёрга мос келмайдиган айрим шаклларга ҳам эга. Адабий тил билан чамбарчас боғлиқ. адабий тилнинг меъёрлари айрим шева ёки лаҳжанинг меъёрларига асосланади.

Социолектлар ҳам миллий тилнинг бир қисми ҳисобланади, ёзма шаклга эга эмас. Шевага хос сўзлардан фарқи шуки, улар кизикишлари бир хил бўлган кишилар нуткидагина қузатиладиган умумий фарқлар жамланмасидир: савдогарлар нутки, харбийлар нутки, хунармандлар нутки каби. Бу фарқлар терминлар, касб-хунарга оид сўзлар, арго, жаргон, вульгаризм каби кўринишларда бўлиши мумкин ва ижтимоий гуруҳнинг жамиятдан қанчалик узоқлашганига қараб фарқлар шунчалик сезилиб боради. Социолектни миллий тилдан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди, улар маълум қонун-қоидалар асосида бирилашмайди, бироқ нутқ жараёнида асосий хабар фониди кўриниб туради. “Яъни касб-хунарс лексикаси, муайян соҳага оид терминлар ёки профессионализмлар яққа ҳолда олиб қаралганда термин бўлиб қолади, аммо улар социум нутки (контекст)нинг ичиди бевосита жорийланганда, ана шу нутқни ўз-ўзидан социолектга

¹ *Современный толковый словарь* http://ls1y.narod.ru/8_p82682.html

² http://www.vseznauk.ru/articles/69/1006978_1006978a1.htm#1006978-1-102

айлантиради”¹. Мазкур нуктада нутқнинг қандай кўринишда бўлиши бевосита адресант (сўзловчи)нинг шахсияти, ижтимоий маркери билан ҳам боғлиқ бўлади. Тил бирликларининг маълум гуруҳи нутқда фаол учраши сўзловчининг шахсиятини, жумладан, касбини, ёшини, кизиқиши, жинсини кўрсатиб бериши мумкин.

Тил ва нутқ бевосита алоқадор экан, социолектни тилнинг мавжудлик шаклларида бири деб аташ мумкин. Чунки тил эгаси нутқи хусусий кўринишга эга бўлиб, уни умумийлаштириш натижасида адабий нутқ келтириб чиқарилади. Адабий нутқнинг босими қанчалик кучли бўлмасин, сўзловчи уни ўз муҳитига мослайди. Бундан ташқари, жамият ҳам бир система сифатида ижтимоий жиҳатдан кўплаб қисмларга бўлинади. Демак, уларнинг ҳам ўзига хос тили мавжуд. Бироқ, бизнингча, фарқловчи белгилар ҳар бирининг ўзига хос бўлган меъёридан ошгандагина нутқ социолектга айланади.

Социолектнинг таркибий қисмлари сифатида баҳоланадиган² аргумент ва жаргонлар ҳам турли касб, кизиқиш соҳиблари нутқида учраб туради. Мазкур терминлар жамиятнинг бошқа вакилларида ижтимоий жиҳатдан ажраб қолган кишилар нутқида ишлатилади. Улар бошқалардан ўзларини ажралиб туриш учун қўллайдиган тил бирликларини, асосан, сўзларни ифодалайди.

Жаргон – “бир ёки бир нечта табиий тилларнинг ихтиёрий танлаб олинган, шаклан ўзгартирилган ва аралаш унсурларидан таркиб топган ҳамда алоҳида ижтимоий гуруҳ томонидан (асосан оғзаки нутқда) тилнинг бошқа жамоаларидан фарқланиб, ажралиб туриш, баъзан криптолалик мақсадлардан қўлланадиган тил”³ ҳисобланади. Ижтимоий гуруҳнинг ажралиб туриш сабаблари ўзини юқори қўйиш (масалан, сарой жаргони), жамиятнинг бошқа аъзоларини мулоқот жараёнига аралаштирмаслик ва ахборот беркитиш мақсадида қўлланади. Одатда умумқўлланишда бўлган сўзлар ва ибораларга “ўзича мазмун бериб”⁴, айрим ҳолларда, киноя маъносида ишлатилади. “Бундай сўзлар. одатда фонетик қурилиши бузилган, форс-тожик, араб ва бошқа тиллардан ўзлаштирилган”⁵ бўлади.

¹ Расулов Қ.А. Ўзбек мулоқот ҳудудининг функционал ҳолатининг Филол.фан.номз.дисс. автореферати. Тошкент, 2008. – 10-бет.

² Расулов Қ.А. Социолект ва нутқ // Ўзбек тили ва адабиети. 2007. 4-сон – 64-бет.

³ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. Москва, 1969. 608 стр. С. 149.

⁴ Дожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли дугати. Тошкент, 2002 – 39-бет.

⁵ Турсуниязов М. Лексика ўзбекской разговорной речи. Ташкент. Фан, 1986. 68 с. – С.41

Бу сўзлар мазкур нутқ шароитида умуман бошқа маъно ифодалай бошлайди. Жумладан, талабалар нутқида *ўтдим* (имтиҳон, сессиядан коникарли баҳо олиш), *қўйиб беринг*, *қўтаринг* (бахони), *сурмоқ* (дарсдан), *ўғил боланинг баҳоси* (уч), *танка* (“ҳомий”) кабилар кенг қўлланади. Бозор социолектида *ўтмоқ* (молнинг баҳосини туширмоқ), *қўтармоқ* (нархни), *сурмоқ* (нархни қўтариш учун савдони чўзмоқ) кабилар, ўқитувчилар нутқида *ўтмоқ* (дарсни), *қўтармоқ* (бахони, қўлни) кабилар ҳам жаргоннинг кўринишлари ҳисобланади. Демак, бир сўзнинг ўзи шаклан ўзгармай турли давраларда турлича маъноларда қўлланиши мумкин.

“Арго сўзи бизнинг давримизда жуда кенг ёйилган тушунчадир. У, моҳиятига кўра – “махсус тил” тушунчалари учун алоҳида сўздир”¹. Арго, жаргондан фаркли равишда, жамиятнинг бошқа вакиллари учун тушунарсизлиги, сирлилиги билан ажралиб туради. Тилшуносларнинг бу атамага муносабатлари дастлаб салбий бўлган бўлган. Банга сабаб, аввало, арго сўзи этимологияси - “corporation des gueux” – жинойтчилар тўдаси сўздан келиб чиқкан². Бундан ташқари, арго борасидаги дастлабки кўплаб тадқиқотларда унга салбий муносабат ифодаланган³. Мазкур муносабат кейинги тадқиқотларга ҳам мерос бўлиб қолган. Бирок кейинги тадқиқотлардан маълум бўлишича, тилнинг бундай вариантларидан деярли барча ижтимоий соҳа вакиллари ўз касбларига хос тарзда фойдаланар экан⁴. Жумладан, харбийлар нутқидан: *саирамоқ* (тезотар қуроллардан ўк узилиши), *қуш* (дайди ўк), *она* (старшина), *қаламча* (оддий аскар), *ручка* (сержант), *фломастер* (офицер) каби. Демак, жамиятдаги инсонларнинг ижтимоий табақаланиши уларнинг нутқида ҳам таъсир қилади. Ўзларининг махсус кизиқишлари бўлган нечта гуруҳ бўлса, шунча арго бор. Ҳар қандай арго учун хос бўлган хусусият доимий ўзгарувчанликдир: у макон ва вазиятга қараб тўхтовсиз ўзгариб туради⁵.

Арго ва жаргонлар социолектнинг бир кўриниши сифатида мавжуд. Уларнинг умумий хусусиятлари қўлловчилар микдорининг чекланганидир.

Юкорида тилнинг макон ўзгаришлари ҳақида сўз юритдик. Бирок социолектлар турли ўринларда турлича маъно касб этар экан.

¹ Вандриес Ж. Язык. – М., 1937. – С. 71

² Бу ҳақда қаранг: <http://annababina.narod.ru/termin1.html>

³ Бу ҳақда қаранг: Терминологическое поле в исследованиях социолекта – <http://annababina.narod.ru/termin1.html>

⁴ Расулов К.А. Социолект ва нутқ: Ўзбек тили ва адабиети, 2007, 2-сон – 64-бет.

⁵ Скворцов Л.И. Культура языка – достояние социалистической культуры – М.: Просвещение, 1981 – С. 60.

сўзловчининг ҳам турли ўринларда нутқини ўзгартира олиш имконияти борлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Чунки тилдан хабари бор одам турли услубий воситалардан фойдаланиб, (гарчи сунъий бўлса-да) ўзининг бошқа гуруҳга мансуб инсон сифатида кўрсата олиши мумкин. Масалан, ўқитувчи нутқидаги *қўлингни кўтар, беш қўяман, доскага чиқ* каби сўз ва иборалар унинг кундалик нутқида қўлланмаслиги кундай маълум. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, макон ва замоннинг шундай қобиклари мавжудки, бу қобик ичида сўз ҳам, сўзловчи ҳам ўз “киёфа”сини ўзгартиради. Мана шу қобикни *социал қобик* деб атасак ҳам бўлади.

Тилнинг ижтимоий жиҳатдан турфа бўлиши – тарихий ва тил кунунларига мос ходиса бўлиб, ҳар бир ижтимоий катлам ҳаёт ва мулоқот тарзи, жамиятга аралашувидан келиб чиқиб, тилдан, унинг имкониятларидан ўз манфаатларига мос ҳолда фойдаланадилар.

Социолектлар асосан оғзаки шаклда учраганлиги учун ҳам лугатларга киритилмайди. Бирок айрим ўринларда *с.т. (сўзлашув нутқида)* изоҳи билан киритилади. Масалан, *эга* сўзи “*уй-жой. мол-мулк ва ш.к.лар қарашли бўлган шахс; хўжайин, соҳиб*” ва шу каби маънолардан ташқари сўзлашув тилида “*Тангри, худо*” (5,5,18) маъносини ифодалаши кўрсатилади. Сўз ушбу маънода, асосан, кексалар нутқида, шунингдек, айрим иборалар таркибида қўлланади.

Эримок сўзи сўзлашув нутқида фақат ўзаро яқин бўлган оғайнилар даврасида ишлатиладиган “харид килинган нарса, янгилик, муваффақият ва ш.к. учун зиёфат қилиб бермоқ; сийламоқ, ювмоқ” (5,1,47) маъноси ҳам кўрсатилади.

Ёки *раҳматли* сўзи вафот этган киши ҳақида (5,3,363) айтиладиган сўз ҳисобланиб, бу сўзни айтиш орқали сўзловчи мазкур шахсга, шунингдек, динга муносабати ижобий эканлигини билдиради.

Вишка “баланд минора шаклидаги иншоот” бўлиб, махбуслар нутқида “олий жазо - ўлим” (5,1,462)ни ифодалаши, сўзнинг арга, яъни социолектнинг бир қисми эканлигини билдиради. Эътиборли жиҳати шундаки, икки жилдли изоҳли лугатда бу ҳолат кузатилмайди.

Пас сўзи икки жилдли лугатда сўзлик сифатида учрамайди. Беш жилдли изоҳли лугатда омоним сўз сифатида “Карта ўйинида: ўйиннинг айни бир даврасида (карта айланишида) фаол катнашишдан воз кечиш ёки мағлубиятни тан олиш” ва спортга оид “баъзи спорт ўйинларида бир ўйинчининг ўз шериги (жамоадоши)га тўп ёки шайбани узатиши” (5,1,232)

тарзида изоҳланади. Биринчи сўз айна қизиқиши жихатдан маълум гуруҳга кировчи одамлар нуткидагина ишлатилади.

Юкоридагилардан хулоса чиқарадиган бўлсак, социолект сўзлар учун шундай муҳит ҳисобланадики, сўз мазкур доирада ўзгача маънода қўлланади. Бундан ташқари, социолект таркибига истеъмол доираси чегараланган бошқа бирликлар киради.

III.2.ИЗОХЛИ ЛУҒАТЛАРДА ДИНИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ СЎЗЛАР ТАЛҚИНИ

Ўзбек тилидаги ўзлашма сўзлар масаласига тўхталганда тилимизга диний мавзудаги сўзлар бошқа гуруҳдаги сўзларга нисбатан кучлироқ сингганини кўрамиз. Бу албатта диннинг халқимиз ҳаёти ва кундалик турмушидаги ўрни билан боғлиқ. Жаҳондаги кўпгина миллий адабий тилларнинг ривожланиш тарихи юзасидан тилшунослар олиб борган кузатишлар шуни кўрсатадики, халқ ижтимоий ҳаётида юз берадиган баъзи тарихий ўзгаришлар: ижтимоий-сиёсий тузумнинг алмашилиши ва у билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган янги тил сиёсати, адабий тилнинг ижтимоий вазифаларини янги тузум, давр талабига мослашга интилиш ва бошқа бир бир катор омиллар адабий тил меъёрларида маълум қарама-қарши, нотурғун ҳолатларни юзага келтиради¹.

Ижтимоий тузум ва тараккиёт тилга таъсир этиб, сўзлар миқдори ва семантик таркиби билан бирга уларга ижтимоий муносабат доирасини ҳам ўзгартиради. Собик иттифок даврида илм-фан дарвинизм таълимоти ва атенстик мафкурага бўйсундирилгани боис бу мафкуранинг ғоялари ҳар бир сатрда уфуриб туриши шарт қилиб қўйилган эди. Мазкур тарихий шароитда диннинг жамият ҳаётидаги ўрни кескин рад этилган, бу мавзудаги сўзларни иложи борича эскирган сўзлар қаторига киритиш ёки уларнинг изоҳига бирёклама ёндашув ҳолатлари кузатилади.

Биз бунга икки жилдли ва беш жилдли изоҳли луғатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Диний тушунча ифодаловчи сўзлар қуйидаги мавзуй гуруҳларга бўлиб таҳлил қилинди:

1. Шахсни билдирувчи сўзлар.
2. Йўналиш, окимни билдирувчи сўзлар.
3. Фаолият ва жараёни билдирувчи сўзлар.
4. Махлуқот, яралмишни билдирувчи сўзлар.
5. Нарса-буюмни билдирувчи сўзлар.
6. Жой, даражани билдирувчи сўзлар.
7. Диний категорияларни билдирувчи сўзлар.

¹ Бегматов Э. Ўзбек адабий тилининг мустақиллик даври ривожига доир / Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. 4-сон. 3-бет.

Шахсни билдирувчи сўзлар жумласига анбиё, валий, воиз, диндор, домла, домулла, зоҳид, имом, имомча, миссионер, муслим, мутавалли, мўмин кабиларни киритишимиз мумкин. Шунингдек, *мавлоно, манкуҳа, мардуд, марҳум, маҳрам гадо, дарвеш, девона, зиёратчи, муртад, мутаассиб* каби сўзлар ҳам “динга муносабат” семаси воситасида мазкур гуруҳга киради.

Банда – сўзга икки жилдли лугатда “*диндорлар эътиқодича, худо яратган, бутун ихтиёри, тақдири унинг амрида бўлган одам, худонинг қули*”¹ каби берилган изоҳданоқ маълум бўладик, сўзга дин. (диний) шартли кискартмаси берилган бўлса-да, яна унга “диндорлар эътиқодича” бирикмаси қўшилган, бу билан сўзнинг истеъмол доираси чегараланганига ишора қилинган. Янги изоҳли лугатда “*Оллоҳ яратган, тақдири унинг қўлида бўлган киши. Оллоҳнинг қули*”² изоҳи берилади. Бадий адабиёт ва сўзлашув нуткида сўз “қул”, “*ихтиёри ўз қўлида бўлмаган шахс*”, “*бошқа шахс ёки нарсанинг шайдоси*” каби семаларга эгаллиги билан ажралиб туради: Пулнинг бандаси; *Тилар эл мансаби олий ва лекин Атойи сарви оздингга банда*. Атойи

Уламо эскирган, китобий нутққа хос сўз сифатида “*олим*”, “*олимлар*”, “*шариат қонунларини, диний билимларни мукаммал билган мулла*”, “*муслмон руҳонийларининг олий мансабли табақаси*” (2.2.271) таърифига қўшимча равишда янги лугатда тушунчанинг хосланиш – “*ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (фақиҳ)лари*”, шунингдек, ижтимоий – “*диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча ислом дини олимлари*” (5.4.277) белгиларини акс эттирувчи изоҳлар берилади.

Даҳрий сўзи икки жилдли лугатда “*дунё ҳодисаларини табиат қонунларидан билувчи, охиратга ишонмовчи киши*”, “*материалист, худосиз, атеист*” (2.1,216) тарзида, янги лугатда “*Аллоҳнинг борлигига ишонмовчи, худосиз, шаккок*” (5.1.582) тарзида изоҳланган. Лекин икки таърифнинг алоҳида жиҳатлари мавжуд: биринчи таърифда даҳрий сўзининг жамоатчилик учун одатий қабул қилиниши қутилгани, шуни назарда тутиб материалист. атеист каби сўзлар билан изоҳлангани кўриниб

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 жилдли. 1 жилд – Москва. Рус тили. 1981. – 78-бет (бундан кейин мазкур маънодан олинган ҳаволалар саҳифаи кавс ичида кўрсатилади. 2. 1. 78 тарзида)

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. 1 жилд – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 – 254-бет. (бундан кейин мазкур маънодан олинган ҳаволалар саҳифаси кавс ичида кўрсатилади. 5. 1. 254 тарзида)

турибди. Дарҳақиқат, шўро даврида худосизлик сиёсий жиҳатдан кўллаб қувватланган. Шу тўғрисида даҳрий сўзининг “ижобий” семалари ҳам кўзга ташланади. Лекин халқимиз дунёқарашида қайси динда бўлишидан катъий назар эътиқоди бўлмаган кишига яхши муносабат кузатилмайди. Бу ҳолат янги изоҳли лўғатда ёрқинроқ акс эттирилган.

Уммат “бир миллат, бир дин, бир мазҳабга мансуб кишилар, халқ” (2.2.274) маъносини ифодалаган бўлса-да, кейинчалик унинг маъноси бирмунча торайган. Асосан *“Мадинада Муҳаммад пайгамбар изидан борган ва ислом динини қабул қилган кишилар жамоаси; мусулмонлар”* (5.4.284) ни билдиради.

Вакил сўзи семантик таркибида “бирор киши, муассаса, ташкилот ва ш.к. номидан иш кўришга ваколати бўлган, унинг манфаатларини кўзловчи ва ҳимоя қилувчи шахс”, “бирор давлат ёки ташкилотнинг ваколати билан ўзга элларда унинг номидан иш кўрувчи, унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи лавозимли киши, элчи”, “бирор соҳа, ижтимоий гуруҳ, жамият ва ш.к.га мансуб киши, намоянда” (2,1,171) маъноларидан ташқари диний тушунча сифатида вакил ота бирикмасида *“мусулмонларнинг никоҳ маросимларида келин томонидан тайинланадиган вакил шахс (никоҳ ўқиш, куёв томоннинг келинга бериладиган мол-мулки ва ш.к.ларни келишишда қатнашади)”* (5,1,436) маъносини ифодалайди. Демак, сўз айрим валентликлари ва семалари билан диний тушунчани ҳам билдиради.

Муҷоҳид сўзи *“худо йўлида жанг қилувчи киши”* (5,II, 629) маъносига эга бўлиб, икки жилдли лўғатда берилмаган.

Заифа сўзи икки жилдли лўғатда *“хотин киши, аёл”* каби умумий маъносидан ташқари *“эркак никоҳидаги аёл, хотин; рафиқа”* маъносини ифодалаши кўрсатилган. (2,1,295) Беш жилдли лўғатда иккинчи - хусусий маъноси кўрсатилмаган. Умуман олганда бу сўз эскилик бўёғи билан бирга диний семага эғалиги билан ажралиб туради.

Дуогўй сўзи икки жилдли лўғатда *“дуо қилувчи, дуо ўқувчи; бирор тилак билан худога ёлворувчи”*, кўчма *“қимсага яхшилик тилувчи; меҳрибон”* (2,1,240) маъноларигина берилган бўлса, янги лўғатда унинг *“дуолар ўқиб ёки ёзиб, гўё иш-жиссларни қайтарувчи, шу йўл билан касалларни одавловчи шахс”*, *“иссиқ-совуқчи, азайимхон”* (5,1,666) маънолари ҳам берилади. Шу ўринда дуогўй сўзининг дастлабки икки

маъноси дуонинг “эзгулик” семаси билан, кейинги икки маъно “Қуръон ояти”, “салбийлик” семалари билан вужудга келганини айтиб ўтиш жоиз.

Кофир сўзининг икки хил: “*гайридин*”, “*дин йўлидан қайтган, худосиз*” маънолари берилади. Ҳар икки маъноси билан ҳам тилимизда кенг қўлланади. Лекин иккинчи изох кўпроқ сўзнинг мохиятига мос келади. Халқда *гайридиндан қўрқма, кофирдан қўрқ*, деган нақл бор. Гайридин ва кофир сўзи “*динли*”, “*Худони танувчи*”, “*эътиқодли*” ва “*динсиз*”, “*худосиз*”, “*эътиқодсиз*” семалари билан бир-биридан ажралиб туради.

Жамоат сўзи “*халқ, халойиқ, қўлчилик*” маъносини ва ундан келиб чиққан “*қўлчиликка, оммага қарашли, тегишли*” (5,11,68) маънолари билан бирга, диний - “*масжидга намоз ўқиш учун борган кишилар тўдаси*” маъносида ишлатилиши сир эмас: *Жума намозидан сўнг ташқаридаги жамоат дув этиб ўз ишига кетди. Чўлпон. Кеча ва кундуз. Сўзнинг баъзи бир маъноларини асосан сўзнинг жамоа шакли ўз зиммасига олган. Қиёс: жамоат хўжалиги – жамоа хўжалиги. Демак, жамоат сўзи маъносида торайиш, махсусланиш юз берган.*

Балогардон сўзи иккала луғатда ҳам “балони қайтарувчи, даф қилувчи”, “бало-офатдан сакловчи, кутқарувчи”, “халоскор”¹ каби маънолари келтирилади, бироқ сўзнинг, шунингдек, Бахоуддин Нақшбанднинг сифатлаши, эпитети эканлиги эслатилмайди.

Йўналиш, оқимни билдирувчи сўзлар асосан диндаги мазҳаблар, тасаввуф йўналишлари билан тушунчаларни ифодаловчи сўзлардир: тасаввуф, жаҳрия, мазҳаб, суннийлик, шиа кабилар. Уларнинг маъно таркибида ҳам бир канча ўзгаришлар рўй берган.


Мазҳаб – икки жилдли луғатда “*диннинг ўзига хос қонун-қоидалари билан умумий йўналишидан фарқ қилувчи*”, “*расм-одаат*” тарзида изоҳланади. Лекин бу ерда кўчма сиёсий “*ўз қараш ва ақидалари билан бошқалардан ажралиб қолган гуруҳ*” маъноси учун асос бўлган “*гуруҳ*” семасини ифодаловчи изох берилмаган. “Атеистик энциклопедик луғат”да “*шариат мазҳаблари – исломда диний ҳуқуқ системалари ва йўналишлари...умуман ортодоксал диний ҳуқуқ доирасида чиқмагани ҳолда, шариат масалаларида енглироқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан*

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. Москва: Рус тили, 1981. – 77-бет.

бир-биридан фарқланиб туради”¹- деб таъриф берилади. Баъзи манбаларда сўз “йўналиш, йўл, эргашиш” маъносини билдириши, шаръий истилоҳда “мужтаҳидлар (шаръий ҳукмларни далиллар асосида чиқариш малакасига эга бўлган кишилар)дан бирининг оят ва ҳадислардан шаръий ҳукмлар чиқариш йўли”² маъносини ифодалаши кўрсатилади. Шундан келиб чиққан ҳолда беш жилдли луғатда берилган “исломда диний ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари; умуман анъанавий диний ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда, шариат масалаларида энгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан бир-биридан фарқланиб турувчи йўналишлар ва оқимлар” таърифи кенглиги ва нисбатан тўлиқлиги билан аҳамиятга молик.

Икки жилдли луғатда тасаввуф сўзига таъриф берилганда, унинг моҳияти бузиб кўрсатилгани маълум бўлади: “гайритабиий оламга, илоҳлар ва илоҳий кучларга, одамнинг илоҳлар билан бевосита алоқа қила олишига ишонидан иборат диний эътиқод; мистика” (2.2.130). Изоҳда тасаввуф тушунчаси бевосита Ислом дини билан боғлиқ эканлиги кўрсатилмаган, шундан келиб чиқилса, *илоҳлар* сўзи ҳам ноўрин қўлланганига гувоҳ бўламиз. Янги луғатда сўзнинг маъноси бирмунча тўлиқ шаклда ёритиб берилган: “Исломда инсоннинг руҳий дунёси тўғрисидаги. унинг руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот. диний эътиқол: суфийлик” (5.4.7)

Бу жараёнларни куйидаги чизма асосида кузатиш мумкин:



¹ Атеистик энциклопедик луғат. Тошкент ЎзСЎ Бош редакцияси, 1988. - 236-бет

² Ахмад Мухаммад Туреун, Мухаммад Шақриф Жуман. Ислом дини. - Тошкент: Мовароуннахр, 2006. - 11-бет

Жавонмардлик сўзи икки жилдли изоҳли луғатда берилмаган. Беш жилдли луғатда ҳам у тарихга оид термин сифатида “*олий ҳимматлилик, саховатпешалик*” деб изоҳланади. Иллюстратив мисол эса қуйидагича: *Паҳлавон Маҳмуд жавонмардлик оқимининг улкан намояндаларидан бири бўлган. “ЎТА”. (5,II,63)* Мисолдан ҳам кўринибдики, жавонмардлик диний-фалсафий оким, шунингдек, ижтимоий катлам йўналишининг номи. Яна ҳам аниқроғи, Нажмиддин Кубро асос солган тариқат йўналиши номини билдиради. Янги беш жилдли луғатда жаҳриянинг “тариқат йўналиши” (5,II,79) маъноси берилгани ҳолда, жавонмардликнинг мазкур жиҳати ҳар иккала луғатда ҳам кўрсатилмаган.

Икки жилдли луғатда мақом сўзининг “*тасаввуфда ҳар бир сўфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичлардан бири ёки ҳар бири...*” (5,II,571) ни билдириши ҳақида маълумот берилмаган.

Икки жилдли луғатда “**суннийлик**” сўзи изоҳидан, унинг моҳиятини очишдан чекиниш кузатилади: “*сунний мазҳабига мансублик*”, “*сунний мазҳаби*” (2.2.84). Сўзнинг асл маъносини билмоқчи бўлган ўқувчи *суннат, суннизм, сунний, суннийлар* кабилардан ҳам тўғри изоҳ топа олмайди. Сўзнинг оким, йўналиш сифатидаги маъноси билиниб турса-да, сўзликлар фақат бир-бирига “каранг” (қ.) шартли белгиси билан ишора қилади. Янги изоҳли луғатда юқоридаги нуксонлар бартараф этилади: “Ислом динидаги икки асосий йўналиш (мазҳаб)дан бири ва энг кенг тарқалгани”, “сунний мазҳаби” (5.3.588).

Фаолият ва жараёни билдирувчи сўзлар:

Садақа сўзига икки жилдли луғатда берилган “*нажот истаб азиз-авлиёларга, худо йўлига бериладиган эҳсон: қурбон*” (2,II,78) изоҳи беш жилдли луғатда “*худо йўлига, азиз-авлиёларга улардан нажот истаб қилинадиган эҳсон: қурбонлик*” (5,III,254) тарзида ўзгартирилиши ўзига хос аҳамиятга эга. Қиёсланганда, садақа дейилганда аввало худо йўлига бажариладиган амал назарда тутилиши янги луғатда кўрсатиб берилган. Бу билан сўз ифодаладиган асосий тушунча, моҳият икки жилдли луғатда бузиб талкин қилингани кўзга ташланиб қолади. Бундан маълум бўладики, совет воқелигида динни турли хурофотларга ўраб тасвирлаш ва уни халққа эскилик саркити сифатида кўрсатиш ҳам асосий мафкуравий йўналишлардан бўлган.

Вақф сўзи тарихий термин сифатида “*мулкдорлар томонидан диний муассаса ихтиёрига даромадидан фойдаланиб туриши, аммо ўзини*

сотмаслик шарти билан ўтказилган ёки Васият қилиб қолдирилган мулк (ер-сув, бино ва ш.к.)” (2,1,175) маъносини билдиради. Унга шаклдош бўлган вақф сўзи эса икки жилдли луғатда берилмаган. Вақф “*сўзлаш пайтида, Куръон сураларини ўқиётганда (ҳар бир оят охирида) тўхташ*”, “*муסיқа асарларини ижро пайтидаги тиним, кичик пауза*” (5,1,450) маъноларини билдиради

Саловот сўзи беш жилдли луғатда “(Аллоҳ томонидан) Бандаларнинг гунохидан ўтиш; кечиритиш, кечирим”, “мақтов, ҳамд-сано” (5.3.427) маънолари билан изоҳланади. Икки жилдли луғатда худди шу изоҳдаги “(Аллоҳ томонидан) Бандаларнинг” парчаси киритилмаган ва сўз диний семалардан “озод” килинган.

Зикр сўзининг диний маъноси унинг бош маъноси “*эсламоқ, ёдга олмоқ, қайд қилмоқ*” дан ўсиб чиққан бўлиб, луғатларда диний-тасаввуфий маъносига турлича изоҳ берилган. Чунончи, “*мусулмонларнинг бирор руҳоний етакчилигида давра қуриб, худо ва азиз-авлиёларнинг номларини баланд овоз билан тилга олиб, гайритабиий ҳаракатлар ва жазаво билан ўтказадиган маросими*” (2,1,305) таърифи бирёклама ва тушунчани тўла изоҳлаб бера олмайди. Биринчидан, зикр тушиш ҳар бир мусулмон учун эмас, тасаввуфга кирган солиқлар (сўфийлар) учунгина хосдир. Иккинчидан, зикр тасаввуф тарикатларида турли хил ижро этилади, масалан: яссавияда жаҳр – баланд овоз чиқариб, накшбандияда хуфия – овоз чиқармай¹. Учинчидан, зикр азиз-авлиёлар учун эмас, Аллоҳ учун амалга оширилади. Шунинг учун ҳам беш жилдли луғатда берилган “*тасаввуфда мусулмонларнинг худони ёдга олиш билан боғлиқ маросими ва шу маросимда айтиладиган муסיқий-шеърий туркум*” (5,11,109) таърифи умумийлиги, ҳолислиги ва атрофлича изоҳ бера олиши билан эътиборга молик.

Тўфон ва **талқин** сўзлари изоҳида юз берган ўзгаришлар куйидаги жадвалда ёркинрок кўринади:

		Икки жилдли луғатда	Беш жилдли луғатда	Парадигма	Фасолашган семаси
1.	Тўфон	“шиддатли”	“шиддатли”	Бўрон, довул	
		“диний мақомга эга”	“диний мақомга эга”	-	

¹ Сноска керак

		“жазо” (гуноҳ учун)	“жазо” (гуноҳ учун)	-	
		“кенг кўламли”	“кенг кўламли”	-	
		“табiiий офат”	“табiiий офат”	+	+
			“жисмонийлик”, “инсонга хос”	-	+
			“рухий-психологик”	-	+
2	Талкин	“диний”	“диний”	1. Ваъз, таълим. 2. Изоҳ, шарҳ	
		“эзгуликка ундаш”	“эзгуликка ундаш”	1	
		“илмий”	“илмий”	2	+
		“асосланган, мустақил караш”	“асосланган, мустақил караш”	2	+
			“санъатга хос”	2	+
			“янгича кўриниш”	2	+

Давра – сўзи умумхалқ тилида ишлатиладиган “қуршов олиб ўтирган кишилар”, “қуршов ўртасидаги бўш жой”, “одамлар тўпи, гуруҳи”. “қур”, “босқич” каби маъноларидан ташқари диний тушунча сифатида “марҳумнинг гуноҳларини ювиш учун, жанозадан илгари тўпланиб ўтказиладиган маросим” (5.1,542) маъносига ҳам эга.

Жиход “мусулмонларнинг Ислоҳ динининг тарқалиши йўлидаги говларни бартараф қилиш, уни ҳар тарафлама муҳофаза қилиш йўлида гайридинларга қарши муқаддас уруш; газовот” (5, II, 97) бўлиб, икки жилдли лугатда “гайридинлар”, “муқаддас” сўзлари кўштирноқ билан ёзилиб (2, I, 284), сўз маъносининг бирёклама эканлиги ифодаланади ва жиход мақсади ёритилмайди.

Фатво сўзи изоҳланишида янги лугат бир канча ўринларда икки жилдли лугатдаги изоҳни тўлдириб келади. Буни қуйидаги жадвал асосида ёрқинроқ тасаввур қилиш мумкин:

	1	2	Қўшилаётган сема	3	Қўшилаёт- ган сема
Икки жилдли лугатда		руҳонийлар томоғидан		бирор юридик масала юзасидан чиқарилган хулоса, қарор	
Умумий	Фатво	Шариат на оши қонун- қоидалари асосида			бирор шариат шариат қурули назаридан данага
Беш жилдли лугатда		руҳонийлар (муфтий, шайхулислом, қози) томоғидан	Фатво - факат руҳоний эмас, аниқроғи муфтий, шайхулислом, қози каби сузлар билан бир парадигмада ётади	бирор диний, ҳуқуқий, сўбей ҳақда ижтимоий масала юзасидан чиқарилган ҳужж, қарор, пилж	Фатво "сиссий", "ижтимоий" семаларига ҳам эга

Юқоридаги жадвалдан шу маълум бўладики, фатво сўзи янги лугатда икки жилдли лугатга нисбатан тўлик, барча семалари жамланган ҳолда изоҳланган.

Меърозга икки жилдли лугатда "осмонга, ари-аълога, худонинг олдига чиқиш" изохи берилади. Янги лугатда унга кўшимча равишда "Муҳаммад пайгамбарнинг Қуддусдаги Ақсо масжидидан осмонга кўтариллиши" (5, II, 586) маълумоти ҳам келтирилади.

Маърифат "кишиларнинг онг-биллимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия; маориф"(2,1,455) маъносини билдириб, сўз ўзагидан англашиладиган "билим, фан", "маълумот", "танилиши" маъноси асосида "тасаввуфда ҳар бир сўфий руҳий камолотга эришиши йўлида босиб ўтадиган босқич (мақом)лардан бири" (5,II,567) номини ҳам ифодалайди.

Тавба сўзи икки жилдли лугатда "Қилмишидан таъзир еб ёки пушаймон бўлиб, уни қайтармаслик учун қилинган азм-қарор, берилган ваъда ёки қилмиши учун сўралган узр" маъносини ифодалаши, ундов сўз сифатида "таажжубланиш, хайронликни" билдириши кўрсатилади (2.2.104). Янги лугатда "бирор ғайритабиий нарса, ҳодиса олдида истиғфор айтиши, худодан кечирим сўраш" маъносида қўлллиниши кўрсатилиб, тасаввуфий лексикага оид маъноси ҳам берилади: "Тасаввуфда: солиқнинг тариқат сари қадам қўйишидан олдин қилган

барча гуноҳларидан тавба қилиб, келажакда бирор гуноҳ ишни қасддан қилмасликка азму қарор қилиши” (5.3.631).

Тавоф сўзи изохида ҳам диний тушунчани ифодаловчи семалари кучсизлантириб берилиши кузатилади. Сўз икки жилдли луғатда “муқаддас, табаррук деб ҳисобланган кимса, нарса, жой атрофини зиёрат қилмоқ”, “кўч. муқаддас, азиз санаб эъзозламоқ, кўзга суртмоқ” (2.2.104) маъноларига эғалиги кўрсатилади. Бош маъно таркибига беш жилдли луғатда берилган “*Ҳажж ва умра маросимлари таркибига кирувчи, Каъба атрофини айланишдан иборат жараён (умра қилувчилар бир марта. ҳажжга келганлар 3 марта тавоф амалини адо этадилар)*” (5.3.632) маъноси ҳам кириб, у бошқаларига нисбатан бирмунча фаоллиги билан ажралиб туради.

Жаноза “*дафн олдидан ўлган киши ҳақиқа бағишлаб ўқиладиган намоз*” (5,11,72)ни билдиради. Сўзлашув тилидаги жанозаси ўқилди (тамом бўлди маъносида) ибораси янги луғатда олиб ташланган.

Талоқ сўзи икки жилдли луғатда “*никоҳни бузиш, бекор қилиш ҳақидаги эр томонидан айтиладиган сўз*” эканлиги кўрсатилади, **Уч талок** иборасида “*қатъий ажрашув*” семаси (2.2.112) ифодаланиши кўрсатилган. Мазкур сўз, шунингдек, “*талоқ қилмоқ*”, “*қизталоқ*”, “*хотинталоқ*” каби кўшма сўзлар таркибида “*амалга ошириш*” семасини, “*салбийлик*”, “*ҳақорат*” семасини ҳам олади.

Таъзия “*кимсанинг вафоти муносабати билан тутиладиган аза. мотам*” (2.2.141) дан ташқари “*азадор кишига тасалли бериши. ундан аҳвол сўраш*” маъносига ҳам эга бўлиб, бу таъзия билдирмоқ кўшма сўзи воситасида ёркинрок намоён бўлади.

Бидъат – “*диний ақидаларга киритилган ислоҳ. динга ҳилоф янгилик, динда кейин пайдо бўлган нарса*” (2,1,110) – “*диний ақидаларга киритилган ўринсиз ислоҳ. динга ҳилоф янгилик, динда кейинчалик пайдо бўлган нарса*” (5,1,253). Сўз “*салбийлик*” бўёғи билан ажралиб туради. Манбаларда бидъатнинг икки тури кўрсатилади: эътикодга таллуқли бўлган бидъатлар ва бир иш ёки одатни ибодатга киритиш тарзидаги бидъатлар¹. Сўзлашув нутқида “янгилик”, “янги одат”, маъносида ҳам ишлатилади: *Бу бидъат қайдан чиқди - деб Ҳойбўришнинг ори келди.* Алпомиш.

¹ Аҳмад Муҳаммад Турсун, Муҳаммад Шариф Жуман. Ислам дини - Тошкент: Мовароуннаҳр. 2006. - 210-бет.

Исён “синфий, миллий, ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилиб кўтариладиган кўзғолон; ғалаён, тугён” (2,1,334) маъноларини ифодалайди. Лекин бу сўз ўзининг синонимлари кўзғолон, ғалаён ва тугёндан семантик таркиби ва услубий бўёғига кўра фаркланиб туради:

№	Семалар	Исён	Кўзғолон	Тугён	Ғалаён
1.	“қаршилик”	+	+	+	+
2.	“ҳимояланиш”	+	+	-	+
3.	“салбий”	+	-	-	+
4.	“ижобий”	-	-	+	-
5.	“ички ҳиссиёт билан боғлиқ”	+	-	+	-
6.	“жамият билан боғлиқ”	+	+	-	+
7.	“доимий”	+	-	+	-
8.	“диний”	+	-	-	-
9.	“мажозий”	+	-	+	+

Агар *исён* сўзининг ўзагида “осий” ётганини ҳисобга олсак, сўзнинг салбий бўёкка эгаллиги маълум бўлади. Зеро, *исён* диний тушунча сифатида “Худонинг амрини бажаришдан бош тортиш, диндан қайтиш”ни ҳам билдиради ва бошқа синонимлар бундай маънога эга эмас. Мазкур маъноси янги лугатда берилмаган.

Мўъжиза “диний ва афсонавий тасаввурларга кўра, гайритабиий, илоҳий ҳодиса: пайгамбарлар томонидан воқе бўладиган, уларнинг ҳақиқатан ҳам Аллоҳ таолонинг бандаларга юборган элчилари эканлигини тасдиқлайдиган гайритабиий ҳодиса” (5,11,670) бўлиб, икки жилдли лугатда “гайритабиий, илоҳий ҳодиса, пайгамбарлар каромати”, “умуман ҳар қандай одатдан ташқари, кишини ҳайратда қолдирувчи ҳодиса, иш ёки нарса”(2,1,490) тарзида изоҳланади. Янги лугатда *мўъжизанин*г “*мўъжизадан мақсад*”ни кўрсатувчи семаси тўғри ёритилган. Бундан ташқари, икки жилдли лугатда сўзнинг “*пайгамбарлар каромати*” тарзида изоҳланиши кўшимча фикр талаб қилади. “Атеистик энциклопедик лугат”да сўзга қуйидагича таъриф берилади: “... *худо иродаси билан вужудга келадиган ва табиат қонуларини бузадиган, гайритабиий.*

англаб бўлмайдиган воқеа”¹. Бошқа манбаларга кўра, инсонлар ожиз бўлган ва улар одатда кила олмаган нарсаларни пайғамбарлар тарафидан содир қилиниши “мўъжиза”, авлиёлар томонидан содир қилиниши “каромат” дейилади².

Каромат сўзига икки жилдли луғатда “Худонинг, гайритабиий кучларнинг аралашуви билан, улар ёрдамида вужудга келадиган гаройиб ҳодиса(лар), мўъжиза” (5,II,323) изоҳи берилган. Сўзнинг “бирор воқеа-ҳодисанинг қачон ва қандай бўлишини илоҳий билим асосида олдиндан билиш, олдиндан айтиб бериш” маъноси юқоридаги ҳаракат-ҳолатнинг инсон воситасида амалга оширилишини кўрсатиб турибди.

Сўзлашув нутки ва бадий асарлар мисолида ҳам кўриш мумкинки, мўъжиза асосан худо, пайғамбар сўзлари билан, каромат сўзи эса инсонни билдирувчи сўзлар билан бир парадигмада ётади.

Амал сўзи икки жилдли изоҳли луғатда “кундалик иш. фаолият”, “мансаб, мартаба, лавозим”, “чора, илож, тадориқ”, “математик ҳисобнинг бир тури”. “иситиш, совутиш, бировларнинг ишини орқага кеткизиш, турган уйдан безорниш ва ш.к. мақсадларда дам солинган, сеҳр қилинган нарса” тарзида изоҳланган, шунингдек, иллюстратив мисоллар воситасида бир канча семалари кўрсатиб ўтилган (2,I,43). Беш жилдли изоҳли луғатда эса бу каби семаларидан ташқари “эътиқодга оид иш. ақида иши” (5,I,77) семаси ҳам берилган. Мазкур семаси асосида амал сўзи диний лексикада савоб, гуноҳ каби сўзлар билан жинс ва тур (гипоним-гиперонимик) муносабатда бўлади. Юқоридаги сўзлар “ижобийлик” ёки “салбийлик” дифференциал семаларига кўра иккига ажраб қолади: **савоб** “ижобий”, гуноҳ сўзи “салбий” семага эга.

Ўз навбатида амал сўзи вожиб, суннат, фарз, мустахаб каби сўзлар билан гипо-гиперонимик ҳамда партонимик муносабатга киришади. “Савоб даражаси” ҳамда “мажбурийлик” семасига кўра бу сўзлар ўзаро погонани ташкил қилади. Бу ҳолат изоҳли луғатларда ҳам акс этган:

Фарз – мусулмонлар учун бажариллини мажбурий бўлган диний бурч (2,II,295) – шариатда барча мусулмонлар учун бажариллини мажбурий бўлган диний амаллар (5,IV,328). Фарз Худо томонидан бандасига

¹ Атеистик энциклопедик луғат Тошкент Ўзбек С) Бош редакцияси, 1988 275-бет

² Ахмад Муҳаммад Туреун, Муҳаммад Шариф Жуман, Ислам дини - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006 - 43-бет

бажарилиши буюрилган, қилинса савоб, қилинмаса кофир бўладиган беш амал (иймон, намоз, закот, рўза, ҳаж) лардир¹.

Вожиб – “*ҳар бир мусулмонга пайгамбар томонидан буюрилган, бажарилиши мажбурий бўлмаган*” (2,1,179) - янги луғатда “*ҳар бир мусулмонга пайгамбар томонидан буюрилган, бажарилиши мажбурий, зарур амал тури*” (5,1,465). Лекин сўзлашув тилида бу сўз асосан “бажарилиши мажбурий” маъносида қўлланиши ҳар икки луғатда ҳам алоҳида таъкидланади. Сўзлашув тилида “*Подшоҳнинг амри вожиб*” ибораси қўлланади. Бу билан бажарилмаса катта айб бўлиши ва жазоланиши мумкинлиги уқтирилади ва “бажарилиши мажбурий” маъноси фаоллашади. Бундан ташқари “Ислом дини” китобида вожиб сўзи қуйидагича изоҳланади: “*ҳар бир мусулмонга пайгамбар томонидан буюрилган эътирозга эҳтимоли бор далил билан бажарилиши талаб қилинган амал... (ҳайит, витр намози ўқиш ва ш.к.). Вожибнинг ҳукми фарз билан тенглаштирилади. Вожибни бажармаган киши кофир бўлмайди, балки фосиқ бўлади. Уни бажарган одамга савоб, тарк қилган жазога лойиқ бўлади*” (Ислом дини, 10-бет). Юкоридагилардан кўринадики, янги беш жилдли луғатда вожиб сўзининг семантик таркиби тўлиқроқ ифодаланган. “Атеистик энциклопедик луғат”да эса сўзнинг сиёсий тушунча сифатидаги аҳамиятига урғу берилади: “*шариат категорияси: мамлакат ҳукмдори (халифа, подшо, амир, хон)нинг амрини бажариши мусулмон учун мажбурий эканлигини англатади... Вожиб талабининг шариатга киритилиши араб халифалигида ва барча мусулмон мамлакатларида диний муассасалар ва диний ҳуқуқ ишларининг феодаллар, ҳукмдорлар ҳокимиятига бўйсундирилганидан, уларнинг манфаатига хизмат қилувчи қуролга айланганидан далолат беради*”². Лекин бу ҳам тушунча моҳиятини бирёклама тушуниш ва тушунтириш ҳосиласидир, чунки таърифда “диний амал” эмас, “дунёвий хизмат” семаси етакчи ўринга чиқарилган. Сўзнинг туб маъноси эътибордан четда қолган.

Луғатларда берилган изоҳда вожиб “*пайгамбар томонидан буюрилган*” амал эканлиги, шунингдек, қўшимча манбадаги вожибни

¹ Аҳмад Муҳаммад Туреун, Муҳаммад Шариф Жуман Ислом дини - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006. - 10-бет.

² Атеистик энциклопедик луғат - Тошкент: Ўзбек СЎ Бош редакцияси, 1988. - 84-бет.

бажармаган киши кофир бўлмаслиги вожибнинг фарзга нисбатан кейинги поғонада туришини белгилайди.

Суннат – “...фарзга нисбатан иккинчи даражада турувчи диний маросим ва урф-одатлар” (2,II,85) – “*Ҳадисларда тарғиб этилган, ибодатда ҳам, муомалада ҳам қўлланувчи амал*” (5,III,587). Бошқа манбаларда “*зиммага юкланмаган, лекин бажарилиши талаб қилинган амал, амал қилмаган вожибга амал қилмаган каби жазоланмайди, балки қораланади*”¹ тарзида изоҳланади. Юқоридаги таърифлардан, суннат сўзи “*ҳавола этилган*”, “*бажарилиши рағбатлантириладиган*”, “*бажарилмаслиги жазоланмайдиган*”, “*ижобий*” каби семаларга эга эканлиги маълум бўлади. Юқорида поғоналаш учун асос қилиб олган “*савоб даражаси*” ҳамда “*мажбурийлик*” семасининг ифодаланишига кўра вожибдан қуйи даражада туриши юзага чиқади. Бундан кўриниб турибдики, икки жилдли луғатда сўзга изоҳ беришда айрим камчиликларга йўл қўйилган.

Мустаҳаб сўзи икки жилдли изоҳли луғатда *мустаҳаб қилмоқ* кўшма феъли таркибида “*тахорат олиш учун авратларни ювмоқ*” (2,I,485) маъносини ифодалаши кўрсатилади. Бунда сўзнинг “*амал*”, “*кўшимча фойдали амал*” семалари юзага чиқади. Янги луғатда эса сўзнинг лугавий маъносини билан биргаликда берилган изоҳда “*маъқулланган; қилинса яхши, қилинмаса гуноҳ бўлмайдиган ибодат*” (5,II,652) эканлиги кўрсатилади. Бунда сўзнинг “*мажбурийлик*” семасининг ифодаланишига кўра *фарз, вожиб ва суннат* қабиларда кейинги поғонада туриши маълум бўлади. Шунингдек, бу “*амалларни бажарувчи*” лигига кўра *кофир, фосиқ, сунний мазҳабидаги мусулмон* каби шахс билдирувчи сўзлар ҳам погонланади.

Салот икки жилдли луғатда “*ибодат, намоз: Худо ва пайгамбарга аталган мадҳия, ҳамду сано*” (2.2.16) тарзида изоҳланган бўлса, янги луғатда сўзнинг “*ибодат шакли*» намоз семасини асосий ўринга чиқарилади: “*ислом динидаги 5 та руқннинг энг асосийси: бир кунда, муайян вақтларда белгиланган тартиб ва шартлар асосида қилинадиган ибодат: Худо ва пайгамбарга аталган мадҳия, ҳамду сано*” (5.3.432) шаклида.

Ваъз сўзининг “*диний ақидаларни халққа, қаъмга таълимтиришга, тарғиб қилишга қаратилган нутқ*” (2,I,174) маъносига кўшимча равишда

¹ Аҳмад Муҳаммад Туреун, Муҳаммад Шариф Жуман. Исломи дини - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2006 10-бет

янги изохли лугатда “яхшилик ва эзгуликка чақирувчи даъват” (5,1,447) маъноси ҳам келтирилган.

Зино икки жилдли лугатда “*никоҳсиз эркак билан аёлнинг жинсий алоқаси; бузуқлик, фаҳш*” (2,1,306) деб таърифланса, янги лугатда “*ношаръий*” изоҳи кўшилади ва сўзнинг маъноси бирмунча аниқлашади. Лекин мазкур изохларда сўзнинг умумхалқ тушунчасидаги тор маъноси олинган холос, диний тушунча сифатида *зино* нафақат жинсий алоқа, шунингдек, кўз, сўз билан ҳам амалга ошиши мумкинлиги кўрсатилади. *Зоний* – “*фаҳш иши билан шуғулланувчи* (5,II,159) сўзи икки жилдли лугатда келтирилмаган.

Каффорат сўзи икки жилдли лугатда сўзлик сифатида берилмаган. У “*гуноҳни ювиш, гуноҳни ювиш учун бериладиган садақа, эваз қайтариши*” (5,II,336) бўлиб, жумладан, рўза қасддан ёки билмай бузилганда каффорат рўза тутиб берилади. Бизнингча, сўзнинг ёзилишида *ф* иккиланади: каффорат тарзида.

Махлуқот, *яралмишни билдирувчи сўзлар сифатида малоик, малоика, фаришта, анқо, гилмон, шайтон* кабиларни киритишимиз мумкин.

Буроқ сўзи икки жилдли лугатда мифологик тушунча сифатида “*меърож кечаси Муҳаммад пайгамбарнинг осмонга миниб чиқиши учун гўё худо томонидан юборилган қанотли от*” (2,1,152) деб таърифланган. Бундан кўринадики, диний тушунчани изохловчи сўзлар ўқувчига афсонавий, ишончсиз маълумот сифатида берилиши кўзда тутилган. *Гўё* ёрдамчиси ҳам шу вазифани амалга ошириш учун ишлатилган. Беш жилдли лугатда сўзга холисона ёндашилган ва миллий кадрятларимизга хурмат муносабати ифодаланган: “*Муҳаммад пайгамбарнинг Қуддусга бориши ва у ердан осмонга кўтарилиши учун худо томонидан юборилган қанотли от*” (5,1,381) деб изоҳ берилган.

Дилэжол – “*гўё қиёмат яқинлашганда пайдо бўлиб, одамларни диндан оздирувчи, ўз маслагига киритувчи маҳлуқ*” (2,1,205) изоҳига янги беш жилдли изохли лугатда “*ислом динига кўра, қиёмат яқинлашганда пайдо бўлиб, одамларни диндан, тўғри йўлдан оздирувчи, одамсимон бир кўзли маҳлуқ*” (5,1,544) маълумоти кўшилади.

Иблис “*одамларни йўлдан оздирувчи, ёмон йўлга бошловчи шифик маҳлуқ, шайтон*” (2,1,312) деб изохланиши икки жилдли лугатда диний

тушунчаларни билдирувчи сўзларни мифологик характерда тавсифлашдек ноҳолис йўлдан борилганини кўрсатади.

Арвоҳ сўзига “диний ақидага кўра: факат одамда бўладиган, у билан худо ўртасида воситачи бўладиган ғайримоддий, ўлмас, абадий асос, руҳ” (2,1,52) изоҳи берилган бўлса, янги луғатда “*Диний тасаввурларга кўра, фақат одам тириклигида, ҳаётида у билан бирга бўладиган, вафотидан кейин тандан чиқиб абадий мавжуд бўладиган ғайри моддий асос, руҳ*” (5,1,94) каби ҳолатда тушунчага аниқлик киритилади.

Фаришта «диний тасаввурга кўра, худо топириқларини ижро этувчи, жаннат ва дўзахни бошқарувчи, қанотли, ғайритабиий махлук; малак» маъносини билдириб, аёлларга нисбатан кўчма “*яхши хулқ-атворга эга бўлган ва гўзал*” семаларида қўлланади. Бундан ташқари *фариштаси йўқ* иборасида “*кўрк*”, “*ўзига жалб қиладиган фазилат*”, “*хосият*” (2.2.295) семаларини ифодалайди. Янги луғатда берилган иборалар воситасида сўзнинг “*жозиб*”, “*файз*”, “*қут-барак*” (5.4.329) каби семалари юзага чиқади. Уларни бирлаштириб турувчи интеграл сема “*ижобийлик*” белгисидир. Лекин сўзнинг аслига мурожаат қилинганда, “*фаришталар сон-саноксиз бўлиб, ҳар бири маълум бир вазифани бажаради*”¹, шу сабабли ҳам “*азоб фариштаси*”, “*ўлим фариштаси*” каби бирикмалар нуктаи назаридан беш жилдли изоҳли луғатда сўзнинг семантик таркиби тўларок ифодаланган.

Жажман сўзи ҳар икки луғатда шевага хос сўз сифатида “*жажжи*” деб изоҳланади: [*Бола*] *Ўзи ҳам жажман, ўткир қилличини, ханжарини, кичик, лекин ростакан ўқ-ёйини тақиб олди.* (5.11.64) Ойбек, Навоий. Мисолдан ҳам кўриниб турибдики, матнда бола ҳақида сўз кетяпти, унинг кичкина эканлигини таъкидлашга ёзувчи эҳтиёж сезмаган бўлса керак. Сўзни эркалаш, ўхшатиш мақсадида қўллаган бўлиши мумкин. Ёзувчи Эркин Аъзамнинг “*Жажман*” хикоясида жажман кичкина, ебтўймас. ниҳоятда сурбет махлук сифатида тасвирланади. Шундан келиб чиқиб. сўзнинг “*шайтон*”, “*яъжуж-маъжуж*” каби диний тушунчаларни билдирувчи сўзлар билан битта гуруҳга кириши. юқоридаги матнда эса эркалаш маъносида ишлатилган дея оламиз. Масалан. шумтака болаларга нисбатан *Оббо шайтон-ей* ибораси ишлатилади.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд - Тошкент Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриети. 2007 329-бет.

Жон сўзи изоҳида ҳам турфаликни кузатишимиз мумкин: “*диний-мистик тасаввурларга ва идеалистик фалсафада: жониворлар барҳаётлигининг ўлганда гўё тандан жудо бўладиган, одамда эса руҳга айланиб абадий яшайдиган гайритабиий (илоҳий) омили*” (2,1,286)– “*диний-ибтидоий тасаввурларга кўра, инсон ва ҳайвон танасида бўладиган, уйку чогида (вақтинча) ёки ўлган вақтда танадан чиқиб кетадиган алоҳида кўзга кўринмас илоҳий куч, қувват; руҳ*” каби. Шунингдек, берилган иллюстратив мисоллар орқали жон сўзи маъноларини аниқлаштириш мумкин:

Жони огримоқ - “сезувчи, хис этувчи тан, бадан” – “таннинг жон билан узвий боғликлиги”;

Кемага тушганнинг жони бир - “хаёт, хаёт-мамот” – “энг олий, умумий манфаат”;

Биз тўққиз жон эдик - “киши, одам” – синекдоха йўли билан: “жоннинг тан билан бирга инсоннинг узвий қисмлари эканлиги”, киёс: *Биз тўққиз тан эдик ёки бир тан, бир жон бўлиб*;

Ёш жонинг бор, қизим - “бош, жусса” – “бош ва жоннинг узвий боғликлиги ва улар тана тириклигининг асоси эканлиги”, “умр”, киёс: *Ёш бошинг билан аралашиб нима қиласан*;

Жони борича ҳаракат қилмоқ - “куч, қувват, мадор” – “қувватнинг жондан таъсир олиши”;

Ёмгир – пахтанинг жони - “хаёт манбаи, хаёт бағишловчи нарса” – “энг азиз нарса”, киёс: *Жон керакми, ҳамён?*

Демак, иллюстратив мисоллар “жон”нинг “моддийлик (тан) ва номоддийлик (қувват)нинг асоси, манбаси”, “энг азиз ва олий манфаат”, “инсоннинг хаётдаги ўрнини белгилловчи” маъно кирраларига ҳам эга эканлигини кўрсатади ва ўз навбатида тил эгаси бўлган миллатнинг дунёкарашини белгилайди.

Нарса-буюмни билдирувчи сўзлар жумласига *алома, жанда, жойнамоз, исқот, кафан, кашкул, маҳр* кабилар киради.

Зуннор сўзи мисолида ҳам икки жилдли лугатда яққол кўзга ташланадиган хусусият тушунчага бирёклама ёндашувдир: “*маълум тусдаги жундан эшилган чизимча-белбоғ (мусулмон давлат кўл остидаги христианлар, яҳудийлар шў чизимчани ўстки қишм ўстидан боғлаб юришга мажбур эдилар)*” (2,1,311). Янги лугатда бу изох куйидаги шаклда: “*мусулмон давлати ҳудудида яшаб, бошқа динга эътиқод қилувчилар*

(яхудий ва христианлар) мусулмон эмаслиги белгиси сифатида тақиб юрнадиган, чармдан ясалган ёки маълум тусдаги жундан эшилган чизимча-белбоғ” (5,II,165) тарзида берилган. Зуннор диний тушунчани ифодаласа-да, хозирги кунда тарихга оид термин сифатида ишлатилади.

Таврот сўзи икки жилдли луғатда “яхудий динининг муқаддас китоби” (2.2.102) тарзида изоҳланган бўлса, янги луғатда “Ислом ақидасига кўра, Аллоҳ томонидан Мусо алайҳиссаломга нозил қилинган илоҳий китоб” (5.3.632) тарзидаги кўшимча таъриф ҳам берилган.

Зулфиқор “Муҳаммад (САВ)нинг Бадр жангида қўлга туширган икки учли шамшири” бўлиб, “кейинчалик Ҳазрат Алига, сўнг бошқа халифаларга ўтган” (5,II,165). Икки жилдли луғат эса “Муҳаммаднинг куёви бўлмиш тўртинчи халифа Алининг афсонавий қиличи” (2,1,311) маълумоти билан чекланади.

Сирот икки жилдли луғатда пули сирот изофаси оркали воқелашиши кўрсатилади ва “диний ақидаларга кўра, охиратда гўё ҳамма ўлганлар тирилиб, жаҳаннам устидан ўтадиган афсонавий қил кўприк” (2.2.56) деб таърифланади. Янги луғатда изоҳдаги ишончсизликни билдирувчи *зўё* сўзи олиб ташланади, сўзнинг фақат ислом динига тегишли тушунча эканлиги кўрсатилади, шунингдек, форсий ва туркий халқлардагина пулсирот, пулисирот деб аталиши берилади.

Жой, даражани билдирувчи сўзлар асосан диний маъноси билан ўринни, баъзан даражани билдириши билан ажралиб туради.

Дўзах сўзи изоҳида икки жилдли луғатда киноя усулида изоҳга кўшимча мазмун юклатилган: “диний тасаввурларда: ўлган “гунохкор” бандалар “нариги дунё”да абадий жазоланадиган жой, жаҳаннам” (2,1,241). Бунда диний карашларга ишонмаслик, унга киноя билан карашни ифодалаш етакчилик қилган.

Тақяхона сўзи икки жилдли луғатда тақя сўзи билан синоним сифатида “одамлар тўпланиб улфатчилик қиладиган жой”, “банги ва кўкнори тўпланадиган жой: кўкнорихона” (2.2.110) тарзида изоҳланади. Янги луғатда сўз тарихга оид термин сифатида “мусулмон мамлакатларида бой одамлар томонидан қурилган, мухофиз, камбағал, уйсиз кишиларга вақтинча ётоқ, бошпана сифатида бепул хизмат кўрсатадиган меҳмонхона”, шунингдек, диний тушунча сифатида “шиа йўналишига мансуб мусулмонлар ибодатхонаси, масжиди” (5.3.647) дея изоҳланади.

Жаннат, жаҳаннам кабиларда сўзликка бериладиган *дин*. (диний) шартли кискартмасидан ташқари “диний-мистик тасаввурларда” маълумоти кўшилиши ўзига хос услубий, мантикий вазифа бажаради.

Жоме сўзи икки жилдли луғатда фақат масжиди жоме ибораси таркибида учраши кўрсатилади: “*шаҳар ёки маълум ҳудуднинг жума намози ўқиладиган энг катта масжиди*” (2,1,287). Бундан жоме сўзининг “*катта*”, “*жума кунни билан богликлик*” каби маънолари юзага чиқади. Янги изоҳли луғатда жоме “*кўпчилик бўлиб намоз ўқиладиган махсус жой*” (5,II,102) тарзида изоҳланиб, асосан “*кўпчилик*” семаси устун эканлиги кўрсатилади.

Мадраса ҳар икки луғатда тарихий тушунчани ифодаловчи сўз сифатида “*Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, шунингдек, чор Россиясининг кўпчилик мусулмонлар яшайдиган ҳудудларида диний олий ўқув юрти*” маъноси берилади. Мустакилликка эришгач, юртимизда олиб борилган ислохотлардан бири виждон эркинлиги масаласи бўлиб, бу ислохотлар натижасида мадраса сўзи яна “*хаёт*”га қайтиб, “*диний таълим берадиган ўрта-махсус билим юрти*”ни англата бошлади. Мас., *Мулла Қирғиз мадрасаси*.

Маъбад, масжид, ибодатхона, ибодатгоҳ, арасот, аъроф, байтуллоҳ, даргоҳ, дорилбақо, зиёратгоҳ, ибодатхона, ибодатгоҳ каби сўзлар ҳам мазкур гуруҳга киради.

Арши сўзига икки жилдли луғатда биринчи банддаёк диний тушунча сифатидаги изоҳи – “*Худонинг тахти*” берилган, сўнгра кўчма “*осмон, фалак, кўк*”, эскирган “*уй ичининг тепаси, шифт*” маънолари берилган бўлса, янги луғатда нима учундир на сўзда, на Арши аъло изофаси изоҳида унинг диний тушунча сифатидаги маъноси берилмаган.

Диний категорияларни билдирувчи сўзлар илохий тушунчаларни билдириб, уларни изоҳлашда ҳар икки луғатда ҳам ўзига хосликлар кузатилади.

Дин “*илоҳий кучга ишоншига асосланган дунёқараш ва тасаввурлар*”(2,1,227) билан бирга “*илоҳий кучга, Худога ишоншига асосланган дунёқараш, тасаввур, урф одат ва маросимлар мажмуи*” (5.1.621) эканлиги тўлиқроқ изоҳ бўлиб, диндан чикмок (ёки қайтмок) ибораси икки жилдли луғатда атеистик мафкурага асосланган холда “*диннинг илмга, ҳақиқатга хилоф эканини англаб, унга амал қилмай қўймок*” деб таърифланади. Янги луғатда эса бу сўз изоҳига ёндашишда

холислик тамойили таъсири кузатилади: “динга ишонмай, унга аман қилмай қўймоқ; даҳрий бўлмоқ” ва бугунги кундаги дунёқарашлар тўкнашуви манзарасини акс эттирувчи маъноси ҳам келтирилади: “ўз динини бошқа динга алмаштирмоқ”. Динсиз сўзида ҳам “динга, худога ишонмовчи; атеист, даҳрий” маънолари берилиб, “диндан қайтган, кофир, шаккоқ” (5,1,623) изоҳидаги “диндорлар назарида” бирикмаси олиб ташланади. Дарҳақиқат, халқимиз дунёқарашада маслак, диёнат масаласи муҳим ўрин эгаллайди.

Имон икки жилдли луғатда “худога бўлган ишонч, эътиқод”, беш жилдли луғатда “худога бўлган ишонч, эътиқод; кўнгилда ишонил ва тилда иқрор қилиш” (5,11,203) тарзида тавсифланади. Ислоннинг асоси бўлган беш фарзнинг бири – дилда ишониб, тилда калима келтириш янги луғатда қўшимча равишда умумий ифодаланган.

Аҳком сўзи икки жилдли луғатда берилмаган. Лекин янги луғатда ҳам эск.кт. “қонун-қоидалар, йўл-йўриқлар, ҳукмлар” (5,1,130) маъноси берилади-ю, сўзнинг фақат диний тушунча сифатида ишлатилиши кўрсатилмайди

Валфажри сўзи арабча “тонг, ибтидо” маъноларини билдириб, Қуръондаги 189-сура номидан олинган (5,1,439). Сўз адабий тилимизга валфажр ўқимок бирикмаси воситасида кириб келган, кизикарлиси фақат “қалдирғоч” сўзи билангина бир мазмуний гуруҳга киради ва бадий нутққа хосланганлиги билан ажралиб туради. Қалдирғочнинг ўзига хос овоз билан куйлаши кишиларда худди “валфажр” дегандек туюлиши ва шу асосда мазкур куш хақида баъзи қарашларнинг шаклланиши бирикма вужудга сабаб бўлган. Сўз икки жилдли луғатда берилмаган.

Ваҳий сўзи изоҳида икки жилдли луғатда “сўз худо томонидан пайгамбарга Жабраил фаришта орқали келтирилган хабар, буйруқ ва ш.к.” (2,1,176) сифатида қараш янги изоҳли луғатда “Ислон ақида-сига кўра, пайгамбарларга фаришталар орқали Аллоҳ томонидан юборилган буйруқ ёки кўрсатмалар” (5,1,451) тарзида тўғриланади.

Аркон сўзи арабча “руқн” – устун сўзининг кўплик шакли бўлиб, “улуг мартаба эгаси, катта амалдор, мансабдор, арбоб”, шунингдек, *аркони давлат*, *аркони ҳарб* бирикмаларида воқеалашадиган “давлат арбоблари, юқори мартаба эгалари”, “қўшиларнинг бош итаби, ҳарбий

қўмондонлик”¹ маъноларидан ташқари, *аркони дин* (5,1,98) бирикмасида “асос” маъносини ҳам ифодалайди.

Калима(й)и шаҳодат икки жилдли лугатда “*мусулмонликка иқрор бўлиш учун ёки мусулмонлик далили сифатида айтиладиган арабча ибора*” (2,1,360) тарзида изоҳланади. Янги лугатда “*мусулмонлик далили, асоси сифатида айтиладиган*” (5,II,298) шаклида қўшимча изоҳ берилади. Бу ислом динининг биринчи фарзи “*иймон келтириш*” калимаи шаҳодат келтириш эканлигига ишора қилинади.

Янги беш жилдли лугатда *идда* “*эрдан ажраган ёки эри ўлган хотинга ҳомиладорлиги аниқлангунча шариат бўйича эрга тегиш ман қилинган юз кунлик муддат*” (2,1,314) эмас, аниқроғи “*тўрт ою ўн кунлик*” (5,II,173) муддат эканлиги кўрсатилади.

Арабча *карам* сўзи ҳар икки лугатда “*марҳамат, мурувват, ҳиммат*”, “*раҳм-шафқат*”, “*сийлов*” тарзида изоҳланади, лекин бу сўз асосан диний характерда эканлиги айтилмайди. Илл.мисол: *Тангрининг карамига сизиниб...* Айний, Қуллар. Сўз умумлексикада “*улуғ яхшилик*” семасида улуғ деб билинган шахсларга нисбатан ҳам қўлланади: *Эй кўзлари хуморим. карам қил, бунча куйдирма. Т. Тўла. Сўз билан (араб тили нуктаи назаридан) ўзакдош бўлган карим сўзи янги лугатда берилган бўлиб, лугавий маъноси “ҳимматли, сахий; гуноҳларни кечирувчи”* (5,II,322) деб берилади. Иллюстратив мисол: *Холиқсан, каримсан, қаҳрингдан қутқар.* “Маликаи айёр” Мисоллардан кўринадики, **Карим** Аллохнинг сифат (исм)ларидан бири, *карам* эса факат унга хос фазилат экан. Бошқа маънолар, атокли отлар шу бош маънолардан келиб чиққанлиги кўринади. Бу ҳолат лугатларда берилмайди. Бу сўзлар билан яна бир ўзакдош “**каромат**” сўзига икки жилдли лугатда “*Худонинг, гайритабиий кучларнинг аралашуви билан, улар ёрдамида вужудга келадиган гароиб ҳодиса(лар). мўъжиза*” (5,II,323) изоҳи берилган. Сўзнинг “*бирор воқеа-ҳодисанинг қачон ва қандай бўлишини илоҳий билли асосида олдиндан билиш, олдиндан айтиб бериш*” маъноси юқоридаги ҳаракат-ҳолатнинг инсон воситасида амалга оширилишини кўрсатиб турибди. Эътиборли жиҳати ҳар бир сўзда “улуғлик” семаси сакланиб қолган.

¹ Ўзбек тилининг изоҳи лугати. I жилд. - Москва: Рус тили. 1981. - 54-бет.

Саттор сўзи изохида ҳар икки луғатда сўзнинг тилимизда “*Ўламан саттор*” ибораси таркибида учраши ва бу ибора асосида “*Ўлсам ҳам, асло, сира, ҳеч*” маъносини ифодалаши кўрсатилади. Янги изоҳли луғатда катта қавс ичида унинг этимологияси ҳам берилади: [*а. Ҳимоя қилувчи, кўриқловчи; тўсиб, беркитиб турувчи; гуноҳларни кечирувчи, афв этувчи (Аллоҳнинг сифатларидан бири)*] (5.3.460)

Тажалли сўзида ҳам шу каби ҳолат юзага чиқади. Сўзнинг фақат этимологияси билан боғлиқ умумлексикага мансуб “*жилва, жишо; жишолар*” (2.2.106) маъноси келтирилади. Бирок сўз мумтоз адабиётимизда Аллоҳ ва уни ифодаловчи сўзлар билан бир парадигматик каторда ётади: *Машраб бўлубон кўюнга чун барқи тажалли ...* (Машраб) Шу жиҳатдан янги луғатда тажаллининг “*Аллоҳнинг зуҳурланиши, намоён бўлиши (зот тажаллиси, сифот тажаллиси, феъл тажаллиси каби уч турга бўлинади)*” (5.3.637) диний лексикага хос семасининг берилиши адолатлидир.

Янги изоҳли луғат икки жилдли луғатдан диний мавзуга мансуб сўзлар микдорининг сезиларли кўплиги билан ҳам фарқланади: *амри маъруф, асҳоб, ваҳдат, ваҳдоният, ваҳҳобийлик, габр, жавонмардлик, зардушт, зардуштийлик, зуҳд, иршод, йога, ламаизм, мусулмонобод, муҳаддис, фатвоҳон* кабилар икки жилдли луғатда сўзлик сифатида берилмаган. Уларнинг семантик таркиби ва ижтимоий аҳамиятини ўрганиш орқали сўзларнинг икки жилдли луғатда берилмаслик сабабларини ойдинлаштириш мумкин.

Икки жилдли изоҳли луғатга киритилмаган диний мавзудаги сўзларни қуйидаги маъновий гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

1. Шахсни билдирувчи сўзлар.
2. Йўналишни билдирувчи сўзлар.
3. Куръон суралари номини ифодаловчи сўзлар.
4. Фаолият-жараён, амални билдирувчи сўзлар.
5. Нарсани билдирувчи сўзлар.

Шахсни билдирувчи сўзлар. Асҳоб сўзи янги изоҳли луғатда “*дўстлар, ўртоқлар, ҳамсуҳбатлар*”, “*саҳобалар - Муҳаммад пайгамбарни кўрган, унинг пайгамбарлигини тан олган, бинобарин, дастлаб мусулмонликни қабул қилган кишилар. Муҳаммад пайгамбар сафдошлари*

сўхбатдошлари”¹ (5.1.112) маъноларига эга эканлиги кўрсатилади. З. М. Бобурда сўз “дўстлар” маъносида ишлатилади: “Асҳоб, йигилмоқни фароғат тутунгиз...” Мазкур сўз ҳозирги кунда умумистеъмолдан чикиб кетган бўлиб, асосан “саҳобалар” маъносида, диний даврага оид шахслар нутқидагина ишлатилади: *асҳоби ажмаъин...*

Факих “дини ислом, шариат қонун-қоидаларини яхши билувчи ва таҳлил қилувчи” (5.4.337) маъносига эга бўлиб, асосан диний илм билан боғлиқ тушунчани ифодалайди. Истиклол шароитида халқимизнинг миллий ва диний кадриятларига бўлган эътибор туфайли фикҳ, факих каби сўзлар истеъмолга кириб бормокда.

Аждодларимиз илмий ва адабий меросини ўрганиш тадқиқ этишда турли бошқа жиҳатларни ҳисобга олиш лозимлигини кўрсатди. Шу туфайли тилимизда ислом дини билан бевосита боғлиқ бўлган тасаввуф, унинг категориялари, бадий асарларда тасаввуфий қарашларнинг акс этиши борасида бир қанча ишлар юзага келди². Натижада тасаввуфий тушунчаларни билдирувчи бир қанча сўзлар тилимизда қайта “жонланди”. Адабиёт, тарих соҳалари учун одатий сўзларга айланди.

Солик тасаввуф тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, “сулук (*тариқат*)ни ихтиёр қилган, лекин ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган мурид” (5.3.546) маъносини ифодалайди. Мазкур сўзга нисбатан кенгрок тушунчани ифодалайдиган “сўфий” (5.3.598) асосан тасаввуфда, шунингдек, тасаввуф билан боғлиқ бўлган диншунослик, фалсафа, адабиёт, тарих соҳаларида қўлланади. **Тариқат ахли** (5.3.683) бирикмаси ҳам юқоридаги сўзларга синоним сифатида ишлатилади.

Йўналиш, мақомни билдирувчи сўзлар. Юртимиз худудида асос солинган ва тараққий топган нақшбандийлик, кубровийлик ва маълум маънода, яссавийлик тариқатлари тилимизга бир қанча тасаввуфий тушунчаларни ифодаловчи ўзлашмаларни олиб кирган. Кизиғи, уларнинг кўпчилиги асосан диний-тасаввуфий маънодагина ишлатилади:

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. - 112-бет. (Бундан кейин мазкур мабоддан олинган ҳаволалар саҳифаси қавс ичида кўрсатилади: 5 1 254 тарихида)

² Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. - Тошкент: Ўғувчи, 1998; Комилов Н. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси. “Шарқ машаъли” журнали 1998 й. 1-2 сон. 47-51-бетлар; Очилов Э. Муборак сарчашмалар. Тошкент: Ўқитувчи, 1997. ва бошқалар.

Сулук “соликнинг тарикат йўлини ўтиш жараёни; муриднинг рухий-ахлокий камолотга эришиш йўли”ни (5.3.586) билдиради. Бу жиҳатдан у йўл, йўналиш, тарикат сўзи билан маъновий синоним.

Тавҳид сўзи диний тушунча сифатида “Аллоҳнинг яккаю ягоналигига эътиқод қилиш, Аллоҳга ширк келтиришининг барча кўринишларидан воз кечиш” маъноси билан бирга “тасаввуфнинг бешинчи босқичи: Ҳақиқат билан уйғунлашиш, инсон руҳининг Аллоҳ томон юксалиши” (5.3.633)ни ҳам ифодалайди.

Фано “йўқ бўлиб кетиш, ўлиш” маъносини билдириб, фано бўлмоқ (ёки топмоқ) кўшма феъли “ўлмоқ, вафот қилмоқ; йўқ бўлмоқ” ва “ўзидан ва бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сизиниш” (5.4.324) ни ифодалайди. Умумтил лексикасида ҳам “йўқ бўлиш” маъносида бадий услубда кенг қўлланади. Халк тилида пано шакли ҳам мавжуд: *Муллаваччаларнинг ҳам ранги пано* (Ғ.Фулум, Менинг ўғригина болам)

Футувват тасаввуфда Нажмиддин Кубро асос солган кубравия тарикати, йўналишининг яна бир номи бўлиб, ўз меҳнати билан кун кўриш, ўзидан ортганини эҳсон қилиш, саховатпешалик қилишга асосланган: *Футувват барча бермакдур, демак йўқ..* (Навойи). Ҳозирги кунда футувват “йўналиш” семасини йўқотган, янги изохли лугатда “қўли очиқлик, сахийлик, саховатлик” (5.4.368) маънолари берилади.

Европа тилларидан ўзлашган бир канча ўзлашмалар ҳам диний-фалсафий оқимларни билдиради:

Фидензм “илмон-эътиқод ақл-идрокдан устун туради, деб ҳисобловчи, фан ва илмий билишни чекловчи диний дунёқараш”ни билдириб, икки жилдли изохли лугатда берилмаган. Бошқа лугатларда сўзга “билимлар билан бирга диний эътиқоднинг ҳам зарурлигини асослайдиган реакцион философик оқим”¹ тарзида изох берилади. Демак, сўз совет фанининг илмий-атеистик таълимотига мос келмаганлиги туфайли ҳам икки жилдли лугатга киритилмаган. (5.4.342)

Тотемизм - (асоси тотем Шимолий америкалик олживе хиндулари тилидаги ототем сўзидан олинган бўлиб, “унинг уруги” маъносини англатади²) этнографияга оид термин сифатида «Илк уругчилик тузумидаги ош, эътиқод шакли: маълум бир уругнинг уруг асосчиси ва ҳолийси деб

¹ Атеистик энциклопедик лугат - Тошкент: ЎзСЎ Бош редакцияси, 1988 - 394-бет

² Словарь иностранных слов - Москва: Русский язык, 1979. С. 513

ҳисобланган бирон-бир тотем билан гайритабиий алоқасига ва қон-қариндошлигига ишонч билан характерланади» (5.4.158) тарзида изоҳланади. Дарҳақиқат, тотемизм ҳозирги кунда диний тушунча сифатида эмас, тарихий-этнографик тушунчани ифодаловчи сўзлар каторига киради.

Фетишизм сўзида ҳам шу ҳолат кузатилади. Бирок тор доирада кўчма “бирор нарсага кўр-кўрона, берилиб эътиқод қилиш, бу нарсага маҳкам ёпишиб олиш” (5.4.341) маъносида ҳам қўлланиши янги изоҳли лугатда кўрсатиб берилади.

Қуръон суралари номини ифодаловчи сўзлар. Валфажри сўзи арабча “*тонг, ибтидо*” маъноларини билдириб, Қуръондаги 189-сура номидан олинган (5,1,439). Сўз умумсўзлашувга валфажр ўқимок бирикмаси воситасида кириб келган, кизикарлиси, факат “калдирғоч” сўзи билангина бир уяга киради ва бадий нутқка хосланганлиги билан ажралиб туради. Қалдирғочнинг ўзига хос овоз билан куйлаши кишиларда худди “валфажр” дегандек туюлиши ва шу асосда мазкур қуш ҳақида баъзи карашларнинг шаклланиши бирикма вужудга сабаб бўлган. Мас.: *Қалдирғоч мачитнинг ... баланд панжарасига ўтириб олиб, ҳадеб валфажри ўқимоқда.* (М. Исмоилий) Иллюстратив мисол шўро даврига оид манбадан келтирилган, лекин сўз икки жилдли лугатда берилмаган.

Таборақ “Қуръондаги суралардан бирининг номи” (5.3.628)ни ифодалаб икки жилдли изоҳли лугатда берилмаган.

Фаолият-жараён, амални билдирувчи сўзлар. Кафорат “*ғуноҳни ювиш. ғуноҳни ювиш учун бериладиган садақа. эваз қайтариш*”(5,2, 336) бўлиб, жумладан, рўза қасддан ёки билмай бузилганда кафорат рўза тутиб берилади. Бизнингча, сўз ёзилишида *ф* иккиланади: *каффорат* тарзида.

Тажвид “Қуръон оятларини ўқишда нутқ товушлари талаффузининг тўғрилигига эътибор бериш. Қуръонни қироат, алоҳида оҳанг билан ўқиш. Қуръон ўқиш илми” (5.3.638) ни ифодалайди.

Умра “*ислом анъанасида кичик ҳаж; Қуръон ояти ва Пайгамбар алайҳиссалом суннати билан собит бўлган амал (Умрани ил-ун икки ой бажариш мумкин)* (5.4.285)ни билдиради.

Мазкур сўзларнинг икки жилдли изоҳли лугатга киритилмаганлиги сабаби - уларнинг факат диний тушунчани ифодалаши, диннинг давр ва жамиятда қуйи ўрин тутганлигидандир.

Нарсани билдирувчи сўзлар. Икки жилдли лугатда “*қиймат кун* *Исрофил фаришта томонидан чақинабдиган, шох (муғуз)дан шиланган*

карнай” (5.3.590) сур сўзи диний қарашлар билан боғлиқ тушунча бўлгани учун ҳам берилмаган.

Тотем, фетиш тотемизм, фетишизм сўзлари каби диний тасаввурларни ифодалагани учун ҳам икки жилдли изоҳли лугатда берилмаган. Янги изоҳли лугатда этнографик тушунчани ифодаловчи сўзлар сифатида ўз ўрнини топган.

Истиклол шароитида виждон эркинлиги масаласига юқори эътибор билан қаралгани туфайли христиан динига хос бўлган сўзлар ҳам янги лугатдан ўрин олган. Жумладан, собор “*олий мартабали руҳонийлар ибодат қиладиган йирик христиан ибодатхонаси*” (5.3.538) ни билдиради.

Шунингдек, **фарониз** сўзи маълум соҳани (“ернинг хажмини ўлчаш билан шуғулланувчи, ҳисоб-китобларга оид соҳа (фан); фикх илмида: бажарилиши шарт бўлган амаллар ҳақидаги бўлим, жумладан, шариатнинг меросни тақсим қилиш ҳақидаги қондаларига оид билимлар”), **сахих** сўзи белгини (“энг ишончли деб ҳисобланган ҳадис; энг ишончли деб ҳисобланган ҳадислар тўплами; тузатилган, тўғриланган, бехато”) билдириб, **истиклол** йилларида аждодларимиз маънавий меросини ўрганиш ташаббуси орқали янги изоҳли лугатдан ўрин олган.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда бир қанча хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Тилнинг ривожланишида нолисоний омиллар: ижтимоий тузум, давр, илм-фан кабиларнинг ўрни жуда катта аҳамиятга эга.

2. Диний тушунчани ифодаловчи айрим сўзлар собиқ шўро даврида яратилган икки жилдли изоҳли лугатга кирмай қолган. Бунинг сабаблари:

- давлат, жамият, фаннинг дин билан салбий муносабати.
- диний соҳа, таълим ва унга боғлиқ бошқа тушунчаларнинг совет воқелигида ўз ўрнини йўқотиши, уларнинг кераксиз ва эскирган сўз сифатида лугатлардан чиқарилиши.

- юқоридаги сўзларнинг фақат диний тушунчани ифодалаб, бошқа қўчма маъноларга эга эмаслиги.

3. Муайян ижтимоий қатламга оид сўзлар узок “яшаши” учун, аввало, умумхалқ тилига сингиши, қўчма маънолари воситасида бошқа маъноларни ҳам ифодалаши керак.

4. Ҳозирги вақтда ҳам тушунарли бўлган айрим сўзларнинг изоҳли лугатда берилмаслиги шўро даврининг тил сиёсати мақсадларини кўрсатади.

5. Янги беш жилдли изохли луғат сўзликдаги бирликлар микдори билангина эмас, миллий тилимизнинг барча жиҳатларини тўла кўрсатиб бериши билан ҳам қимматлидир.

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб, шуни айтиш мумкинки, даврлар ўтиши билан тилнинг луғат таркиби, ундаги сўзларнинг фаоллашуви ва истеъмолдан чиқиб бориши билан бирга, жамиятнинг ўша тушунчаларга нисбатан умумий кайфияти ҳам ўзгариб туради. Ўзбек тилининг икки жилдли луғати шўро даври илмининг умумий тамойиллари, қонуниятларини ўзида акс эттиради. Луғат ўзбек лексикографиясининг катта ютуғи бўлишига карамай, бугунги кун билан номувофик жиҳатлари ҳам мавжуд.

Янги изохли луғат олдингисидан диний мавзуга мансуб сўзлар микдорининг сезиларли кўплиги билан фаркланади: *амри маъруф, асҳоб, ваҳдат, ваҳдоният, ваҳҳобийлик, габр, жавонмардлик, зардушт, зардуштийлик, зухд, ириод, йога, ламаизм, мусулмонобод, муҳаддис* кабилар икки жилдли луғатда сўзлик сифатида берилмаган. Бунинг асосий сабаблари сифатида жамиятимизда динга эътибор, тасаввуфни ўрганиш борасида қилинган ишларни кўрсатиш мумкин.

Тахлиллар шуни кўрсатадики, ўзбек тилининг бебаҳо мулки бўлган, ҳаётда бекаму кўст хизмат қилаётган жуда кўп сўзлар шўро даврида “диний”, “эскирган” билан тамгалар билан тазйикка учради, истеъмолдан чиқарилди, уларнинг ўрнини “русча байналмилал сўзлар” эгаллади¹.

Диний мавзудаги сўзлар изохидаги ноҳолислик, субъективлик каби илм таракқиётига соя солувчи жиҳатларга янги луғатда танқидий ёндашилиб, бу камчиликлар тўғриланган.

Биз буни айниқса диний тушунчаларни акс эттирувчи сўзлар изохида кузатамиз. Икки жилдли луғатда тил эгаси бўлган миллатнинг эътиқоди ва маънавий дунёси ҳисобга олинмагани қуйидагиларда кўринади:

1. Диний акидаларга ишонмасликни ифодалаш. Бунда сўз изохига *зўё, эмиш* каби лексик воситалар, *диний-мистик тасаввурларда, диндорлар эътиқодича* каби кириш бирикмалардан ва киноя усулидан фойдаланилади.

¹ Мадқалиев А. Янги луғатлар яратиш – давр тақозоси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 4-сон. – 17-18-бетлар

2. Диний тушунчаларни ифодаловчи сўзларга ибтидоийлик, эскилик бўёғи бериш ва мифологик характерлаш.

3. Диний тушунчаларни бирёклама таърифлаш.

4. Динга ишонмаслик, уни тан олмаслик билан боғлиқ тушунчаларга хайрихоҳлик билан ёндашиш.

5. Сўз маъносига эмас, унинг (шўро мафкурасига нисбатан) сиёсий, ижтимоий жиҳатларини кўрсатишга эътибор қаратилиши.

6. Диний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар миқдори нисбатан камлиги (беш жилдли лугатга нисбатан): *амри маъруф, асҳоб, ваҳдат, ваҳдоният, ваҳобийлик, габр, жавонмардлик, зардушт, зардуштийлик, зуҳд, иршод, йога, ламаизм, мусулмонобод, муҳаддис* кабилар икки жилдли лугатда сўзлик сифатида берилмаган.

7. Сўзларнинг диний муносабатни ифодаловчи маънолари берилмагани.

Янги изохли лугатда диний тушунчаларни билдирувчи бир канча сўзларнинг изохлари бирмунча аниқлашган, унинг белгиларини билдирувчи мисол ҳамда изохлар билан тўлдирилган.

Аср, амома, анбиё, арафа, алмисоқ, алҳамдулиллоҳ, алҳазар, анқо, арасот, аср, аъроф, байтуллоҳ, балогардон, бомдод, бузрук, бетавфиқ, валлоҳи аълам, валлоҳ(и), валий, ваъз, воиз, гуноҳ, гадо, дарвеш, даргоҳ, даҳа, дев, девона, диёнат, диндор, диндош, диний, домла, домулла, дорилбақо, дулдул, дуо, жанда, жаноза, жаннати, жойнамоз, закот, замзам, зиёратгоҳ, зиёратчи, зоҳид, ибодат, ибодатхона, ибодатгоҳ, илло-билло, илоё, илоийим, илоҳа, имом, имомат, имомча, иншооллоҳ, истигфор, исқот, ифтор, иқтидо, каромат, кафан, кашкул, Каъба, Каъбатулло(ҳ), Лайлатулқадр, мавлуд, мавлоно, макруҳ, малоик, малоика, манкуҳа, мардуд, маросим, марҳум, масжид, маширу, маъбад, маъбуда, маърака, маҳр, маҳрам, маҳшар, минбар, миссионер, муроқабача, муртад, муслим, мутассиб, мутаваззи, мушкулкушод, муқаддас, мўмин, сайид, салиб, санам, сано, сарвар, сақар, соҳиб(и) каромат, субҳон, суннийлар, суфийна, таваккал, таассуб, таважжуж, такбир, тарсо, тасбеҳ, тафсир, таямму, тақво, тақводор, таҳоратхона, тиловат, тоат, тобут, толиб, тумор, турбат, узлат, фирдавс, фитр, фикҳ, халлоқ, хат-махр, хатна, хилхона каби сўзлар изохда ҳар икки лугатда умумийлик кузатилади.

Даврлар ўтиши билан тилнинг лугат таркиби, ундаги сўзларнинг фаоллашуви ва истеъмолдан чиқиб бориши билан бирга, жамиятнинг ўша

тушунчаларга нисбатан умумий кайфияти ҳам ўзгариб туради. Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли луғати шўро даври илмининг умумий тамойиллари, қонуниятларини ўзида акс эттиради. Шу сабабдан қарийб 30 йил давомида тилимиз луғат таркибида рўй берган сифат ва микдор ўзгаришилари кўрсатиб берилиши, луғатшунослик соҳасида эришилган ютуқлардан унумли фойдаланилиши каби омиллар янги изоҳли луғатнинг қимматининг оширади.

Ўзбек луғатшунослиги ва луғатчилиги ўзига хос тараккиёт боскичлари ва йўналишларига эга соҳа ҳисобланади. Унинг илдизлари, бир томондан, араб луғатчилиги анъаналаридан озикланган бўлса, иккинчи томондан, ўз тараккиёти давомида рус луғатчилиги ютуқларининг сезиларли таъсири кузатилади. Бунда миллий алифбо тизими, илм-фан марказлари, ўзаро ижтимоий-сиёсий ва адабий алоқаларнинг аҳамияти катта бўлган.

Ўзбек луғатшунослигининг илк даври (XI-XIII аср)да араб луғатшунослиги ютуқларидан унумли фойдаланилган. Мазкур луғатлар комусий характерга эга бўлиб, тилшунослик, тарих, фольклор, топонимика, география, астрономия каби соҳаларга оид қимматли маълумотлар, илмий қарашлар баён этилган. Улар бир қанча турдаги луғатлар яратишдаги муваффақиятли уринишлар сифатида баҳоланади.

Навоий асарлари билан боғлиқ бўлган луғатлар, асосан, филологик характерда бўлиб, уларнинг яратилишига асосий сабаб эса Алишер Навоий асарларини ўрганишга бўлган қизиқиш бўлган. Маълум адиб ёки бир неча адиблар асарлари асосида тузилганлиги, сўзларни уяларга бирлаштириш анъанаси ривожлангани, айримлари Шарқ луғатшунослигининг энг яхши анъаналарига суянганлиги (“Бадойиъ ал-луғат”, “Санглох”), илмий кузатишлар самараси, танқидий қарашлар, грамматик очерклар берилганлиги билан ажралиб туради.

XX аср ўзбек луғатшунослиги кенг тармоқчилиги, йирик ҳажмдаги лексикографик тадқиқотлар амалга оширилганлиги, улар кейинги давр – мустақиллик даври луғатчилиги учун илмий асос ва кенг материаллар базаси бўлиб хизмат қилганлиги билан аҳамиятга молик. Гарчи мазкур даврда барча соҳалар каби луғатчилик ҳам мафкуравий босим таъсири остида қолган бўлса-да, улардаги амалий натижалар, соф илмий қарашлар эътиборга сазовор. Мустақиллик даври луғатчилиги худди мана шу илмий тамойиллар, назарий ютуқлардан баҳра олган ҳолда тараккий этмоқда.

Ўзлашма сўзлар тилшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида жуда кўп ўрганилган масалалардандир. Зеро, сўз ўзлашиши лисоний, нолисоний омиллар билан боғлиқ бўлгани учун лексикология, этимология, лексикография, ареал тилшунослик, қиёсий-тарихий ва чоғиштирма тилшунослик, этнолингвистика, нутқ маданияти каби кўплаб тармоқ

соҳаларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Ўзлашма сўзларнинг лексикографик тадқиқи эса юқоридаги соҳалар билан бирга семантика, семасиология, лингвомаданиятшунослик ютуқларидан фойдаланишни такозо этади. Жамият ва замон ўзгариши сўзларнинг изоҳланиши, баъзан сўз ифодалаган тушунча билан боғлиқ равишда семантик структурага ҳам таъсир қилади. Жумладан, диний тушунчаларни ифодаловчи, ижтимоий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар семантик тизимида бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Шу туфайли ҳам ушбу тадқиқотда юқоридаги каби ўзгаришлар ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда берилган ўзлашма сўзлар доирасида ўрганилиб, сўзларнинг семантик тавсифи, сўз маънолари тадқиқига ёрдам беради деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Karimov I.A. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. – Т.: O'zbekiston, 2011. 442 б.
3. Karimov I.A. "Barcha reja va das turlarimiz vatanimiz taraqqi yotini yuksaltirish, xalqimiz farovonligini oshirishga xizmat qiladi", "Xalq so'zi" gazetasi, 2011 yil 22 yanvar.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.

II. Лугатлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 жилдли. – Москва: Рус тили, 1981.
2. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.
3. Словарь иностранных слов. – М.: Русский язык, 1979.
4. Рахматуллаев. Ўзбек тилининг этимологик лугати. – Тошкент: Университет, 2000. 599 б.
5. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. IV жилдлик. – Т., 1983-1985. I жилд.
6. Атеистик энциклопедик лугат. – Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1988.
7. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1969. 608 стр.
8. Ахмад Мухаммад Турсун, Мухаммад Шариф Жуман. Ислом дини. – Тошкент: Мовароуннахр, 2006.
9. Жаббор А. Машраб асарлари учун лугат ва изоҳлар. – Фаргона: Фаргона, 2010. 246 б.
10. Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва, 1990. – С.596.
11. Махмуд Кошгарий. Девону луготит турк. 3 томли. – Тошкент, 1960-1963.

12. Навоий асарлари тилининг изохли луғати (Э. Фозилов рахбарлигида) 4 томлик. – Тошкент: Фан, 1983.
13. Носиров О., Юсупов М. ва бошқ. Ан-На’им. Арабча – ўзбекча луғат. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. 959 б.
14. Худойберганова Д. Лингвокультурологик терминларнинг қисқача изохли луғати. – Т., 2015.
15. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изохли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 2002.
16. Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Т., 1972.
17. Юсуф Б. Навоий тили луғати, 2016.
18. Мухаммед Якуб Чинги. Келур-наме. – Ташкент: Фан, 1982.

III. Илмий адабиётлар:

1. Jamolxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – T.: Talqin, 2005.
2. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. – Toshkent: Universitet, 2006.
3. Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари. – Тошкент: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2004.
4. Абдуллаев Ф. Арабизми в узбекском языке. Дис. канд. филол. наук. – Т, 1945.
5. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
6. Антонова О. П. Семантика узбекских заимствований русскоязычных художественных произведениях писателей Узбекистана: Дис. ... канд. филол. наук. - Т. 1998. - 243 с.
7. Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои. Лексико-семантические, статические и тематическая исследования.: Дис. канд. филол. наук. – Т.. 1989.
8. Баходирхон Абулғозий. Шажарайи тарокима. – Тошкент: Чўлпон, 1995.
9. Бегматов Э. Маматов А. Адабий норма назарияси. – Тошкент, 1997.
10. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т., 1989.

11. Бегматов Э., Жиянова Н. Нутк маданияти асослари (маърузалар матни). – Тошкент, 2006.
12. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси (Адабий норманинг шаклланиш ва яшаш қонуниятлари). III қисм. – Тошкент, 1999.
13. Бегматов Э.А. Собственный пласт лексики современного литературного языка. - Дис. д-ра филол. наук. – Ташкент, 1988.
14. Бельчиков Ю.А. Интернациональная терминология в русском языке. – М., 1959.
15. Бертагаев Т.А Лексика современных монгольских литературных языков. – Москва, 1974.
16. Блумфильд Л. Язык. – Москва, 1968.
17. Бойко А.П. Логический анализ структуры классификации. Дисс....канд. философ. наук. – Москва, 1983.
18. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – Москва: Просвещение, 1987. 160 с.
19. Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. – Москва, 1989.
20. Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. – Москва, 1989.
21. Гетманова А.Д. Логика. – Москва: Высшая школа, 1986.
22. Горбачевич К.С. Нормы современного русского литературного языка. – Москва: Просвещение, 1989.
23. Гулямова Н.Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. – Ташкент: Фан, 1985.
24. Д Махамдалиев Х.М. “Ғиёс-ул лугат” ва ундаги туркий катлам: Филол.фан. номз...дисс. автореф. – Т.,1988.
25. Дадабоев Х.А. Военная лексика в староузбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1981.
26. Дадаханова Т. Лексика вышивального искусства в узбекском языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. Ташкент, 1963.
27. Зограф Г.А. Иранские и арабские элементы в урду. – М., 1960.
28. Ибрагимова А. Исследование «Келурнаме» Мухаммеда Якуба Чинги: Автореф. дисс... канд.филол.наук. Т.,1976.
29. Иброт Исхокхон Тўра. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005.

30. Иброхимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. I (кулолчилик, тандирчилик ва сувоқчиликка оид). – Тошкент: Фан, 1956.
31. Иброхимов С. Фарғона шеваларининг касб-хунар лексикаси. II-III. – Тошкент: Фан, 1959.
32. Икрамова Н. Узбекская кулинарная лексика. – Ташкент, 1989.
33. Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998. 50 б.
34. Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида ўрганиш (шахс микромайдони). – Т., 1999.
35. Исхоқхон Тўра Иброт. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005.
36. Кадыров Т.Ш. Филологические исследование словаря «Хулоса-и Аббоси» Мирзы Мухаммада Хойи. АКД. – Т., 1988.
37. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – Москва, 1976.
38. Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 2004.
39. Кодирова Н.И. Семантико-стилистический анализ заимствований в узбекском и русском языках в новейший период 1991-2001 гг. (на материале газет и устной речи): Дис...канд. филол. наук. - Ташкент, 2001. - 167 с.
40. Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М., 1987.
41. Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М., 1987. – С. 189.
42. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. - Тошкент: Ёзувчи, 1998.
43. Кузнецова Э.В. Лексикология русского языка. – Москва: Высшая школа, 1989.
44. Қаххор А. Ҳақ сўзнинг кучи. Асарлар. 5-жилд. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
45. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент, 1977.
46. Лейбниц Г. Новые опыты о человеческом разуме. – М., Л., 1936.
47. Мадрахимов И.С. Ўзбек тилида сўзнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари. Филол. фан. номз... дисс. автореферати. – Тошкент, 1994.
48. Маковский М.М. Теория лексической аттракции. – М., 1971. – С.168, 169, 173.
49. Махмудов Н. Маърифат манзиллари. - Тошкент: Маънавият, 1999.
50. Махмудов Н. Тил ва маданият. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

51. Махмудов Н. Тил. - Тошкент: Ёзувчи, 1998.
52. Махмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. - Тошкент, 1997.
53. Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Қарши: Насаф, 2004.
54. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004.
55. Мирзаев М. Тил қандай ривожланади. – Тошкент, 1972.
56. Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари. ДДА. – Тошкент, 1994.
57. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол.фан.д-ри...дисс. автореф. – Тошкент, 2000.
58. Муталлибов С. Махмуд Қошғарий. Сўзбоши. Девону луғотит турк. – Тошкент, 1963.
59. Мухиддинова К. «Санглах» Мирзы Мухаммеда Мехдихана. Автореф. канд. дисс. – Ташкент, 1971.
60. Мухитдинов К. «Санглах» Мирзы Мухаммада Мехдихана. АКД. – Т., 1971.
61. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
62. Новиков Л.А. Семантика русского языка. – Москва: Высшая школа, 1982.
63. Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке. Автореф. дис. ...канд. филол. наук. Ташкент, 1971.
64. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1990.
65. Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002.
66. Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. –Тошкент: Фан, 2008.
67. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Тошкент: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти, 2001. 159 б.
68. Орифжонова Ш. Ўзбек тилида лугавий градуонимия. НДА. – Тошкент, 1996.
69. Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М., 1975.
70. Расулов Қ.А. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал ҳосланиши. Филол.фан.номз...дисс. автореферати. – Тошкент. 2008.

71. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент, 2005.
72. Рахмонов Т. Ҳозирги ўзбек тилидаги арабча ўзлашма сўзлар семантик тузилишидаги ўзгаришлар.: фил. фан. номз. ...диссертацияси. – Т., 1994. Д. 2168д.
73. Рустамов А. Махмуд Замахшарий. – Тошкент, 1971.
74. Рустамов А.Р. Фонетико-морфологические особенности языка А. Навои. Дис. ... д-ра. филол. наук. – Т., 1966.
75. Рустамова Салима Алибековна. Махмуд Кошғарий лугатининг лексикографик хусусиятлари. Фил.фан. номз.Т. 1998. УДК 809327 – 3 Р-92.
76. Сафарова Р.Г. Гипонимия в узбекском языке (На материале зоонимов). АКД. – Ташкент, 1990.
77. Свицова А.А. Лингвокультурная доминанта “дом – родина - чужбина” в русских и английских пословицах. Автореф....канд.филол.наук. – Ижевск, 2005.
78. Скворцов Л.И. Культура языка – достояние социалистической культуры. – М.: Просвещение, 1981.
79. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004.
80. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – Москва: Просвещение, 1975. 271 с
81. Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
82. Турсунпулатов М. Лексика узбекской разговорной речи. – Ташкент: Фан, 1986. 68 с.
83. Уватов У. Махмуд аз-Замахшарий. – Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.
84. Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981.
85. Умаров З.А. Грамматика староузбекского языка «Мабаниул-лугат» Мирзы Мухамедхана. Автореф. канд. дисс. – Ташкент, 1967.
86. Умаров Э.А. «Бадойи ул-лугат» и «Санглах» как лексикографические памятники и источники изучения староузбекского языка XV- XVIII вв. АДД. – Т., 1989.
87. Умаров Э.А. Грамматика староузбекского языка «Мобани ал-лугат» Мирзы Мехдихана. АКД. – Т., 1967

88. Ўринова О. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик тадқиқи. Фил. фанлари номз. илм. дар... дисс. – Тошкент, 2007 УДК 809.437.5.
89. Фаттахов Х. Муҳаммад Ризо Хансар и его «Мунтахаб ал-лугат». АКД. – Т., 1974
90. Фозилов Э.И. Қадимги обидалар ва Алишер Навоий тили. – Т., 1969.
91. Ҳамдамов Ж. Из истории русского языка в обогащение лексики узбекского языка (вторая половина XIX века). АКД. – Ташкент, 1963.
92. Ҳасанов Б.Р. Принципы составления рукописных словарей к произведениям Навои. АДД. – Т., 1989.
93. Ҳусанов Н. Лексикографическая характеристика словаря Шейха Сулеймана Бухари «Лугати чигатойи ва турки усмани»: Автореф. дисс... канд.филол.наук. Т.,1982.
94. Ҳакимжонов М. Ю. Махмуд Замахшарийнинг “Муқаддиму-л-адаб” асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили /“Исмлар”/ Фил фан номз. илм. дар. ... диссерт. - Тошкент, 1994. 207 бет
95. Ҳамидов З. Лугатшунослик тарихи ва қўлёзма лугатлар. – Т.: Адолат, 2004.
96. Ҳамраева Ё.Н. Ўзбек тилининг идеографик лугатини тузиш тамойиллари (харакат ва ҳолат тушунчасини ифодаловчи сўзлар мисолида). Фил. фанл. номз. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Тошкент, 2009.
97. Ҳамраева Ё.Н. Феъллар мисолида идеографик лугат тузиш. – Т.: Фан ва технология, 2014. 120 б.
98. Шарипов Ж. Из истории перевода в Узбекистане (дореволюционный период). АДД. – Ташкент, 1968.
99. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили 1-қисм. – Т.:Ўқитувчи. 1980. Б.448.
100. Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. – Москва, 1950.
101. Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Т., 1974.
102. Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Тошкент, 1974.

IV. Мақола ва тезислар:

1. Bodrogligeti A. Chagatay or classical Uzbek //Turk dilleri arastirmalari. 3 (1993):43-56. <http://turkdilleri.org>.
2. Bodrogligeti A. The Relevance of Classical Central Asian Turkic Literature to the Understanding of the Cultural Heritage of Central Asia // Beşinci Milletlerarasi Turkoloji Kongresi, Istanbul, 23-28 Eylul, 1985. Tebliğler. II. Turk Edebiyatı. Cilt I . İstanbul: Edebiyat Fakultesi Basımevi, 1985, 7-44.
3. Dr. Aziz B. Djuraev. The social lie as a central concept for research topic "Politics, power and speech" //Ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2006. – 42-бет.
4. Абдувалиев М. Тўсиксизлик майдони ва уни ташкил этувчи синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, 4-сон, 62-66-бетлар
5. Абдуллаев Ф. Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” асари ва унинг тили ҳақида//ЎТА. №4, 1978, 94-бет
6. Аврорин В.А. О предмете социальной лингвистики. Всесоюзная научная конференция по теоретическим вопросам языкознания (тезисы докладов и сообщений пленарных заседаний). – М., 1974.
7. Акмалова М. Лексикографические труды в собрании института востоковедения АН УЗ // Адабий мерос, 3 (57), 1991.
8. Апресян Ю.Д. Дистрибутивный анализ значений и структурные семантические поля // Лексикографический сборник. Вып. V. – Москва, 1962. – С.53.
9. Алманова О.С., Марченко А.Н. Основные направления в социолингвистике // Иностранные языки в школе. – М., 1971. №4.
10. Ахмедов А., Муродов С. Уч тиллик луғат // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968, 1-сон. – 11-12-бетлар.
11. Аширбоев С. Фитрат Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” асари ҳақида//ЎТА, №6, 1996. – 26-28-бетлар.
12. Балдауф И. Махмудхўжа Бехбудий ва унинг “Ойна” журнали // XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 35-46-бетлар.
13. Бафоев Б. Навоий тилида хиндча сўзлар // ЎТА, №4, 1991. 38-бет
14. Бегматов Э. Ўзбек адабий тилининг мустақиллик даври ривожига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 4-сон Мадвалиев А. Янги

- луғатлар яратиш – давр тақозоси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 4-сон.
15. Бехбудий М. Икки эмас, тўрт тил лозим // Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 151-бет.
 16. Бехбудий Маҳмудхўжа. Тил масаласи // Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 189-бет..
 17. Бобомуродова Ш. Элбекнинг луғатшунослик фаолияти // Тил ва адабиёт таълими, 2006, 6-сон. – 60-бет.
 18. Болтабоев Ҳ. Ўзбек филологиясининг ибтидоси// Тил ва адабиёт таълими, 2009, 9-сон.
 19. Гаджиева Н.З. Тюркские языки // Языки мира. Тюркские языки. – Бишкек, 1997.
 20. Ганиева С. Техрон китобхоналаридаги Навоий асарларининг қўллёзмалари // ЎТА, №4, 1991, 73-76-бетлар.
 21. Фафурова С. Салоҳиддин Тошкандий ва унинг “Луғоти салос” асари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 2-сон.
 22. Фафурова С., Мавлонова С. “Луғати салос” асарида синоним сўзларнинг қўлланиши // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари (Илмий-амалий хотира анжумани материаллари) – Фарғона, 2010. – 162-165-бетлар.
 23. Дадабаев Ҳ. Древние заимствования в системе общественно-политической и социально-экономической терминологии узбекского языка XI-XIV вв. // Адабий мерос, 3(57), 1991. – 46-53-бетлар.
 24. Жуманиёзов О. Байналмилал сўзлар масаласига оид// ЎТА, №2, 1991. – 67-бет.
 25. Ибрат Исҳоқхон тўра. Миллатни ким ислоҳ этар // Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 157-бет.
 26. Иброҳимов А. Ўзлашмаларда имло масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1-сон. 2007. – 68-бет.
 27. Искандарова Ш. Лексик-семантик система талқинлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009, 2-сон. – 43-45-бетлар.
 28. Искандарова Ш., Ганиева Ш. Лексик-семантик гуруҳ ва майдоннинг айрим хусусиятлари ҳақида // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари (Илмий-амалий хотира анжумани материаллари) – Фарғона, 2010. – 66-бет.

29. Калонова Д. Ўзбек тилида компьютер луғатчилиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012, 3-сон. 95-б.
30. Қориев Ў. Ҳадислар учун луғат // Шарк машъали, 1996. №1-2.
31. Мадвалиев А. Луғат ва луғат турлари хусусида// Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 1-сон. – 61-бет.
32. Мадвалиев А. Ўзбек лексикографияси тарихидан// Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 3-сон. – 34-бет.
33. Мадвалиев А. Этимологик маълумот – луғат мақоласининг таркибий қисми // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (Республика илмий ва амалий анжумани материаллари). – Андижон, 2010. – 42-43-бетлар
34. Махмудов Н. Ўзбек тили луғат бойлиги ривожда фаоллашган жараёнлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 5-сон, 13-бет.
35. Мирзаев Т., Хайитметов А. Олимнинг ноёб тухфалари//ЎТА, 1993, №5 – 72-74-б.
36. Мирзоева А.А., Султанова И.М. О методологических принципах общественной природы изучаемых языков // Filologiya masalalari, № 6. – Ozarbaýcan, Baku, 2012.
37. Набиева Д. Лексема ва унинг тил системасидаги ўрни// Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари (Илмий-амалий хотира анжумани материаллари) – Фаргона, 2010. - 61-бет.
38. Одилов Ё. Мустақиллик даври лексикасида маъно тараккиёти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2016 2-сон. 41-б.
39. Расулов К.А. Социолект ва нутқ // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007, 4-сон. – 64-бет.
40. Рафиев А. 20-йиллар ўзбек тили лексикасидаги таркибий ўзгаришларнинг моҳияти хусусида //Ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2006. – 50-бет.
41. Рафиев А. 20-йиллар ўзбек тили лексикасидаги таркибий ўзгаришларнинг моҳияти хусусида //Ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2006. – 52-бет
42. Рахимов А. Жадидларнинг ўзбек тилшунослиги ривождаги ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. 6-сон.89-б.

43. Собиров А. Лексикани система сифатида ўрганиш масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, 1-сон.
44. Содиков Қ. Маҳмуд Қошғарий туркий диалектлар хақида // Адабий мерос, 4 (50), 1989. – 61-бет.
45. Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарий асарларининг тошбосма нусхалари хусусида // Til va adabiyot ta'limi, №6,2010. 56-64-б.
46. Убайдуллаев А. Ҳиндистонда яратилган туркий лугат // Til va adabiyot ta'limi, № 3 2010. 72-77-б.
47. Умаров Э. Мустақиллик ва мумтоз ўзбек тили // Til va adabiyot ta'limi, №11,2011. 14-17-б.;
48. Умаров Э. Типы толкования в староузбекских словарях // Адабий мерос, 2(52), 1990.
49. Умаров Э. Туркий сўзларнинг арузга тушиш сабаби // Til va adabiyot ta'limi, №2,2012. 86-88-б.
50. Умаров Э. Янги аниқланган Навоий лугати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 1-сон.
51. Умаров Э. Янги аниқланган Навоий лугати // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 1-сон. – 94-бет.
52. Фитрат А. Ёпишмаган гажаклар // Абдурауф Фитрат. “Чин севги” тўплами. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 246-бет.
53. Хасанов Б. Принципы отбора и расположения слов в рукописных словарях к произведениям Навои// Адабий мерос, 3(49), 1989.
54. Хасанов Б. Принципы отбора и расположения слов в рукописных словарях к произведениям Навои// Адабий мерос, 3(49), 1989.
55. Хасанов Б. Рукописные словари к произведениям Навои. Лугат-и атракийя. - Адабий мерос, 1 (55), 1991. –
56. Хасанов Б. Сравнительный аспект в словарях к произведениям Навои // Адабий мерос, 2(52). 1990. – 26-бет. Самойлович А.А. Персидский турколог XVIII в. Мехдихан // Известия общества обследования и изучения Азербайджана. – Баку, 1927, № 5.
57. Хасанов Б. Сравнительный аспект в словарях к произведениям Навои // Адабий мерос, 2(52), 1990.
58. Хошимова Н. Ассоциатив муносабатлар ва индивидуаллик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010, 2-сон. – 81-84-бетлар.

59. Ҳамидов З., Убайдуллаев А. Лугатлар тарихидан. // Тил ва адабиёт таълими, 2004, 6-сон.
60. Ҳасанова Д. Сўз ўзлаштиришнинг сўз ясашига муносабати ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 1-сон. Ефремов Л.П. Калькирование как одна из причин возникновения лексической омонимии – Изв. АН Казахстан, серия филологии и искусствоведения, вып. II, 1962. – С.51.
61. Ҳасанова Д. Сўз ўзлаштиришнинг сўз ясашига муносабати ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, 1-сон. – 84-бет.
62. Ҳожиев А. Мустакиллик шароитида ўзбек тили лугат таркибининг ривожланиш асослари // Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1994, №1-2.
63. Хусанов Н. Бир ноёб лугат ва унинг муаллифи // Фан ва турмуш, 1982, № 3. – 25-бет.
64. Хусанов Н. Бир ноёб лугат ва унинг муаллифи // Фан ва турмуш, 1982, № 3. – 24-25-бетлар.
65. Ширинова Е. Лингвистик тадқиқотларда антропоцентризм // ЎТА, 2013. №6. – 105-бет.
66. Шорахмедова Н. Словарь “Хамса ба халли лугат” // Адабий мерос, 2(44), 1988. – 32-бет.
67. Шорахмедова Н. Толкование полисемантических словъ в словаре “Хамса бо халли лугат” // Адабий мерос, 1(55), 1991.
68. Якубинский Л.П. Несколько замечаний о словарном заимствовании // Язык и литература, т. I, вып. I, II. – Л., 1926.
69. Янги топилган Навоий асарлари лугати // ЎТА, №4, 1991, 76-78-бетлар.

V. Интернет манзиллари:

1. http://www.navoi.uz/uz/content/about/about_alisher_navoi/
2. http://www.idshi.uz/index.php?option=com_content&view=article&id=205&Itemid=128
3. <http://www.nokia.uz/uz/about/pressrel/1518.htm>
4. <http://ru.wikipedia.org/wiki>
5. http://www.rifmovnik.ru/ideog_book1.htm#f11
6. <http://ru.wikipedia.org/wiki>

7. <http://www.mylanguage.ru/Mods/CoursFrm.asp?actid=104>
8. <http://www.vseznaikin.ru/articles/69/1006978/1006978a1.htm#1006978-L-102>
9. http://student.km.ru/ref_show_frame.asp?id
10. <http://ls1v.narod.ru/f8/p82682.html>
11. <http://annababina.narod.ru/termin1.html>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. ЎЗБЕК ЛУҒАТЧИЛИГИ ТАРИХИ	
1. Ўзбек луғатшунослиги: таракқиёт йўналишлари ва боскичлари.....	5
2. XI-XIII аср луғатчилиги	9
3. Навоий асарлари асосида яратилган луғатлар.....	13
4. Шўро даври ўзбек луғатшунослиги.....	24
3. Мустикаллик даври ўзбек луғатчилиги: анъана ва новаторлик..	28
II. ЎЗБЕК ТИЛИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ	
1. Ўзлашма сўзлар хақида.....	35
2. Изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзларнинг аслият билан семик мувофиқлиги.....	60
3. Изоҳли луғатлардаги ўзлашма сўзлар таснифи.....	84
III. ЎЗЛАШМА СОЦИОЛЕКТЛАР ИЗОҲИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР	
1. Социолект хақида.....	113
2. Диний тушунчаларни ифодаловчи лексемалар изоҳидаги ўзгаришлар.....	123
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	152
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	154

ҚЎЗИЕВ УМИДЖОН

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА
ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ**

Монография

